10. Эконометрика. Дарслик. Тошкент нашрети, 2019, 246.бет. Ҳабибуллаев И..

11. Alimov R.X., Almuradov A.A., Xomidov S.O. Ekonometrik modellashirish. O`quv qo`llanma. – T.: IQTISODIYOT, 2019. – 122 b. 48-bet

12. Rasulev D., Nurullaeva Sh., Ro`zmetova N., Muminova M. Ekonometrika asoslari. O`quv qo`llanma. –T.: Iqtisodiyot, 2019. – 248 bet.90-bet

UO`T:338.984(045)

MINTAQANI IJTIMOY-IQTISODIY RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSION JOZIBADORLIK TAHLILI

J.A.Ismatullayev, tayanch doktorant, Qarshi Davlat Universiteti, Qarshi

Annotatsiya. Mazkur maqolada mintaqalar investitsion jozibadorligini nazariy asoslari hamda mintaqqa iqtisodiyotining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish sur'atlari va investitsion jozibadorligi tahlil qilinib, ularning yechimlari bo'yicha takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: mintaqqa, investitsiya, yalpi hududiy mahsulot, investitsion jozibadorlik, investitsion salohiyat, eksport, import.

Аннотация. В данной статье анализируются теоретические основы инвестиционной привлекательности регионов, темпов социально-экономического развития и инвестиционной привлекательности региональной экономики, а также вносятся предложения по их решению.

Ключевые слова: регион, инвестиции, валовой региональный продукт, инвестиционная привлекательность, инвестиционный потенциал, экспорт, импорт.

Abstract. This article analyzes the theoretical foundations of the investment attractiveness of the regions, the pace of socio-economic development and the investment attractiveness of the regional economy, and also makes proposals for their solution.

Key words: region, investment, gross regional product, investment attractiveness, investment potential, export, import.

Mamlakatning iqtisodiy rivojlanishini ta'minlashda mintaqalarning o'rni, hududlarda amalga oshirilayotgan kompleks chora-tadbirlar, ishbilarmonlik va tadbirkorlik muhiti uchun yaratilayotgan sharoitlar hamda raqobatbardoshlikni ta'minlashga xizmat qiladigan institutsional tuzilmalarning rivojlanganligi alohida ahamiyat kasb etadi. Mintaqalarda mavjud iqtisodiy resurslarning cheklanganligi tufayli ham ishlab chiqarish imkoniyatlarini oshirishning eng samarali usuli mavjud resurslardan oqilona foydalanish va yuqori texnologiyalarga asoslangan investitsion resurslarni safarbar etish maqsadga muvofiqdir. Investitsiyalarni mamlakatimiz iqtisodiyoti uchun naqadar muhim ahamiyatga ega ekanligini 2022-2026-yillarga mo'ljallab qabul qilingan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida **“Mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish, kelgusi besh yilda 120 milliard AQSH dollari, jumladan 70 milliard dollar xorijiy investitsiyalarni jalb etish choralari ko'rish”[1] vazifalari** belgilab olinganligidan ham anglab olishimiz mumkin.

Investitsiyalar mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy tizimini rivojlantirishning muhim omillaridan biridir. Bugungi kunda investitsion faoliyatning samaradorligi investitsiya strategiyasi doirasida amalga oshiriladigan investitsion jozibadorlik darajasi bilan aniqlanganligi sababli investitsion jozibadorlik tushunchasining mohiyatini o'rganish alohida ahamiyat kasb etmoqda. Iqtisodiy adabiyotlarni tahlili “Investitsion jozibadorlik” tushunchasini ta'riflashda haligacha yagona yondashuv ishlab chiqilmagan degan xulosani shakllantirish imkonini berdi. Shu munosabat bilan turli mualliflar, iqtisodchi-olimlarning investitsion jozibadorlikka bergan ta'riflari ko'rib chiqildi. Yakupova N. M. va Yarullina G. R. investitsiya jozibadorligini bir tomondan, tizimning investor manfaatlariga muvofiqlik darajasini tavsiflovchi iqtisodiy tizimlarga xos bo'lgan xususiyat, boshqa tomondan esa barcha investorlar zarur ma'lumotlarga ega bo'lgan holda oqilona harakat qilganlarida, raqobat muhitida ochiq bozorda ko'pchilik potensial investorlarning manfaatlari, ko'plab tipik motivatsiyalarining namoyon bo'lish shakli sifatida ifodalaydilar.[2] Aksenov S.I. investitsiya jozibadorligi deganda “investitsion muhit, investitsiya infratuzilmasining rivojlanish darajasi, investitsiya resurslarini jalb qilish imkoniyatlari, shuningdek, investitsiyalarning daromadlilik va investitsiya risklariga jiddiy ta'sir qiluvchi boshqa omillar nuqtai nazaridan mamlakat alohida

hududlarining ajralmas xususiyatini ifodalaydi”. [3] Askinadzi V. M. va Maksimova V.T. mintaqaning investitsion jozibadorligini “mintaqa investorining o‘z mablag‘larini mintaqaga investitsiya qilish borasidagi qaroriga nisbatan sub’yektiv bahosi” deb tushunadilar.[4] Mintaqaning investor tomonidan sub’yektiv baholanishi ko‘pincha unga oqilona investitsiya qarorini qabul qilishga imkon bermaydi, chunki investitsiya jozibadorligini baholash va investitsiya qarorini qabul qilish uchun ekspertlarning fikri zarur, ammo ba‘zan ekspertlarning fikri va investorning fikri bir-biriga mos kelmasligi ham mumkin. Vologdin E.V. mintaqaning investitsion jozibadorligini – “muayyan hududda joylashgan ob’yektlarga investitsiya kiritishning maqsadga muvofiqligi va samaradorligi to‘g‘risida investorning g‘oyasini shakllantirishga imkon beruvchi tabiiy-geografik, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va boshqa omillar majmui” sifatida ta’riflaydi. [5] Udalov D.A. mintaqaning investitsion jozibadorligini “investitsiya ob’yektiga xos bo‘lgan, investitsiya qilish shartlarini aniqlashga xizmat qiluvchi va asosli investitsiya qarorini qabul qilishga mo‘ljallangan investitsiya xususiyatlarining yig‘indisi” deb hisoblaydi.[6]

Qashqadaryo viloyatida YAHMning 2011-2022-yillardagi o‘rtacha ko‘rsatkichi 104,8 foizga teng bo‘lgan (1-jadval). Viloyatdagi holat 2011-2015-yillarda o‘rtachadan yuqori bo‘lgan va 106 foizli o‘shish darajasiga ega bo‘lgan. 2016-yildan boshlab mazkur ko‘rsatkich o‘rtachadan past holatni ifodalagan. Shunday bo‘lsada, 2016-2020-yillarda tebranuvchi tendensiyalarni ifodalab, umumiy holda pasayib borgan. Buning asosiy sababi – mazkur viloyatda yetakchi hisoblangan tarmoqlarning ishlab chiqarish hajmidagi qisqarish bilan asoslaymiz.

Qashqadaryo viloyatida sanoatning o‘shish ko‘rsatkichlari tahlil qilinganda, ko‘rsatkichlarda nobarqarorlikni kuzatish mumkin. 2012-yilda Qashqadaryo viloyati sanoati 2011-yilga nisbatan 5,2 foizli punktga pasaygan bo‘lsa, 2013-yilga kelib 4,7 foizli punktga oshgan holda, 2019-yilda 2018-yilga nisbatan keskin, ya’ni 14,6 foizli punktga pasaygan. 2021-2022-yillarda sanoatning o‘shish tendensiyasi kuzatilgan va 2021-yilda o‘zining maksimum o‘shish darajasi(15,4 foiz)ni qayd etgan. Bizga ma’lumki, YAHM shakllanishi birgina sanoat tarmog‘i bilan belgilanmaydi. Balki, uning tarkibidagi qolgan tarmoqlarni ham baholashimiz lozim. Ya’ni, qo‘shilgan qiymatning salmoqli qismini qishloq xo‘jaligi tarmog‘i yaratadi. Demak, ushbu sohaning ishlab chiqarish hajmi o‘zgarishini ham baholaymiz. Shuningdek, viloyatda yetakchi hisoblangan qishloq xo‘jaligi tarmog‘ining ishlab chiqarish hajmida ham yuqoridagi kabi tendensiya kuzitilgan. Ya’ni, eng yuqori o‘shish sur’ati 2013-yilda 107,2 foizga teng bo‘lgan bo‘lsa, 2018-yilda 2017-yildagiga nisbatan 6,7 foizli punktga qisqarish yuz bergan. (1-jadval).

1-jadval

Qashqadaryo viloyati soha va tarmoqlarining o‘shish sur’ati [7]

o‘tgan yilga nisbatan foizda

Yillar	YAHM o‘shishi	Sanoat	Qishloq xo‘jaligi	Qurilish	Chakana savdo tovar aylanmasi	Xizmatlar, jami	Eksport	Import
2011	106,0	104,4	105,1	104,9	127,2	122,7	129,9	79,6
2012	104,6	98,8	106,9	114,6	119,7	121,7	74,2	344,3
2013	105,4	103,5	107,2	105,1	118,7	121,6	97,7	105,5
2014	106,7	106,5	105,9	116,7	112,4	119,9	88,7	71,9
2015	106,6	105,1	106,0	124,9	111,6	117,0	90,7	151,2
2016	105,6	103,8	106,4	114,4	114,5	118,1	88,6	112,2
2017	103,5	107,9	103,3	99,9	100,1	104,5	94,7	706,
2018	102,0	108,3	96,6	110,9	103,2	106,6	119,6	133,6
2019	101,8	93,7	101,2	103,2	105,7	111,1	135,2	92,7
2020	102,7	102,9	104,0	98,6	102,0	106,7	53,7	75,8
2021	106,8	115,4	102,2	117,6	110,8	114,4	138,2	85,3
2022	105,6	110,5	103,7	105,8	112,5	114,1	112,3	82,6

Yuqorida ta’kidlab o‘tganimizdek, viloyatdagi sanoat va qishloq xo‘jaligi yalpi qo‘shilgan qiymatning yarmidan ortig‘ini yaratayotganligi yuqoridagi salbiy tendensiya natijasida YAHMga sezilarli ta’sir ko‘rsatmoqda.

Hududda investitsiya salohiyatining miqdoriy jihatlari qatorida, sifat ko‘rsatkichlari ham o‘shib bormoqda. Ya’ni, real sektorga kiritilgan investitsiyalar ko‘lami kengayib, rivojlanmoqda. Shu bilan birga, uning manbalarida ham sifat jihatdan o‘zgarishlar yuz berdi. Shunday bo‘lsada, hududlarda


investitsiyalar darajasini kengaytirish, uning salohiyatini oshirish uchun manbalarini baholash zarur. Qashqadaryo viloyatiga kiritilgan investitsiyalarning o'sish sur'ati tadqiqot davri davomida tebranuvchi tendensiyaga ega bo'lgan. Uning yuqori ko'rsatkichlari 2019-yilda 131,2 foizni tashkil qilgan bo'lsa, 2020-2022-yillarda pasayish kuzatilgan (2-jadval). Shuningdek, oxirgi yillarda investitsiyalar ko'lami salbiy sur'atlarni o'zida namoyon etmoqda. Mazkur jarayon viloyatda amalga oshirilayotgan yirik investitsion loyihalarning son jihatdan qisqarishi bilan bog'liq.

2-jadval

Qashqadaryo viloyatida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning manbalari (jamiga nisbatan foizda)[8]

Yillar	Asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmi, mlrd. so'm	Investitsiyalar ning o'sish sur'ati	Qabul qilingan mablag'lar	Korxonalar va aholining o'z vositalari	Davlat budjeti	Banklarning kreditlari va boshqa qarz mablag'lari	Chet el investitsiyalari va kreditlar
2011	2265,9	108,4	31,4	68,6	1,3	5,0	19,3
2012	3072,2	117,2	42,1	57,9	1,1	5,0	23,2
2013	3667,8	103,8	42,8	57,2	1,4	4,8	22,8
2014	4721,8	114,9	36,8	63,2	2,5	4,1	19,5
2015	5894,7	112,4	39,0	61,0	2,3	6,4	17,6
2016	7304,4	108,9	46,5	53,5	1,4	4,3	27,5
2017	11175,3	129,7	60,9	39,1	1,5	5,6	18,0
2018	16518,5	112,4	66,4	33,6	1,9	6,3	51,1
2019	24462,5	131,2	77,8	22,2	3,7	3,0	70,3
2020	20557,6	76,5	78,4	21,6	3,6	3,8	69,3
2021	17359,1	77,8	67,3	32,7	6,5	4,1	53,6
2022	16181,5	80,8	61,6	38,4	9,1	3,8	46,5

Shunday bo'lsada, asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning hajmi o'zgarishi bilan birga uning tarkibiy tuzilishida ham o'zgarishlar yuz bermoqda. Bu esa, ushbu yo'nalishda tadqiqotlar olib borishni taqozo qiladi. Chunki, manbalarining tarkibiy tuzilishi investitsiyalar o'sish sur'atini davomiylikni ta'minlab beradi. Tadqiqotimizni dastlabki bosqichda yirik ikkiga, markazlashgan va markazlashmagan investitsiyalarga bo'lib tahlil qilamiz.



1-rasm. 2022-yilda Qashqadaryo viloyati iqtisodiyotiga jalb qilingan markazlashgan va markazlashmagan investitsiyalar to'g'risida ma'lumot (2022-yil)[10]

Yuqoridagi 2-jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, Qashqadaryo viloyatida 2011-2022-yillarda asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmi 2011-yildagi eng kam miqdor - 2265,9 mlrd. so'mdan 2019-yildagi eng katta miqdor – 24462,5 mlrd. so'mgacha monoton o'sishda davom qilib, o'rtacha o'sish sur'ati 134,95 % ni tashkil qilgan. 2020-yil va undan keyingi yillarda pasayishning asosiy sabablaridan biri pandemiya va global inqirozning yuzaga kelishi hisoblanadi. Hukumatimiz tomonidan olib borilayotgan oqilona investitsiya siyosatining muhim chora-tadbirlariga qaramasdan Qashqadaryo viloyatida tadqiq qilinayotgan davr mobaynida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmida korxonalar, tashkilotlar va aholining o'z mablag'lari hisobidan amalga oshirilayotgan investitsiyalarning ulushi yil sayin pasayib, davlat budjeti mablag'lari hisobidan amalga oshirilayotgan investitsiyalarning ulushi ortib borishi kuzatilgan. Mazkur holat markazlashgan moliyalashtirish manbalaridan biri bo'lgan - chet el investitsiyalarini jalb qilishga nisbatan


yengilliklar va preferensiyalarning yaratib berilganligi, xorijiy investorlarning huquq va manfaatlari davlat tomonidan qonun yo'li bilan yanada mustahkamlanib borilayotganligi bilan bog'liq hisoblanadi.

Xususan, o'tgan 2022-yilda ham Qashqadaryo viloyatida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmi 16181,5 mlrd. so'mni, shundan jalb etilgan mablag'lar 9967,8 mlrd. so'mni (61,6%), korxonalar, tashkilot va aholining o'z mablag'lari 6213,7 mlrd. so'mni (38,4%) tashkil etdi[9].

Asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning markazlashganlik darajasidan kelib chiqib tahlil qiladigan bo'lsak, markazlashgan moliyalashtirish manbalari hisobidan 21,8 foiz (3534,5 mlrd. so'm), markazlashmagan moliyalashtirish manbalari hisobidan esa 78,2 foiz (12647,0 mlrd. so'm) investitsiyalar o'zlashtirildi (1-rasm). Qashqadaryo viloyati bo'yicha asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalar hajmida markazlashmagan moliyalashtirish manbalari hisobiga jalb qilingan investitsiyalar hajmining yildan-yilga ortib borayotganligi va bunda asosan to'g'ridan-to'g'ri xususiy va boshqa investitsiya va kreditlar hajmining kengayib borayotganligi hududning investitsiya salohiyati va jozibadorligi xususida xolisona xulosa chiqarish imkonini beradi.

Markazlashgan moliyalashtirish manbalarining eng katta qismi – 48,4 foizi O'zbekiston Respublikasi kafolati ostidagi xorijiy investitsiya va kreditlar, eng kichik qismi – 1,1 foizi esa Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi hisobiga to'g'ri keldi. Shuningdek, Respublika budjeti 41,5 foizni, suv ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish jamg'armasi 9,0 foizni tashkil etdi (1-rasm).

Asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalarning katta qismi, ya'ni jami investitsiyalarning 35,9 % to'g'ridan - to'g'ri va boshqa xorijiy investitsiya va kreditlar hisobidan moliyalashtirilgan. Shuningdek, aholi mablag'lari hisobidan 14,8 %, korxonalar va tashkilotlarning o'z mablag'lari 23,6 %, Respublika budjeti 9,0 %, O'zbekiston Respublikasi kafolati ostida xorijiy kreditlar 10,6 %, tijorat banklar kreditlari va boshqa qarz mablag'lari 3,9 %, tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi 0,2 % hamda suv ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish jamg'armasi 2,0 % asosiy kapitalga investitsiyalar o'zlashtirildi. Bunday investitsiya loyihalariga Sho'rtan gaz kimyo majmuasida tozalangan metan asosida sintetik suyultirilgan yoqilg'i ishlab chiqarishini tashkil etish va boshqa investitsiya loyihalarini sanab o'tish mumkin. Markazlashmagan moliyalashtirish manbalarining 30,2 foizini korxonalar va tashkilotlarning o'z mablag'lari tashkil etadi. Bu korxonalar va tashkilotlarning asosiy qismi o'z faoliyatlarini kengaytirish hamda texnik va texnologik qayta qurollantirish maqsadidagi investitsiyalarini avvalambor o'z mablag'lari hisobidan amalga oshirishlari bilan bog'liq.



3-rasm. Qashqadaryo viloyatining shahar va tumanlarida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning o'sish sur'atlari, % da (2022-yil)[11]

Qashqadaryo viloyatida to'g'ridan-to'g'ri va boshqa xorijiy investitsiya va kreditlar hisobidan o'zlashtirilayotgan investitsiyalar hajmi tobora ortib bormoqda. Buni biz o'tgan 2022-yil mobaynida ushbu moliyalashtirish manbai hisobidan investitsiyalar jami markazlashmagan moliyalashtirish manbalarining 45,9 foizini tashkil etganligidan ko'rishimiz mumkin. Mazkur davrda markazlashmagan investitsiyalarni moliyalashtirish manbalarining tarkibida aholi mablag'larining

ulushi 18,9 % ni, tijorat banklari kreditlari va boshqa qarz mablag'larining ulushi esa 5,0 ni tashkil qilgan. Yuqoridagi ko'rsatkichlar tahlili ham Qashqadaryo viloyatining investitsiya salohiyati oshib borayotganligi sababli to'g'ridan-to'g'ri va boshqa xorijiy investitsiya hamda kreditlar hisobidan o'zlashtirilayotgan investitsiyalar hajmining ortayotganligini yana bir bor tasdiqlaydi.

Qashqadaryo viloyatining shahar va tumanlarida 2022-yil mobaynida asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalarning o'sish sur'atlarini tahlil qiladigan bo'lsak, investitsion faollik natijasida yuqori o'sish sur'atlari qayd etgan Nishon tumani, Shahrisabz shahri, Koson va Chiroqchi tumanlarida o'tgan yilning shu davriga nisbatan mos ravishda o'sish sur'ati 177,3 %, 132,4 %, 126,8 % va 119,3% ni tashkil qilganligiga guvoh bo'lishimiz mumkin. Eng kam ko'rsatgich G'uzor tumaniga to'g'ri kelib, bu ko'rsatgich 49,4 % ni tashkil qildi (3-rasm).

Bunda quyidagi yirik investitsiya loyihalarining ulushi katta: Hisor investitsiya bloki hududida uglevodorod konlarida qazib chiqarishni yo'lga qo'yish, Qarshi tumanida to'qimachilik kompleksini tashkil etish (2-bosqich) va boshqa investitsiya loyihalar. Erishilgan yutuq va imkoniyatlarni katta resurs salohiyatiga ega bo'lgan viloyat uchun qoniqarli deb bo'lmaydi, lekin tahlillar natijasi shuni ko'rsatadiki, investitsiyalarni keng miqyosda jalb qilish borasidagi mavjud imkoniyatlardan samarali foydalanishda quyidagi omillar to'sqinlik qilmoqda:

– xorijiy investitsiyani jalb etuvchi korxonalarining tashqi bozorga chiqishda yetarli bilim va tajribaga ega emasligi, xalqaro bozordagi mavqeining pastligi;

– investitsiya jarayoni ishtirokchilarining o'zaro bir-birlari to'g'risida yetarli ma'lumotga ega emasligi yoki bu ma'lumotlar doim to'liq va ishonchli bo'lmasligi;

– xalqaro maydonda viloyatdagi investitsion muhit va hudud iqtisodiyotining yetakchi tarmoq, kompaniya va tashkilotlarining investitsion imkoniyatlari to'g'risidagi ma'lumotlarni keng targ'ib etish, tahlil qilish, baholash va tasdiqlash kabi tadbirlarni kuchaytirish;

– kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'yektlarining jahon bozorlariga chiqishi uchun ularning faoliyatini yanada jadallashtirish va rag'batlantirish mexanizmlarining takomillashmaganligi;

– viloyatda dam olish va turistik maskanlarning mavjudligi va bu boradagi salohiyatning yuqoriligini e'tiborga olib, turistik bazalarni, dam olish oromgohlarini tashkil etish uchun investitsiyalarni kengroq jalb etish maqsadga muvofiqdir.

– respublikamizning boshqa viloyatlari kabi Qashqadaryo viloyatida ham erkin iqtisodiy va sanoat zonalarini tashkil etish zarurligi kabi mavjud muammolarni hal etish zarurdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi "2022 - 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni <https://lex.uz/docs/5841063>
2. <https://econpapers.repec.org/article/scn004883/13953583.htm>
3. [http://www.rfej.ru/rvv/id/F0043A9B0/\\$file/111-120%20Article%20Aksenova.pdf](http://www.rfej.ru/rvv/id/F0043A9B0/$file/111-120%20Article%20Aksenova.pdf)
4. Аскинадзи, В. М., Максимова, В. Т. Инвестиционное дело [Текст] : учебное пособие / В. М. Аскинадзи, В. Т. Максимова. М.: Университетская книга, 2012. 764 с.
5. <http://elibrary.asu.ru/xmlui/bitstream/handle/asu/3545/book1423t.pdf?sequence=3>
6. <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-investitsionnoy-privlekatelnosti-u-analiz-postroenie-opisatelnoy-funksii-investitsionnoy-privlekatelnosti-u-t>
7. Qashqadaryo viloyati statistika boshqarmasi ma'lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari.
8. Qashqadaryo viloyati Statistika boshqarmasi ma'lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari asosida to'ldirilgan.
9. Qashqadaryo viloyati statistika boshqarmasi ma'lumotlari (<http://www.qashstat.uz>)
10. Qashqadaryo viloyati statistika boshqarmasi ma'lumotlari (<http://www.qashstat.uz>) asosida tuzilgan.
11. Qashqadaryo viloyati statistika boshqarmasi ma'lumotlari (<http://www.qashstat.uz>) asosida tuzilgan.

UO'K 658-330.131.7

XIZMATLAR SOHASIDA RISKLARNI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI BAHOLASH

N.Q.Jo'rayeva, PhD, Farg'ona davlat universiteti, Farg'ona

Annotatsiya. Uy-joy kommunal xo'jaligi fuqarolarning hayot qulayliklarini ta'minlash tizimidagi eng muhim tarkibiy qism bo'lib, mamlakatning deyarli barcha aholi qatlamini qamrab

oladi va bu nuqtai nazardan, iqtisodiyotning boshqa sohalari orasida hayotning barcha jabhalariga jiddiy ta'sir ko'rsatadigan yagona soha hisoblanadi. Uy-joy kommunal xizmat ko'rsatish sohasi milliy iqtisodiyotning muhim tarmog'i bo'lib, uning tarkibiga sohalarda aniq belgilangan faoliyat turlarini amalga oshiradigan korxonalar kiradi. Ushbu maqolada aynan shu korxonalar faoliyatini boshqarish jarayonida risklar va ularni boshqarish masalalari o'rganildi.

Kalit so'zlar: milliy iqtisodiyot, tarmoqlar va sohalar, uy-joy kommunal xo'jaligi, uy-joy kommunal xizmat ko'rsatish sohasi, boshqarish, risklar

Аннотация. Жилищно-коммунальное хозяйство является важнейшим звеном в системе обеспечения бытовых удобств граждан, охватывает практически все слои населения страны и с этой точки зрения является единственной отраслью среди других отраслей экономики, серьезное влияние на все стороны жизни. Сфера жилищно-коммунального хозяйства является важной отраслью народного хозяйства, в которую входят предприятия, осуществляющие четко определенные виды деятельности в областях. В данной статье были изучены риски и вопросы управления ими в процессе управления деятельностью данных предприятий.

Ключевые слова: народное хозяйство, отрасли и сферы, жилищно-коммунальное хозяйство, сфера жилищно-коммунальное хозяйство, управление, риски

Abstract. Housing and communal economy is the most important component in the system of providing life comforts of citizens, covers almost all population strata of the country, and from this point of view, it is the only sector among other sectors of the economy that has a serious impact on all aspects of life. The field of housing and communal services is an important branch of the national economy, which includes enterprises that carry out clearly defined types of activities in the fields. In this article, the risks and their management issues in the process of managing the activities of these enterprises were studied.

Keywords: national economy, industries and spheres, housing and communal services, housing and communal services, management, risks

Milliy iqtisodiyot hamda uning tarmoq va sohalarini modernizatsiyalash sharoitda uy-joy kommunal xizmatlar ko'rsatish sohasi o'ziga xos murakkab dinamik tizim ko'rinishida ifodalanib, ko'plab xo'jalik yurituvchi subyektlar bir vaqtning o'zida unda faoliyat ko'rsatadi va ular o'rtasida ko'p yo'nalishli o'zaro munosabatlar majmui amalga oshiriladi.

Korxonalar faoliyatini boshqarishdagi tavakkalchilik ko'pincha tasodifiy hodisa deb tushuniladi va uni amalga oshirishda faoliyatga salbiy ta'sir yuzaga keladi. Bu salbiy ta'sir ishlarni bajarish muddatlarining cho'zilishida va bevosita buni bog'liq ravishda faoliyatni tugatish muddati, ish qiymati hamda sifatining past baholanishi va natijada xarajatlarning ortib ketishida ko'rinadi.

Korxonalar faoliyatini boshqarish jarayonida risklar ikkita asosga ko'ra tavsiflanadi: 1) xatarning yuzaga kelish ehtimoli; 2) ekspertlarning xulosalari. Har ikki tavsifning umumiy xususiyati - bu riskning ta'sir darajasi hamda kutilayotgan zarardan iborat.

Risklarni baholash sifati formulaga kiradigan ko'rsatkichlar tomonidan ham, formulaning o'zi tomonidan ham belgilanadi. So'nggi paytlarda risklarni yuqori sifatda baholash, shu jumladan, ehtimollik, zarar va ta'sir darajasini baholash keng tarqalmoqda. Buning sababi – ehtimoliy hisob-kitoblar statistikasi yoki har qanday holatda ham hodisalarning ma'lum bir chastotasini talab qiladi. Shu bilan birga, ehtimollik, zarar va ta'sir darajasini sifatli baholashdan foydalanish tabiiydir. Ehtimollar va zararni baholashning kichik xavf, o'rta xavf va yuqori xavf shkalasi eng keng tarqalgan baholash turi hisoblanadi.

Kichik xavf faoliyat parametrlariga deyarli ta'sir ko'rsatmaydi deb hisoblanadi va odatda hisobga olinmaydi. Sifatli hisob-kitoblar ularning miqdoriy qarama-qarshiliklarini yashirganligini ta'kidlab o'tish lozim. Masalan, 0 dan 0,05 gacha xatarli voqea sodir bo'lish ehtimoli kichik tavakkalchilikka, 0,05 dan 0,3 gacha o'rtacha va 0,3 dan yuqori xavfga bog'liq bo'lishi mumkin. Agar vaqtinchalik xavflar yodda tutilsa, faoliyatning davomiyligining 5% ga yaqin og'ishi kichik risklarga, 5% dan 30% gacha o'rta risklarga va 30% dan yuqorisi yuqoririsklarga bog'liq bo'lishi mumkin.

Bugungi kunda ushbu chegaralar ekspert usullari bilan aniqlanadi va ko'p jihatdan faoliyat shartlariga bog'liq. Risklarning ta'sir darajasini aniqlashda esa turli xil usullar qo'llaniladi.

Oddiy usulda ta'sir darajasini aniqlash – faoliyatdan ko'rilishi mumkin bo'lgan zararni aniqlash maqsadida riskni baholash usulidir. Bunda 1, 2, 3, 4, 6, 9 ta'sir ko'rsatish darajasining oltita nuqtali shkalasi olinadi. Uning noqulay tomoni shkalaning notekisligidir.

Ko'pincha ta'sir darajasini baholashning uch balli shkalasi qo'llaniladi: kichik, o'rta va yuqori. Bunday holda ta'sir darajasining qiymatini bilish uchun ehtimoliy baholash va zararni aniqlash matritsasi qo'llaniladi (1-rasm).

3	2	3	3
2	2	2	2
1	1	1	2
$\frac{Y}{B}$	1	2	3

1-rasm. Qarorlar qabul qilishning ehtimoliy baholash va zararni aniqlash matritsasi¹

Ushbu rasmdan ma'lum ustuvor baholashni ajratib olish mumkin. Xususan, o'rtacha zarar ehtimollik past bo'lgan holda ekspertlar o'rtacha ehtimollikdagi (1 ball) kichik zararga qaraganda ko'proq ta'sir (2 ball) deb hisoblashadi.

Agar ehtimollik smetasi zararni baholashdan ko'ra ustuvor bo'lsa, matritsa quyidagicha ko'rinishda bo'ladi (2-rasm).

3	2	2	3
2	1	2	3
1	1	1	2
$\frac{Y}{B}$	1	2	3

2-rasm. Qarorlar qabul qilishning ehtimollik smetasi zararni baholashdan ko'ra ustuvor holati uchun ehtimoliy baholash va zararni baholash matritsasi

Va nihoyat, agar ikkala taxmin ham bir xil ustuvor bo'lsa, unda matritsa nosimmetrik bo'ladi (3-rasm).

3	2	3	3
2	1	2	3
1	1	2	2
$\frac{Y}{B}$	1	2	3

3-rasm. Qarorlar qabul qilishning har ikki taxmin ustuvor bo'lish holati uchun ehtimoliy baholash va zararni baholash matritsasi²

Tadqiqotda to'plam matritsasini tanlash katta ahamiyatga ega, chunki natijada yuzaga keladigan ta'sirni baholash eng muhim xavflarni aniqlash va tegishli choralarini ishlab chiqish uchun asos bo'ladi (xavfni kamaytirish, xavfni uzatish, xavfni qabul qilish yoki xavfdan qochish). Javob choralarining asosiy choralaridan biri xavfni kamaytirish, ya'ni ehtimollikni, zararni yoki ikkalasini kamaytiradigan bir qator tadbirlarni amalga oshirishdir. Minimal xarajatlar bilan xavf darajasini kerakli darajaga tushirish vazifasini ko'rib chiqamiz.

Xavfni kamaytirish uchun n choralar ko'rilsin, ya'ni zararni yoki riskni ham kamaytirish mumkin. Avvalo xavfli hodisa ro'y berish ehtimolini kamaytirish uchun n -o'lchovlar to'plamidagi Q va m -o'lchovlar tizimidagi P ni kamaytirish choralari to'plamini ko'rib chiqaylik. Xavflarni kamaytirish bo'yicha choralarning ta'sirini baholash uchun ehtimoliy zararni miqdoriy baholashni davom ettirish tavsiya etiladi. P_c va P_b ehtimollikning chegara qiymatlari bo'lsin. Agar risk hodisasining ehtimoli yarim ochiq oraliqda bo'lsa ($0; P_n$], unda bu yarim shkalada kichik ehtimollik, agar yarim ochiq intervalda ($P_n; P_c$) bo'lsa, u holda o'rtacha ehtimollik, va ($P_c; 1$) bo'lsa, u holda

¹ Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

² Burkov V.N., Novikov D.A., Shchepkin A.V. (2015) Simulation Models for Control Mechanisms in Ecological-Economic Systems. In: Control Mechanisms for Ecological-Economic Systems. Studies in Systems, Decision and Control, vol 10. Springer. pp. 487-488.

yuqori ehtimollik mavjud. Q_n va Q_c zararining cheklangan qiymatlari ham shu tartibda belgilanadi. Keyingibosqichda a_i - zararni kamaytirish uchun i -o'lchovdan keladigan samarani, i -chi o'lchov qiymatini kamaytirish uchun sarflarni aniqlanadi. Biz, avvalo, ehtimollikni kamaytirish muammosini ko'rib chiqamiz. Agar $x_i = 1$ deb belgilasak, agar voqea risklarni boshqarish rejasiga kiritilgan bo'lsa, $x_i = 0$. Barcha jihatlarini hisobga olgan holda umumiy samarani quyidagicha ifodalash mumkin:

$$B(x) = \sum_{i=1}^n a_i \cdot x_i$$

Mavjud bo'lgan ehtimollik darajasi $p > p_c$ bo'lsin, ya'ni ehtimollik yuqori. Ehtimolni o'rtacha darajaga tushirish uchun kamida $(p - p_c)$ va, undan past $(p_0 - p_c)$ ta'sirni ta'minlash kerak.

Muammoning qo'yilishi. x_i ($i=1, n$)da minimal ko'rsatkichni aniqlash lozim. Bunda:

$$C(x) = \sum_{i=1}^n c_i \cdot x_i$$

Har ikki holatdan foydalanib o'zgarishlar amalga oshirilsa, formula quyidagi ko'rinishga keladi:

$$\sum_{i=1}^n a_i \cdot x_i \geq p - p_c$$

O'zgaruvchilarni almashtirish ($z_i = 1 - x_i$, $i=1, n$) natijasida muammo klassik napsak muammosi holatiga keladi, bunda z_i , $i=1, n$ bog'lanishning yuqori qiymatini aniqlash lozim:

$$\sum_{i=1}^n z_i \cdot c_i$$

O'rin almashtirishlar amalga oshirilganda formula quyidagi ko'rinishga keladi:

$$\sum z_i \cdot a_i \leq \sum a_i - (p - p_c) = A$$

Yuqoridagi formula ko'rinishlaridan xulosa qilib aytish mumkinki, har qanday holatda korxonadan risklarni minimallashtirish uchun xarajatlarni kamaytirish lozim.

Umuman olganda, risklarni boshqarishning taklif etilayotgan yo'nalishlari quyidagi choratadbirlarni amalga oshirish bilan qisqartirilishi mumkin:

1. Uy-joy kommunal xizmatlarini ko'rsatish natijalariga ma'lum risklarning salbiy ta'sirini kamaytirish. Bunda mumkin bo'lgan quyidagi profilaktik choralar ko'rilishi lozim:

- rejalashtirish, xizmat ko'rsatishni tashkil etish, xizmatlarni taqdim etish sifatini boshqarish va oshirish;

- xizmat ko'rsatishning asosiy obyektlari (birinchi navbatda, ko'p xonadonli uy-joy fondi) holatini monitoring qilish;

- yangi qurilayotgan turar-joy binolari uchun qurilishning sifat nazorati va bosh pudratchilar tomonidan kafolat majburiyatlari to'liq bajarilishini ta'minlash;

- bozor nazorati subyektlari tizimini takomillashtirish va ularning faoliyat ko'rsatishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratish;

- malakali kadrlar tayyorlash bo'yicha uslubiy bazani ishlab chiqish va amalga oshirish;

- moddiy va moliyaviy resurslar uchun zaxira fondlari tizimini yaratish;

- uy-joy qurilishini boshqarishning asosiy ishtirokchilari uchun moliyaviy, iqtisodiy va huquqiy kafolatlar institutini joriy etish;

- uy-joykommunal xizmat korxonalarining debitorlik va kreditorlik qarzlarni optimallashtirish;

- tadbirkorlik tuzilmalari tomonidan uy-joykommunal xizmatlar bozorida faoliyat ko'rsatishning eng maqbul strategiyasini tanlash;

- uy-joy kommunal korxonalarini faoliyatining shaffofligini ta'minlash.

2. Uy-joy kommunal xizmatlarini ko'rsatishda riskning samarali sug'urta tuzilmasini shakllantirish.

Yuqorida ko'rsatib o'tilgan tadbirlar uy-joy kommunal xizmatlari ko'rsatishda risklarni aniqlash, tasniflash va tartibga solish strategiyasini amalga oshirish xizmatlarni taqdim etish sifatini nazorat qilishni yaxshilashga imkon beradi. Bu aholiga yuqori sifatli xizmatlarni taqdim etish tizimlarining ishonchli va barqaror ishlashini, ko'p xonadonli uy egalarining ijtimoiy himoyasini ta'minlaydi va eng muhimi, bozor munosabatlarini chuqurlashtiradi va uy-joy kommunal sohasidagi korxonalar o'rtasida raqobatni vujudga keltiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Кузьмин Э.А. Неопределенность в экономике: понятия и положения // Вопросы управления. №. 2(2), 2012. С. 80-92.
2. Borkovskaya VG Complex models of active control systems at the modern developing enterprises. Advanced Materials Research (Volumes 945-949). Chapter 22: Manufacturing Management and Engineering Management. June 2014. Pages 3012-3015
3. Burkov V.N., Novikov D.A., Shchepkin A.V. (2015) Simulation Models for Control Mechanisms in Ecological-Economic Systems. In: Control Mechanisms for Ecological-Economic Systems. Studies in Systems, Decision and Control, vol 10. Springer. pp. 487-488
4. Жураева, Н.К. (2021). Некоторые аспекты совершенствования управленческих механизмов жилищно-коммунальных услуг в узбекистане. *Бюллетень науки и практики*, 7(12), 246-255.
5. Жураева, Н.К. (2021). Уй-жой коммунал хизматлари соҳаси фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш. *Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси*, (6), 152.
6. Juraeva, N.K. (2021). Theoretical and methodological foundations of housing and communal services management. *Theoretical & applied science Учредители: Теоретическая и прикладная наука*, (9), 10-16.
7. Жураева, Н.К. (2020). Теоретические вопросы управления системой жилищно-коммунального хозяйства. *IX Global science and innovations*.
8. N.K. Juraeva. (2022) Уй-жой коммунал хизматлари соҳаси фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш - Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali
9. Жураева, Н.К. (2021). Уй-жой коммунал соҳаси корхоналари рақобатбардошлиги ва хизматлар сифатини бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолаш. "Логистика ва иқтисодиёт" илмий электрон журналі. *Kielce: Laboratorium Wiedzy Artur Borcuch*.
10. Жураева, Н.К. (2021). Коммунал хўжалигининг жамият ҳаётидаги ўрни. *Наука сегодня: проблемы и перспективы развития [Текст]: ма*, 23.
11. Kurbonovna, D. N. (2022). Priority directions for improving the level of international marketing in foreign economic activities of enterprises. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 232-239.
12. Juraeva, N. K. (2022). Socio-economic advantages of using the "local cluster" model in improving the efficiency of housing and communal services in the regions. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 84-93.
13. Juraeva, N. K. (2022). System of Economic and Social Efficiency Evaluation Indicators of Housing and Communal Services. *American Journal of Economics and Business Management*, 5(11), 66-75.
14. Mirzaev A.T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). India. Volume: 5 Issue: 7 July 2020. –P.131-137. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4790>
15. Мирзаев А.Т. Совершенствование системы электронного бронирования как часть цифрования управленческой деятельности туристско-рекреационных предприятий. Бюллетень науки и практики. Нижневартовск, Россия. Т. 6. №8. 2020. – 99-104 б. DOI: <https://doi.org/10.33619/2414-2948/57>
16. Мирзаев А.Т. Ўзбекистонда туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этишнинг зарурияти. Бизнес-Daily медиа. -2020, №1. -62-65-б.
17. Мирзаев А.Т. Ўзбекистонда туристик-рекреация хизматларини бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолаш. Хитойда саноатлашувни жадаллаштиришда кластерлаш модели хусусиятлари. Бизнес-Daily медиа. -2020, №6. -57-61-б.
18. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация кластерларини бошқаришда инновацион салоҳиятнинг ресурс компонентини баҳолаш услугиёти // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. -2020, №4. 4/2020 (№ 00048). 390-401 б. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

IMPORTANCE OF TRANSPORTATION INFRASTRUCTURE FOR THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN THE REGION

Sh.Kh.Kadirova, lecturer, Bukhara state university, Bukhara

Annotatsiya. *Ilmiy maqolada asosan mintaqada turizm rivojlanishida transport sohasi va ular tomonidan ko'rsatiladigan xizmatlar haqida fikr yuritilgan. Chunki so'ngi yillarda, ayniqsa pandemiyadan keyin ko'pgina mintaqalarda turizm sohasi qayta tiklandi. Shu sababli transport infrastrukturasi va xizmatlarini aniq maqsadga yo'naltirilgan holda yo'lga qo'yich muhim ahamiyat kasb etadi.*

Kalit so'zlar: *transport, transport xizmatlari, sifat, infratuzilma, asosiy xizmatlar, turistik marshrutlar, talab.*

Аннотация. *В научной статье в основном рассматриваются транспортная сфера и предоставляемые ими услуги в развитии туризма в регионе. Потому что в последние годы, особенно после пандемии, во многих регионах возродилась туристическая отрасль. По этой причине важно создавать транспортную инфраструктуру и услуги с определенной целью.*

Ключевые слова: *транспорт, транспортные услуги, качество, инфраструктура, основные услуги, туристические маршруты, спрос.*

Abstract. *The scientific article mainly reflects on the transport sector and the services provided by them in the development of tourism in the region. Because in recent years, especially after the pandemic, the tourism industry has been revived in many regions. For this reason, it is important to set up transport infrastructure and services with a specific purpose.*

Key words: *transport, transport services, quality, infrastructure, basic services, tourist routes, demand.*

Transport is one of the main sectors of the service sector in many countries. The volume of transportation services in the country often depends on the economy of the country. For this reason, transport services themselves often stimulate increased levels of economic activity. In tourism, the transport industry refers to the transport (transfer) of tourists from one place to another within and outside the country and, if necessary, bringing them back (by air, by ground and by air). Services in the organization of tourism are divided into two types. That is, it is divided into basic and additional services. Transport services are included among the main services. However, in recent years, many transport companies that are not related to tourism, that is, ordinary citizens, mail and cargo. Because we know that tourism is seasonal. Therefore, when the number of tourists decreases (off-season), the work of transport companies also slows down, and as a result, problems arise for transport companies. Therefore, the seasonal nature of tourism creates serious problems for transport companies.

Tourism as a type of activity is inextricably linked with the departure of tourists from their permanent residence, and it cannot be imagined without transport. The transport system is determined by the level of technical development, when it excludes the transfer of tourists from one place to another on foot. Transporters of tourists from one place to another are divided into main and auxiliary carriers according to the stages of work and their place in the tourist product [6]. In January-December 2022, the total volume of cargo transportation by rail, air, and road transport is 1.34 billion tons (98.6 percent compared to the corresponding period of last year), cargo turnover is 45.5 billion tons/km. (103.5 percent). The volume of passenger transportation in all transport was 6.17 billion passengers (102.3 percent), passenger turnover was 144.7 billion passenger/km (105.6 percent). By the end of January-December 2022, 827 new buses and minibuses were purchased in the regions across the republic. In particular, 455 buses and 372 new minibuses were purchased and placed on passenger transport routes. From April 12, 2022, regular international bus routes between Uzbekistan and Kazakhstan were restored. Today, on average, about 700 passengers are served by regular international bus routes [12]. Therefore, tourism activity cannot be imagined without transport. Transportation is an important element of tourist infrastructure and constitutes the main complex services included in tourist products. In order to study the target material, distributive analysis,

comparative analysis, critical and sociological analysis methods were chosen. Tourism is totally reliant on transportation, including the security, velocity, and convenience it provides to tourists during their travel. Understanding the fundamentals of relationships with transportation firms, protecting the safety of passengers and their property, understanding the laws of interaction with them in service concerns, and the use of appropriate discounts and perks in sales is critical for both tourists and journey organizers.

Though the transportation industry connects tourism-generating and destination locations, its role as an agent in destination development has been generally disregarded. If tourists' ability to go to desired places is hampered by inefficiencies in the transportation system, they may seek alternate alternatives. In his study work, Bruce Prideaux outlines a transport cost model that identifies the importance of transport as a component in destination development as well as in the choosing of locations by intended tourists. The model depicts the dynamic link between vacation expenditure categories and visitor origin [7].

Page S and Connell J (2014) clarified in their work that tourism development is facilitated and constrained by transportation. Their work traces the evolution of tourist transport research, focusing on how geographers and other social scientists have embraced the tourism-transport-mobility nexus. Transport has been a largely overlooked aspect of tourism study, but with increasing interest in climate change and the influence of travel on emissions, research is now taking center stage in many policy forums, making chapter a vital contribution to the larger academic debate [8].

Currently, the tourism sector is a cross-industry type and is closely related to the level of development of other sectors of the economy. The most important factor influencing the development of tourism is transport and its infrastructure. In recent years, this direction has been actively developing step by step [1].

When it comes to the relationship between tourism and the transport system, as a rule, a lot of attention is paid to transport and the sum of services provided by it as an active and main factor in the development of tourism infrastructure. To determine whether these concepts exist, we need to list the following features: a) the transport sector existed before the need for tourism and operated as an independent branch of the economy; b) the transport infrastructure can function independently of the tourism sector, but it is difficult to imagine the tourism sector without the transport system; c) the main development and growth of tourism will depend on the infrastructure of the transport rather than itself; d) the development of transport infrastructure in tourism helps many tourists organize the easiest trip.

Tourism did not emerge because of the development of transportation infrastructure. This resulted in a faster pace of development, structural changes, the enhancement of the old, and the introduction of new quality attributes of tourism as a phenomenon. This was accomplished because of improving passenger vehicle quality; significant increase in passenger transport carrying capacity; creation of optimal circumstances for lowering transportation costs and costs. For the reasons stated above, the definition of the part of the transport infrastructure associated to tourism activities - tourism transport infrastructure - is employed in practice.

by organisation (international, national, regional)			
type of management (state, private, private-state)	form of utilization (mass tourist, individual tourism, public interest)	stage of progress (developed, developing, undeveloped)	functionality

Transport infrastructure of tourism (TIT) is a complex that encompasses vehicles, transport and tourism companies, transport routes, different types of services in the transportation system and tourism facilities, information and communication systems, and labor resources utilized in tourism organization [3].

Tourism is heavily reliant on the transportation, security, quickness, and comfort provided to travelers during their journey. Tourism infrastructure, especially tourism itself, is crosscutting and enables for the integration of sectors, regions, and states. [4] In order to carry out a deeper analysis

of TIT, it is required to better understand its description as well as develop a system of classifications. TIT can be categorized based on the following characteristics. The infrastructure for transportation not only ensures the tourist's journey to and from the desired destination, but it can also present itself as a distinct area of tourism operations - through the offering of tourism services and journeys (cruises and boats trips, buses excursions, caravanning, etc.) [5]. In order to further develop the potential of transport infrastructure in tourism, it is necessary to carefully study and implement the following steps. It allows correct and accurate management of the transport infrastructure through these stages [3]:

Step 1. One of the main services in the tourism industry, the transport infrastructure is an important part of the entire tourism system.

Step 2. It is necessary to correctly assess the importance of transport infrastructure objects in tourism and their contribution to the development of regional tourism.

Step 3. It will be necessary to develop permanent special programs for the development of transport infrastructure in tourism. In addition, it will be necessary to take measures to implement them. In addition, it is necessary to define specific strategies and create offers that match the demand.

Step 4. In tourism, the transport infrastructure will need to be able to access the target market and direct it to customers. That is, which market will be profitable and for which customers it will be useful [10].

Transportation is an essential component of practically any tourist product; it is a vital step of travels and holidays. The transport sector, as a very profitable component of the economy, plays a critical role in the development of tourism and tourism. Walking tours, which are limited by the number of passengers and distance, are hard to discuss without transportation. Scientific and technological advancements in society have resulted in the development of vehicles capable of quickly transporting a person to any location on the planet, as well as the introduction of new technology in the sector of transportation services.

REFERENCES:

1. Котельникова В.Е. Управление развитием услуг транспортной инфраструктуры туризма [Электронный ресурс].
2. Место транспорта в инфраструктуре туризма [Электронный ресурс].
3. Котельникова В.Е. Транспортная инфраструктура туризма [Электронный ресурс].
4. Загарев А.В. Развитие транспортной системы как составляющей туристической сферы [Электронный ресурс].
5. Транспортная инфраструктура [Электронный ресурс].
6. Norchaev A.N., Umirova D.S.. "Transport services in tourism": Study guide. - Т.: "ECONOMY", 2020. - 158 pages
7. Prideaux B. The role of the transport system in destination development //Tourism management. 2000. Т. 21. №. 1. С. 53-63.
8. Page S., Connell J. Transport and tourism //The Wiley Blackwell Companion to Tourism. 2014. - С. 155-167.
9. Бараненко Д. Г., Пономарева Е. А. Транспортная инфраструктура как часть развития туризма //Весенние дни науки. Екатеринбург, 2021. 2021. С. 731-734.
10. Khabibullayeva K.S., Gulasal N. The importance of new transport routes in the development service sector //Образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – Т. 16. – №. 4. – С. 3-6.
11. Kadirova S. H. The significance of transport services in the tourism marketing //Студенческий вестник. – 2018. – №. 10-5. – С. 64-66.
12. <https://mintrans.uz/2022yilhisobot> - Ministry of Transport Republic of Uzbekistan

UDC 33

PROSPERITY IS SUPERIOR VALUE

L.N. Khalikova, PhD, Associate Professor, Samarkand Institute of Economics and Service, Samarkand

Аннотация. *Амир Темур давлати иқтисодий сиёсатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиши муҳим ўрин эгаллаган. Амир Темур давлат тузуми тарихини ўрганиши шуни кўрсатдики, унинг замонида соҳибқироннинг бевосита раҳнамолигида ижобий ҳимоялашнинг кенг қамровли тизими амал қилган.*

Калит сўзлар: *иқтисодий сиёсат, ижтимоий ҳимоя, давлат тузуми, жамият.*

Аннотация. Из исторических источников известно, что Амир Тимур для строительства могущественного государства и справедливого общества, эффективно использовал морально-материальную систему стимулирования населения. Процветание огромного государства при Амуре Тимуре, возможно, было в результате продуманной экономической политики, многие положения которой актуальны и в настоящее время.

Ключевые слова: экономическая политика, социальная защита, государственная система, общества.

Abstract. From historical sources we know that Amir Timur for the construction of the powerful state and a just society effectively used moral and material stimulation system to population. Prosperity of the huge state at Amir Timur period may have been as a result of the sound economic policy, many provisions of which are relevant in the present time.

Key words: economic policy, social protection, state system, society.

Uzbekistan has chosen a unique path of economic reforms since its independence. The transition to a market economy based on social values is accelerating. Transitional processes are being implemented step by step, with one of the five main principles being a long-term program in the field of strong social protection. Consistent and stable growth in people's standard of living means stronger social protection for the population.

The task of "increasing the real money income and purchasing power of the population, further reducing the number of low-income families and the level of differences in the income of the population" is one of the five priority areas of development for the Republic of Uzbekistan in 2017-2021.

The most important principle based on the Uzbekistan model of transition to a market economy is the implementation of a strong social policy.

Social policy is implemented in stages and is closely linked to macroeconomic management; it is determined by the country's economic, social, and social characteristics. A socially developed society is one in which there is no significant disparity in living standards and no antagonistic oppositions between social strata.

The essence of social protection as a socio-economic relationship consists of relations between the society and the population, such as assistance in times of need, assistance to the elderly, health care, social condition, provision of vital means. Social protection is manifested in the policies implemented by society, such as pensions, allowances, material assistance, preferential services for the elderly, sick, disabled, and child care.

The economic basis of social protection is material production. As a result of distribution relations, a part of the gross product set before society is spent on social protection of the population. Collecting and distributing part of the gross domestic product to special funds at the disposal of society and enterprises is the process of realization of ownership relations. Most of the social protection fund is formed in the state budget during the distribution process. Its mechanism of accumulation is taxes and trust funds. So, the essence of social protection as an economic relationship consists of the relationship of meeting the most essential needs of the members of society who have lost the ability to work during the process of distribution of production or need material support for other objective reasons. In this:

- first, social protection relations are directly based on social production, and the distribution formed in this process is added to the system of consumer relations;
- secondly, social protection finds its source in the "additional" part of the produced social product and is implemented in the process of distribution;
- thirdly, meeting the needs of members of society who do not have the ability to work and need help represents the implementation of the principles of fair distribution.
- fourthly, it specifies the objective necessity of social forms of consumerism in the conditions of the market economy.

It is no exaggeration to say that 2020 was a turning point in the social protection of the population.

First of all, we recognized for the first time the existence of poverty among a certain segment of the population and began comprehensive work to reduce it.

In all districts and cities, in every neighborhood, a completely new "iron book" system was introduced for address-based work with needy families, women and young people. In the short term, employment of 527,000 citizens was ensured through this system [1].

In the last 4 years, serious steps have been taken to introduce market mechanisms to all aspects of our economy. The challenge now is to create a foundation for long-term sustainable growth through deep structural reforms. Taking this into account, we will carry out extensive work in the following directions next year [2].

First, We introduce a comprehensive approach and non-standard methods for poverty reduction.

We must clearly understand one fact - the problem of poverty will not be solved by giving loans, social benefits or houses. For this, it is necessary to solve complex problems related to education, health, vocational training, drinking water, energy and road infrastructure.

Why did we introduce the "iron notebook"? The purpose of this is to correctly identify the population in need and, on this basis, to organize targeted work with them [3].

At this point, if we look at the ancient times, the social protection of the population took an important place in the economic policy of the state of our great leader, entrepreneur Amir Timur.

The study of the history of Amir Timur's state system showed that in his time, a comprehensive system of positive protection was implemented under the direct leadership of the owner.

If earlier social protection was prioritized in the form of voluntary donations in accordance with the moral rules of Islam, during the time of Amir Timur, the state system of social protection of the population was created and became the priority of economic policy.

Amir Timur protected the people's property from looting during the creation of a centralized state. The path of internal and external invaders, robbers was blocked.

At all times, including during the time of Amir Timur, it was demanded to protect the population from the officials who deviated from justice and honesty, exchanged faith and honesty for the evil of lust, governors, governors, judges, sycophants, zakat collectors and the like. The Tax collector also broke the law and when the time came, looted and violently seized the property of the population.

Amir Timur punished thieves, bandits, violent people on the basis of "yasa" and expelled the corrupt, corrupt, corrupt people from the country. "Whenever I heard that any of the governors, soldiers and raiyats had wronged the people, I immediately took measures for justice and fairness against them" ("Timur's Rules") page 56. The material and physical damages caused to the raiyat by the oppressors were discussed between people according to Sharia, damages were paid after proof and punishments were determined according to the rules of Sharia [4].

A consistent economic policy has also been carried out in terms of social protection and support for low-income sections of the population.

Unemployment was considered a great social evil of those times. In the era of subsistence economy, the labor market was very poorly developed, so unemployment was reflected in the increase in the number of beggars.

Amir Timur considered begging as an ugly factor of the country and used various methods of social protection, clearly analyzing the fact that this social evil cannot be prevented without losing its economic basis.

First of all, the socially disadvantaged classes of the population - the disabled, the paralyzed, the blind, the lame, those who cannot work due to old age - were provided with allowances. According to some reports, ten percent of the treasury was spent for this purpose.

The second thing that has been done is that measures have been taken to provide work and crafts for the poor and beggars who are able to work and who have strength in their wrists. "I again ordered that the beggars of every country should be given tasks, so that the image of the begging will disappear." ("Timur's Rules", p. 95).

Punishment measures have been taken to expel those who have acquired the profession of begging and those who do not receive enough begging from the territory of the country. Hatred and intolerance was awoken in public opinion against lazy and freeloaders.

The most important feature of the social protection system of the state of Amir Timur is that it treats different strata of the population in a strictly differentiated manner. Social protection is aimed at members of society who need financial support from the state. During the time of Amir Timur, a rare method of social protection, which is rare in our society, was used. If a citizen's house is damaged and cannot be repaired, necessary equipment is delivered and assistance is provided to the owner.

The second proof of our differentiated approach to social protection is that no one who has reached the age of old age while serving in the military service is not deprived of ulufa (a type of salary) and is not demoted. The issues of social protection of the population are, of course, carried out based on the national traditions and customs of each country and people. Neighborhoods played a special role in the system of social protection of the population.

At all times, including the time of Amir Timur, education, health care, assistance to foreigners, water supply, building bridges needed the help of the state. In the social protection policy of Amir Timur, mosques, madrasahs, houses (places where dervishes, qalandars, foreigners, poor people stop and live) were built in every city, constructions were built on the roads for traveling foreigners, and bridges were built over rivers.

The policy of social protection of the population, especially the support of the most vulnerable and needy classes, implemented by the entrepreneurs, served the following goals:

- ❖ firstly, it created a mood of stability and peace in the society;
- ❖ secondly, it served as a stimulating factor for the development of science, culture, and the country's productive forces;
- ❖ thirdly, the social protection of the population was achieved as an integral part of Amir Timur's economic policy, which was to make the country "prosperous and satisfy the raiyat";
- ❖ fourthly, the rule of Amir Timur spread throughout the world and gained international importance.

REFERENCES:

1. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to Oliy Majlis. December 24, 2020.
2. Timur and the kingdom of Timurids. Editor-in-chief of dictionaries - T.: 1994.
3. Ibrahim Mominov. Amir Timur's place and role in the history of Central Asia. "Science". T.: 1968.
4. Amir Timur fertilizers. Tashkent. "Navroz" - 1992.
5. Timur's rules. Tashkent. Publisher-resource association. - 1991.
6. Muhammadjon Kholbekov. Correspondence of Amir Timur with European kings. Samarkand. 1996.

UO'K 338:45

QURILISH SOHASIDA LOGISTIKA JARAYONLARINI MODELLASHTIRISH ASOSIDA SOHA KORXONALARI FAOLIYATINI BOSHQARISH

A.T.Mirsodiqov, PhD, Farg'ona davlat universiteti, Farg'ona

Annotatsiya. Qurilish sohasi logistik zanjirlarida xarajatlarning shakllanishiga ta'sir etuvchi omillar asosidagi ko'p omilli modellar tanlab olingan yirik qurilish korxonasi faoliyatining 2014-2021 yillardagi ko'rsatkichlari asosida chiziqsiz bog'lanishdagi ko'p omilli model ishlab chiqildi hamda ushbu modellar asosida o'rta muddatli davr uchun logistik zanjirlarda xarajatlar shakllanishining prognoz ko'rsatkichlari aniqlandi.

Kalit so'zlar: qurilish sohasi, logistika, kapital qurilish, qurilish majmualari, logistika zanjirlari, boshqaruv, logistika xarajatlari, qurilish klasteri.

Аннотация. Выбраны многофакторные модели на основе факторов, влияющих на формирование затрат в логистических цепях строительной отрасли, на основе показателей деятельности крупного строительного предприятия за 2014-2021 годы разработана многофакторная модель нелинейной связи, на основе которой на этих моделях определены среднесрочные прогнозные показатели формирования затрат в логистических цепях на период.

Ключевые слова: строительная отрасль, логистика, капитальное строительство, строительные комплексы, логистические цепи, управление, логистические затраты, строительный кластер.

Abstract. Multifactor models based on the factors affecting the formation of costs in the logistics chains of the construction sector were selected, based on the performance indicators of a large construction company for 2014-2021, a multifactor model of non-linear communication was developed, and based on these models, the forecast indicators of the formation of costs in the logistics chains for the medium-term period were determined.

Keywords: construction industry, logistics, capital construction, building complexes, logistics chains, management, logistics costs, construction cluster.

Kirish. Mamlakatimizda qurilish sohasi, jumladan, qurilish sohasi logistik zanjirlarida xarajatlarni optimallashtirish va ularda boshqaruv jarayonlarini takomillashtirish, soha korxonalarini tarkiban o'zgartirish va ularda ishlab chiqarish hamda xizmat ko'rsatish jarayonlarini diversifikatsiya qilish, tarmoqda qo'shilgan qiymat zanjirining to'laqonli shakllantirish orqali soha korxonalarining iqtisodiy salohiyatini oshirish, shu orqali bandlikni ta'minlash, aholining qurilish mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojini qondirish hamda turmush farovonligini oshirishga katta e'tibor berilmoqda. 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasida ham logistika xizmatlari bozorini rivojlantirish bo'yicha «transport va logistika xizmatlari bozori va infratuzilmasini rivojlantirish, temir yo'l infratuzilmasini elektrlashtirish darajasini 60 foizga yetkazish va avtomobil yo'llari tarmog'ini jadal rivojlantirish» bo'yicha ustuvor vazifalar belgilangan. Mazkur vazifalarni samarali ijrosini ta'minlash qurilish sohasi logistik zanjirlarida boshqaruvning gorizont va vertikal integratsiyasi asosida shakllanuvchi faoliyatini tashkil etish hamda boshqarish tizimini takomillashtirishni taqozo etadi.

Tahlil va natijalar. Qurilish sohasi logistik zanjirlarini rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillarning ekonometrik tahlilida ko'p omilli ishlab chiqarish funksiyalari va ulardan kelib chiqadigan funksiyalardan keng foydalanishni hisobga olgan holda mamlakatimizda qurilish sohasi logistik zanjirlari tarkibidagi korxonalarda xarajatlarning o'zgarish holatini ko'p omilli bog'lanish asosida ishlab chiqarish funksiyasi ko'rinishidagi ekonometrik modelini aniqlaymiz. Aniqlanadigan model logistik zanjir faoliyatida xarajatlarni optimallashtirishda unga ta'sir etuvchi omillarni boshqarish yo'nalishlarini aniqlash asosida qisqa va o'rta muddatli davr uchun maqsadli prognoz ko'rsatkichlarini aniqlash hamda ushbu ko'rsatkichlarni ta'minlash uchun zarur bo'lgan tadbirlarni belgilashga yordam beradi.

Qurilish sohasida logistika zanjiri xarajatlarini ishlab chiqarish funksiyasining yuqori cho'qqisi, ya'ni natijaviy omil sifatida belgilab olgan holda, unga ta'sir etuvchi omil ko'rsatkichlari sifatida soha ekspertlari xulosalariga asoslangan holda quyidagi ko'rsatkichlar tanlandi:

X_1 – bajarilgan qurilish ishlari hajmi;

X_2 – logistik zanjirda boshqaruv xarajatlari;

X_3 – o'z logistik tizimlarining umumiy zanjirdagi ulushi;

Har bir ta'sir etuvchi egzogen omil o'z mohiyatiga ko'ra qurilish sohasida logistika zanjiri xarajatlari uchun motiv hisoblanadi. Masalan, umumiy bajarilgan qurilish ishlari hajmi faoliyatni tashkil etish uchun zaruriy logistik tizim yuklamasini belgilasa, boshqaruv xarajatlari logistik zanjir faoliyatini optimal ta'minlash imkoniyatini, o'z logistik tizimlarining umumiy zanjirdagi ulushi korxonalarining logistik xizmatlarga ixtisoslashganlik darajasini o'zida ifodalaydi.

Mamlakatimiz qurilish sohasida faoliyat olib borayotgan logistik zanjir tarkibidagi korxonalarda logistika xarajatlarini modellashtirish aniq xizmatlar bozorida yuz berayotgan tendensiyalar, trendlar va vaqtli qatorlar kabi modellar yordamida amalga oshirilishi mumkin. Tadqiqot jarayonida Andijon viloyatida faoliyat olib borayotgan qurilish-montaj korxonasida logistik zanjir xarajatlari va uning shakllanishiga ta'sir etuvchi ayrim ko'rsatkichlarni 2014-2021 yillar davomidagi o'zgarish tendensiyalari tahlili amalga oshirildi (1-jadval).

Ekonometrik modeldagi natijaviy omil sifatida tanlangan logistika zanjiri xarajatlari hajmi (Y)ga ta'sir etuvchi ekzogen omillar sifatida bajarilgan qurilish ishlari hajmi (x_1), logistik zanjirda boshqaruv xarajatlari hajmi (x_2) va o'z logistik tizimlarining umumiy zanjirdagi ulushi (x_3) kabi ko'rsatkichlar tanlab olindi.

Qurilish-montaj korxonalarida logistik zanjir xarajatlari hajmi va uning o'zgarishiga ta'sir etuvchi omil ko'rsatkichlari¹ (mlrd.so'm)

Yillar	Logistika zanjiri xarajatlari, mln. so'm (Y)	Bajarilgan qurilish ishlari hajmi, mln. so'm (X1)	Logistik zanjirda boshqaruv xarajatlari, mln.so'm (X2)	O'z logistik tizimlarining umumiy zanjirdagi ulushi, % (X3)
2014	39759,1	283993,5	37259,9	9,8
2015	45516,6	327457,4	44413,0	11,2
2016	42681,8	311546,3	41993,9	11,2
2017	48578,7	352019,6	47500,1	14,9
2018	39733,4	294321,4	39085,9	16,3
2019	48519,1	344107,3	44310,7	16,3
2020	27339,9	207120,6	28168,4	19,8
2021	42347,5	327028,7	37411,8	20,2

Endogen omil va unga ta'sir etuvchi ekzogen omil ko'rsatkichlarining mohiyati ko'rib chiqiladigan bo'lsa, ta'sir etuvchi omillar sifatida bajarilgan qurilish ishlari hajmi, logistik zanjirda boshqaruv xarajatlari hamda o'z logistik tizimlarining umumiy zanjirdagi ulushiga muhim ta'sirga ega bo'lgan omillarni ifodalovchi omil ko'rsatkichlari asosida Kobb-Duglasning ishlab chiqarish modeli ko'rinishidagi modelga yaqin bo'lgan bog'lanishga ega bo'ladi. Ajratib olingan asosiy endogen va ekzogen omillarning bog'lanishi asosida "Andijon ta'mir" xususiy korxonasida logistika zanjiri xarajatlari hajmining o'zgarish trendlarini aniqlash maqsadida yuqoridagi vaqtli qator ko'rinishidagi ma'lumotlarni EViews10 dasturidan foydalangan holda tahlil qilindi.

"Andijon ta'mir" xususiy korxonasi faoliyatida logistik zanjirlardagi xarajatlar va unga ta'sir etuvchi omillarning o'zaro juft korrelyatsion bog'lanish darajasini korrelyatsion tahlil asosida o'rganib chiqildi. Korrelyatsion tahlil natijaviy omil bilan ta'sir etuvchi omillar o'rtasidagi bog'lanish zichligi zaruriy shartni qanoatlantirmoqda, ya'ni $ryx1=0,9851$, $ryx2=0,961$ va $ryx3=-0,3617$ ga teng. Dastlabki ikki omil bilan bog'lanishda juft korrelyatsiya koeffitsiyenti zich bog'lanishni, uchinchi ta'sir etuvchi omil bilan bo'lanish zaif ekanligi ko'rinmoqda, bu esa natijaviy omilga nisbatan ta'sir etuvchi omillarning asosiy qismi to'g'ri tanlanganligini ko'rsatadi.

2-jadval

"Andijon ta'mir" xususiy korxonasi bo'yicha tanlangan omillarning korrelyatsion bog'lanish zichligi³

	y	x1	x2	x3
y	1			
x1	0,985144	1		
x2	0,961029	0,927318	1	
x3	-0,36175	-0,25356	-0,46065	1

Manba: Muallif tomonidan Microsoft Excel dasturi asosida ishlab chiqildi

Yuqoridagi jadvalda ajratib olingan natijaviy va ta'sir etuvchi omil ko'rsatkichlarining o'leov birligi bir xil emasligi, ya'ni omil ko'rsatkichlarining bir jinsli emasligi sababli asosiy trend modelini chiziqli logarifmik bog'lanish ko'rinishida aniqlab olamiz. Buning uchun omil ko'rsatkichlarining barchasini natural logarifmik ko'rsatkichlarga keltirib olinadi (3-jadval).

3-jadval

"Andijon ta'mir" xususiy korxonasi faoliyatida logistik zanjirlardagi xarajatlar hajmi va uning o'zgarishiga ta'sir etuvchi omil ko'rsatkichlarining logarifmik qiymati

t	LnY	LnX ₁	LnX ₂	LnX ₃
2014	10,59	12,56	10,53	2,28
2015	10,73	12,70	10,70	2,42
2016	10,66	12,65	10,65	2,42
2017	10,79	12,77	10,77	2,70
2018	10,59	12,59	10,57	2,79
2019	10,79	12,75	10,70	2,79
2020	10,22	12,24	10,25	2,99
2021	10,65	12,70	10,53	3,01

Manba: Muallif hisob-kitoblari asosida ishlab chiqilgan

³ Muallif tomonidan Microsoft Excel dasturi asosida ishlab chiqildi.

EViews10 dasturiy paketidan foydalangan holda amalga oshirilgan regression tahlil jarayonida aniqlangan parametrlar hamda modelning ahamiyati dastur tomonidan hisoblangan asosiy baholash ko'rsatkichlari orqali baholangan.

Regression tahlil natijalaridan ko'rilayotgan holat uchun regression modelning koeffitsiyentlarini ajratib olgan holda trendning logarifmik modelini shakllantiri

4-jadval

“Andijon ta'mir” xususiy korxonasi bo'yicha tanlangan omillarning bog'lanish xususiyatlari va tuzilgan omilli model sifatining asosiy ko'rsatkichlari

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
Bajarilgan qurilish ishlari hajmi, LnX1	0.779212	0.150272	5.185355	0.0066
Logistik zanjirda boshqaruv xarajatlari, LnX2	0.301606	0.168685	1.787987	0.1483
O'z logistik tizimlarining umumiy zanjirdagi ulushi, LnX3	-0.034870	0.035745	-0.975514	0.3845
Tasodifiy omillar umumiy ta'siri, ε	-2.306131	0.626227	-3.682581	0.0212
R-squared	0.992676	Mean dependent var		10.62750
Adjusted R-squared	0.987183	S.D. dependent var		0.182737
S.E. of regression	0.020688	Akaike info criterion		-4.611644
Sum squared resid	0.001712	Schwarz criterion		-4.571923
Log likelihood	22.44658	Hannan-Quinn criter.		-4.879545
F-statistic	180.7125	Durbin-Watson stat		1.727116
Prob(F-statistic)	0.000100			

Manba: Muallif tomonidan EViews10 dasturida hisoblash asosida ishlab chiqilgan

Aniqlangan ma'lumotlardan foydalangan holda “Andijon ta'mir” xususiy korxonasi faoliyatida logistik zanjirlardagi xarajatlar va unga ta'sir etuvchi omillar ta'sirida o'zgarishining ko'p omilli ekonometrik modeli tuzildi. Unga ko'ra ushbu jarayonni ifodalovchi

$$\ln Y = 0,779 \cdot \ln X_1 + 0,302 \cdot \ln X_2 - 0,035 \cdot \ln X_3 - 2,306 \quad (1)$$

regressiya tenglamasi tuzildi.


Aniqlangan chiziqli logarifmik model potentsirlansa, korxonada faoliyatida logistik zanjirlardagi xarajatlarni ifodalovchi chiziqsiz ko'rinishdagi ekonometrik model kelib chiqadi:

$$Y_2 = \frac{X_1^{0,779} \cdot X_2^{0,302}}{X_3^{0,035} \cdot e^{2,306}} \quad (2)$$

Dasturiy paketdan foydalangan holda tuzilgan model va uning parametrlarining ishonchliligi hamda adekvatligini bir necha mezonlar asosida tekshirib, natijalar aniqligiga ishonch hosil qilish lozim. Aniqlangan trendda avtokorrelyatsiya belgilangan optimal chegaradan bir oz yuqoriligi (DW=1,72) va boshqa mezonlar bo'yicha talabga javob berganligidan yuqorida aniqlangan (1) - regressiya tenglamasi ishonchli deb topildi va adekvatligi isbotlandi (1,2-rasmlar).


Ko'p omilli ekonometrik modeldan foydalangan holda tahlil uchun olingan korxonalar logistik zanjir xarajatlari hajmining iqtisodiy va boshqaruv omillari ta'sirida qisqa muddatda, ya'ni 2022-2024 yillarda o'zgarishi qiymatlarini 5-jadval ko'rinishda ifodalandi.

“Andijon ta'mir” xususiy korxonasida esa bajarilgan qurilish ishlari hajmi va logistik zanjirda boshqaruv xarajatlari hajmining o'zgarishi natijaviy omilga to'g'ri bog'liqlikda, o'z logistik tizimlarining umumiy zanjirdagi ulushining ortishi va tasodifiy omillarning umumiy ta'siri darajasi teskari bog'liqlikdagi qonuniyatni o'zida aks ettirgan. Taklif etilayotgan ko'p omilli modellardan har uchala qurilish korxonalarida logistik zanjirlardagi xarajatlarning shakllanishini boshqarish jarayonida foydalanishda har bir ta'sir etuvchi omilning natijaviy omilga ta'sir kuchini hisobga olish lozim.



1-

rasm. “Andijon ta’mir” xususiy korxonasi 2014-2021 yillardagi rivojlanishida logistik zanjirlardagi xarajatlarning ±2 statistik xatolik chegaralarida o’zgarishi



2-rasm. “Andijon ta’mir” xususiy korxonasi faoliyatida logistik zanjirlardagi xarajatlarning qoldiq, haqiqiy va tuzilgan model qiymatlari grafigi

5-jadval

2022-2024 yillarda “Andijon ta’mir” xususiy korxonasi logistik zanjirlardagi xarajatlar hajmi va boshqaruv faoliyati ko’rsatkichlarining prognozlari (Muallif tomonidan ishlab chiqilgan)

Yillar	Logistika zanjiri xarajatlari, mln. so‘m (Y)	Bajarilgan qurilish ishlari hajmi, mln. so‘m (X1)	Logistik zanjirda boshqaruv xarajatlari, mln.so‘m (X2)	O‘z logistik tizimlarining umumiy zanjirdagi ulushi, % (X3)
2022	38648,5	291996,5	35645,3	22,1
2023	37801,4	288895,9	34673,6	23,7
2024	37166,0	285795,3	33701,9	25,2

“Andijon ta’mir” xususiy korxonasi esa logistik zanjirdagi o‘z logistik tizimlarining ulushini oshirish hisobiga logistik zanjirdagi xarajatlar hajmini qisqartirishi mumkin bo‘ladi.

Aniqlangan trendlardan foydalanish korxonalaridagi logistik zanjirda xarajatlarni boshqarish jarayonini tashkil etishda kiritilayotgan resurs hajmini to‘g‘ri taqsimlagan holda omil birligidan olinadigan samarani optimallashtirish imkonini beradi.

Ko‘p omilli bog‘lanish asosida aniqlangan trend modellari kelgusi davrda korxonalar logistik zanjirlarida xarajatlarning tanlangan omillar ta’sirida ma’lum bir chegaradagi xatoliklarni hisobga olgan holda o‘zgarishini oldindan prognozlash imkonini beradi.

Tuzilgan trend modellaridan foydalanishda qurilish sohasida faoliyat olib borayotgan ushbu korxonalarda boshqaruv nuqtai nazaridan kiritilayotgan resurslar (ekzogen omillar) hajmini har bir

birlik qo‘shimcha kiritilayotgan resurs birligidan olinadigan samarani hisobga olgan holda belgilash logistik xarajatlar samaradorligini optimal ta‘minlash imkonini beradi hamda korxonalar logistik zanjirlarining muvozanatlashgan holda barqaror rivojlanishini ta‘minlaydi.

Xulosa va takliflar. Yuqorida belgilangan vazifalar va amaliy natijalar asosida quyidagi taklif va tavsiyalar berildi:

- mamlakatimizda qurilish sohasidagi o‘zgarishlar natijasida sohada raqobat tizimini takomillashtirish zaruriyati mavjudligi aniqlandi hamda o‘z ichiga sohada bozor munosabatlarining shakllanishi va rivojlanishi.

- qurilish sohasi logistik zanjirlarida xarajatlarni optimallashtirish uchun butun korxonalar faoliyatini optimallashtirishning alohida holati sifatida barcha logistika funksiyalari va operatsiyalarini yagona boshqaruv ostida birlashtirish.

- tadqiqot jarayonida taklif etilayotgan hududiy qurilish klasterlari faoliyatida logistik zanjirlardagi moddiy va axborot oqimlarini harakatini boshqarish jarayoni samaradorligini oshirish.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Мирзаев А.Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №2. С. 127-134. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39/17>
2. Мирзаев А.Т. Оценка использования рекреационных возможностей на рынке туристических услуг // Региональная экономика: теория и практика. – 2019. – Т. 17, № 5. – С. 990 – 1002. <https://doi.org/10.24891/re.17.5.990>.
3. Mirzaev A. T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). – 2020. – pp.131-137. <https://doi.org/10.36713/epra4790>.
4. Mirsodiqov A.T. “Qurilish sohasi logistik zanjirlarida xarajatlarni boshqarish jarayonlarini takomillashtirish” Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) Toshkent 2022.13-sentyabr.
5. Мирсодиқов, А. Т. (2021). Активация инвестиций в экономическое развитие: современные тенденции и опыт зарубежных стран. *Cognitio rerum*, 10, 32-35.
6. Tursunalievich, M. A. (2022, March). Improving logistics cost management in the construction sector. In *E Conference Zone* (pp. 141-145).
7. Мирсодиқов, А. Т. (2022). Совершенствование механизмов управления затратами в логистических цепях строительной отрасли. *Бюллетень науки и практики*, 8(2), 231-239.
8. Tursunalievich, M. A. (2022). Improving the cost management mechanism in the construction industry logistic chains. *Innovative developments and research in education*, 1(6), 253-259.
9. Tursunaliyevich, M. A. (2021). Iqtisodiy tarmoqlarni rivojlanishida xorijiy investitsiyalarning ahamiyati. *Development issues of innovative economy in the agricultural sector*, 194.
10. Мирсодиқов, А., & Черданцев, В. П. (2020). Роль маркетинговой стратегии в повышении конкурентоспособности образовательных услуг. *информационные системы и коммуникативные технологии в современном образовательном процессе*, 50-56.
11. Мирсодиқов, А. Т. (2021). Важность привлечения инвестиций в отрасли национальной экономики. *Бюллетень науки и практики*, 7(10), 329-335.

UO‘K 33.331

SANOAT KORXONALARIDA XODIMLARNI BOSHQARISHNING SAMARALI MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH

G.Q.Mo‘yidinova, tayanch doktorant, Farg‘ona politexnika instituti, Farg‘ona

Annotatsiya. Ushbu maqolada innovatsion iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalarini xodimlarini boshqarish masalalari muhokama qilingan. Sanoat korxonalarini xodimlarini boshqarishni raqamli strategiyasini ishlab chiqish mexanizmlari va uni amaliyotda qo‘llashga qaratilgan turli omillar tadqiq qilingan.

Kalit so‘zlar: sanoat korxonalarini, boshqaruv, xodimlar, texnologiya, metodologiya, ish haqi, lavozim, daromad, ma‘lumotlilik.

Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы управления персоналом промышленных предприятий в условиях инновационной экономики. Исследованы механизмы разработки цифровой стратегии управления персоналом промышленных предприятий и различные факторы, направленные на ее практическое применение.

Ключевые слова: промышленные предприятия, управление, персонал, технология, методология, заработная плата, должность, доход, образование.

Abstract. *This article discusses the issues of managing employees of industrial enterprises in an innovative economy. The mechanisms for developing a digital strategy for managing employees of industrial enterprises and various factors aimed at its application in practice have been investigated.*

Keywords: *industrial enterprises, management, personnel, technology, methodology, salary, position, income, education.*

Kirish. Sanoat korxonalari butun mamlakatning ishlab chiqarish salohiyatini belgilab beruvchi muhim tarmoq hisoblanadi. Sanoati rivojlangan mamlakat tashqi va ichki bozorda faollikka intiladi hamda davlat ravnaqiga hissa qo'sha oladi. Bu kabi tashkilotlarning bir qator rivojlanish omillari mavjud. Shulardan eng muhimi xodimlarni samarali boshqarish hisoblanadi.

Adabiyotlar sharhi. Bugungi kunda mamlakatimizda "Raqamli O'zbekiston-2030" dasturi [1] hayotga tatbiq etilgan va "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora- tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4699-sonli qarori [3] qabul qilingan. Unga ko'ra, 2023 yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushi 2 baravarga ko'paytirilishi rejalashtirilgan.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomada "Taraqqiy etgan mamlakatlarda yalpi ichki mahsulotning 50 foizidan ortig'i "bilimlar iqtisodiyoti" hisobidan, ya'ni, innovatsiyalar va yuqori malakali kadrlar tomonidan yaratilayotgani buni yaqqol isbotlamoqda" [5] deb ta'kidlab o'tdilar.

Xodimlarni samarali boshqarish - bu tashkilotning boshqaruv xodimlarining maqsadli faoliyati, shu jumladan kadrlar siyosati konsepsiyasi va strategiyasini, xodimlarni boshqarish tamoyillari va usullarini ishlab chiqishga asoslanadi.

Aynan shuning uchun ham xodimlarni boshqarish masalasida bir qator xorijiy va maxalliy iqtisodchi olimlarimiz tadqiqotlar olib borishgan.

"Xodimlarni boshqarish" tushunchasining bir nechta ta'riflarini ko'rib chiqamiz. Rossiyalik iqtisodchi Dresvyannikov V.A. ushbu atamani boshqaruv faoliyati funksiyalaridan biri sifatida ko'rib chiqadi, uning fikricha, "xodimlarni boshqarish bu boshqaruv faoliyatining o'ziga xos funksiyasi, uning asosiy ob'ekti ma'lum ijtimoiy guruhlariga kiruvchi shaxsdir"[6]. V. Vesinning ta'rifi P. Yegorshinning talqini bilan umumiy xususiyatlarga ega: "bu insonni uning atrof-muhitida boshqarish, uning intellektual va jismoniy imkoniyatlaridan samarali foydalanish uchun sharoitlarni ta'minlash, mehnat munosabatlarini mustahkamlash, rag'bat (motivatsiya) va xodimlardan maksimal daromaddir".[7; 8]. Ushbu ta'riflarda xodimlarni boshqarish insonning shaxsiga qaratilgan. Bu ta'rifda personal menejmentining mohiyati to'liqroq ochib beriladi, uning xarakterli xususiyatlari aniqlanadi.

O'zbekistonlik iqtisodchi olim akademik Q.X.Abdurahmonov xodimlarni boshqarishga alohida xodim va umuman korxonalar manfaatlarini ta'minlash maqsadida inson salohiyatidan samarali foydalanishga qaratilgan tashkiliy, ijtimoiy-iqtisodiy, psixologik, ahloqiy va huquqiy munosabatlar tizimidir[10] deb ta'kidlaydilar.

Korxonalarda xodimlarni boshqarishda mehnat resurslari rentabelligining omilli tahlili M. Q. Pardaev, I.T. Abdurkarimov, B.I. Isroilovlar [11] tomonidan atroflicha tadqiq etilgan va ular mehnat resurslari rentabelligiga ta'sir etuvchi quyidagi omillarni aniqlashgan:

- ishlab chiqarilgan mahsulot hajmi;
- xodimlarning umumiy soni;
- oliy ma'lumotli xodimlar soni;
- o'rta maxsus ma'lumotli xodimlar soni;
- o'rta ma'lumotli xodimlar soni;
- to'liqsiz o'rta ma'lumotli xodimlar soni [11, 241-245 b.]

Tadqiqot metodologiyasi va empirik tahlil

Personal menejmenti - bu kadrlar bilan ishlashni tashkil qilishning o'zaro bog'liq texnikasi, shakllari, usullari to'plamidir va ular:

- birinchidan, tashkilotning boshqaruv xodimlari nomidan o'tkaziladi;
- ikkinchidan, xodimning jismoniy va intellektual imkoniyatlaridan samarali va to'liq

foydalanish uchun shart-sharoitlarni ta'minlashga qaratiladi;

- uchinchidan, tashkilotning ish faoliyatini yaxshilashga va samaradorligini oshirishga qaratiladi.

Shunday qilib, ba'zi mualliflar korxonalarni boshqarishda ikki qismni, ya'ni faoliyatni boshqarish va inson resurslarini boshqarish kabilarni ajratib ko'rsatadilar.

Umuman olganda, yuqorida keltirilgan ta'riflarga asoslanib, aytishimiz mumkinki, xodimlarni boshqarish korxonada va tashkilotlarda faoliyat ko'rsatayotgan xodimdan korxonaning ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan rivojlantirish yo'lida samarali foydalanishni nazarda tutadigan amaliy faoliyat turi sifatida qaralishi lozim.

«A» korxonasi misolida o'tkazilgan tahlillarimiz ko'rsatishicha, 2022 yil 1 yanvar xolatiga kelib, «A» korxonasida xodimlar soni 6629 kishi bo'lib, 2021 yilning shudavriga nisbatan 0,1% ga kamaygan. Ishlovchilar tarkibini ko'radigan bo'lsak, boshqaruv xodimlari 3,9% ni, injener-texnik xodimlar 10,1 % ni yordamchi personal xodimlari 7,7%ni, ishchilar esa 78,1 % ni tashkil etgan (1-jadval).

1-jadval

«A» korxonasida lavozimlar sonining dinamikasi

Ko'rsatkichlar	Yillar					2022/2018 y.ga nisbati, foizda
	2018	2019	2020	2021	2022	
Xodimlar soni -jami	6629	6627	6623	6641	6618	99,9
<i>Shu jumladan:</i>						
Boshqaruv xodimlari	258	258	256	260	259	103,0
Injener –texnik xodimlar	676	676	674	678	675	99,8
Yordamchi personal	519	517	520	519	513	98,8
Ishchilar	5178	5176	5173	5185	5172	99,8

Manba: "A" korxonasi statistik ma'lumotlari asosida muallif tomonidan ishlangan.

Tahlil natijalariga ko'ra, «A» korxonasida boshqaruv xodimlari tarkibida 2022 yilning 1 yanvar xolatida 2021 yilning shu davriga nisbatan 1% ni tashkil etgan. Injener-texnik xodimlar 0,1% ga kamaygan.

Yordamchi personal tarkibida 2021 yilda 2020 yilga nisbatan 1,6 % ga kamayish kuzatilgan. Ishchilar soni tarkibida esa o'zgarish kuzatilmagan.

Tahlillarimiz ko'rsatishicha, «A» korxonasida ishlovchilarning ma'lumotlilik darajasi unchalik yuqori emasligi aniqlangan. Masalan, 2022 yilning 1 yanvar xolatiga oliy ma'lumotli xodimlar atigi 20,8% ni tashkil etmoqda.

2-jadval

«A» korxonasida ishlovchilarning ma'lumotlilik darajasi (foiz)

Ko'rsatkichlar	2021 yil		2022 yil		farqi	
	soni	salmog'i	soni	salmog'i	mutloq	%
Oliy ma'lumotli xodimlar	1381	20,7	1376	20,8	-5	+0,1
O'rta maxsus ma'lumotga ega xodimlar	2737	41,2	2674	40,4	-64	-0,8
Umumiy o'rta ma'lumotga ega bo'lgan xodimlar	2523	37,9	2568	38,8	45	+0,9
Jami xodimlar	6641	100	6618	100	-23	-

Manba: jadval "A" korxonasi statistik ma'lumotlari asosida muallif tomonidan shakllantirilgan.

3- jadval

«A» korxonasida ishlovchilarning qo'nimsizlik ko'rsatkichlari (kishi)

Yillar	Ishlovchilarning umumiy soni	Ishdan bo'shaganlar	Kadrlarning qo'nimsizlik ko'rsatkichi (%)
A	1	2	3=(2:1)x100%
2017	6629	110	1,6
2018	6627	113	1,7
2019	6623	100	1,5
2020	6641	117	1,7
2021	6618	123	1,8

Manba: jadval "A" korxonasi statistik ma'lumotlari asosida muallif tomonidan shakllantirilgan.

Natijalar. Ishlab chiqarish rejalarining bajarilishi sanoat ishlab chiqarish hodimlar tarkibidagi strukturaviy o'zgarishlarga ham bog'liq. Yil davomida korxonada xodimlari tarkibi ishga qabul qilish va bo'shatish hisobiga o'zgarib turadi. Bunday o'zgarishlar ishchi kuchi oboroti koeffitsienti orqali ifodalanadi. Tahlil etishda kadrlarni tayyorlash va ularning malakasini oshirish bo'yicha belgilangan

tadbirlarni bajarilishi nazorat qilinadi. Buning uchun ishchilarni o'rtacha razryadi aniqlanadi. Xodimlarning qo'nimsizligi ishlab chiqarishga salbiy ta'sir etadi.

Qo'nimsizlik koeffitsientini aniqlash uchun o'z arizasiga muvofiq ishdan bo'shagan va mehnat intizomini buzganligi uchun ishdan ketgan xodimlar sonining yig'indisini xodimlarning ro'yxat bo'yicha o'rtacha soniga bo'lish lozim. Bu ko'rsatkich o'tgan yillar bilan taqqoslanadi va tegishli xulosa qilinadi.

Tahlil ma'lumotlaridan ko'rinadiki, «A» korxonasida o'rganilayotgan yillarda qo'nimsizlik darajasi yil sayin ortib borgan. Eng avvalo ushbu qo'nimsizlikka ishchining o'ziga boshqa ish topganligi, ish haqi yuqori bo'lgan ishga borishi, ishdagi sharoitlar, kasalligi bilan bog'liq. Shu bilan birga ayrim yillarning mehnat intizomiga rioya etmaganligi, ishga kelmay qolishi, ishdagi bo'sh turishlar sababli ma'muriyat tomonidan bo'shatilganligini ko'rishimiz mumkin (3- jadval).

Xulosa va munozara. Raqamli iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalarida xodimlarni boshqarish samaradorligi korxonalar rivojlanishining har bir bosqichida quyidagi vazifalarni bajarishga qaratilishi zarur:

- ishlab chiqarishni tashkil etishda zamonaviy menejment usullarini qo'llash;
- ishlab chiqarishning moddiy-texnika asosini ta'minlash;
- xodimlar mehnatini tashkil qilish, amaldagi standartlar, me'yoriy hujjatlar va davlat tomonidan qabul qilingan qonun-qoidalariga rioya qilish;
- ixtisoslashtirilgan ish joyiga doimiy ravishda bog'langan operatsiyalarni bajarish;
- mahsulot ishlab chiqarishda ko'p mehnat talab qiladigan va qo'l yordami bilan bajariladigan ishlar hajmini kamaytirish, mexanizatsiyalashgan va avtomatlashgan jarayonlarning ulushini ko'paytirish;
- doimiy ravishda birlashtirilgan bitta operatsiyani bajarish uchun ish joyini ixtisoslashtirish;
- maxsus uskunalar va yuqori unumli anjomlarning ulushini ma'lum darajadako'paytirish;
- ishlab chiqarish boshqarish funksiyasini markazlashtirish va operativ rejalashtirish.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Raqamli O'zbekiston — 2030»strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6079-sonli farmoni. 05.10.2020 <https://lex.uz/docs/5030957>
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi
3. "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli farmoni. <https://lex.uz/docs/3107036>
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori PQ-4699-son 28.04.2020 y. <https://lex.uz/docs/4800657>
5. <https://kun.uz/news/2017/07/25/uzpahtasanoateksport>
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. //Xalq so'zi 2020 yil 30 dekabr № 276 (7778). 1-4 betlar.
7. Dresvyannikov V.A. - Kadrlar yaratish va ish texnologiyasini baholash va rivojlantirish markazi - Rusajns - 2017 – 221b.
8. Vesnin V. Xodimlarni amaliy boshqarish. - M.: Advokat, 2019 yil. - 495 b.
9. Egorshin P. Iqtidorli menejerning karerasi. - M.: Logos, 2018. -408 b
10. Odegov, Yu. G. Xodimlarni boshqarish: akademik bakalavriat talabalari uchun darslik va seminar / Yu. G. Odegov, G. G. Rudenko. - 2-nashr, qayta ko'rib chiqilgan va qo'shimcha - Moskva: Yurayt nashriyoti, 2019. – 467 b.
11. Abdurahmonov Q.X., Xolmo'minov Sh.R., Zokirova N.Q.. Personalni boshqarish: Darslik. — Toshkent. Sharq, 2018 y.
12. Pardaev M.K., Abduraimov I.T., Isroilov B.I. Korxonaning iqtisodiy salohiyati tahlili. – Toshkent: Iqtisodiyot va huquq dunyosi nashriyot uyi, 2003. – 256 b.

UO'K 338.28

KIMYO SANOATI KORXONALARINING RIVOJLANISHIDA INNOVATSION FAOLIYATNING AHAMIYATI

L.T. Nazarova, o'qituvchi, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona

Annotatsiya. Ushbu maqolada kimyo sanoati tarmog'ida innovatsiyalarni joriy etishning o'ziga xos jihatlari yoritib berilgan. Shuningdek, innovatsiyalarning afzalliklari va uni joriy etishda yuzaga keladigan iqtisodiy munosabatlar belgilab berilgan.

Kalit so'zlar: innovatsiya, innovatsion texnologiyalar, innovatsion jarayon, transformatsiya

Аннотация. В данной статье освещаются специфические аспекты внедрения инноваций в химической промышленности. Также определяются преимущества инновации и экономические отношения, возникающие при ее внедрении.

Ключевые слова: инновации, инновационные технологии, инновационный процесс, трансформация

Abstract. This article covers the specifics of the introduction of innovations in the chemical industry network. Also, the advantages of innovation and the economic relations arising in its implementation are determined.

Keywords: innovation, innovative technologies, innovative process, transformation

Bugungi kunda innovatsiyalar iqtisodiyotning barqaror rivojlanishining eng muhim xususiyatlaridan biriga aylangan. Innovatsiyaning o'zi ham, uning tushunchalari ham dunyoni tezda zabt etmoqda. [1] Innovatsion jarayonda jiddiy rol o'ynaydigan va innovatsiyalarni korxonalar uchun strategik resursga aylantiradigan xalqaro kapital bozori kengayib bormoqda, bu borada unga yangi moliyaviy tuzilmalar unga yordam bermoqda. Mamlakatimizda sanoat korxonalarida innovatsion faoliyatni yo'lga qo'yish, uning amaliyotga tadbirini o'rganish, joriy etish qo'llab-quvvatlanmoqda.[2]

O'zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanishi ko'p jihatdan ustuvor sohalarni, jumladan kimyo, biokimyo, gaz va neft-kimyo sanoati (taraqqiyotiga bevosita bog'liqdir.

Bugungi kunda sohaga tadbir etilayotgan chora tadbirlar kimyo sanoatini barqaror rivojlanishini Biroq, globallashuv sharoitida ushbu sanoat tarmog'ini uzoq yillar davomida barqaror rivojlanishiga asos bo'luvchi dastaklarni yaratish uchun sohani raqamli transformatsiya qilish jarayonlarini jadallashtirish kerakligini talab etmoqda.

Xususan, O'zbekistonda qabul qilingan ko'plab normativ-huquqiy hujjatlar va ijtimoiy tarmoqlarda keng muhokamaga qo'yilgan qonun loyihalarida o'z aksini topgan. Innovatsion faoliyat to'g'risida 2020 yil 27 iyuldagi O'zbekiston Respublikasining Qonuni, Ilm-fan va ilmiy faoliyat to'g'risida"gi Qonun, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022–2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi" [1], "Kimyo sanoati korxonalarini yanada isloh qilish va moliyaviy sog'lomlashtirish, yuqori qo'shilgan qiymatli kimyoviy mahsulotlar ishlab chiqarishni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" [2] 2021 yil 13 fevraldagi PQ-4992-son Qarori kabi me'yoriy hujjatlar shular jumlasidandir.

Tadqiqotimizning maqsadi mamlakatimiz iqtisodiyotini barqaror ravnaq topishini ta'minlashda innovatsion jarayonlarni tashkil etish hamda rivojlantirish, yangi ishlab chiqarish tarmoqlarini vujudga keltirish orqali uning salohiyati va samaradorlik ko'rsatkichlarini oshirishga ko'maklashishdir. Shu bilan birga, kimyo sanoatida raqobatbardoshlikni oshirish bosqichlarini tahlil qilish va tarmoqning o'ziga xos jihatlarni tadqiq qilib asoslash; zamonaviy texnologiyalar orqali ishlab chiqariladigan sifatli mahsulotlar salmog'ini oshirishni rag'batlantirish, ishlab chiqarish hajmini ko'paytirish va uning asosida mamlakat eksport tarkibida kimyo sanoati mahsulotlari ulushni oshirish, ilg'or texnologiyalar va zamonaviy boshqarish usullarini qo'llashni kengaytirishga ta'sir qiluvchi omillarni aniqlashdan iboratdir.

Innovatsion jarayonlarni boshqarish darajalari - bevosita korxonaning o'zida, ularning o'zaro birlashmasi doirasida, mintaqaviy va davlat qamrovi darajasida bo'lishi mumkin. Ularning har birida o'ziga xos bo'lgan innovatsion jarayonlarni tashkil etish usullari qo'llaniladi.

Mikro darajadagi innovatsion jarayon strategiyasi, ya'ni korxonalar yoki tashkilot miqyosida aniqlanadi hamda ularning negizida korxonaning rivojlanishi, bu yo'lda innovatsion jarayonlarning o'ziga xos vazifalari, korxonaning innovatsion salohiyatining mavjudligi shakllantiriladi.

Ushbu strategiyalarda korxonaning innovatsion faoliyat turi, shakllari, shuningdek uni tashkil etishning o'ziga xos usullari belgilab qo'yiladi. Innovatsion faoliyatni tashkillash yangi ilg'or g'oyalarni shakllantirish, texnik yechimlarni o'rganish va ishlab chiqish, innovatsiyalarni yaratish, shu bilan birga ushbu innovatsiyani ishlab chiqarish va korxonani boshqaruv jarayoniga tadbir etish, tijratlashtirish jarayonlarini olib borishga asos bo'lib xizmat qiladi.

Iqtisodiyotimizning raqobatbardoshligi alohida korxonalarining raqobatbardoshligi asosida shakllanadi va rivojlanadi. Har bir korxonalar raqobatbardoshlikni ta'minlashga erishish uchun o'ziga xos strategiyasini ishlab chiqadi. Biroq, muvaffaqiyatli kompaniyalarning evolyutsiyasi va rivojlanishi tabiati o'xshash bo'ladi, chunki kompaniyalar innovatsiyalarga asoslangan raqobatdosh ustunliklarni yaratadilar. [2] Mamlakatimiz sanoat korxonalarining innovatsion jarayonlarni yo'lga qo'yishdagi kuchsizliklarining sababi quyidagi omillar ta'siriga bog'liqdir:

- aynan ushbu sohadagi olimlar sonining cheklanganligi;
- ilg'or texnologiyalarni patentlash sohasidagi kamchiliklar;
- sanoat tarmoqlari hamda oliygohlar o'rtasidagi o'zaro hamkorlikning yetarli darajada emasligi;
- tadbirkorlik faoliyatini boshlashda murakkab jarayonlarning mavjudligi;
- texnologik ta'lim darajasining sifat nuqtai nazaridan pastligi.

Tadqiqotimiz davomida mamlakatimiz kimyo sanoati korxonalarida innovatsion jarayonlarni jadallashtirishga qaratilgan chora tadbirlar natijalarini ham o'rgandik. Tarmoq korxonalarida bu boradagi to'siq hamda muammolarni yechishga mo'ljallangan aniq maqsadli loyihalarni shakllantirish borasida ishlar olib borilmoqda. Har yili poytaxtimizda InnoWeek innovatsion yarmarkalari tashkil etilib, oliygohlar hamda sanoat korxonalar xodimlari o'rtasida yangi g'oyalar, o'zaro tajriba almashishlar uchun asosiy vosita vazifasini bajarib kelmoqda.

Dunyo bozorida yakuniy sifat darajasi yuqori bo'lgan mahsulotga ega bo'lish, mavjud texnika-texnologiyalarni doimiy ravishda takomillashtirib borish zaruratini tug'dirmoqda.

Bu borada "O'zbekimyo sanoati" AJ ishlab chiqarish jarayonlariga innovatsion zamonaviy texnologiyalarni yaratish hamda va amaliyotga tadbiq etish nuqtai nazaridan O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi institutlari, masalan, umumiy va noorganik kimyo instituti, o'simlik moddalari kimyosi instituti, "Fizika-Quyosh" NNT Fizika-texnika instituti, polimerlar kimyosi va fizikasi instituti, mikrobiologiya instituti, "Toshkent ilmiy-tadqiqot instituti", "Kimyoviy texnologiya tadqiqot instituti" bilan yaqindan hamkorlik aloqalarini amalga oshitib kelmoqda. So'nggi yillar mobaynida hamkorlik natijasi o'laroq, boshqa sanoat tarmoqlari qatori kimyo sanoati korxonalar uchun ham yangi turdagi sifatli mahsulotlar ishlab chiqarishni joriy etishga qaratilgan loyihalar amalga oshirildi.

O'zbekiston sanoatida innovatsiyalardan foydalanish borasida yangi tendensiya shakllandi. Shu kunga qadar kimyo sanoatida, aksariyat holatlarda tabiiy resurslarni qayta ishlash bilan bog'liq tarmoqlar ustunlik qilgan bo'lsa, bugungi kunda esa mamlakatimiz ushbu sanoat tarmog'ida tabiiy resurslarimizdan foydalanishga butunlay o'ziga xos yangicha yondashuvni maqsad qilgan. Buning yorqin namunasi yangi UzGTL zavodi tabiiy gazni chuqur qayta ishlash asosida yuqori qo'shimcha qiymatga ega mahsulotlar ishlab chiqarishning yo'lga qo'yilganidir. Bu kabi yirik loyihalar tufayli O'zbekiston bosqichma-bosqich tabiiy gaz xomashyosi eksportidan voz kechib, neft mahsulotlari importini kamaytirmoqda.

Shu bilan birga, ishlab chiqarish jarayonida hosil bo'ladigan ortiqcha bug' hisobiga avtonom tarzda elektr energiyasi ishlab chiqariladi. Ya'ni, "Uzbekistan GTL" zavodini elektr energiyasi bilan ta'minlash masalasi ham innovatsion tarzda hal qilindi. Shunday qilib, korxonalar nafaqat o'z faoliyati uchun zarur bo'lgan elektr energiyasini mustaqil ravishda ishlab chiqaradi, balki zarur hollarda ishlab chiqarilgan elektr energiyasining qo'shimcha hajmini milliy elektr tarmoqlariga ham yetkazib beradi. Bundan tashqari, innovatsion texnologiyalar asosida qayta ishlangan gazdan zamonaviy yuqori sifatli UzGTL mahsulotlari ishlab chiqariladi. Shu bilan birga, UzGTL zavodida ishlab chiqarilgan nafta polimer mahsulotlarini ishlab chiqarishni ko'paytirish uchun "Sho'rtan gaz kimyo majmuasi"ning ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirish obyektlariga qayta ishlash uchun yuboriladi va shu orqali yagona neft-gaz-kimyo klasteri yaratiladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, innovatsion tadbirkorlik bilan shug'ullanayotgan va ishlab chiqarish jarayoniga xorij tajribasini qo'llab, yangiliklar joriy etilgan zamonaviy korxonalarda, an'anaviy korxonalariga nisbatan ish haqi 2-3 barobar, ish unumdorligi 2 barobar oshganligi, ayniqsa ishchi xizmatchilar turmush darajasining ilgoriga nisbatan sifati va farovonligi ta'minlanayotganligi

bugungi innovatsion iqtisodiy islohotlarining ijobiy tomonlarini ko'rsatmoqda. Ammo erishilayotgan yutuqlar bilan bir qatorda muammolarni hal etilish kerak.

Biz fikrimizcha, bu borada quyidagilarni amalga oshirishni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

- tadbirkorlarimiz o'z biznes faoliyatlarini boshqarishlarida yetarlicha malakaga ega bo'lishlarini ta'minlash;

- sanoat tarmog'i ishchi xodimlarining zamonaviy yangiliklarni tez o'zlashtira olish ko'nikmalarini hosil qilish;

- korxonalar ichki va tashqi risklarni, innovatsiyalarga bo'lgan talabni va o'z holatini xalqaro maydonda yetarlicha baholay olishini choralarni tashkil etish;

- sohani barqaror rivojlantirish, raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarishga yetarlicha e'tibor qaratirish;

Innovatsion jarayonlarni tashkil etish va ularni rag'batlantirishning zamonaviy shakllarini ishlab chiqishda esa quyidagi taklif va tavsiyalarni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

- ilmiy tadqiqotlarni moliyalashtirish jarayonida xususiy tadbirkorlikning rolini oshirish kerak, bu esa tadqiqot va ishlanmalarga investitsiyalar samaradorligini oshirishga asos bo'lib xizmat qiladi;

- innovatsiyalar uchun zarur bo'lgan investitsiyalar darajasini oshirish va raqobatni kuchaytirish kerak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Назаршоев Н.М., Гужина Г.Н., Гужин А.А., Ежкова В.Г. Стратегия развития бизнеса как инструмент управления конкурентоспособностью// Инновации и инвестиции. 2016. № 4. С. 90-92.

2. N.M.Djalilova "Iqtisodiyotni rivojlantirishda innovatsiyalarning roli", "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" elektron jurnali. 2022.№1 238-245 b.

UDC 330

ANALYSIS OF THE ENLIGHTENMENT AND CHALLENGES OF THE SCO SAMARKAND SUMMIT ON REGIONAL ECONOMIC DEVELOPMENT

Shao Junling, teacher, Tashkent State University of Economics, Tashkent

Annotatsiya. *Shanxay hamkorlik tashkilotining Samarqand sammiti "o'zaro ishonch, o'zaro manfaat, tenglik, maslahatlashuvlar, turli sivilizatsiyalarga hurmat va umumiy taraqqiyotga intilish" "Shanxay ruhi"ga asoslangan muvaffaqiyatli tadbirdir. U siyosiy, iqtisodiy, madaniy va boshqa sohalaridagi hamkorlikni o'z ichiga oladi. Mintaqaviy iqtisodiy hamkorlikni mustahkamlash uchun ShHT nafaqat rivojlanishning ustuvor yo'nalishi va iqtisodiy hamkorlik maqsadlarini aniqlab olishi, balki mintaqa iqtisodiyotini kelgusida rivojlantirish borasidagi mavjud vazifalarni ham tushunishi kerak.*

Kalit so'zlar: *Shanxay ruhi, mintaqaviy iqtisodiyot, hamkorlik, muammolar.*

1. Бошқарув ва технология соҳасида илмий яратмаларни кенг миқёсда жорий этиш ва яратиш.

2. Ишлаб чиқаришни бошқаришни, таҳлил қилиш ва назорат қилишни юқори даражада компьютерлаштириш, сифатни бошқаришда илғор тажрибаларни қўллаш.

3. Инсоннинг барча имкониятлари юзага чиқадиган муҳитни яратиш ва қулай имкониятлар яратиш.

4. Инсонларнинг ижодий фаоллигини ошириш мақсадида рағбатлантиришнинг замонавий усуллари кенг миқёсда фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, "Ўзбекистон", 2022 йил.

2. Catter III, J.J., Kidwell, R.E. (2014). Function, governance, and trust in successor leadership groups in family firms. *Journal of Family Business Strategy*, 5(3), 217-228. doi: 10.1016/j.jfbs.2013.06.001.

3. Kazakov O.C. The Role of the Textile Industry in the Economy of Uzbekistan *Журнал Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 –0892 Vol9 Issue–2, Dec -2019*

4. Kazakov Olim Sabirovich Management of the economic power of business activities and its impact on its efficiency *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, Volume 13 Spesial Issue 6, 2022 <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/issue/view/25>

КОРХОНАДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ: МУАММОЛАР ВА ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

А.Б.Джуманова, доц., Тошкент давлат техника университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада корхонада бюджет тизimini жорий этиш зарурияти куриб чиқилган. Режалаштириш, назорат қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш функцияларини қўллаб-қувватлаш учун ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда максимал самарадорликка еришилади. Ҳар қандай бошқарув қарори ўз вақтида тайёрланган бюджетга асосланиши кераклиги кўрсатилган.

Калим сўзлар: бюджетлаштириш, молиявий ҳолати, бошқарув ҳисоби, маҳсулот, капитал, ҳисобот.

Аннотация. В данной статье обозначена необходимость внедрения бюджетной системы на предприятии. Максимальная эффективность достигается при наличии надежных данных для поддержки функций планирования, контроля и принятия управленческих решений. Указано, что любое управленческое решение должно основываться на своевременно подготовленном бюджете.

Ключевые слова: бюджетирование, финансовое положение, управленческий учет, готовая продукция, капитал, отчетность.

Abstract. In this article, the need to introduce a budget system at the enterprise is outlined. Maximum efficiency is achieved when reliable data is available to support planning, control and management decision-making functions. It is indicated that any management decision should be based on a timely prepared budget.

Keyword: budgeting, financial position, management accounting, product, capital, reporting.

Бюджетлаштириш корхонанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш ҳисобланади.

Бюджетлаштиришнинг афзаллиги корхона моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини узоқ, қисқа ва ўрта муддатли режалаштириш, рақобатчиларнинг хатти-ҳаракати, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган бозор талабларини ўрганишда ўз ифодасини топади.




1-Расм. Бюджетлаштириш функцияларининг таснифланиши

“Ўзтемирмаштаъмир” УҚси фаолиятига бюджетлаштиришни татбиқ этиш корхонадаги молиявий интизом, молиявий ҳолатни яхшилаш, корхонанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун зарурати ҳисобланади. Бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштириш “Ўзтемирмаштаъмир” УҚси фаолиятида қуйидаги жиҳатларда қўлланилиши тўғрисида хулоса қилиш мумкин бўлади: бюджет кўрсаткичларининг ижроси назорати; маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш учун маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида корхона молиявий оқимлари ва ресурсларини оптималлаштириш; капиталнинг ўсишини ва унинг инвестицион ўзига тортувчанлигини таъминлаш мақсадида корхона активларини бошқариш; бухгалтерия ҳисоби воситалари билан интеграция қилинадиган бюджет кўрсаткичларида акс этган тактик ва стратегик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда корхона фаолиятини

режалаштириш.

Бизнинг фикримизча, бюджетли ёндашувда бошқариш функцияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир (1-расм).



2-расм. “Ўзтемирмаштаъмир” УК си да бюджетлаштириш даври

“Ўзтемирмаштаъмир” УКсини бошқаришда бюджетли ёндашув бирортаси йўқ бўлса, бошқарув схемаси самарали бўлмайди. Бюджетли бошқариш давларининг узлуксизлик жараёни ҳар бир бюджетни шакллантириш босқичига алоҳида эътибор беришни талаб этади. Бюджетлаштириш давларини қуйидаги кўринишда таклиф этамиз (2-расм).

Юқорида келтирилган бюджет тизимига асосан олиб борилган тадқиқот натижасида бюджетлаштириш тизимини амалга оширишнинг қуйидаги босқичларини таклиф этишга имкон беради (3-расм).



3-расм. “Ўзтемирмаштаъмир” УКсида бюджетлаштириш тизимини яратиш босқичларининг кетма-кетлиги

“Ўзтемирмаштаъмир” УКсида бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштириш тизимларини самарали ташкил қилиш ва белгиланган режа кўрсаткичларига эришишда ҳужжатлар айланиши алоҳида аҳамиятга эга. Умуман олганда , корxonанинг молиявий - хўжалик фаолияти давомида айланиб юрадиган барча ахборот ҳужжат айланишини юзага келтирадиган турли ҳужжатлардан иборат бўлади. Бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштириш учун “Ўзтемирмаштаъмир” УКсида ҳужжат айланиши варианты таклиф этилди (4-расм).

Бизнинг фикримизча, “Ўзтемирмаштаъмир” УКси амалиётига бюджетлаштириш тизимини жорий қилиш учун бир қатор зарурий шароитларни яратиш талаб қилинади.

Биринчидан, корхона бюджетларни ишлаб чиқиш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш учун

асос бўлувчи услубий қўлланмага эга бўлиши керак. Бошқарув ходимлари эса бюджетлаштиришни амалга ошириш учун етарли даражада малакали бўлиши керак.



4-расм. Бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштириш учун “Ўзтемирмаштаъмир” УК сида ҳужжат айланиши

Иккинчидан, бюджетларни ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таҳлил ва назорат қилиш учун унинг ҳақиқий молиявий ҳолатини, товар-моддий бойликлари ва пул маблағлари ҳаракатини ҳамда асосий хўжалик операцияларини кўрсатиб берувчи корхона фаолияти тўғрисидаги етарли миқдорий маълумот керак бўлади. Шунингдек, корхонада бошқарув ҳисоби юритилиши керак, сабаби бошқарув ҳисоби бюджет тузиш жараёнининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, бюджетлаштириш ҳар доим корxonанинг тегишли ташкилий-тузилмаси орқали амалга оширилади.

Тўртинчидан, бюджетларни ишлаб чиқиш, назорат ва таҳлил қилишда катта миқдордаги ахборот рўйхатдан ўтади ва қайта ишланади.

Бюджетлаштириш жараёнида бухгалтерия ҳисоби самарадорлиги ва сифати сезиларли даражада ошади ва тегишли дастурлардан (компьютер дастурий таъминоти) фойдаланиш натижасида хатолар сони камаяди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Khasanov B.A. Management Accounting: Theory and Methodology. Monograph. - T.: Finance, 2003. - 247 ch.
2. Khasanov B.A., Xashimov A.A. Management Accounting: Textbook. - T.: ECONOMY-FINANCE, 2005. - 308 ch.
3. Khasanov B.A., Xashimov A.A. Budgeting in management accounting. - T.: Teacher, 2004. - 100 ch.
4. Rakhmanberdiev, R., Gulamov, A., Masharipov, M., & Umarova, D. (2022, June). The digitalization of business processes of railway transport of the Republic of Uzbekistan. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 030111). AIP Publishing LLC.
5. Babaxanova N. U., Djumanova A. B., qizi Juraeva X. Y. Korxonada boshqarish samaradorligini oshirishda moliyaviy tahlilning o'ri // Academic research in educational sciences. – 2022. – T. 3. – №. 10. – С. 775-786.
6. Джуманова А., Бобомуродов Н. Совершенствование организации учета внутрипроизводственных подразделений предприятий // Экономика и социум. – 2022. – №. 2-2 (93). – С. 614-621.
7. Кушакова М. Н. Анализ и методология управления обслуживающего персонала железнодорожного транспорта в республике // Экономика и социум. – 2022. – Т. 1. – №. 92. – С. 593-596.
8. Baxtiyarovna, D. A., Usmandjanovna, B. N., Amanbayevna, A. R., & Mirzaxmatovna, Y. M. (2021). The Role Of Management Accounting In The Construction Of Logistics Business Processes. *Turkish Journal of Computer and Mathematics Education*, 12(11), 693-696.

УЎК: 330.334.73 (75)

САВДО ВА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР СОҲАЛАРИДА ШЕРИКЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ

О.С.Жуманазаров, тадқиқотчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Ушу мақолада савдо ва товар айирбошлаш ҳамда молиявий хизматлар соҳасида шерикчилик алоқаларининг хусусиялари тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: шерикчилик, савдо, товар айирбошлаш, молиявий хизмат, тижорий триангуляция, тижорий трансферт.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы партнерских связей в сфере торговли, товарообмена и финансовых услуг.

Ключевые слова: партнерства, торговля, товарообмен, финансовые услуги, коммерческая триангуляция, коммерческий трансферт

Abstract. This article discusses the issues of partnerships in the field of trade, commodity and financial service.

Key words: partnerships, trade, commodity exchange, financial services, commercial triangulation, commercial transfer.

Маълумки, исталган бир фаолият каби тадбиркорлик фаолият ва бизнесни амалга оширишда шериклик алоқаларининг, муносабатларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, биз ушбу мақоламизда савдо ва молиявий хизматлар соҳасидаги айрим шерикчилик шаклларини кўриб ўтамиз.

Товар айирбошлаш операцияси деганда, шерикларнинг ўзаро муносабатларида муайян товарларга мулкчилик ҳуқуқи бир томондан иккинчи томонга ўтувчи ҳаракатга асосланади, лекин бунда пул шаклида ҳисоб-китоблар қилинмайди, аксинча ҳисоб-китоблар товар шаклида амалга оширилади. Бу муносабат тадбиркорлар ўртасида ички алоқаларда ва чет еллик шериклар билан ҳам ишлатилади. Товар айирбошлаш операциялари, айниқса ташқи савдода кўп ҳолларда *қарама–қарши* савдо деб юритилади.

Қарама–қарши савдо бу алоҳида битимлар кўринишидаги битимлар мажмуи бўлиб, бунда улар бир-бирига товар етказиш орқали ўзаро балансга еришиш мақсадида келишадилар, яъни бирон – бир товар сотиб олиниб унга жавобан товар юбориш). *Қарама–қарши савдо* кўринишлари бу *бартер битимлари, қарама–қарши етказиб бериш, тижорий триангуляция.*

Бартер деганда товар айирбошлаш битими тушунилади ва бунда у қуйидагиларни кўзда туттади:

- 1) айнан қайси конкрет товарлар айирбошланади;
- 2) Бир товарни иккинчи товарга айирбошлашдаги муайян нисбатлар (бу товарларнинг баҳолари ҳақидаги келишувлар орқали);
- 3) Бир-бирига товарни етказиб бериш етказиб бериш муддатлари (одатда, дунё амалиётида бир-бирига ўзаро товар етказиб бериш оралиғидаги вақт энг кўпи билан 6 ой ҳисобланади).

Бартер битими – бу бирон – бир муайян товар ҳажмини ёки бир қанча товарлар ҳажмини унга баҳо бўйича эквивалент бўлган бошқа товар ёки товарлар ҳажмига айирбошлаш (пул кўринишидаги ҳисоб-китобларни қўллагасдан). Бартер битимининг хусусияти шундаки, томонларнинг бу кўринишдаги битимнинг барча шартлари келишилган шартномани имзолашдир.

Албатта, бартер Ўзбекистонда ҳам 2000 йилларгача кенг қўлланилди, шунингдек бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам вақти – вақти билан амалга оширилади. Масалан, 1980 йиллар охирида “Ксерокс” фирмаси ўзининг баҳоси 800 000 долларга тенг 200 та нусха кўчириш аппаратларини ўзига керак бўлган товар ва хизматларга айирбошлади (вилкали авто юклагичлар, ўз ишчиларига авиачипталар). Шунингдек кўпроқ бартер битимлари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик тадбиркорлар ўртасида ривожланган (масалан, врач билан ҳуқуқшунос ўртасида ўзаро хизматларни айирбошлаш). Бартер битимларининг сонини ва ҳажмини еътиборга олган ҳолда, бугунги кунда, бартер операцияларида воситачи бўлишга ихтисослашган фирмалар ҳам пайдо бўла бошлади.

Қарама–қарши етказиб бериш бартернинг бир кўриниши бўлиб унда томонлар қандай товарни ва қайси шартларда (*баҳоси, ҳажми, вақти ва ҳоказо*) бир томонга етказиб берилиши кераклигини аниқлаган, лекин қайси товар иккинчи томонга етказилиши келишилмаган. Бундай қарор томонлар билан кейин махсус ҳужжат (*баённома*) билан ёки иккинчи шартномани тузиш орқали (*биринчининг давоми*) қайси шартларда ва қандай қарама–қарши товар етказиш тўғрисида келишилади. Бундай *шартномалар қарама–қарши етказиб бериш битимлари* дейилади.


Масалан: сизда товар бор ва бу товарни оддий шароитларда сотиб билмайсиз. Лекин, сиз биласизки бу товарга муҳтож тадбиркор бор ва у ҳисоб-китобни нақд пулда тўлаб билмайди,

лекин кейинроқ сизга керак бўлган товарни етказиб бера олади. Бу товар ё сизнинг шеригингиз томонидан ишлаб чиқарилган, ё сизга юбориш учун сотиб олинган. Агар томонларнинг бири-бирига товар етказиб бериш оралиғи 6 ойдан кўп бўлса, буни қарама–қарши етказиб бериш операциясига кирица бўлади.

Қарама–қарши етказиб беришни турларидан бири қарама–қарши сотиб олиш бўлиб масалан, бирон – бир муайян ускуна олган мамлакат шу олинган ускуна билан боғлиқ бўлмаган товарлар билан ҳисоб-китоб қилади. Бундай шартнома одатда 1 йилдан 5 йилгача тузилиши мумкин.

Оффсет битими бу товар ва хизматлар айирбошлашни назарда тутиши билан бирга капитал, бирон – бир хизмат кўрсатиш ва олинган имтиёзларни қўйиш имкониятини назарда туттади

Тижорий триангуляцияда бартер битимини амалга ошириш учун иккита емас, балки уч ва ундан кўп томонлар қатнашиши мумкин. Масалан, сиз А шерик сифатида Б шерикка товар етказиб беришингиз мумкин, лекин, унда Б шерикда бор бўлган товар сизни қизиқтирмайди. В шерикда сизга керак бўлган товар бор ва у Б шерикдаги мавжуд товарга қизиқиши бор. Бунда сиз тижорий триангуляция музокараларни қилишингиз мумкин (*лотин тилидан “триангулум” – учбурчак*). Тижорий триангуляция асосида бартер бўлмаган операция сифатида майдонга чиқади (1-чизма).



1-чизма. Тижорий триангуляция:

1 – товар етказиб бериш, 2 – товар ҳақини тўлаш.

Сиз Б шерикга товар етказиб берасиз (Сиз АВВ учбурчакнинг А нуқтасидасиз). Товар учун пулни сизга В шерик беради. Сизда у билан ҳеч қандай ўзаро алоқалар йўқ, лекин унинг Б шерик билан алоқалари мавжуд.

Ўз навбатида савдо хизматлари соҳасидаги шерикларнинг ўзаро муносабатларининг қуйидаги шакллари фарқланади:

1. *Оддий битим ёки олди-сотди битими* (ёки товарни шу заҳотиёқ топшириш битими, яъни сотувчида савдо пайтида мавжуд товарга битим). Шерикларнинг муносабати бундай битимни тузганда етказиб бериш ёки олди-сотди шартнома асосида расмийлаштирилади (хизматни сотишда хизмат кўрсатиш ёки сервис кўрсатиш шартномаси тузилади). Бундай шартномада сотувчи ва харидор ёки етказиб берувчи ва истеъмолчи қатнашади.

2. *Форвард битими ёки муддатли битим* одатда 6 ойдан 14 ойгача тузиладиган битимдир.

3. *Бирон бир белгиланган муддатда товарни олди-сотди операциялари*, шу жумладан олдиндан олди-сотди қилиш ва шартномада кўрсатилган муддатда етказиб беришни ҳам ўз ичига олади;

4. *Ноу – хау шаклидаги ахборотни бериш битими*, шундай шериклар муносабатиники, бунда бири иккинчисига бир ёки бир нечта патентланмаган ишлаб чиқариш сирларини шартномада кўрсатилган шартлар бўйича муайян мукофот евазига беради.

5. *Тўғри ишлаб чиқариш алоқаларни ўрнатиш битими* – бу фирмалар корхоналар, ташкилотлар ўртасида ишлаб чиқариш, илмий – техникавий ва бошқа фаолият соҳаларида

бевосита ҳамкорлигига асосланган шериклар муносабати. Битимни расмийлаштириш Хўжалик шартномаси ёки дастлабки баённомаларни тузиш, шартнома кўринишида амалга оширилади.

6. *Спот битими* – товар олди-сотди операцияларининг бир кўриниши бўлиб, дарҳол ҳисоб-китоб қилиш, етказиб беришни назарда тутади. Кўпгина ҳолатлар-да бундай битим биржа савдосида, нақд валютани сотишда қўлланиши мумкин.

7. *Товарни (хизматни) экспорт қилиш бўйича битим* – товарни чет еллик шерикка етказиш бўйича шартнома. Битим шартнома кўринишида амалга оширилади.

8. *Резекспорт битими* – шундай муносабатлар турики бунда, бир шерик чет елдан товарни кейинчалик бошқа мамлакатга сотиш мақсадида ўз мамлакатада қайта ишламасдан товар сотиб олиш билан боғлиқ операцияси.

9. *Товарни (хизматни) импорт қилиш бўйича битим* – бу шериклар ўртасидаги муносабат бунинг асосида товарни чет елдан олиб кириш ётади (товарни сотиб олувчи нуқта-йи назаридан).

Ташқи алоқалар соҳасида қўллаш мумкин бўлган тўловни кечиктириш билан экспорт (импорт) қилиш мумкинлиги – бу товарни кредит асосида етказиб бериш шаклидаги қўлланиладиган битим, ёки (*масалан, валюта тушумларига нисбатан қаттиқ солиқ сиёсати шароитида*) сиз ўзингизни фойдангизга хорижий шеригингиз ҳисоб рақамида валюталарни тўпланишидан манфаатдор бўласиз.

Молиявий хизматлар кўрсатиш ва муносабатлар соҳасида тадбиркорлик шерикчилик алоқаларининг *факторинг* ва *тижорий трансферт* каби фаркланади.

Факторинг – бу тадбиркор ва фактор фирма ўртасидаги ўрнатиладиган ўзаро муносабатлар тизими. Бунда фактор фирма тадбиркорни дебитор қарзини зиммасига олади (бунда тадбиркор товар олиб ва унинг учун шу заҳоти пул бера олмаса) ёки тадбиркордан бирон – бир шерикка тўлаш бўйича талабларини сотиб олади (яъни, тадбиркор товарни етказиб беради, сотиб олувчи еса тўловни кечиктиришдан фойдаланади).

Фактор фирма сифатида асосан банклар майдонга чиқади. (Кўпгина банклар ҳозирга келиб банк гуруҳларига айландилар) ўз таркибида факторинг, лизинг, инжиниринг, консалтинг идораларини очиб, улар оддий молиявий хизматларнигина емас, балки мижозларга комплекс хизмат кўрсатадилар.

Факторинг – бу савдо-коммиссион операцияларининг бир тури бўлиб, мижоз ҳисобларини фактор-компания томонидан сотиб олиши орқали мижозни оборот капитални кредитлаш билан мос келиши.

Факторинг – бу мижозларга универсал молиявий хизмат кўрсатиш ҳисобланади ва бунга бухгалтерия, ахборот, реклама, сотиш, транспорт, суғурта, кредит ва ҳуқуқий хизмат кўрсатишлар киради. Мижозга фақат ишлаб чиқаришни ташкил қилиш вазифаси қолади.


Факторинг операцияларининг тарқалиши – ҳозирги замонавий шароитларда одатда тўлаш муддати 1 – 3 ойгача бўлганлиги билан боғлиқ. Агар банк бундай тўловлар бўйича дарҳол ҳисоб-китоб қилса, яъни *сконто* (дарҳол тўлаш) шартини ишлаца, у ҳолда маблағлар айланиши тезлашади. Бунда фойдасига тўловлар амалга оширилган тадбиркор, одатда баҳодан 3% чегирма беради ва шу 3% еса фактор фирманинг фойдаси ҳисобланади.

Дебиторлик қарзи – бухгалтерия ҳужжатларида кўрсатилган счёт бўйича қарз. Масалан, сиз товарни шеригингизга сотдингиз, у еса тўловни 3 ойдан кейин амалга оширади. Демак, шу 3 ой давомида сизнинг капитал ишламайди ва ҳеч қандай фойда келтирмайди. Лекин, сиз бу пулни 3% чегирма билан фактор фирмдан олишингиз мумкин. У еса ўз навбатида шерикдан сизга тегишли бўлган тўлиқ суммани олади. Ёки аксинча сиз товар сотиб олдингиз, банк шартномада кўрсатилган баҳони 97% тўлайди (сизда сотиб олиш пайтида бўш капитал йўқ), сиз еса банкка 3 ойдан сўнг 100% шартномада белгиланган қийматни тўлайсиз.

Тижорий тарнсферт мамлакатлараро муносабатларда қўлланилади ва бунда шериклар бир-биридан миллий валютада келишилган баҳода ва белгиланган миқдорда капитал олди-сотди қиладилар. Бироқ капитални бундай сотиб олиш унинг чегарадан четга чиқишини

билдирмайди. Капитал товар сотувчи мамлакатнинг банкига харидор номига очилган ҳисоб рақамига келиб тушади.

Масалан, Сиз келишилган шартлар бўйича Германиялик шеригингиздан капитал сотиб олдингиз. Шундай қилиб, Германия банкида муайян миқдорда сизни ҳисоб рақамда пулингиз бор. Ўз навбатида сиз муайян миқдорга Ўзбекистон банкида германиялик шеригингиз номига ҳисоб очасиз. Енди сиз Германия банкидаги ҳисоб рақамингиздан фойдаланиб ҳар қандай Германия фирмасидан хоҳлаган товарни сотиб олиб биласиз. Ҳисоб-китобни худди шундай операцияларни сизнинг германиялик шеригингиз Ўзбекистонда қила олади. Германиядан товарни сотиб олиб сиз уни Ўзбекистонга сотиш учун олиб келишингиз мумкин. Чизма кўринишида тижорий трансферт қуйидагича кўринишда бўлади: (2-чизма).



2-чизма. Тижорий трансфертни амалга оширилиш тартиби

Чизмага изоҳ: 1 – Ўзбекистонлик шерик ва хорижий шерикнинг тижорий трансферт тўғрисида шартнома тузиши. Шартнома одатда махфий характерга эга. Бундан ташқари, шартнома шартларини бажаришнинг ўзи ноу – хау мезонига киради. Шериклар битим ҳажми тўғрисида (масалан, сўмга 1000 000 доллар ҳажмда сотиш ва харид қилинади) ва олди- сотди баҳоси бўйича келишилади (масалан, томонлар 1 доллар 11 000 сўм ва 1 доллар 0,82 евро деб белгилайдилар);

2 – Хорижий шерик ўзининг банкида ўзбекистонлик шеригининг номига ҳисоб рақами очади ва 1 АҚШ доллари = 0,82 евро нисбатдан келиб чиққан ҳолда, 820 минг евро ни мазкур ҳисоб рақамига ўтказиб, уни ҳимоя қилиш учун блокировка қилади;

2а – Худди шу операцияни ўзбекистонлик шерик амалга оширади, яъни ўз банкида германиялик шерик номига ҳисоб рақами очади ва унга 11 млрд. сўм ўтказиб, у ҳам ҳисоб рақамини ҳимоя қилиш мақсадида уни блокировка қилади, яъни ёпади. Ҳисоб рақамларини ёпиш шерикларни ўзаро бир-бирининг шартларни бажарганлигига ишонч учун ишлатилади;

3а – шериклар ўзаро шартнома бўйича шартларни бажарганлигига ишонч ҳосил қиладилар (*текишириш механизми одатда шартномада кўрсатилади*), мажбуриятларни бажаргандан сўнг шериклар ҳисоб рақамларини қайта очиб қўядилар;

4 – ўзбекистонлик шерик Германияда ўзини қизиқтирган товар сотувчисини топади ва у билан етказиб бериш шартномасини тузади.

5 – ўзбекистонлик шерик товар сотган сотувчи фойдасига тўловни амалга оширади, яъни пул ўтказилади. Пул унинг номига Германия банкида очилган ҳисоб рақам орқали тўланади;

6 – етказиб бериш шартномаси тузилган товар Ўзбекистонлик шерикка етказилади.

7 – ўзбекистонлик шерик олган товарни сотади.

Одатда, товарнинг бир қисми хорижий шерик номига очилган ҳисоб рақам учун кредитни банкка тўлаш учун ишлатилади. Қолган қисми еса тадбиркорнинг ўз ихтиёрича

ишлатилади. Худди шундай ҳаракатларни (4 – банддан бошлаб) хорижий шерик Ўзбекистон худудида амалга оширади. Бошқача қилиб айтганда, бу операцияни муваффақиятли яхши ташкил қилса уни “бўш чўнтак” билан ҳам амалга оширса бўлади, яъни ҳеч қандай бошланғич капитал талаб қилинмайди (*агар албатта, банкда хорижий шерик номига кредит олиш имкони бўлса*). Гаров сифатида бу ерда тижорий трансферт шартномасининг ўзи бўлиши мумкин, яъни ўзбекистонлик шерик номига хорижий шерик банкида очилган ҳисоб рақамига ўтказилган валюта маблағлари.

Бу шерикчилик муносабатлари ҳалқаро банклараро алоқаларда ва корреспондентлик ҳисоб рақамларни очишда кенг қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон банки Германия банкида еврода ўз ҳисоб рақамини очади ва ўзида шу Германия банкига тегишли ҳисоб рақамини сўмда очади. Бундай ҳисоб рақамлар иккала банкка ҳам керак, чунки улар Ўзбекистонга тегишли (немис банк мижозлари) ёки Германияга тегишли (Ўзбекистон банки мижозлари) мижозларга хизмат кўрсатиши керак.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳам тижорий трансферт ва унинг унсурлари, бу айниқса кредитга ёки молиявий ёрдамга асосланган молиявий муносабатлар шакллариدير. Масалан, Буюк Британия Британия ҳамдўстлиги мамлакатларига молиявий ёрдам берар экан, ажратилган маблағларга фақат Буюк Британия худудида Буюк Британия товарларини сотиб олиш кўзда тутилади. Бундай шароитларда ажратиладиган маблағлар мамлакатдан валюта чиқиб кетишининг олдини олади ва британиялик ишлаб чиқарувчиларни бевосита қўллаб – қувватлайди.

Ҳар бир тадбиркор ҳар қандай битим билан тузишда, ҳамда ҳар қандай иш операциясини режалаштиришда шерикни танлаш ва бу шерик билан қандай муносабат шаклини қўллаш зарурати билан тўқнаш келади (балки аксинча, унга маъқул шаклига қараб шерик излайди). Бирон бир муайян шаклни танлаш, шундай шартлар билан белгиланадики, бунда тадбиркор ўз иш операцияларини рўёбга чиқариши ва мумкин бўлган шерикчилик алоқаларни таққослама таҳлилини амалга ошириш керак бўлади.

Масалан, мева шарбатларини ўзбекистонлик сотувчиси чет элдан шарбатни сотиш учун харид қилади. У шарбатларни 1 қутисини Ўзбекистонда айтайлик 1 долларга сотади. Чет элда у шарбатларни улгуржи савдода 1 қутисини 65 центга сотиб олади. Аммо, агар у олган фойдани 3/2 қисмини давлатга солиқ сифатида берса, бу унга фойдасиз. Агар у чет элда 1 қути шарбатни 99 центга сотиб олиб ва Ўзбекистонда 1 долларга сотса, у солиқни камроқ тўлар эди. Лекин, у ишлаб чиқарувчига 99 цент тўламайди, чунки уни 65 центга сотиб олиш имконияти бор. Аммо, сиз орқали чет элда ташкил қилинган фирмангиз шарбатни 1 қутисини 99 центга чет элдан ўзингиздан олишингиз мумкин. Бу фирма ишлаб чиқарувчидан 1 қути шарбатни 65 центга сотиб олиб, уни бизнинг сотувчига 99 центга сотган бўлади ва ўзига 34 цент фойда сифатида қолдириб, чет элда Ўзбекистон сотувчиси бундай фирмани оффшор компания сифатида очиши мумкин, яъни ишлаб чиқарувчи сифатида фаолият юритиш ҳуқуқисиз солиқ имтиёзига эга бўлган компания.

Демак, республикамизда эркин валют айирбошлаш жараёнлари очилгунга қадар солиқ тизимидаги “имтиёзлар” бўлганлиги учун ўша даврда Ўзбекистон тадбиркорлари ўзига яхши самара берадиган бундай шерикчилик алоқаларини ишлатишга мажбур бўлишган, давлат учун эса бу катта миқдордаги қўшимча солиқ тушумларни йўқотилишига олиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, асосий фаолияти фойда олиш бўлсада, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи исталган бир тадбиркорлик субъекти ўзи учун қулай бўлган шерикчилик алоқаларига киришар экан, албатта давлат олдидаги бурч ва мажбуриятларини, ижтимоий масъулиятини унутмаслиги ҳамда тадбиркорлик ахлоқ меъёрларига риоя қилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Салаев С.К., Файзуллаев Н.Б., Атаев Ж.Э., Саидов Д.Р., Гулманов М.А. Тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: Фан ва технология, 2012. Б.122-128.

2. Салаев С.К., Файзуллаев Н.Б., Тажиев Б.У. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўналишлари. Тошкент, Фан ва технология, 2011. Б.43.

УЎК 003.338

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА МАРКЕТИНГ КОММУНИКАЦИЯСИДА ХАРИДОРЛАР АУДИТОРИЯСИНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

В.А.Жуманова, ўқитувчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида маркетинг коммуникациясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг йўналишлари ҳақида тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: хизмат кўрсатиш, маркетинг, маркетинг коммуникацияси, реклама, кичик бизнес, кичик бизнес субъектлари, модернизация.

Аннотация. В статье даны рекомендации по способам повышения эффективности маркетинговых коммуникаций в сфере услуг.

Ключевые слова: сервис, маркетинг, маркетинговые коммуникации, реклама, малый бизнес, субъекты малого предпринимательства, модернизация.

Abstract. In this article provides recommendations on ways to improve the effectiveness of marketing communication in the service sector.

Key words: giving service, marketing, marketing communication, advertising, small-scale business, entities of small-scale business, modernization.

Айни пайтлардаги кучли рақобат шароитларида кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятларида интеграциялашган маркетинг коммуникацияларидан фойдаланишга катта эҳтиёж сезадилар. Миллий ва хорижий иқтисодчи-олимларнинг асарларида келтирилган маркетинг коммуникациялари самарадорлигини баҳолашга нисбатан ёндашувлар турли-туман кўринишларда бўлиб, бу улардан фойдаланишнинг самараси ҳар хилда тушунилиши билан боғлиқдир.

Бозор муносабатлари шароитларида хизматлар соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларининг асосий маркетинг коммуникацияси воситаси бўлиб реклама саналади.

Реклама орқали таъсир кўрсатишнинг асосий натижаси бўлиб харидорлар сонининг ортиши саналиб, бунга қуйидаги йўллар орқали эришиш мумкиндир:

- аудиториянинг ўз вақтида хабардор қилиниши;
- харидорлар аудиториясини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни ўтказиш;
- интернет-технологиялар воситасида аудитория билан ўзаро ҳаракатларни фаоллаштириш;
- харидорлар аудиториясини кастомизациялаш;
- директ-маркетинг воситасида аудитория билан ўзаро ҳаракатларни фаоллаштириш.

Харидорлар аудиториясини кенгайтириш ва унинг хабардорлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ўтказиш натижасида харидорлар сонининг ортишини ҳисоблаш воситасида хизматлар кўрсатиш соҳаси фирмаларининг реклама тадбирлари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, амалга оширилган реклама орқали таъсир кўрсатиш натижаларини – битта миждон жалб қилиш қиймати, янгидан жалб этилган миждонлар учун сотишнинг умумий ҳажми, фирма даромадларининг ошиши, реклама сарф-харажатлари ва шу кабиларни аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлиб саналади.

Директ-маркетинг технологиялари, хусусан, почта орқали жўнатмалар воситасида харидорлар аудиторияси билан ўзаро ҳаракатларни фаоллаш-тириш натижасида харидорлар сонини ортиши ҳисоб-китоби ҳам шунингдек, хизматлар соҳасидаги фирмалар томонидан маркетинг коммуникациялари самарадорлигини ҳисоблаш учун қўлланилиши мумкиндир.

Харидорлар аудиториясини кенгайтириш ва унинг хабардорлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ўтказиш натижасида харидорлар миқдорининг ортиши ҳисоб-китобини директ-маркетинг тадқиқотлари контекстида ўтказиш зарур бўлади.

Шунингдек, хизматлар кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес корхоналари ўз мижозлари сонининг кўпайишига интернет-технологиялар воситасида харидорлар аудиторияси билан ўзаро ҳаракатларни фаоллаштириш йўли билан ҳам эришишлари мумкин бўлади.

Телефон орқали сўровномаларни ўтказиш, номли таклифнома-хатларни, кўргазмаларга таклиф чипталарини жўнатиш кенг харидорлар аудиториясига таклиф этилаётган хизматлар турлари билан танишишга ва потенциал харидорлар ҳақида ишонарли ахборотларни олишга ҳамда улар билан шахсий алоқаларни ўрнатишга имкон беради.

Хизматлар соҳасидаги кичик бизнес субъектларининг маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш учун интеграциялашган маркетинг коммуникациялари стратегиясини ва уни амалга оширишнинг эҳтимолий натижаларини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб саналади.

Таққослама методлар реклама орқали таъсир кўрсатиш, рекламанинг ҳар хил воситалари, улар билан шартланган сарф-харажатларнинг ошиши ва харидорлик хулқ-атворининг интенсификациялашуви натижасида эришилган сотишнинг иқтисодий натижаларини таққослаш, шунингдек, реклама кампанияларини ўтказиш, сотув ҳажмининг ортишини ва харидорлар сонининг кўпайишини баҳолаш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларларнинг таққослама тавсифи учун қўлланилиши мумкиндир.

1-расмда маркетинг коммуникацияларининг мақсадлари, шунингдек, улар йўналтирилиши мумкин бўлган бозор субъектлари тасвирлаб берилган.



1-расм. Хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фирма маркетинг коммуникацияси дастурининг мақсадлари

Интеграциялашган маркетинг коммуникацияларининг самарадорлигини ошириш учун ҳар бир бозор субъекти бўйича маркетинг дастурини амалга ошириш йўналишларини белгилаб олиш зарур бўлади. Бунда истеъмолчиларнинг хулқ-атворини ўрганувчи бир қатор тадқиқотчилар маркетинг коммуникациялари потенциал ва реал истеъмолчиларга қандай таъсир кўрсатишига алоҳида диққат қаратадилар.

Харидорлар аудиториясининг ўз вақтида хабардор қилиниши реклама ахборотларининг ташувчилари воситасида амалга оширилади ва бир қатор коммуникацион механизмлар таъсири остида шакллантирилади:

а) дўконларда, ОАВ да, Интернетда ва шу кабиларда реклама мурожаатларининг вариативлиги ва қамров тўлиқлигини ифодаловчи харидорлар аудиториясига реклама орқали таъсир кўрсатишнинг оммавийлиги ва интенсивлиги;

б) рекламанинг визуал ўзига хосликларини ва унинг истеъмолчиларга таъсири ўлчамини – реклама эълонининг ўлчами ва формати, жойлаштириш жойи ва шу кабиларни тавсифловчи реклама орқали таъсир кўрсатишнинг ижобий-ассоциатив омиллари;

в) истеъмолчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари устиворлигини, реклама мурожаатининг харидорлар аудиторияси ўзига хосликларини ва кутишларини ҳисобга олиш билан маълум бир сегментга йўналтирилганлигини ифодаловчи харидорлар аудиториясига реклама орқали таъсир кўрсатишни мослаштириш.

Харидорлар аудиториясини кенгайтириш, харидорлик хулқ-атворини рағбатлантириш ва харидорларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни ўтказиш натижасида харидорлар сонининг ортиши хизматлар кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари коммуникацион фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. Бунга рекламанинг турли хилдаги кўринишлари, уларни жойлаштиришнинг иқтисодий самарали ва рационал усулларини танлаб олиш, истеъмолчиларнинг ассоциатив мослаштиришларни оптималлаштириш кабиларни тизимли равишда қўллаш орқали эришиш мумкин.

Ҳисоблаш-таҳлилий методлар ҳар хилдаги реклама орқали таъсир кўрсатишнинг иқтисодий натижаларини ҳисоблаш, шу жумладан, бир қатор индекслар – харидорлар диққатини концентрациялаш индекси, харидорлик хулқ-атворини фаоллаштириш индекси кабиларни аниқлашни кўзда тутади.

Интеграциялашган маркетинг коммуникациялари самарадорлигини аниқлаш ва олинган натижалар билан уларга сарфланган харажатларнинг таққосланувчанлиги учун баҳолашни иккита йўналиш – хўжалик субъекти миқёсида ва истеъмолчилар миқёсида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб саналади.

Шунингдек, хизматлар кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес корхоналари ўз миқдорлари сонининг кўпайишига интернет-технологиялар воситасида харидорлар аудиторияси билан ўзаро ҳаракатларни фаоллаштириш йўли билан ҳам эришишлари мумкин бўлади.

Харидорлар аудиторияси билан ўзаро ҳаракатлар замонавий маркетингдаги дастакли-методик воситаларнинг қўлланилишини кўзда тутиб, улар хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналарига ўзларининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорликларини оширишнинг потенциал заҳираларини аниқлашга имкон беради. Бунинг учун реклама чора-тадбирларини ўтказиш, потенциал истеъмолчиларни кўрсатиладиган хизматлар турлари ҳақида хабардор қилиш мақсадларида хизматлар кўрсатиш соҳаси фирмаларининг сайтларини яратиш керак бўлади.

Харидорлар сонининг ортишига шунингдек, харидорлар аудиториясини кастомизациялаш натижасида ҳам эришиш мумкин бўлади. Кастомизация жараёни маркетинг коммуникацияларининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги нафақат жалб этилган харидорлар сони ва доимий харидорлар миқдори билан, балки уларнинг ҳар хилдаги тўлов қобилияти, алоҳида хоссаларга эга бўлган товар (хизмат)ларни харид қилишдан манфаатдорлиги ва фирмага нисбатан узоқ муддатли хайрихоҳлик муносабатларини шакллантириш билан белгиланадиган сифат жиҳатидан бир турда бўлмаган таркиби билан ҳам шартланиши далилининг тан олиншига асосланади.

Хизматлар кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес корхоналарининг реклама орқали таъсир кўрсатишларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун қуйидагича ҳисобланадиган харидорлар сонининг ортиши ($\Delta QС$) кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\Delta QС = \sum_{t-1}^T QС_{AR} - \sum_{t-1}^T QС_{BR},$$

Бу ерда:

$\sum_{t-1}^T QС_{AR}$ – реклама акцияси давомида фирмага ташриф буюрган миқдорлар сони;

$\sum_{t-1}^T QС_{BR}$ – реклама акцияси ўтказилишидан олдин, яъни, коммуникацион таъсир кўрсатишдан олдин фирмага ташриф буюрган миқдорлар сони;

$t = 1, 2, \dots, T$ – ўрганилаётган вақт давомийлиги (вақт давомийлиги ҳар иккала вазиятда ҳам бир хил).

Реклама орқали таъсир кўрсатишни баҳолаш методикаси ҳозирги кунда хорижий мамлакатлардаги товар ишлаб чиқарувчилар ва дилерлик тармоқлари фаолиятида интеграциялашган маркетинг коммуникацияларини шакллантириш амалиётида ва умуман уларнинг коммуникатив сиёсатида кенг тан олингандир. Бу методикадан шунингдек,

хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектларида ҳам фойдаланиш имконияти беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пардаев М.Қ. ва Ҳ.Н.Мусаевлар таҳрири остида. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. - Т., 2008. - 87 б
2. Бегленов Н.Д. Маркетинговая коммуникация предпринимательской деятельности в контексте парадигмы глобализации экономики. // Двадцать четвертые международные Плехановские чтения. Материалы международной научно-практической конференции. Москва 1-2 февраля 2013 г, стр. 368-369
3. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш хусусиятлари, назарий ёндашувлар ва хизматлар таснифи. Журнал. КМУ «Вестник» №4
4. Артамонов Б.В и др. Маркетинговые коммуникации: проблемы, возможности и перспективы развития, монография.: www.scipro.ru . Нижний Новгород, 2018

УЎК 338.49

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ АСОСИДА МИНТАҚАНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Х.Жураев, ўқитувчи, Термиз иқтисодий ва сервис университети, Термиз

Аннотация. Мақолада ишбилармонлик муҳитини фаоллаштириш асосида минтақани комплекс ривожлантириш омиллари асосланган, бу юздан илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Ишбилармонлик муҳити, инвестиция, инвестицион фаоллик, рақобатбардошлик, тадбиркорлик субъекти, либераллаштириш.

Аннотация. В статье обосновывается объективная необходимость комплексного развития региона на основе активизации бизнес-среды, разработаны конкретные предложения и практические рекомендации.

Ключевые слова: Деловая среда, инвестиции, инвестиционная деятельность, конкурентоспособность, хозяйствующий субъект, либерализация.

Abstract. The article substantiates the objective need for the integrated development of the region based on the activation of the business environment, developed specific proposals and practical recommendations.

Keywords: Business environment, investment, investment activity, competitiveness, business entity, liberalization.


Бугунги кунда ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий иқлим жозибадорлигини оширишга доир ҳаракатларни фаоллаштириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳон иқтисодиёти риволанишига назар ташласак, уларда инвестицион фаолликни ошириш мамлакатда иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Бунда ҳар бир минтақани рақобатбардошлик афзаликларида, ишбилармонлик муҳитини фаоллаштиришдан мавжуд табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва меҳнат салоҳиятидан унумли фойдаланишни таъминлаш орқали комплекс ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида бизнес юритиш шарт-шароитларни янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислохотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектларига умумий қиймати 5 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган кредит ва лизинглари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун уч йил муддатгача компенсация тақдим этилган[1].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланган [2].

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган [3]. Дастурда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда, тадбиркорлик субъектларини текширишларни қисқартириш ва уларнинг фаолиятига асосиз аралашининг олдини олишда, тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини янада либераллаштиришда, молиявий ҳамда солиққа тортиш тизими ва божхона ишини такомиллаштиришда, тадбиркорларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини кучайтириш, бизнес юритиш шароитларини яхшилаш, инвестициявий жозибadorлигини ва республиканинг халқаро рейтингини ошириш соҳасида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази ҳар ойда иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги 1000 нафар тадбиркор ўртасида сўров ўтказди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитининг ўзгариш кўрсаткичи динамикаси (08.2020-01.2023 йилларда) [5]

Ишбилармонлик муҳитининг йиғма индекси ҳозирги ҳолат ва кутилаётган кўрсаткичлар асосида шакллантирилмоқда. Улар, ўз навбатида, бизнес юритишдаги тўсиқлар ҳақида ташвишланиш даражасини намоиш этадилар. Жаҳон банкининг "Корхона сўрови" методологиясига кўра, тадқиқотнинг танлаб олиш методологияси саноат табақалашувида асосланган. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ишбилармонлик муҳити индекси "Ifo Institut" иқтисодий тадқиқотлар институти ва "Berlin Economics" консалтинг компанияси кўмагида

Германиянинг ишбилармонлик муҳити индекси (Geschäftsklimaindex) методологияси асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, респондентларнинг 41 фоизи ўз бизнесининг ҳозирги ҳолатини "яхши" деб баҳолаган бўлса, "ёмон" деб қайд этганларнинг улуши 14 фоизни ташкил этган. Корхоналарнинг 20 фоизи ишчилар сонини кўпайтирган, тадбиркорларнинг 41 фоизи товарлар/хизматларга бўлган талабнинг ўсишини қайд этган. Жорий йилнинг январь ойида ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати кўрсаткичи 13 пунктга пасайган ва 34 пунктни ташкил этган, бу эса қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳолатининг ёмонлашгани билан изоҳланади. Шунга қарамай, қурилиш соҳасида жадал ривожланиш қайд этилган.

Кейинги 3 ой ичида бизнесни ривожлантириш истиқболларини белгилаш кўрсаткичи 76 пункт билан юқори даражада қолмоқда, бу барча соҳаларда самарадорлик билан қўллаб-қувватланади.

Жорий йилнинг январь ойида тадбиркорларнинг 50 фоизи турли тўсиқларга дуч келганликларини таъкидлаганлар. Шундай қилиб, энг долзарб муаммолар сифатида респондентлар молия ва ердан фойдаланишдаги қийинчиликлар, электр ва газ таъминоти тизимидаги узилишлар, шунингдек, солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ ставкаларининг юқорилигини қайд этишган.

Саноат соҳасида газ таъминоти ва электр энергияси билан боғлиқ муаммолар тез-тез учраб туради. Шу билан бирга, ердан фойдаланишда муаммолар борлигини билдирувчи тадбиркорлар улуши камайган.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқлар орасида энг юқори имкониятлари билан ажралиб туради - респондентларнинг 84 фоизи кейинги 3 ой ичида яхшиланишни кутмоқда.

Қурилиш соҳасида тадбиркорлар юқори солиқ ставкалари билан боғлиқ муаммоларни кўтармаганлар. Шу билан бирга, секторнинг молиялаштиришга бўлган эҳтиёжи бошқа тармоқлар орасида энг юқори бўлиб қолмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида об-ҳаво шароити ёмонлашгани сабабли солиқ маъмурияти, электр ва газ таъминоти билан боғлиқ муаммолар тез-тез учраб туради.

Таҳлил қилинаётган даврда божхона тўловлари бўйича тушумлар 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 28,9 фоизга ошган. Божхона тушумларининг энг кўп ўсиши Сурхандарё (73,9 фоиз) вилоятига тўғри келган.

Божхона тўловларидан тушадиган даромадларнинг ўсишига таъсир кўрсатган асосий омиллар 2023 йил январь ойида импортнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 42,3 фоизга ўсиши бўлган.

Шу билан бирга, илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, техник талаблар (санитария, экология, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаштириш ва бошқалар) каби махсус норматив ҳужжатларни, самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бекор қилиш юзасидан танқидий қайта кўриб чиқиш зарур.

Яратилган ҳукукий асосларнинг қўлланилиши ва амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий ғовлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан аниқ белгиланган тадбирларнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, 1 декабрь 2022 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сонли "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизimini такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли "тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.

4. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар ДАСТУРИ, 2016 йил 5 октябрь.

5. <https://review.uz/oz/post/biznes-klimat-uzbekistana-predstavlen-na-platforme-trading-economics>.

УЎК 33

МИНТАҚАДА ҚИЗИЛМИЯНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ БЎЙИЧА КООПЕРАЦИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

А.М.Закимов, доц.в.в.б., PhD, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистон Республикасида қизилмия етиштириши ва қайта ишлаш тизимида интеграцион алоқаларни ривожлантириши асосида кооперацияни шакллантириши ва самарадорлигини ошириши бўйича тақлифлар билдирилган.

Калим сўзлар: агросаноат интеграцияси, қизилмия, кластер, интеграция, ташкилий-бошқарув тизими, эркин иқтисодий зона, ҳудудий ёндашув, бошқарув самарадорлиги.

Аннотация. В статье предлагаются предложения по формированию и повышению эффективности сотрудничества на основе развития интегрированных отношений в системе выращивания и переработки солодки в Республике Каракалпакстан.

Ключевые слова: агропромышленная интеграция, солодка, кластер, интеграция, организационно-управленческая структура, свободная экономическая зона, территориальный подход, эффективность управления.

Abstract. The article offers suggestions for the formation and increase of efficiency of cooperation on the basis of the development of integrated relations in the system of cultivation and processing of licorice in the Republic of Karakalpakstan.

Keywords: agro-industrial integration, licorice, cluster, integration, organizational-managerial structure, free economic zone, territorial approach, management efficiency.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг ва ҳудуднинг муваффақиятли ва барқарор ривожланиши бевосита ундаги мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш ҳисобланади.

Хусусан, республикамизда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш учун қуйидаги устувор йўналишлар белгиланган:

“даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, кишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш [1]”.

Шуни таъкидлаш керакки, республикамизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос хусусиятлари мавжуд ва ҳудуд раҳбарларининг энг муҳим вазифаси ушбу хусусиятларни бевосита рақобат устунликларига айлантириш ҳисобланади.

Қорақолпоғистон Республикаси ер майдонининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун қулай эмас, яъни ушбу минтақада шўрланган ер майдонлари бошқа ҳудудларга нисбатан юқорилиги уни бошқа минақалардан кўра бу соҳада камроқ имкониятларга эга эканлигини билдирса, аммо ушбу шўрланган ерларда ўсадиган ва бир вақтнинг ўзида шўрини олувчи, ерни биологик жиҳатдан бойитувчи, сизот сувлари ҳажмини пасайтирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (масалан, қизилмия)ни етиштириш ва уни саноат йўли билан қайта ишлаш мазкур ҳудуднинг имконияти чексиз эканлигидан далолат беради.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлаган: “Пахтани фойда берса ҳам, фойда бермаса ҳам экавериш вақти ўтди. Даромад бермадимми, бошқа экин экиш керак. Масалан, қизилмия бу ер иқлими ва шароитига мос келади. Шундай экан, нима учун уни кўпайтиришни йўлга қўймаслигимиз керак [2]”.

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ва қайта ишлаш корхоналари ўз фаолиятини мувофиқлаштира, яъни кооперация асосида фаолият кўрсатса, бу имкониятлар ва рақобат устуворликлари янада ошади.

Шуни таъкидлаш керакки, республикамизда қизилмияни етиштириш ва ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қабул қилинган бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Ушбу қарорларда иқтисодий, молиявий ва ташкилий механизмлари, хусусан, ёввойи ўсиб турган ўсимликлардан фойдаланиш бўйича қонуний тартиблар келтирилган, уларни йиғиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича бир қатор имтиёзлар берилган.

Сўнги уч йил ичида бу соҳага алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Қорақолпоғистон Республикасида яқин ва узоқ истиқбол йилларида қизилмия саноатини ривожланиш стратегияси белгилаб берадиган бир қатор Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилиниб, унда янги қизилмия плантацияларни ташкил этиш ҳамда қизилмия етиштрувчи ва қайта ишловчи корхоналарни уюшмаларга бирлаштириш механизми келтирилган.

Шунингдек, бу борада кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Аммо, сўнги йилларда бу йўналишда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази ходимлари томонидан тайёрланган таҳлилий маълумотнома ҳамда Р.Ташматов томонидан тайёрланган мақола диққатимиз марказида бўлиб, ушбу илмий изланишда қизилмияни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича иқтисодий ва институционал асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган методологик жиҳатлари ёритилган.

Шу билан бирга республикамизда бу борада илмий ва методологик асослар яратилганлигига қарамай, қизилмияни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатида кооперация шаклини жорий этиш масаласи кам ўрганилган масала ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Қорақолпоғистон Республикаси ер майдонининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун қулай эмас, яъни ушбу минтақада шўрланган ер майдонлари бошқа ҳудудларга нисбатан юқори. Хусусан, республикамизнинг шўрланган ерларнинг 18,1% ёки 420,9 минг га айнан Қорақолпоғистон Республикасига тўғри келади [3].

Шу боис мавжуд шароитлардан унумли фойдаланиш мақсадида минтақада шўрланган ерларда ўсадиган ва аҳолига қўшимча даромад келтирадиган доривор ўсимлик, яъни қизилмия етиштириш ва уни қайта ишлаш амалиёти йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда қизилмия маҳсулотини экспорт қилиш ҳажми минтақанинг умумий экспорт ҳажмидан деярли 50 %ни ташкил этмоқда (шундан қизилмия экстракти 46 % ва қизилмия илдизи 13,2 %) [4]. Бу борада минтақа етакчилиги қилмоқда. Буни қуйидаги 2.2-расм маълумотлардан кўришимиз мумкин.

Шу таъкидлаш керакки, қизилмия илдизидан кўпинча дори воситаларни тайёрлашда қўлланилади. Мазкур илдиздан 150дан ортиқ дори воситалар тайёрланади. Шу билан бирга ўсимликнинг биологик хусусиятлари туфайли у нафақат тиббиёт соҳасида, балки озиқ-овқат, кандолатчилик, кимё ва ҳаттоки ёнғин хавфсизлиги соҳасида ҳам кенг қўлланилади.

Республикамизда қизилмияни етиштириш ва қайта ишлаш жараёнларини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

(Жадвал муаллиф томонидан қонунчилик асосларини ўрганиш асосида тузилган)

Т/р	Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатнинг номи	Ҳужжатнинг қисқача мазмуни
1.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 453-сонли қарори	Қизилмия етиштиришни қайта тиклаш ва кўпайтириш, уни саноат асосида қайта ишлашни ташкил қилиш ҳамда ўзбошимчалик билан тайёрлаш ва сотишни бартараф этиш мақсадида, тегишли вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, илмий муассасаларга бир қатор муайян вазифалар ва кўрсатмалар берилди.
2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сонли қарори	Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида қонун билан белгиланган бўлиб, унда қизилмияни қайта ишлаш ва йиғиб олиш бўйича бир қатор имтиёзлар берилган.
3.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 сентябрдаги “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори	Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари яланғоч қизилмияни хомашё сифатида (1 тоннаси учун 225 АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиққанликлари учун тўловлардан 2016 йил 31 декабр гача озод қилинсин, деб белгиланган.
4.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 мартдаги “Республиканинг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш мақсадида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 85-сонли қарори	Унга кўра: қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда Ўзбекистон Республикасининг яланғоч қизилмия илдизидан экстракт ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш ташкилотлари билан етказиб беришга доир шартномалар мажбуриятларини бажариш юзасидан яланғоч қизилмия ғамланган (тўпланган) тақдирда, жисмоний ва юридик шахслар томонидан яланғоч қизилмияни ғамлаш (тўплаш) ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатнома олинмасдан амалга оширилади; яланғоч қизилмияни ғамлаганлик (тўпланганлик) учун тўловлар бўйича имтиёзлар берилган ҳолда ғамланган (тўпланган) яланғоч қизилмиядан бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда, имтиёзлар берилиши муносабати билан тўланмаган тўловлар суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ўсимлик дунёсига етказилган зарар қопланган ҳолда ундирилади.
5.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 апрелдаги “Яланғоч қизилмияни экспорт қилишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 210-сонли қарори	Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари яланғоч қизилмияни хомашё сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиққанликлари учун тўловлардан (1 тоннаси учун 225 АҚШ доллари) 2018 йил 31 декабр гача озод қилинсин, деб белгиланган.
6.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 63-сонли қарори	Унга кўра: 2018 йил август ойигача бўлган муддатда — қизилмия ўсимлиги плантацияларини ташкил этиш ва парвариш қилиш, шунингдек, халқаро талабларга мувофиқ қизилмия хом ашёсини қуриштириш ва қадоқлаш учун зарур бўладиган махсус техника воситалари ва минитехнологияларга бўлган эҳтиёжни ҳамда уларнинг турларини аниқлаш; талаб этиладиган махсус техника воситалари ва минитехнологияларни харид қилиш, шунингдек, имтиёзли шартларда, лизинг асосида олиш бўйича барча зарур ташкилий-амалий чораларни кўриш вазифаси юклатилган.

Қўлланиш соҳаси кенг бўлганлиги туфайли унга бўлган эҳтиёж ҳам ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам жуда юқори. Хусусан, қизилмия илдизи ва ундан тайёрланган экстракти

Хитой (умумий ҳажмидан 38 %), Жанубий Корея (25 %), Германия (9 %), АҚШ (9 %), Испания (4 %), Польша (3 %), Ҳиндистон (3 %) ва Миср (3 %) ҳамда бошқа кўплаб давлатлар (6 %) га экспорт қилинмоқда.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, асосий экспорт қилинадиган давлат Хитой ҳисобланади. Хитойлик экспортларнинг фикрича, Ўзбекистон Хитойга қизилмия экспортини кўпайтириш, қайта ишлаш ва оширишда катта салоҳиятга эга.

Бу бир қатор қулай омиллар билан боғлиқ:

1. Ўзбекистонда об-ҳаво ва тупроқ, шу жумладан, табиий иқлим, қизилмия ўсиши учун мукамал шароит ҳисобланади. Кичик тажрибалар шуни исботладики, Ўзбекистонда тупроқ ҳолати ҳозирги кунда машҳур бўлган "G.glabra" навига мос бўлибгина қолмай, асосан фармацевтика соҳасида қўлланилаётган "G.uralensis" га ҳам мос келади.

2. Фермер хўжаликлари ҳам, Ўзбекистон ҳукумати ҳам бу жараёни нафақат пул даромадлари воситаси, балки таназулга учраган ерларни барпо этиш учун экологик фойда деб ҳисоблаб, қизилмия ишлаб чиқаришни ривожлантиришга интилоқда.

3. Хитойда талаб ўтган ўн йилликлар давомида барқарор ўсиб бормоқда ва ўсишда давом этиши кутилмоқда, ва бу ҳолда, Хитой ички ишлаб чиқариш ҳажмлари миллий эҳтиёжларини қондирилмаётганлиги сабабли бошқа мамлакатлардан импорт қилишга мажбур.

4. Ўзбекистон қизилмияни ишлаб чиқариш қиймати ва сифати билан Хитойдан кўра рақобатбардошдир. Масалан, Ўзбекистонда меҳнат ҳақи суткасига 15 юанни, Хитойда эса 150 юандан ортиқни ташкил этади.

5. Хитой ҳукумати эркин божхона сиёсати орқали бошқа давлатлар, жумладан, Ўзбекистондан қизилмия импортини қўллаб-қувватламоқда. Бундан ташқари, бошқа мамлакатдан қайта ишланган қизилмияни қайта экспорт қилиш Хитой квота тизими томонидан чекланмаган.

6. Ўзбекистон ҳукумати қизилмия ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни ҳам қўллаб-қувватлайди. Жаҳон банки ва Ўзбекистон ҳукумати қизилмия етиштирилган секторни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун мумкин бўлган кредит дастурини ўрганмоқда. Демак, Ўзбекистон нафақат қизилмия илдизи, балки жаҳон бозорида, жумладан, Хитойда сотиш учун қўшилган қиймат товарларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтирмоқда.

2-жадвал.

Қорақолпоғистон Республикасида қизилмияни етиштириш бўйича янги плантацияларини ташкил этиш бўйича маълумот [5]

Т/р	Туманлар номи	Экин майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, тонна (5 йилдан кейин)
1.	Тўрткўл	500	60	3 000
2.	Беруний	500	60	3 000
3.	Элликқалъа	500	60	3 000
4.	Амударё	500	60	3 000
5.	Хўжайли	1 550	60	9 300
6.	Тахиятош	500	60	3 000
7.	Шуманой	2 500	60	15 000
8.	Қонликўл	2 700	60	16 200
9.	Қўнғирот	2 400	60	14 400
10.	Нукус	1 685	60	10 110
11.	Кегейли	2 800	60	16 800
12.	Чимбой	2 935	60	17 610
13.	Қораўзак	2 600	60	15 600
14.	Тахтақўпир	2 600	60	15 600
15.	Мўйноқ	730	60	4 380
Жами:		25000	60	150 000

Шуни таъкидлаш керакки, республикада қизилмияни етиштириш ва уни саноат йўли билан қайта ишлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида қизилмияни етиштириш, уларни ўриб-йиғиб олиш ҳамда уни саноат йўли

билан қайта ишлаш жараёнларини тартибга солиш ва назорат қилиш ҳамда қизилмиян етиштириш ва қайта ишловчи субъектларига имтиёзларни бериш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда (1-жадвал).

Дарҳақиқат республикамызда охириги йилларда бу йўналишда янги босқич бошланганини таъкидлаш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 63-сонли қарорига биноан Қорақолпоғистон Республикасининг барча туманларида жами 25 000 гектар ер майдонларида янги қизилмия плантацияларни ташкил этиш параметрлари тасдиқланган. Шунда асосий қисми Чимбой (2935 минг гектар, яъни умумий ер майдонидан 11,6 %) Кегейли (2800 минг ёки 11,2 %), Қонликўл (2700 минг гектар ёки 10,8 %), Қораўзак, Тахтакўпир (2600 минг гектар ёки 10,4 %) туманларга тўғри келади (2-жадвал). Мазкур плантацияларда ўртача ҳосилдорлик 60 ц/га тенг бўлган ҳолда 150 минг тонна қизилмия хомашёсини олиш мумкин (2-жадвал).

Шу билан бирга табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда юқори қўшилган қийматга эга бўлган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қизилмия ўсимлигини етиштириш ва саноат усулида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, шунингдек, доривор ўсимликларни етиштириш ва саноат усулида қайта ишлаш соҳасини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида махсус Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилиниб, унда қизилмия ўсимлиги саноат плантацияларини яратиш ва қизилмия хом ашёсини чуқур қайта ишлашни таъминлаш вазифалари қўйилган. Қорақолпоғистонда яқин ва ўрта истикбол йилларида янги қизилмия плантацияларни барпо этиш, шунингдек, уларни етиштириш ва экспорт қилиш параметрлари режалаштирилган, қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмалари ташкил этилган. Бу эса қўйилган параметрларга самарали эришиш учун асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони - <https://lex.uz>
2. <https://kun.uz/37915046>. Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 декабр куни Қорақолпоғистон Республикасига ташрифи доирасида сўзлаган нутқ.
3. Қорақолпоғистон Республикаси Ер, геодезия ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари
4. Қорақолпоғистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 63-сонли қарори 2-илова

УЎК 332

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН ХИЗМАТЛАРНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Э.Б.Ибадуллев, доц., PhD, Урганч Давлат Университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада туристик-рекреация хизматларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ўрганилган ва Хоразм вилоятида фаолият юритаётган рекреация объектлари ҳисобланган санатория-курорт муассасалари фаолияти ўрганилган ва эконометрик моделлар асосида прогноз қийматлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Рекреация, санатория хизматлари, рекреант, кўп омилли эконометрик модел, ARIMA модели.

Аннотация. в этой статье обсуждаются факторы, которые влияют на развитие туризма и отдыха, а также деятельность санаториев, которые являются воссозданными учреждениями, работающими в регионе Хорезма, и прогнозы разрабатываются на основе эконометрических моделей.

Ключевые слова: *отдых, санаторические услуги, рекреант, много факторной эконометрической модели, модель ARIMA.*

Abstract. *This article discusses factors that influence the development of tourism and recreation, and the activities of sanatoriums, which are the recreative facilities operating in Khorezm region, and forecasts are developed on the basis of econometric models.*

Keywords: *Recreation, Sanatorium services, recreant, econometric modeling, ARIMA model.*

Кириш. Жаҳон глобаллашув жараёнининг янада жадаллашуви шароитида иқтисодиёт тармоқлари орасида сўнги йилларда туризм соҳаси жуда катта ижобий ўзгаришларга эришди. Техника-технологияларнинг ривож топиши, инсонлар даромадининг ортиши, ўзларига бўлган эътиборнинг ортиши туристик-рекреация хизматларига бўлган талабни ошишига сабаб бўлди. Туризм ҳозирги даврда дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиёти таркибини диверсификациялаш билан бирга мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) да ҳам салмоқли улушга эга бўлмоқда.

Туризмда “рекреация” атамаси дастлаб XIV асрларда, инглиз тилидаги адабиётларда илк бор қўлланилган бўлиб, “refreshment or curing of a sick person”, яъни “тетиклаштириш” ёки “касал одамларни тузалиши” деган маъноларда ишлатилган [1]. Вақт ўтиши билан ушбу атама шаклланиб борган, XIX асрнинг 90-йилларига келиб, АҚШ да рекреация белгиланган иш кунлари давомида ажратиладиган дам олиш кунлари ва таътилларни ташкиллаштириш маъносида илмий адабиётларда қўлланила бошланган ва инсон кундалик ҳаёти давомида йўқотган саломатлигини қайта тиклаш соғломлаштириш маъноларини билдирган [2].

“Рекреация” (поляк тилида *rekreacja* – дам олиш, *rekreation* – қайта тиклаш маъноларини англатади) деганда инсоннинг меҳнат фаолияти давомида йўқотган кучларини қайта тиклаши тушунилади. Бунда рекреациянинг қайси туридан фойдаланиш рекреантларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда танланади ва амалга оширилиши айтиб ўтилган [3].

В.А.Квартальновнинг фикрича, “рекреация” бу – инсоннинг жисмоний, интеллектуал ва эмоционал кучини кенгайтирилган тарзда қайта тиклаш жараёнидир. АҚШ миллий туризм сиёсати тадқиқотлар марказининг таърифига кўра эса, “рекреация” бу – инсонларнинг бўш вақтидан персонал фойдаланиш жараёни ҳисобланади [4]. Кейинчалик эса бу атама туризм билан чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, лотинчада “recreation” – қайта тикланиш сўзидан келиб чиққан бўлиб, инсонларнинг меҳнат фаолияти давомида сарфланган кучларини қайта тиклаш дея таърифланган.

Мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимлари И.Тухлиев, Ғ.Х Қудратов, М.Қ Пардаевлар ўзларининг илмий адабиётларида рекреацион туризм бу дам олиш мақсадидаги туризм бўлиб, қатор давлатлар учун туризмнинг оммавий шакли ҳисобланади [5].

Асосий қисм. Минтақа туристик – рекреация соҳасига санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони, санатория-курорт муассасасидаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳолати, санатория-курорт муассасасининг рақобатбардошлик даражаси, путёвка нархи, санатория-курорт муассасасидаги мавжуд инфратузилманинг ҳолати ва бошқа бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда минтақа туристик - рекреация соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳамда санатория-курорт даволаш хизматлари бозорида салмоқли улушига эга бўлган Гурлан, Хонқа, Шовот Оби-Ҳаёт, Урганч ва Green Grand Garden санатория-курортлари учун кўп омилли эконометрик моделини тузиш учун куйидаги кўрсаткичлар натижавий ва таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди: натижавий омил - санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони (киши) - (Y), таъсир этувчи омиллар - санатория-курорт муассасасидаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳолати (ш.б) - (X₁), санатория-курорт муассасасининг рақобатбардошлик даражаси (ш.б) - (X₂), санатория-курорт муассаса йўлланмаси нархи (сўм) - (X₃), санатория-курорт муассасасидаги мавжуд инфратузилманинг ҳолати - (X₄) [6].

Куйида тадқиқотимиз давомида кўриб ўтиладиган эконометрик таҳлил усулларини амалга ошириш учун махсус эконометрик моделлаштириш, статистик ва прогнозлаш дастури - EViews 9 дастуридан фойдаланамиз.

Гурлан санатория-курорт муассасаси учун кўп омилли эконометрик модель тузишдан олдин омилларнинг корреляцион таҳлилини кўриб ўтамиз (1-жадвал).

1-жадвал

“Гурлан” санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони билан унга таъсир этувчи омиллар орасидаги жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси

	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄
Y	1				
X ₁	0,93785378	1			
X ₂	0,82979881	0,62830693	1		
X ₃	-0,8990336	0,54707338	0,56432851	1	
X ₄	0,81911796	0,65523882	0,674895045	0,574662618	1

Манба: Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, натижавий омил (Y) ва таъсир этувчи омиллар (X₁, X₂, X₃, X₄) ўртасида зич боғланишлар мавжудлигини кўрсатмоқда, яъни жуфт корреляция коэффициентлари қиймати 0,8 дан катта. Жуфт корреляция коэффициентларининг матрицаси таҳлили натижалари x_i ($i = \overline{1, 4}$) ва x_j ($j = \overline{1, 4}$) омиллар коллинеар деб эътироф этиш мумкин эмас. Чунки, агар $r_{x_i, x_j} < 0,8$ бўлса ҳамда $X'X$ матрица аниқловчиси нолга яқин бўлмаса, у ҳолда бу мультиколлинеарликнинг мавжуд эмаслигидан далолат беради. Демак, омиллар орасидаги жуфт корреляция коэффициентлари 0,8 дан кичик бўлган сон қийматларни қабул қилган.

2-жадвал

“Гурлан” санатория-курорт муассасаси учун кўп омилли эконометрик модел параметрларининг ҳисоблаш натижалари

Variable (Ўзгарувчи)	Coefficient (Коэффициент)	Std. Error (Стандарт хатолик)	t-Statistic (t-Статистика)	Prob. (Эҳтимоллик)
C	-4,217891	1,72835	-2,44041	0,0447
X ₁	5,747981	0,28379	20,25435	0,0005
X ₂	11,42279	0,49662	23,00098	0,0276
X ₃	-3,217891	0,52835	-6,09041	0,0482
X ₄	6,325321	0,55597	11,37709	0,0355
R-squared (R-квадрат)	0,888916	Mean dependent var (Боғлиқ ўзгарувчи ўртача қиймати)		6,572474
Adjusted R-squared (текисланган R-квадрат)	0,894166	S.D. dependent var (Боғлиқ ўзгарувчи стандарт четланиши)		1,813019
S.E. of regression (Регрессиянинг стандарт хатолиги)	0,228135	Akaike info criterion (Акайке ахборот мезони)		0,157531
Sum squared resid (Қолдиқлар квадратлар йиғиндиси)	0,364320	Schwarz criterion (Шварц мезони)		0,302220
Log likelihood (Логарифмик ҳақиқатга яқинлиги)	3,133579	Hannan-Quinn criter (Ханнан-Куин мезони)		0,066325
F-statistic (F-статистика)	208,1892	Durbin-Watson stat (Дарбин-Уотсон мезони)		2,559696
Prob(F-statistic) (Эҳтимоллик (F-статистика))	0,000000			

Манба: Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси

Демак, ушбу омиллар асосида санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли эконометрик модел тузиш мумкин бўлади. Кейинги босқичда кўп омилли эконометрик моделни тузамиз. Умумий ҳолда кўп омилли эконометрик модел куйидаги кўринишга эга:

$$Y = \alpha_0 + \alpha_1 * X_1 + \alpha_2 * X_2 + \dots + \alpha_n * X_n + \varepsilon \quad (1)$$

Бу ерда, Y – натижавий омил, X_i – таъсир этувчи омиллар ($i = \overline{1, n}$), ε – тасодикий хато.

Кўп омилли эконометрик моделдаги (1.1) номаълум $\alpha_0, \alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_n$ параметрларни аниқлашда “энг кичик квадратлар усули” қўлланилади. Кўп омилли эконометрик моделнинг номаълум параметрларини ҳисоблаш натижалари куйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал маълумотларидан фойдаланиб кўп омилли эконометрик моделнинг кўриниши қелтирамыз:

$$Y = -4,2179 + 5,748 * X_1 + 11,423 * X_2 - 3,218 * X_3 + 6,325 * X_4 \quad (2)$$

“Гурлан” санатория-курорт муассасаси учун ҳисобланган кўп омилли эконометрик модел шуни кўрсатадики, санатория-курорт муассасасидаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳолати 1 ш.б га яхшиланса, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони 5,7 кишига ортиши мумкин экан. Санатория-курорт муассасасининг рақобатбардошлик даражасининг 1 ш.б га кўтарилиши, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони 11,4 кишига ошишига олиб келар экан. Санатория-курорт муассаса йўлланмаси нархининг 1 фоизга кўтарилиши, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сонининг 3,2 фоизга камайишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, санатория-курорт муассасасидаги мавжуд инфратузилманинг ҳолатини 1 ш.б га ортиши, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сонини 6,3 кишига ўсишига олиб келиши мумкин.

Кейинги навбатда “Шовот Оби-Ҳаёт” санатория-курорт муассасаси учун кўп омилли эконометрик модель тузишдан олдин мазкур омилларнинг корреляцион таҳлилини кўриб ўтамиз (3-жадвал).

3-жадвал

“Шовот Оби-Ҳаёт” санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони билан унга таъсир этувчи омиллар орасидаги жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси

	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄
Y	1				
X ₁	0,89873654	1			
X ₂	0,86745321	0,58076564	1		
X ₃	-0,8309215	0,54986122	0,50443461	1	
X ₄	0,82657879	0,45312482	0,62369044	0,52266153	1

Манба: Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси

Ушбу жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкинки, натижавий омил (Y) ва таъсир этувчи омиллар (X_1, X_2, X_3, X_4) ўртасида зич боғланишлар мавжудлигини кўрсатмоқда, яъни жуфт корреляция коэффициентлари қиймати 0,8 дан катта. Шунингдек, таъсир этувчи омиллар ўртасида эса боғланиш паст даражада эканлиги кўриш мумкин яъни корреляция коэффициентлари қиймати 0,8 дан кичик. Бу ҳолат эса таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарликнинг мавжуд эмаслигини асослайди.

Энди мазкур натижавий ва таъсир этувчи омиллар орқали кўп омилли эконометрик модел параметрларини “энг кичик квадратлар усули” усули орқали топиб олинади (4-жадвал).

4-жадвалдаги детерминация коэффициенти, стандарт хатоликлар, F-Фишер, t-Студентъ, Акайке, Шварц мезонлари кўрсаткичлари моделнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли ва адекватлигини ифодамоқда.

“Шовот Оби-Ҳаёт” санатория-курорт муассасаси учун ҳисобланган кўп омилли эконометрик модел шуни кўрсатадики, санатория-курорт муассасасидаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳолати 1 ш.б га яхшиланса, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони 7,5 кишига ортиши мумкин экан. Санатория-курорт муассасасининг

рақобатбардошлик даражасининг 1 ш.б га кўтарилиши, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони 15,2 кишига ошишига олиб келар экан. Санатория-курорт муассаса йўлланмаси нархининг 1 фоизга кўтарилиши эса, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сонининг 2,3 фоизга камайишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, санатория-курорт муассасасидаги мавжуд инфратузилманинг ҳолатини 1ш.б га ортиши, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сонини 8,5 кишига ўсишига олиб келиши мумкин.

4-жадвал

“Шовот Оби-Ҳаёт” санатория-курорт муассасаси учун кўп омилли эконометрик модел параметрларининг ҳисоблаш натижалари

Variable (Ўзгарувчи)	Coefficient (Кoeffициент)	Std. Error (Стандарт хатолик)	t-Statistic (t-Статистика)	Prob. (Эҳтимоллик)
C	-2,035412	0,23443	-8,68239	0,0344
X ₁	7,455954	0,26587	28,04361	0,0224
X ₂	15,243487	0,38765	39,32261	0,0468
X ₃	-2,325622	0,43632	-5,33008	0,0432
X ₄	8,473545	0,64596	13,11775	0,0351
R-squared (R-квадрат)	0,867612	Mean dependent var (Боғлиқ ўзгарувчи ўртача қиймати)		6,457543
Adjusted R-squared (текисланган R-квадрат)	0,853234	S.D. dependent var (Боғлиқ ўзгарувчи стандарт четланиши)		1,543213
S.E. of regression (Регрессиянинг стандарт хатолиги)	0,213245	Akaike info criterion (Акайке ахборот мезони)		0,155432
Sum squared resid (Қолдиқлар квадратлар йиғиндиси)	0,312343	Schwarz criterion (Шварц мезони)		0,300176
Log likelihood (Логарифмик ҳақиқатга яқинлиги)	3,145678	Hannan-Quinn criter (Ханнан-Куин мезони)		0,064112
F-statistic (F-статистика)	115,1476	Durbin-Watson stat (Дарбин-Уотсон мезони)		2,516453
Prob(F-statistic) (Эҳтимоллик (F-статистика))	0,000000			

Манба: Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси

Энди “Green Grand Garden” санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сонига омилларнинг таъсир даражасини баҳолаб ўтамиз. Бунинг учун кўп омилли эконометрик модель тузиш зарур модель тузишдан олдин мазкур омилларнинг корреляцион таҳлилини кўриб ўтамиз (5-жадвал).

5-жадвал

“Green Grand Garden” санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони билан унга таъсир этувчи омиллар орасидаги жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси

	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄
Y	1				
X ₁	0,82476322	1			
X ₂	0,87732122	0,43256432	1		
X ₃	-0,8507612	0,58634221	0,41345267	1	
X ₄	0,88433778	0,65332433	0,54778435	0,51223887	1

Манба: Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси

5-жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкинки, натижавий омил ва таъсир этувчи омиллар ўртасида зич боғланишлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, таъсир этувчи омиллар ўртасида эса боғланиш паст даражада эканлиги кўриш мумкин Бу ҳолат эса таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарликнинг мавжуд эмаслигини асослайди. Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда “Green Grand Garden” санатория-курорт муассасаси учун кўп омилли эконометрик моделни тузиб оламиз ҳисоб-китоб натижалари 6-жадвалда берилган.

6-жадвалдаги детерминация коэффицентлари, стандарт хатоликлар, F-Фишер, t-Студентъ, Акайке, Шварц мезонлари кўрсаткичлари моделнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли ва

адекватлигини ифодаламоқда. “Green Grand Garden” санатория-курорт муассасаси учун ҳисобланган кўп омилли эконометрик модел натижалари эса шуни кўрсатадики, санатория-курорт муассасасидаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳолати 1 ш.б га яхшиланса, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони 6,9 кишига ортиши мумкин экан. Санатория-курорт муассасасининг рақобатбардошлик даражасининг 1 ш.б га кўтарилиши, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сони 13,6 кишига ошишига олиб келар экан. Санатория-курорт муассаса йўлланмаси нархининг 1 фоизга кўтарилиши эса, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сонининг 4,4 фоизга камайишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, санатория-курорт муассасасидаги мавжуд инфратузилманинг ҳолатини 1ш.б га ортиши, санатория-курорт муассасасига ташриф буюрганлар сонини 9,8 кишига ўсишига олиб келиши мумкин.

6-жадвал

“Green Grand Garden” санатория-курорт муассасаси учун кўп омилли эконометрик модел параметрларининг ҳисоблаш натижалари

Variable (Ўзгарувчи)	Coefficient (Коэффициент)	Std. Error (Стандарт хатолик)	t-Statistic (t-Статистика)	Prob. (Эҳтимоллик)
C	-1,564334	0,21356	-7,32503278	0,0223
X ₁	6,865465	0,76345	8,99268452	0,0467
X ₂	13,563265	0,86453	15,6885996	0,0354
X ₃	-4,435534	0,64344	-6,89346948	0,0311
X ₄	9,764443	0,83476	11,6973058	0,0489
R-squared (R-квадрат)	0,898545	Mean dependent var (Боғлиқ ўзгарувчи ўртача киймати)		4,673221
Adjusted R-squared (текисланган R-квадрат)	0,874543	S.D. dependent var (Боғлиқ ўзгарувчи стандарт четланиши)		1,768445
S.E. of regression (Регрессиянинг стандарт хатолиги)	0,112467	Akaike info criterion (Акайке ахборот мезони)		0,887376
Sum squared resid (Қолдиқлар квадратлар йиғиндиси)	0,214357	Schwarz criterion (Шварц мезони)		0,214445
Log likelihood (Логарифмик ҳақиқатга яқинлиги)	2,256556	Hannan-Quinn criter (Ханнан-Куин мезони)		0,056334
F-statistic (F-статистика)	106,4568	Durbin-Watson stat (Дарбин-Уотсон мезони)		2,776556
Prob(F-statistic) (Эҳтимоллик (F-статистика))	0,000000			

Манба: Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси

Сўнгги навбатда эса “Урганч” ва “Хонқа” санатория-курорт муассасалари учун мазкур таъсир этувчи омилларни натижавий омилга таъсирини баҳоловчи кўп омилли эконометрик моделларни шакллантирамыз. Олиб борилган ҳисоб-китоб натижаларига кўра “Урганч” санатория-курорт муассасаси учун кўп омилли эконометрик модел қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$Y = -3,4379 + 8,776 * X_1 + 16,778 * X_2 - 6,675 * X_3 + 10,887 * X_4 \quad (3)$$

$$se = (0.617) \quad (0.844) \quad (0.978) \quad (0.866) \quad (0.912)$$

$$t = (-5.575) \quad (10.401) \quad (17.158) \quad (-7.705) \quad (11.935)$$

$$R^2 = 0.887$$

“Хонқа” санатория-курорт муассасаси учун эса кўп омилли эконометрик модел қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$Y = -5,6678 + 9,786 * X_1 + 14,446 * X_2 - 7,887 * X_3 + 11,909 * X_4 \quad (4)$$

$$se = (0.866) \quad (0.978) \quad (1.168) \quad (0.978) \quad (1.077)$$

$$t = (-6.546) \quad (10.01) \quad (12.372) \quad (-8.061) \quad (11.062)$$

$$R^2 = 0.904$$

(3) ва (4) моделларнинг детерминация коэффициентлари, стандарт хатоликлари ҳамда t-Студент мезонл кўрсаткичлари моделларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли ва адекватлигини ифодаламоқда.

“Урганч” ва “Хонқа” санатория-курорт муассасалари учун ҳисобланган кўп омилли эконометрик моделлар натижалари эса шуни кўрсатадики, санатория-курорт муассасалардаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳолати 1 ш.б га яхшиланса, санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрганлар сони мос равишда 8,8 ва 9,8 кишига ортиши мумкин экан. Санатория-курорт муассасаларининг рақобатбардошлик даражасининг 1 ш.б га кўтарилиши, санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрганлар сони мос равишда 16,8 ва 14,4 кишига ошишига олиб келар экан. Санатория-курорт муассасалари йўлланмаси нархининг 1 фоизга кўтарилиши эса, санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрганлар сонининг эса мос равишда 6,7 ва 7,9 фоизга камайишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, санатория-курорт муассасаларидаги мавжуд инфратузилманинг ҳолатини 1ш.б га ортиши, санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрганлар сонини 10,9 ҳамда 11,9 кишига ўсишига олиб келиши мумкин.

Минтақада туристик-рекреацион хизматлар соҳасида фаолият юритувчи санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрувчилар сони кўрсаткичининг истиқболдаги 2023–2026 йилларга прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда асосан қуйидаги эконометрик моделлардан фойдаланилди:

1. ARIMA (Autoregressive integrated moving average);
2. Чизикли регрессия тенгламаси.

Прогнозлашни ARIMA (Autoregressive integrated moving average) яъни “Сирғалувчи ўртачага интеграллашган авторегрессион” моделида (p,d,q) тартиби мавжуд бўлиб, бунда p-авторегрессия параметрини, d-интеграциялаш қисмини, q-сирғалувчи ўртача параметрини ифодалайди. ARIMA моделини умумий кўриниши қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y_t = \alpha + \beta_1 Y_{t-1} + \dots + \beta_p Y_{t-p} + \epsilon_t + \mu_1 \epsilon_{t-1} + \dots + \mu_q \epsilon_{t-q} \quad (5)$$

«Гурлан» санатория-курорт муассасаси учун мавжуд статистик маълумотлари асосида ARIMA (1, 1, 0) кўринишидаги модел энг оптимал модел сифатида танлаб олинди ҳамда ҳисоб – китоб натижаларига кўра модел статистик жиҳатдан аҳамиятли ва адекватлигини кўриш мумкин. «Шовот Оби-Ҳаёт» санатория-курорт муассасаси учун эса ARIMA (1, 1, 1) кўринишидаги модел танлаб олинди ҳамда ҳисоб – китоблар амалга оширилди.

7-жадвал

Минтақада туристик-рекреацион хизматлар соҳасида фаолият юритувчи санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрувчилар сонини прогнозлашга асосланган “Чизикли регрессия тенгламаси” кўринишидаги эконометрик моделлар натижалари

Санатория-курорт муассаса номи	Моделнинг математик кўриниши	t – статистика	Детерминация коэффициенти (R^2)
«Гурлан»	$y_t = 1255,6 + 120,54 * t_i$	$t_{a_0} = 2,44$ $t_{a_1} = 2,91$	$R^2 = 0,83$
«Шовот Оби-Ҳаёт»	$y_t = 1035,2 - 52,34 * t_i$	$t_{a_0} = 9,79$ $t_{a_1} = -2,92$	$R^2 = 0,87$
«Урганч»	$y_t = 1444,5 + 34,23 * t_i$	$t_{a_0} = 3,51$ $t_{a_1} = 2,32$	$R^2 = 0,72$
«Green Grand Garden»	$y_t = 543,6 + 111,2 * t_i$	$t_{a_0} = 2,92$ $t_{a_1} = 2,33$	$R^2 = 0,84$
«Хонқа»	$y_t = 1816,2 + 78,5 * t_i$	$t_{a_0} = 4,12$ $t_{a_1} = 2,69$	$R^2 = 0,79$

Манба: Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси

Натижаларда детерминация коэффициенти, стандарт хатоликлар, F-Фишер, t-Студент, Акаике, Шварц мезонлари кўрсаткичлари моделнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли ва адекватлигини ифодаламоқда. Олиб борилган тадқиқотмиз натижасида «Урганч» санатория-

курорт муассасаси учун ARIMA (0, 1, 1) модели прогнозлаш учун энг сифатли модел эканлиги ҳисоб – китоб натижалари кўрсатмоқда.

Шунингдек тадқиқотимиз давомид таҳлил қилинган «Green Grand Garden» ва «Хонқа» санатория-курорт муассасалари учун эса мос равишда ARIMA (1, 1, 1) ва ARIMA (1, 1, 0) кўринишидаги моделлар энг оптимал эконометрик моделлар сифатида танлаб олинди. Детерминация коэффиценти, стандарт хатоликлар, F-Фишер, t-Стюдентъ, Акаике, Шварц мезонлари кўрсаткичлари моделларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли ва адекватлигини ифодаламоқда.

Кейинги босқичда юқорида номлари келтирилган санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрувчилар сонини прогнозлашга асосланган “Чизиқли регрессия тенгламаси” кўринишидаги эконометрик моделларини кўриб чиқамиз.

8-жадвал

Хоразм вилояти санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрувчилар сонини прогнозлаш учун ишлаб чиқилган “ARIMA” ва “Чизиқли модел” эконометрик моделларининг солиштирма натижалари

Йиллар	Гурлан		Шовот Оби-Хаёт		Урганч		Green Grand Garden		Хонқа	
	ARIMA (1, 1, 0)	Чизиқли модел	ARIMA (1, 1, 1)	Чизиқли модел	ARIMA (0, 1, 1)	Чизиқли модел	ARIMA (1, 1, 1)	Чизиқли модел	ARIMA (1, 1, 1)	Чизиқли модел
2023	1969 *** se (586,3) ** ci (796; 3142)*	2147 *** se (898,6) ** ci (350; 3944)*	1123 *** se (439,7) ** ci (244; 2002)*	1278 *** se (678,4) ** ci (115; 2635)*	2657 *** se (1173,6) ** ci (310; 5004)*	2764 *** se (1254,6) ** ci (255; 5273)*	1987 *** se (890,3) ** ci (206; 3768)*	2157 *** se (1189,2) ** ci (107; 4535)*	2154 *** se (854,5) ** ci (445; 3863)*	2453 *** se (948,4) ** ci (556; 4350)*
2024	2107 *** se (623,5) ** ci (860; 3354)*	2473 *** se (1023,5) ** ci (426; 4520)*	1425 *** se (567,8) ** ci (289; 2561)*	1587 *** se (794,5) ** ci (98; 3176)*	2987 *** se (1264,1)** ci (459; 5515)*	3153 *** se (1378,1) ** ci (397; 5909)*	2265 *** se (1076,4) ** ci (112; 4418)*	2385 *** se (1275,3) ** ci (117; 4936)*	2456 *** se (923,4) ** ci (609; 4301)*	2761 *** se (1169,6) ** ci (422; 5100)*
2025	2456 *** se (765,9) ** ci (924; 3988)*	2789 *** se (1145,5) ** ci (498; 5080)*	1754 *** se (674,1) ** ci (406; 3102)*	1987 *** se (963,1) ** ci (61; 3913)*	3358 *** se (1378,7) ** ci (601; 6115)*	3569 *** se (1465,7) ** ci (638; 6500)*	2587 *** se (1145,2) ** ci (297; 4877)*	2689 *** se (1398,5) ** ci (104; 5486)*	2897 *** se (1156,4) ** ci (584; 5210)*	3235 *** se (1287,3) ** ci (660; 5810)*
2026	2875 *** se (809,2) ** ci (924; 3988)*	3122 *** se (1206,8) ** ci (708; 5536)*	2096 *** se (852,2) ** ci (392; 3800)*	2265 *** se (1042,2) ** ci (181; 4349)*	3676 *** se (1476,9) ** ci (722; 6630)*	3854 *** se (1587,9) ** ci (678; 7030)*	2834 *** se (1254,2) ** ci (326; 5342)*	3075 *** se (1475,2) ** ci (125; 6025)*	3178 *** se (1257,8) ** ci (662; 5694)*	3654 *** se (1366,2)** ci (922; 6386)*

Изоҳ: *** - кўрсатилган давр учун прогноз қилинган қиймат; ** - прогноз қилинган қийматнинг стандарт хатолиги; * - 95 % ишончлилик интервали.

Маълумки “Чизиқли регрессия тенгламаси” кўринишидаги эконометрик модел эркили ва эркисиз ўзгарувчилар ўртасидаги боғланишни чизиқли кўринишда ифодалашни назарда тутлади. Мазкур ҳолатда биз эркили ўзгарувчи сифатида вақт омилини эркисиз ўзгарувчи сифатида эса санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрувчилар сони танлаб олинди (7-жадвал)

7-жадвалдаги детерминация коэффиценти ва t-Стюдентъ мезонлари кўрсаткичлари моделларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли ва адекватлигини ифодаламоқда. Демак юқорида шакллантирилган моделлардан олиб борилган ҳисоб - китоб натижалари мазкур санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрувчилар сонини прогнозлашда тўлиқ фойдаланиш мумкинлигини асослайди. Мазкур санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрувчилар сонини 2023–2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари қуйидаги 8-жадвал жадвалда берилган.

Минтақа туристик-рекреацион хизматлар соҳасида фаолият юритувчи санатория-курорт муассасаларига ташриф буюрувчилар сонини прогнозлашга асосланган эконометрик моделларнинг солиштирма натижалари ифодаланган (8-жадвал). Солиштирма натижаларига кўра мазкур санатория-курорт муассасаларининг барчасида ARIMA модели асосида ҳисобланган прогноз қийматлар ва уларнинг стандарт хатоликлари энг кичик қийматга эга бўлиши, шунингдек, ушбу прогноз қийматларни ишончлилик интервалларига тушиши орқали реал жараёнга тўла мос келиши ташриф буюрувчилар сони кўрсаткичининг прогноз қийматлари айнан ARIMA модели бўйича ишончли эканлигини асослайди.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турганидек ARIMA (1, 1, 0) модели асосида прогноз натижаларига мувофиқ, 2026 йилда “Гурлан” санаториясига ташриф буюрувчилари сони 2875 нафарни ташкил қилади. Шунингдек, ARIMA (1, 1, 1) модели натижаларига мувофиқ, 2026 йилда «Шовот Оби-Ҳаёт» санаториясига ташриф буюрувчи сони 2096 нафарни ташкил қилади. 2026 йилда “Урганч” санаториясига ташриф буюрувчилар сони, ARIMA (0,1,1) модел асосидаги прогноз натижаларига мувофиқ 3676 нафарни ташкил қилади. ARIMA (1,1,1) моделининг прогноз натижаларига мувофиқ, 2026 йилда “Green Grand Garden” санаториясига ташриф буюрувчилар сони 2834 нафарни ташкил қилади. Шунингдек 2026 йилда “Хонқа” санаториясига ташриф буюрувчилар сони, ARIMA (1,1,1) модел асосидаги прогноз натижалари мувофиқ, 3178 нафарни ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турганидек санатория-курорт муассасалари вилоятнинг рекреацион туризм турининг асосий туристик ресурслари ҳисобланади. Ушбу турдаги соғломлаштириш масканларининг фаолиятини рағбатлантириш орқали келгусида вилоятнинг туризм соҳасининг хизмат турларини диверсификациялаш имконияти мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Stephen F. McCool, R. Neil Moisey “Tourism, recreation and sustainability” 2nd Edition Linking Culture and the Environment ISBN: 978 1 84593 470 5 G155.A1T59244 2009 910.68--dc212008025497 p 197
2. А.М.Ветитнев, Л.Б. Журавлева. “Курортное дело”. – М:Кнорус, 2006. –с11
3. Кусков. А.С, Голубева. В.Л, Одинцова. Т.Н. Рекреационная география. Учебно-методический комплекс.-М.: МПСИ, Флинта. 2005 р 203
4. Квартальнов В.А. Туризм. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 320 с.
5. И.Тухлиев, Ғ.Х Қудратов, М.Қ Пардаев “Туризмни режалаштириш” дарслик “Иқтисод-молия” (2010) Тошкент. 68 б
6. Ибадуллаев, Э. (2020). Перспективы развития туристско-рекреационных услуг в Хорезмской области. Экономика и инновационные технологии, (5), 365–374. Извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11815

УЎК: 657.6-051-057.51:378

ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

П.Ю.Караев, мустақил изланувчи, Тошкент молия институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада давлат олий таълим муассасаларида давлат бюджетига оид сиёсатнинг олиб борилиши, бюджет ташиқлотларининг бюджет ва бюджетдан ташиқари маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси ҳисобининг мазмуни ва моҳияти ёритиб берилган

Калит сўзлар: бюджетдан ташиқари маблағлар тушум, иш хаки бўйича молиявий мажбуриятлар, касса ва хакиий харажатлар ҳисобини юритиши, бюджет ва бюджетдан ташиқари маблағлари, Ягона счётлар режаси

Аннотация. В статье рассмотрена реализация государственной бюджетной политики в государственных высших учебных заведениях, содержание и сущность исчисления бюджета бюджетных организаций и внебюджетных фондов.

Ключевые слова: доходы внебюджетных фондов, денежные обязательства по заработной плате, учет денежных средств и фактических расходов, бюджет и внебюджетные фонды, единый план счетов

Abstract. The article considers the implementation of the state budget policy in state higher educational institutions, the content and essence of the budget calculation of budget organizations and extra-budgetary funds.

Keywords: income of extra-budgetary funds, monetary liabilities for wages, accounting of cash and actual expenses, budget and extra-budgetary funds, unified chart of accounts

Мамлакатимизда давлат бюджетига оид сиёсатнинг олиб борилиши, бюджет харажатлари ва даромадларини доимий кузатиб бориш, бюджет назоратини ўз вақтида ўтказилиши ва бюджет ташкилотларининг фаолиятини қонун доирасида ташкил қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари бўйича ҳисоб ишлари ташкил қилинади. Бюджет ташкилотлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бухгалтерия ҳисобини Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига, «Бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги 2169-сонли Йўриқномага ва бошқа норматив - ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ташкил қиладилар.

Бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси ҳисобини ташкил қилиш маблағларни сметалар доирасида сарфлашнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилиб, маблағлар оқимини назорат қилиш учун ахборотлар билан таъминлайди.

Бюджет ташкилотларининг ўзига хос жиҳатларидан бири уларда касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобининг юритилиши ҳисобланади. Бюджет ташкилотлари томонидан ғазначиликдаги бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ҳисоб рақамлардан харажатларни тўлаб берилиши касса харажатлари кўринишида ҳисобда акс эттирилади. Масалан, иш хақи бўйича молиявий мажбуриятлар тўлаб берилганда, яъни тегишли солиқлар ва ажратмалар ўтказилганда ходимлар пластик карточкаларига иш хақи ўтказиб берилганда ёки кассадан берилганда касса харажати кўринишида тегишли дафтарларда, ҳисоботларда акс эттирилади. Бюджет ташкилотлари томонидан харажатлар сметалари доирасида амалга оширилган, лекин тўлаб берилмаган харажатлар ҳақиқий харажат кўринишида ҳисобда акс эттирилади. Масалан, смета доирасида иш хақи ҳисобланган, лекин тўлаб берилмаган ёки иш, хизматлар кўрсатилган, товарлар олинган, лекин тўлаб берилмаган харажатлар ҳақиқий харажат кўринишида тегишли дафтарларда, ҳисоботларда акс эттирилади. Касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини юритиш учун алоҳида 294 - шаклдаги дафтар юритилади, шунингдек, ҳисобот шаклларида ҳам акс эттирилади. Бюджет таснифи асосида ҳисобни ташкил этилиши ва ҳисоботларни шакллантирилиши-бюджет ташкилотлари томонидан тузилган даромадлар ва харажатлар сметалари «Ўзбекистон Республикаси Бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома» асосида 1-гурух, 3-гурух, 3-гурух, 4-гурухлари харажатларнинг иқтисодий таснифи бўйича акс эттирилади ҳамда ижроси ҳақидаги бухгалтерия ҳисоботлари шаклларида ҳам бюджет харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича ахборотлар шакллантирилади. Ҳисоб рақамдаги бюджетдан ташқари маблағлар тушуми турлар бўйича ва харажатларнинг тўланиши иқтисодий тасниф асосида амалга оширилади ва ҳисобга олинади.

Ягона счётлар режаси даромадларни турлари бўйича ҳисоблаш, тушумини юритиш, харажатларни эса моддалари бўйича ҳисоблаш, амалга ошириш ҳамда даромадлар ва харажатлар бўйича бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларини амалга оширишда маълумотларни тўлиқ акс эттириш мақсадида даромадларнинг турлари ва харажатларнинг иқтисодий таснифи (қўшимча аналитик счётлар) билан юритилади.

Давлат таълим ташкилотларида харажатлар ҳисобини юритишда касса ва ҳақиқий харажатларга алоҳида тўхталиб ўтамыз. Бюджет ташкилотларининг касса харажатлари ҳисоби «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси»нинг қуйидаги субсчётларида юритилади:

- 503000(232) - «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёти;
- 104410(110) - «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчёти;
- 104420(111) - «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар» субсчёти;
- 104430(112) - «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари» субсчёти;
- 104440(113) - «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчёти.

Бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган касса харажатлари тўғрисидаги маълумотлар 503000(232)-«Бюджетдан молиялаштириш» субсчётининг кредит бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилоти бўйича унинг банкдаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи, ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилоти бўйича унинг ғазначилик органидаги бюджет маблағлари бўйича очилган шахсий ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса харажатларини билдиради.

Давлат таълим ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси» га мувофиқ янги қабул қилинган 6 хонали счётлар тизимида ўз фаолиятини олиб бормоқдалар. Ғазначилик бўлинмалари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг ҳамда бюджет ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятининг бюджет ҳисобини ушбу стандарт орқали тўлиқ ташкил қилинади.

1- жадвал

Давлат таълим ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг касса харажатларига оид муомалаларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши (Муаллиф томонидан шакллантирилган)

Дебет счёт (субсчёт) номи	Дт	Кт	Кредит счёт (субсчёт) номи
Юқори ташкилот томонидан қўйи ташкилотларга молиялаштириб берилган маблағлар суммаси			
«Бюджетдан молиялаштириш»	503000	104000	«Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги маблағлари»
Қўйи ташкилотларда юқори ташкилот томонидан молиялаштириб берилган маблағлар			
«Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги маблағлари»	104000	503000	«Бюджетдан молиялаштириш»
Бюджетдан ажратиладиган маблағлар бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси			
	102401	503000	«Бюджетдан молиялаштириш»
Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича маблағларнинг ҳисобланиши			
«Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари»	153 600	520200	«Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар»
Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича маблағларнинг келиб тушиши			
«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар»	102409	153600	«Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари»
Ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган тушумлар			
«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар»	104 420	153 600	«Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари»
Ижара шартномасига асосан келиб тушган маблағлар			
«Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси»	102 401	151 900	«Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари»
Бошқа қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган тушумлар бўйича суммалар			
«Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар»	104440	151900	«Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари»

Бюджет ташкилотининг бошқа даромадлар маблағлари ҳисобига амалга оширилган касса харажатлари тўғрисидаги маълумотлар 104440(113) - «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчётининг кредит бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича очилган шахсий ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса харажатларини билдиради. Бунда 104440(113) - «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчётининг кредит бўйича айланма суммаси муайян бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича очилган шахсий ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса харажатларининг тикланиши суммасига камайтиради.

Бюджет ташкилотларининг ҳақиқий харажатлари ҳисоби «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси»нинг қуйидаги субсчётларида юритилади:

- 710 000(231) - «Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёти;
- 720 000(241) - «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти;
- 730 000(251) - «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти;
- 740 000(261) - «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти;
- 750 000(271) - «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёти.

Бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлари тўғрисидаги маълумотлар 710 000(231) - «Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебет бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси бюджет ташкилотининг бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган (ҳисобланган) харажатларини билдиради.

Бюджет ташкилотини ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлари тўғрисидаги маълумотлар 730 000 (251) - «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебет бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси бюджет ташкилотининг ўқитишни тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган (ҳисобланган) харажатларини билдиради.

2 - жадвал

Давлат таълим ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳақиқий харажатларига оид муомалаларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши (Муаллиф томонидан шакллантирилган)

Дебет сёт (субсёт) номи	Дт	Кт	Кредит сёт (субсёт) номи
Бюджет маблағлари бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар			
«Бюджет маблағларидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар»	710 000	301100	Ҳисоб-китоблар марказининг ички ҳисоб-китоб марказлари маблағлари бўйича мажбуриятлари
Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар			
«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»	730 000	301100	Ҳисоб-китоблар марказининг ички ҳисоб-китоб марказлари маблағлари бўйича мажбуриятлари
Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар			
«Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»	741 000	301100	Ҳисоб-китоблар марказининг ички ҳисоб-китоб марказлари маблағлари бўйича мажбуриятлари
Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар			
«Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар»	750 000		

Йил охирида ҳисобдан чиқарилган махсус турларга доир ҳисоб китоблар бўйича молиявий натижа маблағлар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар			
«Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа»	982 000	720 000	«Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»
Ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижалари акс эттирилади			
«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар»	983 000	730 000	«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»
Молия йилининг охирида жорий йилга тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижалар			
«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар»	983 000	520 200 730 000	«Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»
Фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи қисми ҳисобдан чиқарилганда			
«Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар»	986 000	730 000 740 000	«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»

Давлат таълим ташкилотларининг касса ва ҳақиқий харажатларини ҳисобга олишда белгиланган меъёрларга амал қилиш муҳим. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар юзасидан касса ва ҳақиқий харажатларни таҳлил қилиш орқали ташкилотларнинг ушбу харажатлар билан боғлиқ фаолиятидаги ўзгаришлар, юзага келган номувофикликлар, амалиётдаги муаммоларни аниқлаш мумкин. Касса ва ҳақиқий харажатлар бўйича таҳлил жараёнларини умумий таълим ташкилотларида эмас, балки битта тадқиқот объекти сифатида кўриш улар бўйича кенг қамровли таҳлил ва тегишли хулоса чиқаришга сабаб бўлади. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тасарруфидаги Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бюджет маблағлари харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги ҳисобот асосида ташкилотни молиялаштириш режасининг ҳақиқий ва касса харажатлар бўйича даврий ўзгариш шини таҳлилини амалга оширдик(2 - жадвал).

Ушбу таълим муассасаси харажатларини 2018 йилдан 2022 йилгача бюджет маблағлари бўйича касса ҳамда ҳақиқий харажатлари смета харажатларига мувофиқ ўрганилган ва таснифларга ажратиб таҳлил қилинган.

Ушбу жадвалда харажатларнинг бюджет таснифлари бўйича кенгроқ таҳлилини амалга оширишдан асосий мақсад харажатларнинг таркиби бўйича тўлиқроқ хулосаларни шакллантиришдан иборат. Кўрсаткичларга эътибор берсак, деярли барча харажат турлари бўйича йиллар давомида ўсиш ҳолати юз берган. Фақат, 4821400 таснифи бўйича стипендиялар ҳисоби деярли барча йилларда касса ва ҳақиқий харажатлар тенг миқдорда бўлган. Бу ҳисобланган ва тўланган стипендиялар миқдори тенг бўлганлигини кўрсатади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шаймарданова Д. “Бюджет ташкилотларини молиялаштириш манбалари, улар бўйича сметаларни тузиш ва ижроси ҳисобининг хусусиятлари” Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. №2, 2017й.
2. Даниленко Н.И. Статъя: Методика проведения внешнего аудита бюджетного учреждения (“Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях”, 2010, n 4
3. “International Standards for the Professional Practice of Internal Auditing”, Institute of Internal Auditors, 2004, page 12 <https://na.theiia.org/standards>.
4. Оптнер С. Системный анализ для решения деловых и промышленных проблем Москва Советское радио 1969 г. Содержание Системный анализ: этап развития методологии решения проблем в США 3/Москва.

5. Андреев, П.П. Внутренний контроль и аудит в секторе государственного управления и европейский опыт / П.П. Андреев. - Киев: Кафедра, 2011. - 120с.
6. Колесник А.Л. Организация и методика проведения внутреннего аудита распорядителями средств федерального бюджета/ Диссертация, Москва – 2017, 14 стр.
7. Анфёрова В.Е., Грекова В.А., Статья: “Внедрение внутреннего аудита в бюджетных учреждениях”//Nauka-rastudent.ru, 2017, №5(041).
8. Гусев А.А. Статья: “Положение о внутреннем финансовом контроле” Журнал: “Силловые министерства и ведомства: бухгалтерский учёт и налогообложения» № 1/ 2017 г. www.taxpravo.ru/analitika/statya.
9. Алеева Е.Г. И.В. Сугаипова Статья:Аудит бюджетных средств: <https://cyberleninka.ru/article/n/audit-byudzhethnyh-sredstv>
10. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонуни, ЎРҚ- 404-сон 2016 йил 13 апрел.
11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома” 2169-сон, 21 декабр 2010 йил
12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома»
13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 20 октябрдаги 3078-сонли “Ягона счётлар режаси” (2 – сонли БҲС) тўғрисидаги буйруғи
14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 20 октябрдаги 3078-сонли “Ягона счётлар режаси” (2 – сонли БҲС) тўғрисидаги буйруғи

УЎҚ 33

ЎЗБЕКИСТОНДА АГРОКЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Д.О.Матёкубова, PhD, катта ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада янги Ўзбекистонни барпо этишида агрокластер тизимини шакллантириши ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари кенг ёритиб берилган. Кластерлар миллий иқтисодиётда драйвер вазифасини бажариши асосланган, илмий ҳулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ЯИМ, агрокластер, инновация, ихтисослашув, агробизнес, инвестиция, инновацион технология.

Аннотация. В статье широко освещаются приоритеты формирования и развития агрокластерной системы в условиях становления нового Узбекистана. На основании того, что кластеры выступают драйвером в национальной экономике, разработаны научные выводы и практические предложения.

Ключевые слова: ВВП, агрокластер, инновации, специализация, агробизнес, инвестиции, инновационные технологии.

Abstract. In the article, the priorities of the formation and development of the agrocluster system in the establishment of the new Uzbekistan are widely covered. Based on the fact that clusters act as a driver in the national economy, scientific conclusions and practical proposals have been developed.

Keywords: GDP, agrocluster, innovations, specialization, agribusiness, investments, innovative technologies.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши ўсганда, қашшоқликни камайтиришга ижобий таъсир бошқа тармоқлардаги ўсишдан уч баробар кўп бўлади [1].

Таҳлилларга кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ёки сотиш бўйича ҳудудий концентрациялар ва ихтисослашувлар агрокластерларни шаклланиши билан боғлиқ.

Агрокластерлар қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш нуктаи назаридан кўплаб афзалликларга эга. Бундай кластерлар фермерлар учун даромад олиш ва қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш имкониятларини яратади.

Алфред Маршалл агломерация иқтисодиётини ёки бир хил иқтисодий фаолиятнинг минтақавий концентрациясини тавсифлаш учун "маҳаллийлаштирилган саноат" атамасини киритган ва уларни учта тушунчадан фойдаланган ҳолда тушунтирган [2].

Портер [3] кластерларни бир-бирига боғланган тармоқлар ва бир хил саноатдаги бошқа субъектларнинг рақобатбардошлигини оширувчи массив сифатида белгилайди. Кучли кластердаги тармоқлар кўпинча юқори даражадаги бандлик ва инновацион ўсишига эга [4].


Ўзбекистонда ҳам инновацион фаоллик асосида аграр соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштиришда кластерлар драйвер вазифасини бажармоқда.

Ана шу мақсадларда мамлакатда аграр соҳада кластерларни шакллантириш мезонлари ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилди.

Мезонлар асосан 3 та йўналишда бўлиб, улар хомашё етиштиришдан бошлаб уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгача бўлган ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирини ташкил этиш йўналишида, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги ва замонавий инновацион технологияларни қўллаш йўналишида, кластерлар фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ бошқа масалалар йўналишида баҳоланади (1-расм).



1-расм. Агрокластерларни шакллантириш мезонлари (Муаллиф ишланмаси)



2-расм. Ўзбекистонда агрокластерларни шакллантиришнинг устувор йўналишлари (Муаллиф ишланмаси)

Шу асосда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларининг қиймати, шу жумладан, жалб этиладиган тўғридан-тўғри инвестициялар миқдори, томчилатиб, ёмғирлатиб ва бошқа илғор сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш имконияти ва экин ерлари ҳажмига мутаносиблиги, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилганлиги, илмий ишланмалар ишлаб чиқаришга татбиқ этиш имкониятлари, хомашёни етиштириш харажатларини молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги, суғурта тизимининг йўлга қўйилганлиги, тижорат банкларида олинган кредитлар қайтарилиши ҳолати аниқланди.

Шу асосда кластерлар агросаноат кластерлари, агросаноат кластерлари инфратузилмаси, мева-сабзавот, ғаллачилик, пахта-тўқимачилик, пиллачилик, чорвачилик, шолчилик кластерларига бўлинади (2-расм).

Кластер тизимини жорий этишдан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборат [7]:

- Маҳсулот етиштиришда замонавий инновацион технологияларни жалб қилиш орқали агротехник тадбирларни янгилаш, ҳосилдорликни бир неча баробар ошириш.
- Маҳсулот етиштирувчилар томонидан қўшилган қиймат занжирини яратиш ва яқунда олинандиган тайёр маҳсулотларни экспортга йўналтириш.
- Кам харажат қилиб, кўп даромад олиш. Маҳсулот етиштирувчиларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш.

• Маҳсулот етиштирувчилар моддий-техник базасини замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ва ускуналари билан бойитиш. Инфратузилма объектларини янгилашдан иборат.

Фикримизча, Ўзбекистонда агрокластерларни шакллантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ҳамда улар томонидан лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари билан ўзаро самарали ҳамкорлик ташкил этиш;

- пахта-тўқимачилик кластерларини ҳудудларнинг салоҳияти янада ривожланиши истиқболларидан, хом ашё базаси, мавжуд инфратузилма, меҳнат ресурслари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича «йўл харита»ларини ишлаб чиқиш;

- пахта хом ашёсини етиштириш жараёнига инновацион агротехнологиялар ҳамда ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг шаффоф механизмини яратиш;

- юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини кенгайтириш ҳамда мазкур жараёнларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

- ички ва ташқи бозорда маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, шунингдек, тармоққа бозор механизмларини кенг жорий қилиш;

- пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, юқори унумли инновацион технологияларни жорий этишда инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда пахта-тўқимачилик кластерларига кўмаклашиш;

- пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш ва барқарор фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. World Bank. 2008. World Development Report 2008: Agriculture for Development. Washington.
2. Krugman, Paul. 1995. Peddling Prosperity: Economic Sense and Nonsense in an Age of Diminished Expectations. New York: W. W. Norton.
3. Porter, Michael E. 1990. The Competitive Advantage of Nations: with A New Introduction.

4. Delgado, Mercedes, Michael E. Porter, and Scott Stern. 2014. 'Clusters, Convergence, and Economic Performance'. Research Policy 43 (10): 1785–99.

5. <https://www.agro.uz> - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий сайти

УЎК: 332.122:339.72(575.123)

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

К.З.Музаффарова, катта ўқитувчи, ҚарМИИ, Қариш
Х.Р.Абдукаримов, талаба, ҚарМИИ, Қариш

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳимлиги ва уларнинг афзалликлари ҳақида тушунча ва хулосалар келтирилган.

Калим сўзлар: инвестиция, чет эл инвестициялари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, эркин иқтисодий зона, экспорт, банклар, инвестиция (венчур) фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари.

Аннотация. В данной статье представлены выводы и выводы о важности привлечения иностранных инвестиций в экономику страны и их эффективного использования, а также их преимуществ.

Ключевые слова: инвестиции, иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, свободная экономическая зона, экспорт, банки, инвестиционные (венчурные) фонды, страховые и лизинговые компании.

Abstract. This article provides insights and conclusions about the importance of attracting foreign investments to the country's economy and their effective use, as well as their advantages.

Key words: investment, foreign investment, foreign direct investment, free economic zone, export, banks, investment (venture) funds, insurance and leasing companies.

Бугунги кунда ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим дастакларидан бири – бу иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўлиб келмоқда. Бу борада мамлакатимизда ҳам муҳим ва стратегик ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Қонунда келтирилишича:

чет эл инвестициялари — чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритилган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар;

тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари — чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари. [1]

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишни самарали тизимини вужудга келтирган жаҳондаги Хитой, Жанубий Корея, ва Малайзия сингари давлатларнинг тажрибаларини тадқиқ этиш ўринлидир. Чунки ушбу давлатларнинг барчасида эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асос солинган. Бунинг натижасида юқорида таъкидлаб ўтилган давлатлар ҳозирги кунда жаҳонда тараққий этган давлатлар қаторидан жой олган. Бугунги кунда Жанубий Кореяда 8 та эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Жанубий Корея қонунчилигига кўра, ЭИЗга хорижий инвестор томонидан 10 млн. доллар ва ундан юқори инвестиция киритса, даромад ва корпоратив солиқлардан етти йилга, кейинги уч йил давомида ушбу солиқларнинг 50 фоизи миқдорида имтиёзларга эга бўлади. Бундан ташқари мамлакатда фаолият юритаётган хорижий корхоналарнинг ишчи ходим ва раҳбарлари даромад солиғидан 30%га озод қилинади. Яна бир муҳим ҳусусият, илмий тадқиқот институтларига 5 (беш) млн. доллар инвестиция киритилса, инвесторга нақд пул шаклида субсидиялар (cash grant system) олиш имкони берилади.

Малайзия қонунчилигига кўра, мамлакатда ЭИЗларнинг икки хил тури мавжуд бўлиб, яъни эркин савдо зоналари ва эркин саноат зоналари фаолият юритади. Малайзияда 25 та ЭИЗлар фаолият кўрсатиб, шулардан 11 таси эркин иқтисодий зоналар ҳисобланса, 14 таси саноат зоналаридир. Бугунги кунда Малайзия дунёнинг электроника ва электротехника марказига айланди. Дунёнинг машхур брендлари MOTOROLA, DELI, BOSCH, BROWN, SONY, TOSHIBA каби трансмиллий компанияларнинг ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. ЭИЗларнинг фаолиятини кескин ривожланиши натижасида Малайзия сўнги йилларда жаҳонда тез суръатларда ривожланаётган давлатлар қаторидан жой олиб, “Осиё йўлбарси” номига эга бўлди [2].

Ўзбекистон Республикасида ҳам иқтисодиётга хорижий инвестициялар жалб этиш жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Агар 2017 йил бошига қадар мамлакатимизда атиги 3 та эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) фаолият юритган бўлса, 2022 йилга келиб уларнинг сони 22 тага етди. Улардан ихтисослашуви бўйича: 12 та ЭИЗ саноат, 6 таси фармацевтика, 2 таси туризм ва 2 таси қишлоқ хўжалигидир [3].

Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди [4].

Мамлакатимиз иқтисодиётига жаҳон инвестиция бозоридан кўпроқ миқдорда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиши учун вилоятнинг Инвестиция ва ташқи савдо қўмитаси халқаро молия институтларига аъзо бўлиб, инвестицион фаолият муносабатларини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланиб такомиллаштириб халқаро нормаларга мувофиқлаштириши лозим. Бундан хорижий инвесторлар минтақа иқтисодиётига катта миқдорда хорижий инвестицияларни киритишга манфатдорлиги ошади ва уларга қулай инвестицион муҳит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-5614 сон Фармонида кўра яқин истиқболда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш чора-тадбирлар этиб қуйидагилар белгиланган:

- инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш;
- жаҳоннинг илғор амалиётини инобатга олган ҳолда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар стратегияси ва Инвестиция кодексини қабул қилиш;
- хорижий инвестицияларни, аввалом бор, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилувчи тизимли масалаларни аниқлаш бўйича чоралар кўриш;
- хорижий инвесторлар билан ишлашнинг институционал базасини янада такомиллаштириш;
- махсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш [5].

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инвестиция муҳитини такомиллаштириш стратегиясидан мақсад, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш асосида иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш, саноат салоҳиятини мустақамлаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш орқали иқтисодиётни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборатдир. Бунда инвестицион сиёсатда фан сиғимкорлиги юқори бўлган технологик тармоқларга, рақамли иқтисодиётга устуворлик берилади.

Бироқ бугунги кунда мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб қилишда миллий иқтисодиётда бозор инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги (банклар, инвестиция (венчур) фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш) ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш ҳамда тадбиркорларда инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд.

Инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 8 500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда хўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, хорижий корхона ташкил этиш шаклида Ўзбекистон

Республикасига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилди [6].

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни янада фаол жалб қилиш билан бирга улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда истиқболда, биринчи навбатда, қуйидаги устувор йўналишларда ислохотларни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда:

- иқтисодиётини таркибий тузилмасини такомиллаштириш ва техник – технологик жиҳатдан модернизациялаш;
- хорижий инвестицияларни рақобатбардош юқори технологик билимлар иқтисодиётига йўналтириш асосида рақамли иқтисодиётни шакллантириш;
- бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси институтларини ривожлантириш;
- хорижий инвестицияларни фаол ўзлаштиришда кадрлар сифатини ҳамда ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш;
- қулай ишбилармонлик ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш ҳамда инвестиция фаолиятини тартибга солувчи конунчиликни такомиллаштириш;
- институционал ислохотлар асосида хорижий инвестицияларни тартибга солувчи давлат ва бозор институтлари сифатини ошириш;
- корпоратив бошқарув соҳасидаги ёндашувларни тубдан ўзгартириш ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва экспортни рағбатлантириш.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш – бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш айна пайтда – бу аввало янги замонавий техника дастгоҳ ва ускуналар технология ва ноу-хауларни жорий этиш шу асосда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилган. Шундай қилиб энг муҳими четдан имтиёзли сармояларни олиб кириш – бу пировард натижада мамлакатда фавқулотда юзага келган иқтисодий инқирознинг салбий жиҳатларини юмшатишга рақобатга бардошли кучли иқтисодиётни барпо этиш ва жаҳон бозорида ўз муносиб ўрнимизни янада мустаҳкамланишига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”. 2019 йил 25 декабрь
2. Б.Б.Валиев. Иқтисодий ўсишни таъминлашда тўғридан тўғри хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишнинг методологик асослари. Монография. – Т.: IFMR, 2017. –Б.11
3. <https://invest.gov.uz/>
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси – Тошкент. // Халқ сўзи, 2022 йил 22 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5614 сон Фармони
6. <http://invest.gov.uz/uz/investor/sez-i-mpz/>

УДК 330.322

ИНВЕСТИЦИОННЫЙ КРАУДФАНДИНГ КАК ФОРМА ФИНАНСИРОВАНИЯ ПРОЕКТОВ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА

Б.Д.Олланазаров, PhD, доц., Ургенчский государственный университет, Ургенч

Н.Б.Файзуллаев, PhD, доц., Ургенчский государственный университет, Ургенч

Ф.С.Каландаров, стажер-преподаватель, Ургенчский государственный университет, Ургенч

Аннотация. Мазкур мақолада аҳоли жамғармаларини инвестицияларга трансформациялашда муҳим ўрин тутувчи молиялаштириш шакли - краудфандинг, краудинвестинг тушунчаларининг мазмун-моҳияти ҳамда ушбу молиялаштириш шакллари

манфаатдор иштирокчиларининг тавсифлари, давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги лойиҳаларни молиялаштиришга аҳоли молиявий фаоллигини таъминлашга имкон берадиган краудфандинг инструменти орқали аҳоли жамгармаларини инвестицион маблағлар сифатида жалб қилиш имкониятларининг афзалликлари ва тамойиллари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шерикчилиги, краудфандинг, краудинвестинг, аҳоли жамгармалари, инвестиция.

Аннотация. В данной статье приведена сущность понятий краудфандинг, краудинвестинг, которая является формой финансирования, играющая важную роль в трансформации сбережений населения в инвестиции, также характеристики заинтересованных участников этих форм финансирования, преимущества и принципы возможностей привлечения сбережений населения как инвестиционных средств через инструмент краудфандинга, позволяющий обеспечить финансовую активность населения, в финансировании проектов на основе государственно-частного партнерства.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, краудфандинг, краудинвестинг, сбережения населения, инвестиции.

Abstract. In this article, the form of financing that plays an important role in the transformation of population savings into investments- crowdfunding, crowdfunding the essence of concepts and descriptions of interested participants of these forms of financing, the advantages of the possibility of attracting population savings as investment funds through the crowdfunding instrument, which allows to ensure the financial activity of the population for the financing of projects based on public-private partnership and principles are mentioned.

Keywords: public-private partnership, crowdfunding, crowdfunding, private savings, investments.

В настоящее время мировая финансовая система преодолевает стресс, накопленный в результате недавних мировых кризисов, пандемии, стагнации и неустойчивости экономик отдельных стран, а также дисбалансов, вызванных новыми рискованными финансовыми технологиями. При этом их достижение требует значительных инвестиций, критический минимум которых ещё не достигнут.

Сбережения населения - являясь основным источником инвестиций в государстве играют значительную роль в сохранении баланса экономики и влияют на инвестиционный климат в целом. Для того, чтобы экономическая сфера не отклонялась от равновесия, государство может использовать свои механизмы регулирования деятельности, одним из которых является государственно-частное партнерство (ГЧП). В инвестиционной сфере экономическое поведение называют относительно самостоятельным видом экономической активности, который напрямую связан с обращениями, реализацией инвестиционных ресурсов и получением инвестиционной прибыли от этих ресурсов. Инвестиционное поведение – это действия, которые связаны с функционированием социального инвестиционно-финансового института и включающее большой ряд обязательств, которые нацелены на постоянное перераспределение капиталов между теми, кто ими распоряжается и теми, кто в них нуждается. В инвестиционный цикл вовлечены профессиональные инвесторы и непрофессиональные категории населения, размещающие собственные средства в различные активы с целью получения и сохранения дохода. В зависимости от уровня и регулярности дохода, общих стандартов качества потребления частные хозяйства реализуют разные тактики и стратегии сберегательного поведения от консервативных, нацеленных на надежность и ликвидность собственных активов, до агрессивных и рискованных. С повышением воздействия фактора риска и неопределенности сберегательное поведение превращается в непосредственно инвестиционное поведение, которое нацелено на размещение сбережений в вещественные либо денежные активы уже с большим доходом. Таким образом, в субъектах инвестиций можно выделить группу пассивных инвесторов (доверителей), которые:

- не осуществляют операций с инвестиционными активами;

- передают инвестиции на контрактной основе институциональным инвесторам;
- ожидают выполнения обязательств.

Инвестиционное поведение непрофессиональных инвесторов можно приравнять к массовым сберегателям, которые функционально сфокусированы на выборе формы и места вложения ресурсов под контролем институциональных инвесторов, выступающих посредниками и обеспечивающих взаимную выгоду. Несмотря на то, что инвестиционное поведение занимает центральное звено в структуре экономического поведения, оно играет второстепенную роль, так как непосредственно инвестиционная активность реализуется другими субъектами, а именно активными инвесторами. Институциональные инвесторы – лица, имеющие специальную квалификацию, которые вовлечены в сферу трудовой занятости и профессионально осуществляют финансовую деятельность (менеджеры страховых обществ, инвестиционных компаний, фондов, банков, также дилеры фондовых рынков, брокеры, маклеры, инвестиционные консультанты) [1].

Инвестиционное поведение базируется на двух социально-экономических установках:

- представление индивида о своём положении в социально-экономической структуре;
- представление своих функций в социально-экономической сфере жизнедеятельности общества.

В то время как *первая установка* обусловлена доминирующим положением и возможностями государства над способностями индивида в принятии инвестиционных решений, то *вторая* оперирует экономической эффективностью и личной социальной активностью, базируясь на свои личные компетенции с минимальным участием государства в экономической жизнедеятельности человека [2]. При максимизации доходов в инвестиционном цикле сфокусированы интересы следующих участников:

1. **Реальные инвесторы** - получатели прибыли от оборота собственных материальных и иных активов, которые находятся у институциональных инвесторов.

2. **Массовые внешние инвесторы-сберегатели** - стремящиеся к сохранению и обеспечению ликвидности вкладов, к гарантийному доходу сбережений и их использованию в соответствии с иерархией краткосрочных, среднесрочных и долгосрочных потребностей.

3. **Массовые внутренние инвесторы** - вкладывающие инвестиции в производство с целью получения прибыли в долгосрочной перспективе и ожидающие выгоду от получения дивидендов и процентов в краткосрочной перспективе.

4. **Рантье** - ожидающие стабильности и возрастания доходов от материальных, финансовых и иных активов.

5. **Институциональные финансовые и нефинансовые посредники** - получающие выгоды, в виде платы за услуги либо по минимизации трансакционных издержек, проявляя институциональный интерес, по предоставлению конфиденциальной информации, имея контрактный интерес, по управлению активами, имея экономический интерес.

6. **Институциональные и индивидуальные агенты финансового и фондового рынков** – извлекающие прибыль от «игры» колебания курса и котировок активов методом скупки и продажи.

7. **Государство** - через механизм регулирования для обеспечения оптимального баланса сил между агентами инвестиционного рынка, которое даёт возможность создать и поддержать благоприятную экономическую конъюнктуру с помощью регламентации «жестких» правил инвестиционного поведения, сократить риск и минимизировать диспропорции в распределении доходов от инвестиций, увеличить свободные средства населения в инвестиционном цикле, а также защитить их сбережения и инвестиционные возможности, сведет к минимуму монопольные эффекты.

Сектор домашних хозяйств включает в себя население страны и более других стремится как к сбережению, так и к инвестированию средств.

В качестве одного из способов вложения средств потенциальные инвесторы рассматривают краудфандинг.

Краудфандинг – это коллективный метод финансирования деятельности, где денежные средства или иные инвестиционные ресурсы добровольно объединяются вместе посредством использования сети Интернет через краудфандинговые платформы, для того чтобы поддержать экономические или социальные усилия другой части населения или организаций. В качестве цели сбора денежных средств могут выступать:

- помощь пострадавшим от стихийных бедствий;
- поддержка политических кампаний;
- финансирование стартапов, креативных проектов и малого бизнеса;
- поддержка социально-значимых / инфраструктурных проектов.

С помощью краудфандинга предприниматель обращается к интернет-сообществу с целью привлечения инвестиций от физических лиц, не имеющих профессиональной квалификации, но желающих инвестировать часть своих средств, как для получения экономической выгоды, так и социального признания. Реализация данного рода проектов осуществляется путём:

- сбора денег у населения страны без непосредственного материального вознаграждения тем, кто поддержал проект в форме благотворительного фандрайзинга;
- сбора средств и публичного освещения имени грантодателя в благодарность за поддержку деятельности;
- сбора средств под видом акционерного капитала;
- сбора средств в виде инвестиционного капитала;
- сбора средств в виде пожертвований;
- сбора средств населения взаймы (краудинвестинг).

Краудинвестинг представляет собой акционерный краудфандинг и является альтернативным финансовым инструментом для:

- *привлечения средств в стартап-компаниях, креативные проекты и малый бизнес от круга индивидуальных и профессиональных инвесторов, которые имеют статус микроинвесторов;*
- *привлечения средств в новые предприятия, которые не имеют убедительного бизнес-плана и обширной кредитной истории для банковских организаций.*

Основное отличие краудинвестинга от краудфандинга заключается в том, что инвесторы обладают не только частью акционерного капитала компании, но и рискуют потерять вложенные средства, так как размер потенциальной прибыли не фиксируется, как в кредитном краудфандинге (равное кредитование). Присущие ему законодательные ограничения в большинстве стран вызваны пограничным состоянием, которые связаны с инвестиционными пирамидами. Инвестиционная пирамида обеспечивает доходами участников инвестиционно-финансовой структуры путём перманентного привлечения инвестиций от новых участников системы (рис.-1.). Принцип её функционирования заключается в том, что первые участники обретают доход за счёт вкладов вновь присоединившихся инвесторов.

В данной системе высокая доходность достигается в краткосрочной перспективе, а удовлетворение потребностей всех участников невозможно, так как в случае, если проект приносит ниже средств, чем было заявлено, то часть новых инвестиций отправляется на выплату дохода первым участникам, приводя либо к банкротству проекта, либо к убыткам последних инвесторов. Основное отличие пирамиды от бизнес-проекта заключается в источнике выплаты дохода. Если сумма выплат стабильно превышает объём прибавочной стоимости, обеспечиваемый инвестиционным проектом в виде бизнес-проекта, то он является пирамидой. Потенциальных участников такие инвестиционные проекты привлекают обещаниями в виде отсутствия рисков, высокой доходности и быстрого возврата вложенных средств.

Инвестиции дают социальным и хозяйствующим субъектам возможность быстрее начать увеличивать свои производственные мощности, также инвестирование облегчает процесс структурных преобразований, направленных на увеличение доходности предприятия. Надо отметить, что есть ряд экономических явлений, способных деструктивно повлиять на

инвестиционный процесс, к ним можно отнести высокую инфляцию и высокие кредитные ставки. На сегодняшний день требуется поиск и использование новых механизмов, которые позволят взаимовыгодно сотрудничать в инвестиционной сфере двум или более сторонам в формате: сотрудничества «государственный сектор – частный сектор – сектор домохозяйств». Одной из таких возможностей является ГЧП.

ГЧП увеличивает спектр возможностей инвесторов и способствует возникновению новых благоприятных условий с целью:

- привлечения инвестиций в экономику страны, регионов и муниципального образования;



Рис. 1. Структурная схема инвестиционно-финансовой структуры системы краудинвестинга

- улучшения качества производимых товаров, работ, услуг, имеющих отношение к органам государственной власти и местного самоуправления.

В законодательном аспекте ГЧП базируется на положениях, представленных в Конституции, а также в бюджетном, гражданском кодексах Республики Узбекистан, законах и иных нормативно-правовых актах страны. В нормативно-организационном аспекте оно

основывается на взаимовыгодных организационных формах содействия государства и бизнеса, в виде публичного и частного партнеров. Главная ценность подобного партнёрства выражается на основе объединения ресурсов и разделения рисков в целях:

- привлечения в экономическую сферу частных инвестиций;
- обеспечения доступности товаров, услуг, работ, а также повышения их уровня качества органами власти.

Инвестиционный механизм взаимодействия предоставляет гарантию в отношении успешной реализации проекта, а также защищает от потенциальных рисков.

Участниками взаимодействия являются публичные и частные партнеры. К первому типу относятся:

1. Правительство страны или уполномоченный орган исполнительной власти (региональный уровень).
2. Высший исполнительный орган государственной власти или уполномоченный им орган исполнительной власти (региональный уровень).
3. Глава муниципального образования или иной уполномоченный орган местного самоуправления (муниципальный уровень).

В зависимости от уровня они имеют соответствующие дифференцированные полномочия [3]. Ко второму типу участников взаимодействия относятся юридические лица Республики Узбекистан, которые заключают соглашения ГЧП.

ГЧП присущи принципы:

- Равенство перед законом государственного и частного партнера;
- Прозрачность правил и процедур при осуществлении государственно-частного партнерства;
- Состязательность и объективность при отборе частного партнера;
- Недопустимость дискриминации;
- Недопустимость коррупции.

Более того, при реализации проектов ГЧП необходимо финансирующее лицо. Ими являются как юридическое лицо, так и их объединения, которые действует без образования юридического лица по договору о совместной деятельности, предоставляя заемные средства частной стороне для реализации соглашения на условиях возвратности, платности и срочности.

Три стороны участников взаимодействия заключают соглашение о ГЧП, преследуя цель регулирования порядка и условий их взаимодействия, сроком не менее чем на 3 года. *Содержательной частью ГЧП может служить:*

- использование объекта соглашения для осуществления производственной деятельности, выполнения работ, оказания услуг на условиях определенных соглашений;
- техническое обслуживание в виде мероприятий, направленных на поддержание объекта соглашения в исправном, безопасном и пригодном эксплуатационном состоянии.

Объектами ГЧП являются: имущество, имущественные комплексы, общественная инфраструктура, проектирование, строительство, создание, поставка, финансирование, реконструкция, модернизация, эксплуатация и обслуживание которых осуществляются в рамках реализации проекта ГЧП, земельные участки, а также работы (услуги) и инновации, подлежащие внедрению в ходе реализации проекта ГЧП [4].

Таким образом, ГЧП удовлетворяет потребность частного сектора в инвестировании своих средств. Однако, тот факт, что население страны, выступающее в роли индивидуальных инвесторов и физического лица, может принимать участие в инвестиционных проектах лишь опосредствованно, через инвестиционные институты, при этом взаимодействуя с институциональными инвесторами, не всегда является оптимальным и удобным способом для рядового вкладчика. В инвестиционном поведении преимущественно присутствует целесообразность и рациональность личности инвестора, мотивом которой является накопление и сбережение собственных инвестиционных ресурсов и использование в дальнейшем накопленного капитала в инвестиционном процессе, а также осуществление

инвестиций на отечественном или зарубежных рынках. Основные мотивы к осуществлению инвестиционной деятельности можно разделить на 2 группы:

- экономические мотивы в виде извлечения наибольшего дохода;
- социальные мотивы в виде решения социальной проблемы, которая связана с повышением уровня и качеством жизни личности.

По нашему мнению, ГЧП может являться неким инструментом социального контроля в развитии финансовой деятельности. Несмотря на то, что граждане не вкладывают средства, связанные с реальным приростом капитальных благ, тем не менее, роль их довольно значительна, поскольку различия в процессе сбережения и инвестирования могут обременять экономику и приводить к дисбалансу. Большинство граждан не обладают знаниями в области финансов, чтобы осуществлять инвестиционную деятельность без посредников [5]. Выходом из подобной ситуации может служить *краудфандинг*.

На сегодняшний день эта тема мало изучена в Республике Узбекистан, о чем свидетельствует практическое отсутствие статей и работ по данной тематике, не говоря уже о реализации проектов ГЧП через краудфандинговые платформы. Тем не менее, мы можем обратиться к зарубежному опыту, и подчеркнуть некоторые моменты развития данной идеи на территории Республики Узбекистан. Во всем мире ГЧП играют все более важную роль в удовлетворении потребностей в инвестициях в общественную инфраструктуру.

Как показывает зарубежный опыт развитых стран мира, как проекты коммерческой недвижимости, инвестиционный краудфандинг позволяет разработчикам инфраструктуры привлекать капитал от местных индивидуальных инвесторов, что приносит пользу ГЧП во многих отношениях, включая:

- увеличение общественной и политической поддержки;
- повышение прозрачности;
- продвижение местных проектов с финансированием из нескольких источников.

Показателем потенциала краудфандинговых инвестиций в проекты ГЧП может служить опыт США по ГЧП, который включает метод краудфандинга в проект ГЧП газопровода, тем самым создавая расширенную модель ГЧП, способную обеспечить необходимый уровень конкуренции для тех, кто желает инвестировать в проекты ГЧП, а также открыть двери для участия общественности, в особенности это касается местных сообществ, в качестве равноправного партнера в модель ГЧП [6].

Подобная модель также позволит создать возможности для распределения рисков, обмена идеями, повышения уровня транспарентности и укрепления общественного взаимодействия. В краудфандинговой модели ГЧП вкладываются средства, как государства, так и граждан. Это даёт возможность сохранить часть прибыли от инвестиций проекта ГЧП в обществе, тем самым увеличивая экономический эффект от развития инфраструктуры.

Наличие государственных инвестиций также повышает прозрачность деятельности ГЧП. Информация, касающаяся рисков инвестирования в проектах ГЧП, будет раскрываться публично, проводя надлежащую проверку. Документы о раскрытии информации, которые будут общедоступны на краудфандинговой платформе для заинтересованных инвесторов, могут включать, как реестр рисков проекта:

- все общедоступные документы о закупках;
- любое доступное заявление о публичном размещении или официальное заявление об облигациях;
- документы по контрактным соглашениям;
- проектные исследования, такие как исследования пассажиропотока или трафика и доходов.

Самое главное, краудфандинговые инвестиции для ГЧП могут помочь в продвижении устойчивых инфраструктурных проектов.

Инвесторы, которые поддерживают устойчивую инфраструктуру, могут голосовать своими деньгами и инвестировать в проекты, которые продемонстрировали приверженность устойчивости. Если инвесторы отдадут предпочтение устойчивым инфраструктурным

проектам по сравнению с неустойчивыми проектами, то разработчики инфраструктуры будут заинтересованы в обеспечении устойчивости, с тем чтобы повысить свою конкурентоспособность на рынках капитала. Кроме того, спонсоры проекта могут продемонстрировать социальную отдачу, связанную с устойчивостью их проекта, и инвесторы могут согласиться на более низкую финансовую отдачу, тем самым снижая стоимость капитала и повышая экономическую жизнеспособность проекта.

После того, как проект ГЧП был выбран для инвестирования, частный разработчик работает с краудфандинговой платформой [7], для разработки и запуска инвестиционной краудфандинговой кампании. Разработчик определит количество и тип ценных бумаг, предоставит памятки о предложении и определит продолжительность кампании по размещению ценных бумаг.

По правилу, пожертвования на сумму могут быть увеличены неограниченно, но инвесторы должны быть аккредитованными [8].

Тип капитала является очень гибким и может быть собственным, привилегированным капиталом, а также конвертируемыми и корпоративными нотами.

Инвестиционная краудфандинговая кампания очень похожа на модель, используемую на сайтах краудфандинга коммерческой недвижимости. Информация о проекте размещается на сайте, который могут просматривать потенциальные инвесторы, включая коммерческие условия, проформы финансовых моделей и видео с описанием проекта.

Инвесторы, посещающие сайт, могут искать информацию по типу проекта, географии, безопасности, внутренней нормы доходности и таким образом найти предложение, соответствующее их инвестиционным целям. Более того, инвестор может задать вопросы разработчику или инвестиционному сообществу в целом для проведения проверки.

Сайт также предложит инструменты сравнения и анализа, чтобы помочь инвесторам определить, какие проекты подходят для них.

Платформа распространяет всю финансовую отчетность, выкладывает информацию и строительных обновлениях. Платформа также облегчает все выплаты прибыли инвесторам и позволяет им отслеживать эффективность своих индивидуальных инвестиций или портфеля проектов.

Таким образом, цель краудфандинговой модели ГЧП заключается в содействии вовлечения общественности, особенно членов местных сообществ, в качестве основного партнера в реализуемом проекте ГЧП. Инвестиционный краудфандинг является проверенной моделью для повышения вовлеченности общественности, а также прозрачности в сложных проектах развития и новых предприятий.

Кроме того, помимо согласования интересов участников проекта ГЧП, государственные агентства и краудфандинговые платформы могут выступать в качестве катализатора для содействия более успешной реализации проекта во время строительства. На основе вышесказанного, мы можем сделать вывод, что ГЧП и краудфандинг являются взаимосвязанными элементами. Это обосновывается тем, что ГЧП является инструментом повышения уровня финансовой активности в стране, а краудфандинг, в свою очередь, является способом использования этой активности, выражающейся в участии в инвестиционной активности.

Краудфандинговая модель ГЧП является новым форматом развития инвестиционной составляющей. Теперь в социально важных проектах могут участвовать не только профессиональные инвесторы, имеющие огромные капиталы, но и граждане, которые имеют возможность просто вкладывать небольшие суммы благодаря простому механизму работы краудфандинговой платформы.

По нашему мнению, это особенно актуально в случае реализации проектов ГЧП на местном уровне. Подобный опыт использования краудфандинговой модели ГЧП можно применить и в Республике Узбекистан, но для этого требуется время, развитие соответствующего законодательства и конечно необходим опыт реализации таких проектов, наработка лучшей практики.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Герасимов В.М. Противоречия финансового взаимодействия банковского и реального секторов экономики современной России: монография. – М.: Дашков и К0, 2014. – 190 с.
2. Малютина Т.Д. Модели и методы анализа инвестиционных процессов в условиях стратегического взаимодействия предприятий: монография. – Волгоград: Волгоградское науч. изд-во, 2012. – 144 с.
3. Копытова Е.Д. К вопросу о взаимодействии власти, бизнеса и общества в решении задач развития территорий URLa: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-ovzaimodeystvii-vlasti-biznesa-i-obschestva-v-reshenii-zadach-razvitiya-territoriy/>
4. Закон Республики Узбекистан «О государственно-частном партнерстве», от 10.05.2019 г. № ЗРУ-537. <https://lex.uz/ru/docs/4329272>
5. Финансовая социология: учебное пособие / под ред. д-ра социол. наук, проф. А.В. Новикова, д-ра эконом. наук, проф. А.В. Ярашевой. – М.: Финансовый университет, 2016. – 344 с.
6. Virginia Office of Public-Private Partnerships [Электронный ресурс] – Режим доступа: <http://www.p3virginia.org>
7. Infrashares is the first platform dedicated to crowdfunding investment in critical public infrastructure projects [Электронный ресурс] – URL: <https://www.infrashares.com>
8. Rule 506 of Regulation D [Электронный ресурс] – Режим доступа: <https://www.sec.gov/fast-answers/answers-rule506htm.html>

УЎК 339.9.012.23

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
САМАРАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ*М.Оқбоев, таянч докторант, Наманган мухандислик технология институти, Наманган*

Аннотация. Ташиқи иқтисодий фаолият самарасини ошириши биринчи навбатда маҳсулотлар сифатини яхшилаш орқали рақобатбардошлиликни орттиришни талаб қилади. Мақолада тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириши масалалари ўрганилган.

Калим сўзлар: тадбиркорлик, ташиқи иқтисодий фаолият, сифат, раҳбарлар, бошқарув, иқтисодий самарадорлик, харажатлар.

Аннотация. Повышение эффективности внешнеэкономической деятельности требует, прежде всего, повышения конкурентоспособности за счет повышения качества выпускаемой продукции. В статье исследуются вопросы повышения качества продукции, производимой на предпринимательских предприятиях, а также повышения экспортного потенциала.


Ключевые слова: предпринимательство, внешнеэкономическая деятельность, качество, лидеры, менеджмент, экономическая эффективность, затраты.

Abstract. Improving the efficiency of foreign economic activity requires, first of all, increasing competitiveness by improving the quality of products. The article examines the issues of improving the quality of products produced at entrepreneurial enterprises, as well as increasing export potential.

Keywords: entrepreneurship, foreign economic activity, quality, leaders, management, economic efficiency, costs.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 28-мақсад қилиб мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда экспорт ҳажмини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш вазифаси белгиланган. Бу вазифани бажариш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, ташқи бозор талабларига жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва улар асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, экспорт билан шуғулланадиган корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг экспортдаги улушини орттириш ва 60 фоизлик даражага етказиш каби тадбирлар белгиланган. Бу тадбирларни бажариш давомида экспорт таркибидан тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 бараварга кўпайтириш ҳамда экспорт фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар сонини 15000 тага, уларнинг экспорт географиясини эса 150 тага етказиш сингари ишларни амалга ошириш лозим.

Мамлакат иқтисодиёти олдига қўйилган бу каби вазифаларни самарали тарзда бажарилишида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти корхоналари муҳим ўрин тутати. Тадбиркорлик фаолияти корхоналарининг ривожланишини таъминлаш ҳамда уларнинг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишидаги муҳим ишлар қаторида улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг сифатини ошириш масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Маҳсулотлар сифатини халқаро бозорлар стандартлари асосида ишлаб чиқариш учун тадбиркорлик корхонасидаги раҳбарлар, мутахассислар ва барча ходимлар маҳсулот ёки хизматлар сифати тўғрисидаги тушунчаларга эга бўлишлари зарур. Маҳсулот сифати тўғрисидаги билимларга эга бўлмасдан туриб, сифатни ошириш тўғрисида фикр юритиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир ходимни ишга қабул қилинишида унга тадбиркорлик корхонасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматларнинг сифати тўғрисида йўриқнома берилишини ва тушунтириш ишлари олиб борилишини йўлга қўйиш зарур. Фақатгина маҳсулотларнинг сифатини ошириш орқали ташқи иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини орттиришга эришилиши мумкин. Ташқи иқтисодий фаолият самарасини ошириш бирмунча мураккаб фаолият бўлиб, биринчи навбатда фаолият самараси тўғрисида тушунчага эга бўлиш лозим. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган корхоналарида амалга ошириладиган тадбирлар натижасида олинадиган иқтисодий самарадорлик иқтисодий фаолият натижалари ва харажатлар ўртасидаги фарқ билан аниқланади. Корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти натижасида турли харажатларни амалга оширадилар ва бу орали белгиланган натижаларга эришилиши мумкин. Бунда харажатларни Х билан ва натижаларни Н харфи билан белгиланса, қуйидаги тизим кўринишида бўлади:



Иқтисодий самарадорлик эса қуйидагича аниқланади:

$$\mathcal{E}_c = X - H$$

Ушбу тизимни янада кенгайтирилса, яъни харажатлар орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб маҳсулотлар ёки хизматларни тайёрлаб истеъмолга чиқарилишини ҳисобга олинса, тизим қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Ресурслар → Ишлаб чиқариш → Истеъмол → Эҳтиёжлар

Тадбиркорлик фаолияти корхоналари ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланганда ва экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилганида сифатни таъминлаш йўлида қатор харажатларни амалга оширадилар. Бу харажатларни сифат йўлидаги харажатлар деб атаيمиз. Харажатларнинг ортиши билан биргаликда маҳсулотларнинг нархлари ҳам ортиб боради. Бу эса харидорлар учун қўшимча харажатлар ҳисобланади ва бунинг натижасида маҳсулотларнинг истеъмол қиймати ҳам ортиб бориши мумкин. Истеъмолчи истеъмол қиймати ортган маҳсулотга юқори нарх тўлашлари мумкин, акс холда уларни бу маҳсулотни сотиб олиш истаклари пасайиши мумкин. Бу эса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин, яъни маҳсулотларнинг сотилиши хами пасайиши мумкин. Истеъмол виймати ортган холдагина тадбиркорларнинг маҳсулотлари тезда ва икки томонни қониктирадиган нархлар бўйича сотилиши мумкин. Тадбиркорлик корхоналари бозор муносабатлари шароитида ўз фаолиятини амалга оширар экан, бу талабга қатъий риоя қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Акс холда, тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти натижалари улар учун салбий томон юз буриши мумкин.

Тадбиркорлар томонидан сифати яхшиланган ва истеъмол қиймати оширилган маҳсулотларга нарх белгилашда ўзининг шу маҳсулот сифатини оширишга қилган харажатларини қоплашдан ташқари яна қўшимча иқтисодий самара олишга ҳам ҳаракат қилади. Бу қўшимча олинган иқтисодий самара корхонада ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга ва кенгайтиришга сарфланиши мумкин. Бундай қўшимча иқтисодий самарадорликка эришиш учун тадбиркорлар ўзлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг истеъмол қийматини оширишга бўлган ҳаракатларини узлуксиз равишда

давом эттиришлари талаб этилади, бу фаолият давомида ушбу маҳсулотни эксплуатация қилиш даврида харажатларнинг пасайиши ва тайёрланишида нуқсонларнинг йўқолишига эришилиши мумкинлигига эътибор қаратилади.

Тадбиркорлик корхоналарида ташқи иқтисодий фаолият самарасини ошириш йўналишидаги яна бир муҳим йўналиш истеъмол нархларини пасайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш бўлиб, бу йўналиш ҳам бирмунча мураккаб йўналиш ҳисобланади. Ресурлар камайиб бораётган тақчиллик шароитида, харажатлар ортиб бораётган бир вақтда истеъмол нархларини пасайтиришга эришиш жуда қийин масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун тадбиркорлик корхонасидаги бошқарув фаолиятининг барча даражалари ҳамда соҳаларида менежментнинг замонавий тамойилларини қўллаган ҳолда, функцияларни самарали тарзда амалга оширган ҳолда, юнг мақбул бўлган бошқарув усулларида фойдаланган ҳолда, коммуникация ва қарор қабул қилиш жараёнларини мақбул тарзда амалга оширган ҳолда фаолият юритиш талаб этилади. Бу механизмда маҳсулотларнинг истеъмол нархларига таъсир кўрсатувчи барча ички ва ташқи омиллар ҳисобга олинishi катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтдаги глобаллашув ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва яратиладиган хизматларнинг сифатига катта талаблар қўймоқда. Америка Қўшма Штатларида, Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея, Германия ва Хитой мамлакатларида бу йўналишда ишлар жуда жонлантириб юборилган. Улар маҳсулотларнинг сифатини ошириш, истеъмол қийматини оширишда олинадиган иқтисодий самарадорликни авваламбор, инновацион фаолият натижаларини тезроқ жорий қилишга сарфламоқдалар. Натижада, бу мамлакатлар томонидан амалга ошириладиган экспорт амаллари ортиб бормоқда. Бунинг оқибатида бу корхоналар ўзларининг ҳозирги мураккаб вазиятдаги ҳолатларини мустақамлаб олишга эришмоқдалар. Тадбиркорлик корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолияти самарасини орттириш мақсадидаги йўналишлар бири тадбиркорлик корхонасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардан фойдаланишдаги қулайлик, уларга кўрсатиладиган сервис хизмати, таъмирлашдаги қулайликлар ва шу сингари имтиёзлар орқали экспорт ҳажми орттирилиши мумкин.

Тадбиркорлик корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолияти самарасини орттириш йўналишларидан яна бири – маҳсулот сифатини бошқариш ҳисобланади. Маҳсулотнинг сифатини бошқариш операциялари муҳандис-техникавий, ташкилий-технологик, назорат ва бошқа жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги мажмуасини ташкил этувчи тартиб доирасида олиб борилади. Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни қатор операциялардан иборат бўладива улар қуйидагилардир: ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифати даражасини белгилаш, стандарт кўрсаткичларини ўрганиш; ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи барча омиллар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва ўрганиш; маҳсулот сифатини бошқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва уларни бажарилиши тартибларини белгилаш; маҳсулот сифати бўйича мунтазам назоратни амалга ошириш; маҳсулот сифати бўйича амалга оширилган ишлар учун рағбатлантиришни амалга ошириш ва бунда шаффофликни таъминлаш. Фақатгина самарали иш учун рағбатлантиришни қўллаш; амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, фойдаланилмаган имкониятларни аниқлаш ва ҳаракатга келтириш чоралари кўриш. Тадбиркорлик фаолияти корхоналарида ташқи иқтисодий фаолият самарасини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Юқори истеъмол қиймати яратишга ҳаракат қилиш.
2. Истеъмол нархларини пасайтиришга ҳаракат қилиш.
3. Тажриба ва лойиҳалаштириш ишлари ҳамда ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш.
4. Фаолият давомида ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш. Замонавий, кам чиқиндили, энергиятежамкор, ресурстежамкор технологияларни қидириш, топиш ва фаолиятда қўллаш.

5. Маҳсулот ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё ва материаллар сифатига эътибор бериш. Корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган хом ашёларни сотиб олишда уларнинг сифатига ва нархига эътибор қаратиш.

6. Маҳсулотлар сифатини кузатувчи ва назорат қилувчи тизимни шакллантириш. Бу ишларни амалга оширишда қўлланиладиган асбобларни топиш, етишмаганларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, "Ўзбекистон", 2022 йил.

2. Catter III, J.J., Kidwell, R.E. (2014). Function, governance, and trust in successor leadership groups in family firms. *Journal of Family Business Strategy*, 5(3), 217-228. doi: 10.1016/j.jfbs.2013.06.001.

3. Kazakov O.C. The Role of the Textile Industry in the Economy of Uzbekistan. *Журнал Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 –0892 Vol9 Issue–2, Dec -2019*

4. Kazakov Olim Sabirovich Management of the economic power of business activities and its impact on its efficiency. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, Volume 13 Special Issue 6, 2022 <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/issue/view/2>.

УДК 330

МЕТОД СОЦИОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ, ЕГО ПРИНЦИПЫ И КРИТЕРИИ ПОСТРОЕНИЯ

Р.А.Рамазанова, преподаватель, Ташкентский государственный экономический университет, Ташкент

Аннотация. *Sotsiologik ekspertiza - bu guruhlar va qatlamlarning, butun jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy rivojlanishining asosiy tendentsiyalarining asosiy ijtimoiy-iqtisodiy qonunlarning mutlaq talablaridan chetlanish darajasi va davomiyligini aniqlashga qaratilgan maxsus tadqiqot.*

Калит со'злар: *sotsiologik tadqiqotlarni aniqlash; uni amalga oshirish bosqichlarini ko'rib chiqing; axborotni to'plash va tahlil qilish usullarini tavsiflash; iqtisodiy sotsiologiyaga xos sotsiologik tadqiqot usullarini ajratib ko'rsatish.*

Аннотация. *Социологическая экспертиза – это специальное исследование, имеющее целью выяснение степени и длительности отклонения основных тенденций экономического, социального и политического развития групп и слоев, общества в целом от абсолютных требований основных социально-экономических законов.*

Ключевые слова: *дать определение социологическому исследованию; рассмотреть этапы его проведения; охарактеризовать методы сбора и анализа информации; выделить специфические для экономической социологии методы социологических исследований.*

Abstract. *Sociological expertise is a special study aimed at determining the degree and duration of deviation of the main trends in the economic, social and political development of groups and strata, society as a whole from the absolute requirements of the basic socio-economic laws.*

Key words: *define sociological research; consider the stages of its implementation; describe the methods of collecting and analyzing information; to single out methods of sociological research specific to economic sociology.*

В связи с этим социологическая экспертиза как одна из форм аналитической практики выполняет функцию критерия истинности научного познания. В сфере фундаментальных исследований используется качественная экспертиза, имеющая цель установить наличие или отсутствие предполагаемого теорией явления. В области прикладных исследований – это качественно-количественная экспертиза, имеющая целью выявить степень и длительность отклонения тех или иных социально-экономических показателей и тенденций реального развития объекта исследования от так называемых нормативных показателей развития, заложенных в концептуальную модель этого объекта.

Социологическая экспертиза позволяет анализировать основные характеристики социального развития как необратимого, целенаправленного, закономерного изменения материальных и идеальных объектов, в результате которого возникает новое качественное состояние объекта, в виде изменения его состава или структуры. Представляется актуальным прояснить значение терминов – рост и развитие. Развитие рассматривается как процесс, в котором особую роль играет рост как количественная определенность, обозначаемая через понятие «темп роста». Количественные изменения, составляющие субстанцию роста, на определенной стадии приводят к новому качеству системы. Экономический рост является обобщающим показателем развития человеческого общества. Он увязывает в единое целое общественное производство, накопление и индивидуальное потребление. Он свидетельствует, с одной стороны, о затратах общественного труда и его производительности, а с другой – о росте благосостояния индивидов и приумножении общественного богатства. Экономический рост есть функция и вместе с тем условие устойчивого развития. Устойчивое (а более точно, непрерывно поддерживаемое) развитие – это такое развитие, которое удовлетворяет потребности настоящего времени, но не ставит под угрозу способности будущих поколений удовлетворять свои собственные потребности. Конечной целью развития должен выступать не сам по себе экономический рост, темпы и размеры накопления, а человек, обеспечение его материальных и духовных потребностей.

В Республике Беларусь переход к устойчивому развитию требует структурной перестройки экономики, сбалансированного решения социально-экономических задач, совершенствования структуры производства по следующим основным направлениям:

- 1) сохранение жизненно важных отраслей, удовлетворяющих потребности населения и экономики;
- 2) ориентация на использование собственного технического потенциала и местных ресурсов;
- 3) ускоренное развитие конкурентоспособных производств;
- 4) развитие экономически оправданных интеграционных связей с Россией и другими странами СНГ и дальнего зарубежья;
- 5) создание мотивационного механизма реализации мер по структурной перестройке экономики на основе гибкого сочетания рыночных методов и инструментов государственного регулирования.

Вместе с тем структурная перестройка экономики не задает социальные изменения, она лишь предоставляет для этого возможности и инструменты. Как они будут использованы – предмет политического выбора, определяемый основными направлениями социальной политики государства. Они включают в себя: 1) создание условий и возможностей гражданам зарабатывать средства для 242 удовлетворения своих потребностей; 2) обеспечение рациональной занятости населения; 3) обеспечение роста денежных доходов населения; 4) улучшение социального обеспечения нетрудоспособных граждан; 5) повышение степени защиты социально уязвимых групп населения. Особое внимание должно быть уделено государственному регулированию оплаты труда, которое недостаточно учитывает требования перехода к социально ориентированной рыночной экономике. Именно заработная плата должна стать одним из ведущих факторов повышения эффективности производства и основой роста уровня жизни населения.

Основное назначение социологической экспертизы – держать в фокусе своего внимания актуальные для Республики Беларусь проблемные вопросы: медленный рост реальных денежных доходов населения и угрозу значительного повышения цен на потребляемые экономикой энергоресурсы в контексте опережающего роста тарифов на жилищно-коммунальные услуги для населения. Кроме того, необходимость социологической экспертизы экономических преобразований вытекает из известного тезиса о том, что любые существенные изменения в производительных силах, открывая новые возможности, таят в себе и потенциальные угрозы. В ближайшие десятилетия нельзя исключать развитие ряда негативных тенденций, обозначившихся в Беларуси на рубеже веков. Если говорить о

человеческом капитале, то среди них в первую очередь следует выделить: депопуляцию, включая сокращение численности населения в дотрудоспособном возрасте со всеми вытекающими последствиями; ухудшение здоровья населения; снижение трудовой ответственности; «моральный износ» квалификации и образования; отсутствие возможностей (зачастую и желаний) получить современное образование и поддерживать его на необходимом уровне. Таким образом, социологическая экспертиза социальных последствий экономических преобразований с последующей корректировкой социальной государственной политики является настоящей необходимостью.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Соколова, Г. Н. Модернизация как «ответ» общества на вызов глобальных изменений в мире / Г. Н. Соколова // Социологический альманах.
2. Халиков, М. С. Экономическая социология / М. С. Халиков. – М. : Академический проспект, 2017.
3. Экономико-социологический словарь / НАН Беларуси, Институт социологии; науч. ред. Г. Н. Соколова; [сост.: Г. Н. Соколова, О. В. Кобяк]. – Минск : Беларуская навука, 2013.

УЎК: 330.332.132

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ САНОАТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА КИЧИК БИЗНЕС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ж. Салаев, Тошкент архитектура қурилиш институти тадқиқотчиси, Тошкент

Аннотация. Ушу мақолада Хоразм вилояти ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришида кичик бизнес самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишлари қараб чиқилади.

Калит сўзлар: кичик бизнес, саноат, ҳудудий ишлаб чиқариш, ҳудудий саноат, самарадорлик, прогноз, истиқболли йўналиш.

Аннотация. В данной статье рассматриваются перспективные направления повышение эффективности малого бизнеса в территориальном промышленном производстве Хорезмской области.

Ключевые слова: малый бизнес, промышленность, территориальное производство, территориальное промышленность, эффективность, прогноз, перспективное направление

Abstract. This article discusses promising areas for improving the efficiency of small businesses in the territorial industrial production of the Khorezm region.

Key words: small business, industry, territorial production, territorial industry, efficiency, forecast, promising direction


Хоразм вилоятида иқтисодийни модернизациялаш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар яратиш, ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини оширган ҳолда экспорт имкониятларини кегайтиришда саноатни ривожлантириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Ҳудудда саноатни ривожлантириш, унинг ЯҲМдаги улушини оширишда, турли дастаклардан фойдаланиш, хусусан кичик бизнес субъектлари сони, уларни саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улушини ошириш энг макбул йўналишлардан эканлиги тадқиқот ишимиз давомида ўз тасдиғини топди.

Шу сабабли ҳукуратимиз томонидан ҳудудларда кичик бизнесни ривожлантириш бўйича қатор дастурлар ишлаб чиқарилмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Аммо, ушбу йўналишдаги чора тадбирларни давом эттириш учун мавжуд имкониятларни баҳолаган ҳолда келгуси давр учун истиқболдаги прогноз қийматларини замонавий статистик ва эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш талаб қилинади. Шу сабабли ҳудудда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унда кичик бизнеснинг ролини ифодаловчи муҳим кўрсаткичларнинг прогноз қийматларини ишлаб чиқишга эътибор қаратиб ўтмоқчимиз.

Умумий тенденцияни таҳлил қилиш асосида олинган натижаларга кўра ҳудудда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ижобий тенденцияларни таъминлаши ҳудуднинг улушини

оширишга хизмат қилган. 2000 йилда ҳудуднинг жами саноат маҳсулотигаги улуши жуда паст бўлиб, 2,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб мазкур кўрсаткич 3,9 фоизга қадар ўсиши таъминланган. Мазкур даврда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 3 баробарга ошган, аммо, Хоразм вилоятида эса 4,5 баробарга ошиши таъминланган.

Вилоятда саноат маҳсулотларини етиштиришнинг 2022-2026 йилларга прогноз қийматларини ишлаб чиқиш учун 2000-2021 йиллар маълумотларидан фойдаланилди. Шунингдек, 2000 йил базис йил сифатида қабул қилингани ҳолда кейинги йиллар ўзгармас нархларга ўтказилди. Ҳудудда саноат маҳсулоти етиштиришнинг реал қиймати ўзгаришларига эътибор қаратадиган бўлса, асосий ўзгаришлар 2010 йил ҳамда 2016 йилдан кейинги даврларга тўғри келади (1-расм).



1-расм. Хоразм вилоятида етиштирилган саноат маҳсулотининг реал қиймати динамикаси (2000 йил нархларида) (муаллиф ишланмаси)

Ўсиш суръатига эътибор қаратадиган бўлсак 2000-2010 йиллар маобайнида сезиларги ўзгариш кузатилмайди, бошқача айганда дастлабки беш йилда ўзгариш кузатилмаган, аммо охириги даврда пасайишни кўриш мумкин бўлса, кейинги беш йилда паст суръатлар билан ўсиш таъминланган, 2010 йилдан кейин 2016 йилга қадар ўсиш суръатини бироз ошганлигини кузатиш мумкин, асосий ўзгариш 2016 йилдан кейин даврга тўғри келади ва ушбу даврда ўсишнинг юқори суръатлари таъминланганлигини кўриш мумкин. Мазкур таҳлил натижаларига асосланган ҳолда таъкидлаш мумкинки прогнозни амалга ошириш учун чизиқли моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли мазкур тенденцияни ифодалаш мақсадида Gretl дастури ёрдамида бир қатор моделларни ишлаб чиққанмиз ва уларнинг ишончилигини асослаш бўйича қатор мезонлардан фойдаланилган. Таҳлил натижаларига асосланган ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки, прогноз қийматларини ишлаб чиқиш учун квадратик модел бошқаларига нисбатан ишончли ва ҳақиқатга яқин эканлиги аниқланди.

$$S_{XOR} = 57,21 - 4,03 * t + 0,51 * t^2 \quad (1)$$

$$t = (11,89) \quad (-4,19) \quad (12,64) \quad R^2 = 0,98$$

Олинган натижаларга кўра ишлаб чиқилган моделнинг барча коэффицентлари келтириб ўтилган Стьюдент мезони бўйича адекват эканлигини кўриш мумкин. Шунингдек, детерминация коэффицентининг 0,98 га тенг эканлиги мазкур модел учун танлаб олинган омилларнинг таъсири юқори эканлигидан далолат беради. Умумий моделнинг ишончилигини ифодаловчи MAPE кўрсаткичига тўхталиб ўтадиган бўлсак, мазкур кўрсаткич 5,66 га тенг бўлиб, абсолют хатоликнинг ўртача даражаси 6 фоизга ҳам етмаслигини кўрсатмоқда. Бу етарли даражада юқори бўлган натижа бўлиб, мазкур моделдан прогноз қийматларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлигини асослайди.

Келтириб ўтилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда Хоразм вилоятида саноат маҳсулотлари етиштиришнинг реал қийматини ишлаб чиқилган квадрат кўринишидаги моделдан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилди (1-жадвал).

Прогноз натижаларига кўра, агар ушбу йўналишда амалга оширилаётган чоратadbирларни давом эттирилса кейинги беш йилда вилоятда саноат маҳсулотларини етиштириш ҳажмини юқори суръатлардаги ўсиш таъминланади. Натижада, 2026 йилга бориб етиштирилган саноат маҳсулотларининг реал қиймат 323,1 миллиард сўмни ташкил қилгани ҳолда 2021 йилдагига нисбатан 1,4 баробарга ошиши таъминланади.

1-жадвал

Хоразм вилоятида етиштирилган саноат маҳсулотлари реал қийматининг прогноз кўрсаткичлари


For 95% confidence intervals, $t(19, 0.025) = 2.093$

Йиллар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95 фоизлик ишонч оралиғи	ўсиш суръати
2022	236,4	8,4	(218,895, 253,930)	105,6
2023	256,5	8,9	(237,878, 275,221)	108,5
2024	277,7	9,6	(257,633, 297,797)	108,3
2025	299,9	10,4	(278,157, 321,661)	108,0
2026	323,1	11,3	(299,456, 346,810)	107,7

Манба: муаллиф ишланмаси

Натижаларни кўрсатишича 2022-2026 йилларда ўртача ўсиш суръати 7,6 фоизни ташкил қилгани ҳолда олдинги беш йилдагига нисбатан пастроқ қийматга эга бўлади. Чунки, 2017-2021 йилларда мазкур кўрсаткич 11,4 фоизга тенг бўлган бўлиб, ушбу юқори натижани таъминлашда 2017 ва 2021 йилларда ўсиш суръатлари асос бўлиб хизмат қилган. Ушбу йилларда олдинги йилга нисбатан ўсиш суръатлари мос равишда 18,3 ва 17,2 фоизни ташкил қилган бўлиб, буни қуйидагича асослаш мумкин. 2017 йилдан бошлаб 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги чора тadbирларни бошланиши натижаси бўлса, 2021 йилдаги кескин ўсиш пандемия сабабли олдинги йилларда ўсиш суръатини бироз пасайиши кейинги йилдаги ўсишни юқори бўлишига сабаб бўлган. Умумий хулоса қилганда кейинги даврда вилоятда саноат маҳсулотлари етиштиришнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йилдан йилга юқори суръатлар билан ўсиш таъминланаётган бир даврда кичик бизнеснинг соҳадаги улушини камайиш тенденцияси мавжудлиги кузатилмоқда. Охири декадада саноатда кичик бизнес улуши нафақат Хоразм вилоятида балки Ўзбекистон Республикасида ҳам кузатилмоқда (2-расм.)



2-расм. Кичик бизнес саноатдаги улушини ўзгариши динамикаси (муаллиф ишланмаси)

Келтирилган маълумотларга кўра мамлакат ва вилоятда кичик бизнеснинг саноатдаги улушини деярли бир хил тенденцияга эгаллиги аниқланди. Кейинги даврдаги пасайиши сабабларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра ўзгармас нархлар бўйича кичик бизнес томонидан яратилган маҳсулот миқдорида ҳам камайиш бўлганлиги кузатилади, аммо фоизга нисбатан пастроқ даражада камайган. Яъни 2010 йилда 20,6 миллиард қийматдаги маҳсулот кичик бизнес субъектлари томонидан яратилиб 30 фоиз

улушни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 49,2 миллиард сўмлик маҳсулот яратилгани ҳолда 22,0 фоизни ташкил қилган. Бундан кўринадики кичик бизнес улушининг пасайиши кичик бизнеснинг саноатни ривожлантиришдаги ролини камайиши эмас, балки йирик бизнес субъектлари сони ва кўламини ошиши эвазига таъминланмоқда.

Кичик бизнес субъектларини саноатдаги улушини мавжуд маълумотлар асосида кейинги беш йил учун прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқанмиз. Амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларига кўра прогнозни амалга ошириш учун энг мақбул модел ARMA (2 0 1) кўринишига эга бўлмоқда.

$$SB_{shind t} = 34,8 + 1,4 * SB_{shind t-1} - 0,73 * SB_{shind t-2} + \varepsilon_{t-1} \quad (2)$$

Бу ерда: SB_{shind} – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришида кичик бизнес субъектлари улуши (фоизда).

Мазкур моделни адекватлигини асослаш учун зарурий мезонларга алоҳида тўхталмасдан уларнинг барчаси Gretl дасутри асосида олинган жадвал кўринишида келтириб ўтишни жоиз топдик. Ушбу натижаларга кўра ишлаб чиқилган модел барча мезонлар бўйича адекват эканлигини кузатишимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Хоразм вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес субъектлари улушини прогноз қийматларини ишлаб чиқиш учун амалга оширилган регрессион таҳлил натижалари

Model 16: ARMA, using observations 2010-2021 (T = 12)

Dependent variable: SBshind

Standard errors based on Hessian

	Coefficient	Std. Error	z	p-value	
const	34.8035	1.38101	25.20	<0.0001	***
phi_1	1.37379	0.244095	5.628	<0.0001	***
phi_2	-0.732424	0.189794	-3.859	0.0001	***
theta_1	-1.00000	0.259320	-3.856	0.0001	***
Mean dependent var	34.27500		S.D. dependent var	6.802957	
Mean of innovations	0.078022		S.D. of innovations	4.205256	
R-squared	0.611492		Adjusted R-squared	0.525157	
Log-likelihood	-35.76476		Akaike criterion	81.52952	
Schwarz criterion	83.95406		Hannan-Quinn	80.63188	
	Real	Imaginary	Modulus	Frequency	
AR					
	Root 1	0.9378	-0.6970	1.1685	-0.1017
	Root 2	0.9378	0.6970	1.1685	0.1017
MA					
	Root 1	1.0000	0.0000	1.0000	0.0000

Манба: муаллиф ишланмаси

Жадвал маълумотларига кўра детерминация коэффицентининг 0,61 га тенг бўлиб бироз пастроқ қийматга эга бўлганлиги кузатилади ва буни қуйидагича изоҳлаймиз, тадқиқ қилинаётган даврда Ҳаракатлар Стратегияси чора-тадбирларни амалга оширилиши соҳада туб бурилишни бошлаб берган бўлса, кейинги уч йилда пандемия сабабли иқтисодий жараёнлардаги узилишлар ушбу натижаларда кескин пасайишни келтириб чиқарди.

Мамлакатда йирик саноат корхоналарини ишга туширилиши маҳсулот ишлаб чиқаришни юқори суръатларда ўсишини таъминлаган бўлса, пандемия ва ундан кейинги даврларда кичик бизнес субъектлари улушини кескин камайиши кузатилган. Хусусан, 2021 йилда улушни 22,0 фоизга тушиб олдинги йилдагига нисбатан 7,5 бирликка камайганлиги кузатилади. Бу каби ҳолатларни ҳисобга олдиغان бўлсак, ишлаб чиқилган моделдан прогноз қийматларини ҳисоблаш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Прогноз натижаларини келириб ўтамиз (3-жадвал).

Олинган натижаларга кўра кейинги йилларда кичик бизнеснинг саноатдаги улушини таъминланади. Яъни 2022 йилда 27,8 фоизни ташкил қилгани ҳолда 2020 йилдаги кўрсаткичга яқинлашиши таъминланса, 2024 йилга келиб эса 39,6 фоизни ташкил қилгани ҳолда 2017 ва 2018 йиллардаги кўрсаткичларнинг ўртача қийматига етиб боради.

Хоразм вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес субъектлари улушини прогноз қийматлари⁴

For 95фоиз confidence intervals, $z(0.025) = 1.96$

Йиллар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95 фоизлик ишонч оралиғи
2022	27,8	4,2	(19,5629, 36,0472)
2023	34,6	4,5	(25,7676, 43,3659)
2024	39,6	4,6	(30,6219, 48,5863)
2025	41,6	5,2	(31,4179, 51,7259)
2026	40,6	5,8	(29,1852, 51,9864)

Манба: муаллиф ишланмаси

2025 йилда ўзининг максимал қийматига эришгани ҳолда 41,6 фоизни ташкил қилади, аммо 2016, 2017 йиллардаги улушга нисбатан бироз пастроқ қийматга эга бўлмоқда.

Табииyki кичик бизнес субъектларини саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улушини ошириш учун уларнинг сонини ҳамда техник технологик ривожлантириш орқали ҳар бир кичик бизнес субъектига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам ошириш талаб қилинади. Буни ҳисобга олган ҳолда саноат соҳасида рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сонини прогноз қийматларини ишлаб чиқамиз. Мазкур прогнозни ҳисоблаш учун қатор моделларини ишлаб чиққанмиз ва уларни турли мезонлар асосида қиёсий таҳлилини амалга ошириб ўтган ҳолда энг мақбули таклиф қилинган (4-жадвал).

4-жадвал

Хоразм вилоятида саноат соҳасида рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сонини прогнозлаш учун ишлаб чиқилган моделлар

№	Модел	t-статистика	R ²	MAPE
1	$REG_{in} = 2107,97 - 75,98 * t + 583 * d$	$b_1 = 9,09$ $b_2 = -0,98$ $b_3 = 5,36$	0,96	5,59
2	$REG_{in} = 1896,91 + 482,59 * d$	$b_1 = 21,17$ $b_2 = 13,32$	0,96	5,74
3	$REG_{in} = 2329,90 - 338,59 * t + 65,19 * t^2$	$b_1 = 17,6$ $b_2 = -5,57$ $b_3 = 11,00$	0,99	3,06
4	$REG_{in} = 1656,81 + 32,98 * t^2$	$b_1 = 13,32$ $b_3 = 10,95$	0,94	7,63

Бу ерда: REG_{in} – Хоразм вилоятида саноат соҳасида рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сони. d – 2017 йилдан кейинги даврлардаги ўзгаришларни баҳолаш учун фойдаланилган тренд, яъни 2017 йилдан бошланади ундан олдинги давр учун ноль деб қабул қилинади.

Манба: муаллиф ишланмаси

5-жадвал

Хоразм вилоятида саноат соҳасида рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сонини квадратик моделдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари

For 95фоиз confidence intervals, $t(6, 0.025) = 2.447$

Йиллар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95 фоизлик ишонч оралиғи	ўсиш суръати
2022	5462.74	168.372	(5050.75, 5874.73)	120,3
2023	6493.08	220.818	(5952.76, 7033.40)	118,9
2024	7653.80	289.565	(6945.26, 8362.34)	117,9
2025	8944.89	372.952	(8032.31, 9857.47)	116,9
2026	10366.4	469.918	(9216.51, 11516.2)	115,9

Манба: муаллиф ишланмаси

Биринчи модел натижаларига кўра умумий тренднинг саноат соҳасида рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сонига таъсирини ифодаловчи коэффицент адекват эмас, бундан кўринадики ушбу омилдан моделда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли иккинчи модел тузилди ва келтириб ўтилган натижаларга эга бўлинди. Иккал модел адекватлигини ифодаловчи мезонлар бўйича олинган қийматлар деярли бир хил, бироқ иккинчи моделда MAPE кўрсаткичини аҳамиятсиз қийматга ошганлигини кўриш мумкин. Аммо, Стьюdent

⁴ Манба муаллиф ишланмаси

мезони натижаларига асосланган ҳолда ушбу моделдан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Шунингдек, квадратик тенгламадан фойдаланилганда детерминация коэффициентини ошганлиги ва MAPE кўрсаткичини анча пасайганлигини кўриш мумкин. Аммо охириги моделда трендни чиқариб ташланганида бу қийматларда салбий томондан ўзгаришни кузатилишига қарамасдан умумий ҳисобда белгиланган меъёрларга мос келади. Келтириб ўтилган таҳлил натижаларига учунчи моделдан прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик (5-жадвал).

Прогноз кўрсаткичлари кейинги йилларда Хоразм вилоятида саноат соҳасида рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сонини юқори суръатларда ўсишини кўрсатмоқда. Кейинги беш йилда ўртача ўсиш суръати 18,0 фоизни ташкил қилгани ҳолда 2026 йилга бориб 10366,4 бирликка етиши таъминланади. Мазкур кўрсаткич 2021 йил билан солиштирилганда 2,3 баробарга ошиқ бўлиб, бу катта ўзгариш ҳисобланади. Буни сабабини тушунтириш учун 2021 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгаришни ҳам келтириб ўтганмиз яъни, мазкур даврдани ўзгариш 2,2 баробарни ташкил қилганлиги прогноз натижаларини ишончилигини яна бир бор тасдиқлайди.

Кичик бизнес субъектлари фаолияти самардорлигини баҳолаш учун рўйхатдан ўтган субъектлар сони билан бирга фаолият кўрсатаётганлар сони ҳам зарур бўлади. Кичик бизнес субъектлари фаоллик даражаси бир томондан ҳудудда бизнесни ривожлантириш учун яратилган имкониятларни ифодаласа бошқа томондан уларнинг фаолият самардорлигини кўрсатади. Худди юқоридаги шаклда Хоразм вилоятида саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сонини прогноз қийматларини ҳисоблаш учун моделларни ишлаб чиққан ҳолда энг мақбули танлаб олинди. Бунда ҳам квадратик шаклдаги моделнинг натижалари энг юқори эканлиги аниқланди ва у қуйидаги кўринишга эга бўлди.

$$ACT_{in} = 2232,26 - 309,46 * t + 59,56 * t^2 \quad (3)$$

$$t = (17,44) (-5,27) (10,39) \quad R^2 = 0,99$$

Бу ерда: ACT_{in} – Хоразм вилоятида саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони.

Моделнинг адекватлиги ҳисоблаш учун Стьюдент мезони натижалари ҳамда детерминация коэффициенти келтириб ўтилган бўлиб, уларнинг барчаси ижобий натижага эга бўлмоқда. Бундан ташқари MAPE кўрсаткичини ҳам келтириб ўтамиз, ушбу кўрсаткич 3,02 га тенг эканлиги аниқланди.

Юқорида келтириб ўтилганларга таянган ҳолда Хоразм вилоятида саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сонини прогноз қийматларини ҳисоблаймиз (6-жадвал).

6-жадвал

Хоразм вилоятида саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сонини квадратик моделдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари

For 95фоиз confidence intervals, $t(6, 0.025) = 2.447$

Йиллар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95 фоизлик ишонч оралиғи	ўсиш суръати
2022	5094	162,8	(4695,66, 5492,20)	119,4
2023	6035	213,5	(5512,96, 6557,61)	118,5
2024	7096	279,9	(6410,83, 7780,70)	117,6
2025	8275	360,5	(7393,20, 9157,56)	116,6
2026	9574	454,3	(8462,57, 10685,7)	115,7


Манба: муаллиф ишланмаси

Олинган натижалар Хоразм вилоятида саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сонини кейинги беш йилликда барқарор ўсишини тасдиқламоқда. Яъни, 2026 йилда 9574 бирликни ташкил қилгани ҳолда 2021 йилга нисбатан 2,2 баробарга ошиши таъминланади. Олдинги беш йилликда мазкур кўрсаткич 2,1 баробарни ташкил қилган.

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сонини ўсиш суръатини фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сонига нисбатан бироз юқори бўлиши фаоллик даражасини пасайишига сабаб бўлади. Шу сабабли фаоллик даражасига эътиборни қаратиб

ўтамиз (3-расм).

Хоразм вилоятида саноат соҳасида кичик бизнес субъектлари фаоллик даражаси сезиларсиз даражада пасайиши кузатилганлигини кўриш мумкин, бу ўзгариш 0,8 фоизнигина ташкил қилмоқда холос. Нафақат вилоятда балки бутун мамлакатда кейинги беш йилда кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2021 кескин пасайгани ҳолда ўзининг қуйи нуқтасига эришганлиги кузатилмоқда. Айнан ушбу даврда Хоразм вилоятида саноат соҳасида рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сонини 2,2 баробарга, фаолият кўрсатаётганлар сонини 2,1 баробарга ошганлигини ҳисобга оладиган бўлсак ушбу пасайиш уларнинг сони ва фаоллик даражаси билан боғлиқ эмаслигини кўриш мумкин.



3-расм. Хоразм вилоятида саноат соҳасида кичик бизнес субъектлари фаоллик даражаси (муаллиф ишланмаси)

Чунки, пандемия сабабли корхоналарни маълум муддатга ишни тўхтатиши ёки ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Прогноз натижаларига кўра эса кейинги беш йилда Хоразм вилоятида саноат соҳасида рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари сонини 2,3 баробарга, фаолият кўрсатаётганлар сонини 2,2 баробарга ошиши таъминланади. Шунингдек, соҳада маҳсулот етиштиришда кичик бизнес улуши 2021 йилдаги 22,0 фоиздан 40,6 фоизга қадар кўтарилади. Бу келтириб ўтилган барча ижобий натижалар ҳудудда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини бақарор ўсишини таъминлашга ва прогноз бўйича олинган натижаларга эришишига хизмат қилади.

Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра вилоятда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улушига кейинги даврдаги иқтисодий тебранишлар таъсири анча юқори бўлиб, уларнинг мослашувчанлигини анча заиф эканлигини асосламоқда. Фикримизча кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган чора тадбирларни ишлаб чиқишда уларнинг турли вазиятларга мослашишига ёрдам бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши нафат саноат маҳсулотлари етиштиришда кичик бизнеснинг улушини ошириш балки кичик бизнеснинг умумий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришдаги ролини янги босқичга олиб чиқиш имкониятини яратиб беради.

УЎК: 330.338.467.5

ЗАМОНАВИЙ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТИЗИМИДА ТЕЗ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАСНИФЛАНИШ ЖИҲАТЛАРИ

С.Санъатбеков, таянч докторант, Урганч Давлат Университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий умумий овқатланиш тизимида тез овқатланиш корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари ва таснифланиш жиҳатлари масалалари қараб чиқилади.

Калим сўзлар: умумовқатланиш, тез овқатланиш корхонаси, ресоран, бар, ошхона, тамаддихона, қахвахона, чойхона, буфет, ассортимент

Аннотация. В даннов статье рассматриваются некоторые особенности и классификационные аспекты предприятий быстрого питания в системе современной системе общественного питания.

Ключевые слова: общественное питание, предприятия быстрого питания, ресторан, бар, столовая, закусочная, кофейная, чайхана, буфет, ассортимент

Abstract. This article discusses some of the features and classification aspects of fast food establishments in the modern public catering system.

Key words: public catering, fast food establishments, restaurant, bar, canteen, snack bar, coffee shop, tea house, buffet, assortment

Маълумки, исталган бир худуд, минтақа ёки давлатда унинг ижтимоий иқтисодий тизимидан қатъий назар аҳолининг турмуш даражаси ошган сари кишиларнинг кино, театр, цирк, парк, спорт, фитнес муассасаларига бориш маданияти ҳам юксалиб, оммавий аҳамият касб этгани ҳолда умумий овқатланиш корхоналарининг ҳам мавқеи кўтарилиб боради. Бу асосан соҳадаги фаолият юритаётган корхоналарнинг молиявий мустақилликка эришганлиги, мақсадли стратегияларини ўзгартириши, кескин бозор шароитларида ва рақобатчилар билан курашда яшаб қолишга интилишлари билан боғлиқ. Албатта таъкидлаш керакки, ҳар қандай соҳа корхонаси каби умумовқатланиш соҳасида ҳам энг асосий бош мақсади – фойда олишдир.

Умумовқатланиш корхоналари мулккий нуқтаи назардан давлат ва хусусий секторда фаолият юритади. Аммо, давлат умумовқатланиш корхона-лари бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнини кўпроқ хусусий секторга бўшатиб беради. Бугунги кунда ҳам аксарият давлатларда умумовқатланиш корхоналарининг қарийб 95 фоиздан ортиғи хусусий секторга, жуда бўлмаганда давлат-хусусий шерикчилиги остида фаолият кўрсатади.

Умумовқатланиш корхоналари давлат стандартларига жавоб бергани ҳолда бир қатор ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради. Жумладан, биологик вазифаси (*қорин тўйдирши, овқатланишга бўлган эҳтиёжларни қондириши*), коммуникация вазифаси (*стол, дастурхон атрофида кишилар мулоқот қилишади*), дам олиш ва ҳордиқ чиқариш вазифалари саналади.

Ўзи умуман “умумовқатланиш” атамасининг ўзи турли давлатларда турлича талқин қилинади ва содда қилиб айтганда уйдан ташқарида, катта миқдордаги, ҳажмдаги овқатларни тайёрлашни назарда тутди⁵.

Умумовқатланиш корхоналарига қўйилган бир сўм, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қараганда 4-5 марта тезроқ айланади ва ўз эгасига кўпроқ фойда келтиради ҳамда ушбу соҳа ўсиш тенденциясига эга жуда истикболли соҳа ҳисобланади.

Ривожланган давлатларда энг оммалашган умумовқатланиш корхона-лари булар ТОК (*тез овқатланиш корхоналари*)лар бўлиб, улар автоматлашган ёки ярим автоматлашган ошхона, кафелар, “снэк”, “фаст-фуд”, “гриль-бар”, “дўкон-кафе”, қахвахоналар, “швед столи” шаклидаги буфетларга эга рестороанлар бўлиб, улар асосан тайёр овқатлар ёки ярим фабрикатлар билан савдо қилишади⁶.

Хорижий давлатларда асосан қуйидагича технологик занжирда ишловчи ТОКларни 3 та турларини фарқланади:

- “масаллиқ тайёрлаш - пишириши – узатиши”;
- “сақлаш - қиздириши – тайёрлаш, бутлаш – узатиши”;
- “ сақлаш - қиздириши – узатиши”.

Ўзбекистон шароитида эса бунга 4-тур сифатида “**тайёр** (*гўмма, пирожка, блинчик, сомса, турли хил пишириқлар*) **ни олиб келиш, сақлаш-зарурини қиздириши ва сотиши**” кўшилиши мумкин.

⁵ Ефимова О. П., Кабушкина Н. И. Экономика общественного питания: учеб. пособие I 6-е изд., испр. Мн. : Новое знание, 2008. С.48.

⁶ Казакова Т.Н. Зарубежный опыт работы организаций общественного питания//2014 <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-raboty-organizatsiy-obshchestvennogo-pitaniy>

Бундай умумовқатланиш корхоналари бир қарашдан жуда осон ва содда тузилишга ўхшаб кўринсада, ўзига хос мураккаб тузилмага эга бўлади. Чунки, 1-турда ишловчи корхоналарда ярим маҳсулотлар албатта тайёр овқат, истеъмол ҳолатига олиб келиш учун *пиширилиши, қайнатилиши ёки, қиздирилиб тайёрланиши* керак. Албатта бундай корхоналарда тушлик қиладиган ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш учун махсус овқат олинадиган жойли зал бўлиши керак. Шунингдек, махсус ошхона ускуналари билан жиҳозланган, кунлик ярим маҳсулотлар заҳирасини сақлайдиган шамоллатиладиган камерали, совутиладиган, ходимлар ва чиқиндилар учун хоналардан ташкил топиши керак. Одамда, ёрдамчи хоналар корхона умумий майдонининг 30 фоизини ташкил қилади⁷.

Бирок, фақат овқат тарқатиб ишлайдиган корхоналар маҳсулот сақлаш учун совуткич ва зарур ҳароратгача овқатларни қиздириш печкаларига эга бўлади холос. Бундай корхоналарда ошхона, чиқиндихона, ходимлар учун хона кабилар бўлмайди ва асосан музлатилган тайёр маҳсулотлар учун совуткичли хона, ходимлар ва чиқиндилар учун хона бўлади ва ёрдамчи хоналар умумий корхонанинг 20 фоизини эгаллайди⁸.

Автоматлашган корхоналар эса (*бизда унча оммалашмаган, ҳозирча аэропорт, вокзал, катта гипермаркетларда, кино театрларда бор*) порция тарзида овқатларни тайёрлайди ва асосан савдо автоматлари билан жиҳозланади. Совуткич ускуналари билан жиҳозланган автоматларда тайёр овқатлар зарур ассортиментда, бирма марталик идишларда сақланади. Харидор автоматда зарур овқатнинг номерини теради ва 15-20 секунддан кейин истеъмолга тайёр овқатни олади.

Айрим ҳолларда катта автоматлар, унга хизмат қилувчи ходимлар ёрдамсиз туну-кун ишлаши мумкин. Бунда автоматлар махсус печлар билан жиҳозланган бўлади⁹.

“*Сақлаш - қиздириш – узатиш*” тизимида ишловчи корхоналар жуда оддий тартибда ишлайди. Бундай корхоналар таркибига 3 та асосий хона киради: савдо қилувчи автомат билан умумий зал, ходимлар учун хона, бир марталик идишларни ташлаш учун махсус хона, баъзан ходимлар хонасиам умумий залда бўлиши мумкин. Ёрдамчи бинолар умумий корхонанинг 10 фоиз жойини эгаллайди.

Хорижий корхоналарда ТОКлар учун куйидаги бўлимлардан ташкил топган тайёрлаш, қиздириш ва тезда овқатларни тортиш учун махсус технологик ускуналар ишлаб чиқарилади:

- овқат ҳароратини бир маромда ушлаб туриш учун кичик секцияларга бўлинган қозончаларни, қовуриш учун плиталарни, мармитлар¹⁰ни, ўсимлик мойига чуқур ботириб қовуриш учун идиш бўлган фритюрницалар¹¹;

- **махсус иссиқлик ускуналари:** турли хил комбинацияларда қиздира-диган аппаратлар, ўта юқори частотали нур билан ишловчи аппаратлардан микротўлқинли печ, хамир маҳсулотларини тайёрлаш учун аппаратлар;

- чизиқли, карусель шаклида айланиб турувчи тарқатувчи ускуналар, савдо автоматлари.

Хорижда кўпинча миллий ошхоналарнинг тематик ресторанилари, кичик қувватдаги ресторанилар кенг ривожланган бўлиб, АҚШда Хитой ва Япон ошхоналари юқори талабга эга, жуда машҳур. Хорижлик рестораторлар асосан виноларнинг карталарини тузиб, ҳар хил йилларда ишлаб чиқарилган, баҳоси ҳар хил даромадли аҳолига мўлжалланган вино турларини ресторанининг ўзида куйиб беришга алоҳида эътибор қаратадилар.

ТОКлари одатда шиддатли тезкор хизмат кўрсатиш турлари бўлган бранч ва бизнес-ланчлардан фойдаланишади. Инглизча бранч (“*brunch*”) сўзи – британиялик талабаларнинг сўз

⁷ Ефимова О. П., Кабушкина Н. И. Экономика общественного питания: учеб. пособие I 6-е изд., испр. Мн. : Новое знание, 2008. С.37.

⁸ Радченко Л.А. Организация производства на предприятиях общественного питания учебник. - Ростов н/д: Феникс, 2006. - 352 с

⁹ Қаранг: Ўша жойда

¹⁰ Умумовқатланиш, ресторан ишида қўлланиладиган турли тўртбурчак, думалоқ ёки овал кўринишдаги зангламайдиган кумуш, алюмин ёки зангламайдиган пўлатдан бўлган, қопқоқли, маҳсулотлар, рим фабрикалар ва тайёр овқатни сақлаш учун мўлжалланган тайёр идишлар [https://ru.wikipedia.org/wiki/ мармит](https://ru.wikipedia.org/wiki/мармит)

¹¹ **Фритюрница** —(фр. *frit* — «қовурилган») ўсимлик ёки хайвон ёғида катта миқдордаги масалликларни қовуриб олиш учун махсус чуқур қозон, идиш.

бирикмалари бўлиб, “breakfast” ва “lunch” сўзларини қўшиб ишлатиши натижасида пайдо бўлган. Бу сўзма сўз таржима қилганда, “кечга қолган ва эрта тушликка қўшилиб кетувчи нонушта” деган маъноларни билдиради. Одатда инглизлар шанба ва якшанба кунлари бранч билан қизиқишади.

“Бизнес-ланч” атамаси эса иш кунининг ўртасида мақбул баҳоларда мазали таом ейиш учун ишбилармон кишилар тўпланадиган комплекс туш-лик бўлади. Бизнес ланч одатда салат, шўрва, гарнир, иссиқ овқат, яхна ичим-ликлардан ташкил топиб, кун бўйи иштирокчиларга қувват бериб туради.

Хорижий давлатларда кўпгина меҳмонхоналар бранчлар аксарият ҳол-ларда фойда келтирмасида, хизмат кўрсатишнинг ушбу турини фаол ишлати-шади. Бранчнинг баҳоси одатда катталар учун 45 АҚШ долларидан бошлана-ди. Шунингдек, оилавий бранчлар ҳам кенг тарқалган бўлиб, унда ота оналар овқатланиб, ичимлик ичиб ўтиришган пайтида фарзандлар махсус жиҳозлан-ган хоналарда турли ўйинчоқлар, интернетга уланган телевизор каналлари, компьютерларда назорат остида машғул бўлишади.

Супермаркетларда ресторанлар очиш амалиёти ҳам чет элда кенг қўлла-нилади. Баъзан кириш чиқиш жойи ёки гипермаркетнинг бошқа томонидан бўлиши мумкин ёки бинонинг алоҳида бир қаватида ресторанлар жойлаши-ши мумкин. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистондаги “MegaPlanet”, “Next”, “Тўмарис НУР” каби гипермаркетларни айтиш мумкин. Уларда алоҳида қаватларда тамаддихоналар, турли давлатлар овқатларини тайёрловчи ошхона, кафе ва ресторанлар жойлашган. Бундай ресторанларда бўш ўрин борлигига қараб оқсочлар ёрдамида турникет очиб ёпиб турилади ёки кириш чиқиш эркин бўлади. Баъзан бармен-официантлар хизмат қилишади ёки ташкилот турига қараб, ўз-ўзига хизмат кўрсатилиши ҳам мумкин.

Бугунги кундаям чет эллардаги каби Ўзбекистонда ҳам турли шаклдаги ТОК очилгани ҳолда тизим шиддат билан ривожланмоқда. Республикамизда ҳам тезмузловчи тайёр овқатлар, ярим маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноати жадал суръатларда тобора кўпроқ ҳудудларга қулоч ёймоқда.

Хоразм вилоятида ҳам мустақиллик йилларида умумовқатланиш тизими ошхона, чойхона, бар, қаҳвахона, ресторан, тўйхона, гамбургхона, сомсахона, балиқхона шаклларида ривожланди. Бугунги кунда Хоразм вилоятида бренд даражасига чиққан ва аҳоли ўртасида кенг оммалашган ТОКлар тизимига “Мафтуна”, “Машъал”, “Хива керамика” тансиқ маҳаллий тўй ошлари, “Қамиш”, “Мирза”, “Чашма” гамбургхоналари, “Чакка”, “Хоразмбалиқ”, “Океан”, “Кўпалтуркман” балиқхоналари, “Мир”, “Даритал”, “Шаршара”, “Хонқа йўли” сомсалари, Хива шаҳридаги “Шароф”, “Хоразм бахмали” тандир гўммалари, махсус буюртма асосида хотдоғлар тайёрловчи субъектларни киритиш мумкин.

Умумовқатланиш субъектлари вақтга боғлиқ ҳолда ташриф этувчиларга хизмат кўрсатувчи **мобил** (*бостирма навильон, чодир, мебеллар, стол ва стуллар ўрнатилган савдо нуқталари ва ҳ.к.*), ва йил давомида узлуксиз ёки мавсумий ишловчи **турғун** турларига ажралади. Албатта буларнинг барчаси маҳсулот ва масаллиқларни, овқатларни тайёрлаш, сақлаш, етказиб бериш йўллари, технологик жараёнлар, коммуникацияларнинг такомиллашуви билан бевосита боғлиқ ва аҳоли, жамият турмуш даражасига таъсир қилади.

Умумовқатланиш корхоналарининг асосан **бешта тури** мавжуд: *ресторан, бар, қаҳвахона, ошхона, тамаддихона (яхна таомлар)*. Шунингдек, умумовқатланиш субъектининг турини белгилашда асосан қуйидагиларга эътибор берилади:

- *сотиладиган маҳсулотлар ассортименти, уларни тайёрлашдаги турли-туманлик ва мураккаблик;*

- *техник жиҳозланиши, ошхона технологик жиҳоз ва ускуналари;*

- *моддий база, инженер-техник жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши, бино тизими, архитектура-режаланиши ва ҳоказо;*

- *хизмат кўрсатиш усуллари;*

- *ҳодимларнинг малакалари;*

- *хизмат кўрсатиш сифати, бинонинг ички безаги, ахлоқ-одоб, муомала, эстетика ва ҳоказо.*

Умумовқатланиш корхоналарининг синфлари, тоифалари одатда *люкс, олий ва биринчи тоифали бўлади ва бу асосан* ресторан ва барларга берилади. Қаҳвахона, ошхона, тамаддиҳоналар тоифаларга бўлинмайди.

Ўз навбатида рестороанлар ҳам турли хил мезонлари бўйича фаркланади. Жумладан:

- **тайёрлаб бериладиган таомлар асортименти** бўйича (*балиқ миллий таомлари, миллий таомлар, Хоразм балиқ таомлари, тўй оши, хорижий мамлакат таомлари*);
- **фаолият юритадиган жойи объекти** бўйича (*шаҳар, вокзал, кема, вагон, купе, автобус ва ҳ.к.*),

Бар - кичкина турдаги рестороанлар бўлиб, қадимги даврда майхона деб ҳам аталган. Барларда кенг асортиментда ҳар хил ичимликлар сотилади. Шунингдек барларда таомлар, газаклар, қандолат маҳсулотлари ҳам бўлиши мумин. Барларнинг вазифаси — бу ерга келувчиларга яхши хизмат кўрсатиш, шинам жиҳозланган, чиройли жойда кўнгилдагидек дам олиш шароитини яратиш, мусиқа, санъаткорлар чиқиши, видеоэшиттиришлар ташкил қилиш.

Асортиментларига қараб барлар қуйидаги турларга бўлинади: *пиво барлари, вино, сут-қатиқ, коктейль-холл, коктейль-барлар*.

Барлар одатда маъмурий-маданий ва савдо марказларида, микроҳудудларда, рестороан, қаҳвахона, меҳмонхоналар қошида очилади.

Бионоларнинг тузилишига кўра барлар қуйидагича жойлашади:

- *вестибюлларда* — бу ерда кишилар учрашадилар, суҳбат қиладилар;
- *ресторан барлари* — бино ичида, залда жойлашади;
- *ёрдамчи барлар* — меҳмонхона қаватларида жойлашади.
- *банкет барлари* — банкет залларида жойлашади.
- *мини-барлар* - меҳмонхонанинг хоналарида жойлашади.

Бундан ташқари, **сут маҳсулотли барлар** (*сут ва сариёғ коктейллари, турли бутербродлар, пишлоқ, колбаса, бир неча хил сутли таомлар, қуймоқлар, қаймоқли, творогли сомсалар, ун-қандолат маҳсулотлари, ширин таом ва ичимликлар*), **диско-барлар** (*кундуз кунлари қаҳвахона сифатида иш олиб боради, кечқурун эса мусиқий хизматлар кўрсатиб, рақс майдони, телевизор, катта экрани бўлган, турли ёруғлик эффeктлари берувчи ускуналар, таом ва ичимликлар, музқаймоқлар таклиф этувчи бар*), **экспресс-барлар** (*бир зумда хизмат кўрсатувчи, савдо марказларида, меҳмонхона ва вокзалларда фаолият кўрсатувчи, тикка туриб овқатланиб кетилувчи*), **пиво барлари** (*маҳсус жойларда пиво қуйиб сотиладиган, маҳсус идишлардан ёки ишлаб чиқарган завод автоцистернацидан бевосита автоматлар орқали қуйиб сотиладиган барлар, қўшимча сифатида бутерброд, пивога мос келадиган пишлоқлар, хар хил тузланган нарсалар, қуритилган балиқ, қаламча қилиб қовурилган картошка, қуритилган қора нон, тешик кулча, шўрданақ, шўр бодом ва боиқалар*), **вино барлари** (*меҳмонхона, рестороан, қаҳвахоналар қошида фаолият кўрсатгани ҳолда енгил овқатланиш, вақти чекланган, шошилган кишилар тез тамадди қилиб кетиши учун жуда қулай бўлиб, кутуш, суҳбат қилиш, бир пиёла чой ёки қаҳва ичиб кетиш учун*), **гриль-барлар** (*савдо марказлари, шаҳар мавзелари, дам олиш зоналари, кишилар гавжум магистраллар, рестороанларда жойлашади ва бу барларда энг кўп тарқалган таомлардан қовурилган балиқ, жужа, кабоб, бифштекс хўранданинг кўз олдида тайёрланади*) фаркланади.

Қаҳвахоналар ҳам истеъмолчилар овқатланиши ва дам олишини таъминлагани ҳолда, уларда рестороанга қараганда асортимент кам бўлади. Қаҳвахонада *иссиқ чой, қаҳва, какао, муздай шарбатлар, минерал сувлар, қатиқ-сут, қандолат ва ширин таомлар* мавжуд бўлади. Иккинчи таом сифатида тайёрланиши осон бўлган - қовурилган тухум, сосиска, сарделка, қуймоқлар, биринчисига шўрва берилиши мумкин.

Шунингдек, *алкоголли алкогольсиз қаҳвахоналар, асортименти бўйича музқаймоқ, қаҳвахонаси, қандолатлар қаҳвахонаси, сут маҳсулотлари қаҳвахонаси, истеъмолчилар таркиби бўйича — ёшлар қаҳвахонаси, болалар қаҳвахонаси* ва ҳоказо турлари фаркланади.

Бундан ташқари, **қаҳвахона** - истеъмолчиларга кенг ассортиментли қаҳва ичимлигини тавсия қиладиган махсус умумовқатланиш субъекти бўлиб, унда асосан бутун дунёга машҳур бўлган қуйидаги ичимликлар таомномада бўлади¹²:

- табиий қаҳва (filter coffee), капучино қаҳваси (coffee cappuccino): қайнаган сут кўпигига ўхшаш кўпикка эга бўлган кучли қора қаҳва, баъзан долчин ва майдаланган шоколад қўшилади;

- люц қаҳваси (coffee luz): кучли мева ликери билан;
- корретто қаҳваси (coffee corretto): узум ароғи билан;
- Варшава қаҳваси (coffee Warsaw style): пиширилган сут ва сут кўпиги билан;
- турк қаҳваси (Turkish coffee): қанд билан қўшиб қайнатилган;
- эспрессо қаҳваси (espresso): кучли қора қаҳва, махсус аппаратда майдаланиб, қатламлари орқали қайноқ сув ўтказиб тайёрланади.

- кўк чой (green tea), наъматак чой (rose-hip tea) ва ялпиз чой (bait tea, ёки peppermint tea); кўкат ўт чой (herb tea) ва ромашка чойи (comomile tea);

- муз билан чой (iced tea);
- қора чой (black tea) ва ҳ.к.

Ошхона - тегишли мижозлар талабини қондириш, озиқ-таомлар истеъмол қилинадиган умумий овқатланиш маскани бўлиб, асосий фаолияти - ўз маҳсулотидан аҳоли учун таомлар тайёрлаш, уларнинг хўрандалик талабларини қондириш, нонушта, тушлик, кечки таомлар ёки уларнинг бир қисми тайёрланади. Ошхоналардан уйга ҳам таом берилади, олдиндан буюртмалар қабул қилинади, шунингдек таом маҳсулотлари, ярим тайёр маҳсулотлар сотилади.

Ошхоналарнинг таснифий жиҳатдан *маҳсулотлари ассортименти бўйича* умумий ва парҳез таомлар ошхоналари, *хизмат кўрсатиладиган мижозлари бўйича* мактаб болалари, талабалар ва ҳ.к., *манзили бўйича* ҳамма учун кириш бемалол бўлган, фақат аниқ бир ўқув юрти ва ташкилот муассаса ходимлари учун фаолият юритадиган каби турларга ажралади.

Тамаддихона -таомлар ассортименти чекланган умумий овқатланиш маскани бўлиб, асосан ТОК тизимига киради. Истеъмол таомлари ассорти-менти - совуқ ва иссиқ таомлар, ҳаммабоп ва тез тайёрланадиган таомлар: *сосиска, сарделкалар, чучвара, қовурилган тухум*. Спиртли ичимликлар сотиш тақиқланади. Тамаддихоналарда исталган таом танланади, кўпинча тикка туриб тамадди қилинади. Таом танлангач, ҳисоб-китоб бирданига амалга оширилади. Бу иш автомат-кассалар орқали ҳам бўлиши мумкин. Тамаддихоналарда ҳамма ишлар жуда тез бажарилади. Шошилган, вақти зиқ, кишилар бир зумда таомланиб, йўлига равона бўлишлари мумкин. Тамаддихоналар кишилар қатнови сероб, кўзга тез ташланадиган жойларга қурилади. Тамаддихоналар маҳсулотлар ассортиментини сотиш бўйича умумий ва махсус турларга бўлинади. Махсус тамаддихоналарда *чучвара, пиширилган гўшт, кабоб, сомса, котлет, сосиска, бутерброд* ва бошқалар тайёрланади.

Буфетлар — таом маҳсулотлари сотишга мўлжалланган бўлади. Улар ичкарида ва ташқарида жойлашиши мумкин. Ярим тайёр, хар хил бошқа маҳсулотлар, энг кўп талаб қилинадиган иссиқ ичимликлар билан савдо қилади. Мактаб ва билим юртлари буфетларидан ташқари ҳамма буфетлар тамаки маҳсулотлари билан ҳам савдо қилади. Буфетларда асосан, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш амалга оширилади ва ҳисоб-китоб буфетчи ёки савдо автомати орқали бажарилади. Буфетлар *меҳмонхоналарда, томоша масканларида, спорт майдонлари атрофида, вокзалларда, дарё, денгиз кемаларида, ишлаб чиқариш ва транспорт ташкилотларида, қурилиш ва бошқа муассасаларда* фаолият юритади. Одатда буфетлар маҳсулотларни ўзларига қарашли умумий овқатланиш ташкилотларидан ёки улгуржи, майда улгуржи, чакана дўконлар, бозорлардан олади.

¹² <https://sambacafe.ru/vidy-kofe/>

Оммавий ўйин-томоша жойларидаги буфетларда олий сифатли қандолатлар, конфетлар, мева ва маъданли сувлар, ҳўл мевалар бўлиши керак ва спиртли ичимликлар билан савдо қилиш мумкин эмас.

Бизнинг шароитимизда учрамада ёки энди йўлга қўйилаётган бўлсада, кўпгина давлатларда **бахт уйлари** (ЗАГС) қошидаги буфетларда мева-чевалар, шоколад, конфетлар, шунингдек гуллар ва совға буюмлари бўлади. Никоҳдан ўтувчиларнинг хоҳишига қараб, олдиндан дастурхон тузатилиши ва официантлар хизмат кўрсатиши мумкин.

Озиқ-овқат дўконлари — бу жуда кўп оммалашган, хорижда ҳам республикамизда ҳам сони жиҳатидан энг кўп бўлган, ҳар қадамда учрайдиган катта-ю кичик дўконлар бўлиб, аҳолига ҳар хил маҳсулот, сабзавот, мева, ширинликлар, таом ва қандолат маҳсулотлари, ярим тайёр маҳсулотлар, кўшимча бошқа нарсаларни сотувчи субъектлардир.

Чойхоналарда чой ва ундан тайёрланган пишириклар, қандолат маҳсулотлари, гўштли таомлар, балиқ, тухум, мол-гўшти, қовурилган тухум, колбаса ва бошқалар сотилади. Айрим чойхоналарда официантлар хизмат қилса, айримларида эса ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ҳам кенг тарқалган.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда умумовқатланиш корхоналаридан чойхоналарга, ресторан шаклидаги балиқхона, ошхона, кенг имкониятлар берилди. Шундай, умумовқатланиш тизими субъектлари, ТОКлари ташкил қилиндики, улар фақат чой ичиш ёки овқат ейиш жойигина эмас, балки ажойиб хордиқ чиқариш, кўнгил очиш, дўстларнинг суҳбатлашиш маконига айланди. Бу ерда мижозларнинг ўзлари хоҳлаган, кўнгли истаган таомларни турли технологиялар асосида тайёрлашни буюртма қилишлари, айрим вилоятларда жойида мижоз, хўрандалар ўзлари истаган таомларини, жумла-дан, чойхона паловларини, димламасини тайёрлашлари мумкин. Шунингдек, бундай умумовқатланиш субъектларида етук санъаткорлар, DJ лар ёрдамида талаб бўйича ёққан мусиқаларни қўйиб маданий дам олиш, футбол, кино ва кўнгилочар тадбирларни томоша қилиш мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда Хоразм вилоятининг маъмурий маркази бўлган Урганч шаҳрида ҳам айнан буюртма асосида *гўмма, тухум барак, тансиқ балтиқлардан ўнлаган таомлар, жўжа, хоразмча тўй оши, ижжон, шивит оши, чалов, калла почча, қорин тўёқ, шўр кабоб, ун оши* каби турли миллий, маҳаллий таомлар тайёрлайдиган юзлаган катта ресторан, уйда ташкил қилинган кичик ошхона ва чойхоналар, юқорида айтиб ўтилгандек маҳсус гамбург, лаваш, аччиқ, ширин гўшт, қовоқ, картошка, кўк сомса, хот дог тайёрлаб сотиш нуқталари мавжуд. Уларнинг ҳар бири бугунги кунда ўз мижозларига эга ва кун сайин ўз фаолиятини, тайёрлаш технологияларини, мижозлар билан ишлаш даражаси ва сифатини ошириб келмоқдалар. Шунингдек, кейинги даврда ширинликлар турли торт ва пишириклар тайёрлаш, сотиш ва тақдим этиш билан боғлиқ хизматлар ҳам ривожланмоқда. Буларга *Жасмин, Карамель, Одина, Анахон, София* торт брендларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, умумовқатланиш тармоғи, ТОК тизими чет элдаги каби, Ўзбекистонда ҳам жамиятдаги энг асосий, бош масалалардан бўлган аҳолининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиради ҳамда турмуш даражасини юксалтиришдаги асосий омиллардан бири бўлиб қолади.

УЎК 631.14+631.8

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АГРОКИМЁВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*А.З. Табаев, доц., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти, Тошкент*

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигида агрокимё хизматлар кўрсатиш ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммолари ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда агрокимё хизматларининг самарали ташкил этиш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: агрокимё хизматлар, самарадорлик, инфратузилма, омиллар, фьючерс шартномалар, инновацион технологиялар.

Аннотация. В статье даны рекомендации по современному состоянию агрохимических услуг в сельском хозяйстве, имеющиеся проблемы и причины воздействующие на них, а также предложения по эффективной организации агрохимических услуг.

Ключевые слова: агрохимические службы, эффективность, инфраструктура, факторы, фьючерские договоры, инновационные технологии.

Abstract. The article gives recommendations on the current state of agro-chemical services in agriculture, existing problems and causes affecting them, as well as proposals for the effective organization of agrochemical services.

Keywords: agrochemical services, efficiency, infrastructure, factors, future contracts, innovative technologies.

Кириш. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш биринчи навбатда, унга хизмат кўрсатувчи инфратузиларини ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ўзаро муносабатларини бозор механизмлари асосида шакллантирилишига бевосита боғлиқ. Шу боис, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги истиқболида “қишлоқ хўжалиги агрокимёвий хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш” масаласи муҳим вазифа қилиб белгилаб олинди. [1]

Шу нуқтаи-назардан қишлоқ хўжалигида агрокимёвий хизматлар кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Асосий қисм. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, парваришлаш, шунингдек, зараркунандаларга қарши курашишда агрокимёвий хизматлар кўрсатиш самарадорлиги жуда муҳимдир. Бу бир томондан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳосилдорлигига ҳамда уларнинг таннархига таъсир қилса, иккинчи томондан эса, етиштирилган маҳсулотнинг сифати ҳам бевосита агрокимёвий хизматларнинг сифатига боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда фермер хўжалигида агрокимёвий хизматларни ривожлантириш, қайта ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг объектив зарурияти қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида турли мулкчиликка асосланган корхоналарининг фаолият олиб бориши ҳамда уларнинг сонини юқорилиги;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолати мустаҳкам бўлмаган шароитда эркин савдо тизими орқали минерал ўғит ва кимёвий воситаларини харид қилишига шароит яратиш;

агрокимёвий хизматлар кўрсатишда қишлоқ хўжалик техника воситаларини модернизация қилиш, замонавий технологияларни жорий қилиб бориш ҳозирги кун талаби эканлиги;


янги агрокимёвий хизмат турларини ривожлантиришда истеъмолчилар талабларини инобатга олиш;

ақлли қишлоқ хўжалиги тизимининг вужудга келиши шароитида, агрокимёвий хизматлар кўрсатиш соҳасида замонавий, тежамкор технологияларни қўллашнинг зарурияти.

Келажақда, аграр соҳада агрокимёвий хизматларни ривожлантиришнинг объектив зарурияти, унинг ташкилий-иқтисодий асосларини янада такомиллаштириш талаб қилинади (1-расм).

Ўсимликчилик тармоғида ҳар хил турдаги кимёвий воситаларни қўллаш тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда, тупроқ унумдорлигини таъминловчи кўп миқдордаги минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашда қўлланилувчи турли хил ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари инсектицидлар, фунгицидлар, гербицидлар, экинлар ҳосилдорлигини оширувчи ва ўсимликларни қуритиш учун десикантлар, тупроқ таркибини яхшиловчи ва уни мелиоратив ҳолатини яхшилашини таъминловчи кўплаб воситалардан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилмоқда.

Бунда Б.Қ.Муҳаммадиевнинг “... қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш уларнинг минерал ва маҳаллий ўғитлар билан таъминланганлигига боғлиқ” [4] ҳамда “Бироқ минерал ўғитларни солиш нисбатлари сақланган ҳолда улардан узоқ муддат фойдаланиш ҳам тупроқдаги органик моддаларнинг табиий камайиб кетишига олиб келади. Сабаби, тупроқда гумус (чиринди) микдорининг кўп бўлиши минерал ўғитларнинг самарадорлигини оширади” деган хулосасига асосланган. [5]



1-расм. Агрокимёвий хизматларни ривожлантиришнинг объектив зарурияти


Қишлоқ хўжалигида янги хўжалик шакллари ва шаклларининг вужудга келиши шароитида минерал ўғит ва кимёвий воситалардан самарали фойдаланиш агрокимёвий хизматларни ташкил этиш, хизмат кўрсатиш сифатининг даражаси билан белгиланади. Бу эса агрокимёвий хизматларни доимий равишда такомиллаштиришни талаб этади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда агрокимёвий хизматларнинг хусусиятлари ўзгариб борди. Жумладан, қишлоқ хўжалигининг примитив ривожланиш даври, экстенсив ривожланиш даври, интенсив ривожланиш даври ва замонавий (барқарор) қишлоқ хўжалик ривожланиш даврида агрокимёвий хизматларга қўйилган талаб ўзгариб борди. Шу кунгача агрокимёвий хизматлар кўрсатувчи корхоналар асосан “таъминотчи” сифатида фаолият кўрсатиб келган. Эндиликда агрокимёвий хизматлардан фойдаланиш истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда “хизмат кўрсатувчи” сифатида ўзини намоён этишини кутмоқда. Лекин, буни амалга ошириш учун агрокимёвий хизматлар бозорида рақобат муҳитини шакллантириш зарур.

Замонавий (барқарор) қишлоқ хўжалик ривожланиш даврига келганда чекланган ресурслар шароитида қисқа вақт ичида кўпроқ маҳсулот олиш билан бирга, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни асраб авайлашга эътибор берган ҳолда, органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш алоҳида эътиборини қаратиши хос хусусият сифатида намоён бўлди.

Агрокимёвий хизматлар кўрсатишда минерал ўғитлар миқдорини камайтириб органик ўғитлашни ошириб бориш, ўсимликларни химоя қилишнинг биологик воситаларини қўллаш, соҳани жадал рақамлаштириш ҳамда инновацион технологияларни кенг қўллашни талаб қилади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги тараққий этган мамлакатларининг тажрибаларида интеграциялашган деҳқончилик тамойилларига мувофиқ, тупроқ унумдорлиги ва ўсимлик ҳосилдорлигини оширишда қишлоқ хўжалигини экологик хавфсиз, кимёвий бўлмаган элементларга (алмашлаб экиш, органик ўғитлар, минимал химоя қилиш усуллари) ва ўсимликларни химоя қилишда биологик усулларга катта эътибор бериб келинмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар, яъни азот (N), фосфор (P₂O₅) ва калий (K₂O) озуқа моддаларидан 2020 йилда жами 201 млн. тонна фойдаланилган. Шундан, азотли ўғитлар 113 млн. тонна, фосфорли ўғитлар 48 млн. тонна ва калийли ўғитлар эса 39 млн. тоннани ташкил этади.



2-расм. Жаҳон бўйича қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларни ишлатилиш ҳолати

2020 йилда 2000 йилга нисбатан 66 млн. тонна ёки 49 фоиз кўп ўғитлардан фойдаланганлигини кўриш мумкин. 2020 йилда ноорганик ўғитлардан фойдаланишнинг 55 фоизи Осиё, 27 фоизи Америка, 12 фоизи Европа, 4 фоизи Африка ва 2 фоизи Океания ҳиссасига тўғри келади (2-расм). [18]

1-жадвал

Ноорганик ўғитларнинг озик моддалари бўйича ҳар бир гектар экин майдонида фойдаланиши (минг тонна)

Худудлар	Азотли ўғитлар		Фосфорли ўғитлар		Калийли ўғитлар		Жами ўғитлар	
	2000 й.	2020 й.	2000 й.	2020 й.	2000 й.	2020 й.	2000 й.	2020 й.
Жаҳон бўйича	54,3	72,9	21,5	30,9	14,5	25,2	90,3	129,0
Африка	11,0	16,3	4,1	6,5	2,1	3,7	17,2	26,4
Америка	47,2	70,9	22,1	41,0	22,3	38,6	91,6	150,6
Осиё	83,2	111,4	31,5	43,9	13,9	32,1	128,6	187,4
Европа	42,5	52,6	13,2	14,5	15,6	15,9	71,3	83,0
Океания	38,4	42,9	45,0	29,8	9,4	9,5	92,9	82,1
Ўзбекистон	125,7	162,5	24,1	50,9	1,7	17,3	151,5	230,7
Германия	153,7	106,7	29,2	16,2	45,3	37,6	228,2	160,5
Туркия	52,3	88,7	23,8	33,0	3,1	5,0	79,2	126,6
Қозоғистон	1,0	2,5	0,2	3,0	0,1	0,1	1,2	5,6
Қирғизистон	19,4	19,0	1,0	2,0	0,1	0,3	20,5	21,4
Тожикистон	10,1	68,4		7,0		2,7		78,0
Туркменистон	52,3	88,7	23,8	33,0	3,1	5,0	79,2	126,6
Россия Федерацияси	7,6	15,5	2,2	5,6	1,4	3,9	11,3	25,0

Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлардан фойдаланишнинг ўртача миқдори 1 гектар экин майдонлари учун 2000–2020 йилларда 43 фоизга ошган, яъни 129 кг озуқавий моддани ташкил этди. Минерал ўғитлардан фойдаланиш 2020 йилда 1 га экин майдонлари учун Осиёда энг юқори кўрсаткич бўлиб, 187 кг/га ни, Америкада 151 кг/га ни, Европада 83 кг/га ни, Океанияда 82 кг/га ни ва Африкада эса 26 кг/га ни ташкил қилади (1-жадвал). [18]

2000-2020 йиллар оралиғида 1 гектар экин майдонлари учун ўғитлардан фойдаланиш бўйича 64 фоиз ўсиш суръати билан Америка қитъаси энг тез ўсган минтақа бўлиб, ундан кейинги ўринларни Африка 53 фоиз ва Осиё 46 фоизни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикасида ўртача 1 гектар экин майдонига нисбатан минерал ўғитлардан фойдаланиш кўрсаткичи 2020 йилда 230,7 кг ни ташкил қилиб, 2000 йилга нисбатан 52,3 фоизга кўпайган. Шундан, 2000-2020 йилларда сарфланган фосфорли ўғитлар 2 мартага, калийли ўғитлар 10 мартага ортган. Бу кўрсаткичлар қўшни Республикалар маълумотлари билан таққослаб ўрганилганда кескин фарқ қилиши ҳамда юқор эканлигини кузатамиз. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича ҳосилдорлик кўрсаткичи таҳлил қилиб ўрганилганда, 2000-2020 йилларда пахта ҳосилдорлиги 21,1 ц/га дан 24,9 ц/га га ва ғалла ҳосилдорлиги 27,6 ц/га дан 45,4 ц/га га ташкил қилган. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини сарфланган минерал ўғитлар ҳажмига нисбатан таққослаб ўрганилганда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги паст эканлиги кузатилади.

Минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги пастлигига кўпгина омиллар таъсир қилади. Энг муҳими, хизматлар кўрсатиш турларининг чекланганлиги, консалтинг хизматини талаб даражасида шаклланмаслиги қишлоқ хўжалигида агрокимёвий хизматлар кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлигини пасайтиради. Агрокимёвий хизматларга бўлган талаб ўзгарувчан бўлиб, унга таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаси ва қўлами турличадир.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Сирдарё вилояти пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ўртасида агрокимёвий хизматларни баҳолаш бўйича ўтказилган сўровномада “Агрокимёвий хизматлар корхонасининг қайси хизматларидан фойдаланасиз?” деган сўровига минерал ўғит ташиш хизматидан 12 фоиз, суспензия сепиш хизматидан 36 фоиз, ўсимликларни химоя қилиш воситаларини етказиб бериш ва сепиш хизматидан 32 фоиз, дефоляция хизматидан 24 фоиз, биолоборатория хизматларидан 64 фоиз респондентлар фойдаланишларини билдириб ўтган. Кўрсатилган агрокимёвий хизматлар юзасидан вужудга келадиган муаммолар доираси ҳам турличадир (2-жадвал).

Кўрсатилаётган агрокимёвий хизматлар бўйича фермер хўжаликлари томонидан минерал ва органик ўғитларни етказиб бериш ҳамда ўсимликларни химоя қилиш бўйича дуч келаётган муаммоларни гуруҳлаштирганимизда, асосий муаммолар хизматларни молиялаштириш бўйича (72,0, 66,1 ва 54,5 фоиз), ўғит миқдор бўйича (31,7, 47,1 ва 15,3 фоиз), сифат бўйича (16,4, 6,9 ва 24,3 фоиз респондентлар) муаммолар мавжудлигини таъкидлаган.

2-жадвал

Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари ўртасида агрокимёвий хизматларни баҳолаш мақсадида ўтказилган сўровнома натижалари

№	Муаммолар доираси	Берилган жавоб натижалари, %		
		Минерал ўғит етказишда	Органик ўғит етказишда	Ўсимликларни химоя қилишда
1	Миқдор бўйича	31,7	47,1	15,3
2	Сифат бўйича	16,4	6,9	24,3
3	Техника бўйича	12,7	24,9	1,1
4	Молиялаштириш бўйича	72,0	66,1	54,5
5	Меҳнат ресурслари бўйича	5,3	3,7	3,7
6	Бошқа сабаблар бўйича	11,1	16,4	20,6

Умумий ҳолатда агрокимёвий хизматларни кўрсатиш бўйича респондентларнинг 25,4 фоизи ўғит етишмаслиги, 21,7 фоиз транспорт харажатларининг юқорилиги, 13,2 фоиз техникаларнинг етишмаслиги, 59,8 фоиз нархларнинг юқорилиги, 26,5 фоиз агрокимёвий хизматлар сифатининг пастлиги, 46 фоиз монополиянинг мавжудлиги, 44,4 фоиз кечикиб хизмат кўрсатилиши, 2,6 фоиз чекловнинг мавжудлиги ҳамда 12,7 фоиз бошқа омиллар бўйича

муаммолар мавжудлигини таъкидлаб ўтишган. Лекин, кўрсатиладиган агрокимёвий хизматларнинг турларини мутаносиб ривожлантириш орқали самарадорликка эришилади.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар билан биргаликда органик ўғитларни етказиб бериш даражаси номутаносиблиги жуда юкориликча қолмоқда. Бу эса агрокимёвий хизматларнинг самарадорлигида ўз аксини топмоқда.

Хулоса. Агрокимёвий хизматларни ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, истиқболда хизмат кўрсатишни самарали ташкил этиш, илмий-тадқиқот натижалари асосида ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- минерал ва органик ўғитлар билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида агрокимёвий хизматлар бозори иштирокчилари ўртасида тенг имкониятли рақобатни шакллантириш;

- агрокимёвий хизматлар соҳасини интенсив ривожлантириш учун инновацион технологияларни жорий қилишни янада рағбатлантириш;

- агрокимёвий хизматлар кўрсатиш тизими ташкилий тузилмаларини бозор қонунлари талаби асосида такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалик корхоналарига органик ва минерал ўғитларни етказиб бериш, солиш, ишлов бериш ва шу каби агрокимёвий тадбирлари ўз вақтида, сифатли қилиб бажариш, шунингдек кимёвий воситаларни илмий асосланган меъёрлар, агрокимё картограммалар асосида қўллаш;

- ўз вақтида агрокимёвий хизматлар кўрсатиш мақсадида инновацион техника ва технологияларни кенг жорий қилиш орқали моддий–техника базасини мустаҳкамлаш;

- агрокимё корхоналари кўрсатган хизматлари учун жавобгарлик тамойилларига асосланган ҳолда қафолатлар бериши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. - Т.: Адолат, 2017. - 112 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармонида асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”.

3. Умурзоқов Ў.П. ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисодиёти, Ўқув қўлланма, Т.: Iqtisod-Moliya, 2008. 232-бет.

4. Мухаммадиев Б.Қ. Ўсимликларни озиклантириш ва зараркунандалардан химоя қилиш. –Т., ТошДАУ Нашриёт таҳририят бўлими, 2016, 237 бет.

5. Мухаммадиев Б.Қ. «Ширкат ва фермер хўжаликлариди органик ҳамда минерал ўғитлардан фойдаланиш». «Янги аср авлоди», 2005. 68 б.

6. А.Табаев “Перспективы развития агрохимслужбы в Узбекистане” Двадцать четвертые международные Плехановские чтения тезисы докладов. РЭУ им. Г.В.Плеханова 2 февраля 2011 г. Москва-2011. 339-400 стр.

7. А.Табаев, Б.Шодмонов, “Модернизация основных средств производства – как фактор конкурентоспособности предприятия”, XXVIII международные Плехановские чтения. Российский экономический университет имени Г.В.Плеханова. Москва-2015. Стр.202-203.

8. A.Tabaev, G.Tojiddinova, Innovative development of the agrarian sector of Uzbekistan, Научно-теоритический практический журнал “Вестник Прикаспия”, №2(17), 2017. 16-20 с.

9. Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А., Табаев А.З. Агрохимическое обслуживание в фермерских хозяйства, «Экономика и финансы» журнал 2007 й. №11 (136) октябрь (спецвыпуск), 58-59 стр.

10. Табаев А. Агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш йўллари, Агро илм журнали, 4(16)-сон, 2010 йил, 54-55 бетлар.

11. Tabaev A. State and development prospects of the agrochemical industry of the republic of Uzbekistan, Scientific journal Economics and Finance, 2018. №9. 111-116 betlar

12. Tabaev A. Methods for effective use of material and technical base of agrochemical services enterprise, Sustainable Agriculture journal, 2(10)-2021, 16-19 p.

13. Tabaev A. Improving the organizational and economic basis of agrochemical service in Uzbekistan, International journal on economics, finance and sustainable development журнали, ISSN (electronic): 2620-6269/ISSN (printed): 2615-4021

14. Табаев А. “Қишлоқ хўжалигида агрокимё хизмати кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш”, Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси, 2022-5/4, 53-58 бетлар

15. Бабаджанов А.М., Табаев А.З. “Наука в процессе устойчивого экономического развития аграрной сфера Республики Узбекистан”, International Scientific and Practical Conference: “Actual tasks of the effective use of modern marketing concepts in the development of the national economy”, Tashkent-2022, 15-24 p.

16. Umarov S, Babadjanov A, Tabaev A, Yahyaev M, Durmanov A. Formation and use human capital of agriculture, Solid State Technology, Volume: 63 Issue: 4, Publication Year: 2020, 646-655 p.

17. Babadjanov A.M., Ahmedov A.K., Tabaev A.Z. Development of the Sciences and Scientific Developments in Agrarian Sector of the Uzbekistan, International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) ISSN: 2249 – 8958, Volume-9 Issue-1, October 2019.

18. FAO. 2022. FAOSTAT: Fertilizers by Nutrient. In: FAO. Rome. Cited October 2022. <http://www.fao.org/faostat/en/#data/RFN>. <https://doi.org/10.4060/cc2211en-fig17>. <http://www.fao.org/faostat/en/#data/EF>.

УЎК 334.72.(575.1):658

АҲОЛИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕС ТАШАББУСЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНГИЧА Йўналишлари ва Имкониятлари

Б.У.Таджиев, доц., PhD, Урганч Давлат Университети, Урганч

Н.Р.Машарипов, магистрант, Урганч Давлат Университети, Урганч

Аннотация. *Мазкур мақолада бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни янада кенг ривожлантириш учун давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш шарт-шароитлари, имкониятлар ва тўсиқлар, бошқаришнинг устувор йўналишлари ёритилган.*

Калим сўзлар: *кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ), КБХТ субъектлари, фаоллик даражаси, иш билан бандлик даражаси, оилавий тадбиркорлик.*

Аннотация. *В данной статье описаны решения и указы, условия поддержки, льготы, возможности и препятствия, приоритетные направления управления, принятые нашим государством для дальнейшего развития малого бизнеса и частного предпринимательства (МБЧП) в Республике Узбекистан на сегодняшний день.*

Ключевые слова: *малый бизнес и частное предпринимательство (МБЧП), субъекты МБЧП, уровень активности, уровень занятости, семейный бизнес.*

Abstract. *This article describes the decisions and decrees, conditions of support, incentives, opportunities and obstacles, and priority directions of management adopted by our state for the further development of small business and private entrepreneurship (SBPE) in the Republic of Uzbekistan today.*

Key words: *small business and private entrepreneurship (SBPE), subjects of SBPE, activity level, employment rate, family business.*

Жаҳонда иқтисодий тарқалган барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва жон бошига реал даромадларни оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) алоҳида ўрин тутди. БМТ маълумотида кўра 2022 йилда жаҳон иқтисодий ривожининг 90 фоизини микро, кичик ва ўрта корхоналар ташкил этиб, улар 70 фоиз иш ўрнини таъминлаб, дунё ЯИМдаги улуши 50 фоизни ташкил этади[6]. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСД) маълумотларига кўра, Япония ва Хитой иқтисодий ривожининг КБХТнинг ЯИМдаги улуши 60 фоизни, Францияда – 56 фоизни, АҚШ ва Буюк Британияда – 51 фоизни ташкил этади[7].

Мамлакатимиз иқтисодий ривожининг 2022 йил якуни бўйича КБХТнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 51,8 фоизни ташкил этди[5]. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 2022-2026 йилларда учинчи устувор йўналиши сифатида “тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юқини камайтириш, бизнес муҳити ва зарур инфратузилма яратиш асосида миллий иқтисодий тарқалган, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш”[2] зарурлиги белгиланиб, КБХТни янада ривожлантириш учун зарур имкониятлар давлатимиз томонидан яратилтиб келинмоқда.

2017 йилдан бугунги кунгача назар соладиган бўлсак, Мухтарам Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишга қаратилаётганлигини куришимиз мукин.

Аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда ва қишлоқ жойларида кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилиш борасидаги давлатимиз тамонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат қабул қилинаётган қарор ва фармонларда ўз аксини топмоқда.

1-жадвал

КБХТни ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, ривожланиш муҳитини янада яхшилаш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлар[4]

№	Қарор ёки Фармон номи	Йили, сана ва сони	Стратегия ёки давлат дастури
1	«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»	2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон қарори	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
2	«Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»	2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон қарори	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
3	«Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»	2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сон қарори	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
4	«Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»	2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сон қарори	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
5	«Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»	2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарори	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
6	«Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»	2021 йил 27 мартдаги ПҚ-5041-сон қарори	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
7	«Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»	2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сон қарори	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
8	«Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»	2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон Фармони	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
9	«Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»	2021 йил 3 декабрдаги ПҚ-31-сон қарори	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
10	«Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш	2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-62-сон қарори	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

	агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»		устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
11	«Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»	2021 йил 20 декабрдаги ПҚ-55-сон қарори	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
12	“Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”	2022 йил 30 августдаги ПҚ-366-сон Қарори	2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг Янги тараккиёт стратегияси
13	«Дехкон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»	2022 йил 10 сентябрдаги ПҚ-373-сон қарори	2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг Янги тараккиёт стратегияси
14	«Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»	2023 йил 31 январдаги ПҚ-39-сон қарори	2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг Янги тараккиёт стратегияси

Юқоридаги 2017-2023 йилларда қабул қилинган қарор ва фармонлар тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш ва ушбу соҳани кенг ривожланиши учун катта имконият яратади ва аҳолини иш билан таъминлашга, янги иш ўринлари яратишга ҳамда ўз-ўзини иш билан банд қилишга замин яратиб келмоқда. Буни биз қуйидаги статистик маълумотлар асосида кўриб ўтишимиз мумкин.

2-жадвал

КБХТни ЯИМ ва тармоқлардаги улуши[5]

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022
ЯИМ	65,3	62,4	56,0	55,7	54,9	51,8
Саноат	41,2	37,4	25,8	27,9	27,0	25,9
Қурилиш	64,8	73,2	75,8	72,5	72,4	71,6
Бандлик	78,0	76,3	76,2	74,5	74,4	74,7
Экспорт	22,0	27,2	27,0	20,5	22,3	29,5
Импорт	53,6	56,2	61,6	51,7	48,7	49,4

Юқоридаги 2-жадвалдан кўринадиги КБХТнинг ЯИМдаги, саноатдаги, қурилишдаги улушлари 2022 йилда олдинги йилларга қараганда пасайган. Лекин, бандликдаги, экспортдаги ва импортдаги улушларини ўсганини кўришимиз мумкин.

3-жадвал

КБХТ тамонидан яратилинган маҳсулотлар миқдори[5]

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Саноат (млрд.сўм)	61367,8	87962,0	83344,2	103020,8	121719,2	142611,7
Қурилиш (млрд.сўм)	22469,4	37451,7	53960,9	63866,6	77762,0	93620,8
Бандлик (минг киши)	10541,5	10128,8	10318,9	9865,7	10070,7	-
Экспорт (млн.АҚШ.дол)	2759,3	3810,8	4714,8	3100,9	3711,2	5696,2
Импорт (млн.АҚШ.дол)	7511,9	10916,2	14972,2	10943,3	12389,0	15154,1
Савдо (млрд.сўм)	92973,0	114896,4	138920,7	164106,1	204787,4	253573,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (млрд.сўм)	152010,5	191759,2	219466,9	253238,2	307280,2	347222,0
Хизматлар (млрд.сўм)	69212,7	84433,4	103106,6	114052,7	144812,7	173157,7
Юк ташиш (млн.тонна)	548,8	611,7	641,0	638,9	678,9	588,1
Юк айланмаси (млн.тонна-км)	10444,4	11657,7	12152,3	12304,6	13108,1	14394,9
Йўловчи ташиш (млн.йўловчи)	5037,5	5242,6	5345,0	4904,8	5237,6	5606,0
Йўловчи айланмаси (млн.пасс.км)	111435,0	115335,2	117412,7	107766,7	114681,5	123882,5

Юқоридаги 3-жадвалдан кўринадиги КБХТнинг саноат, қурилиш, экспорт, импорт, савдо, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасидаги миқдори ошиб бораётганлигини кўзатиш

мумкин. КБХТнинг бундай барқарор ривожланиши давлатимиз тамонидан КБХТни кенг ривожланиши учун яратилаётган имкониятлари ва қабул қилинаётган қарор ҳамда фармонларнинг натижасидир.

Фикримизча, юқоридаги янги қабул қилинган қарор ва фармонлар республикада КБХТни ЯИМдаги ва бошқа соҳа ҳамда тармоқлардаги улушини, миқдорини барқарор ўсишиши учун ва мамлакатимизда бандликни таъминлашда, янги иш ўринларини яратишга, бозорларни харидорбоб ва арзон товар ва хизматлар билан таъминлашга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-5953, 02.03.2020.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 30 августдаги ПҚ-366-сон Қарори.

4. <https://lex.uz/uz/> Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. www.stat.uz

6. <https://www.un.org/ru/observances/micro-small-medium-businesses-day>.

7. <https://www.oecd.org>.

УДК: 330.101.54

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ НА ОСНОВЕ РАЗВИТИЯ СЕКТОРА ТУРИСТСКИХ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ

С.Ш.Турабеков, докторант, Самаркандский институт экономики и сервиса, Самарканд

Аннотация. Бугунги замонавий, инновацион иқтисодиёт шароитида туризм хизматлари соҳасининг Ўзбекистон миллий иқтисодиётида тутган ўрни ва унинг меҳнат бозоридagi роли мақолада кенг ёритилган. Ўзбекистон шароитида туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф қилишда кадрлар қўнимсизлиги ва мавсумийлик муаммоларини ҳал қилишга асосий эътиборни қаратиши зарурлиги бўйича зарур тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Туризм хизматлари, аҳоли бандлиги, кадрлар қўнимсизлиги, мавсумийлик, “MICE туризм”

Аннотация. В условиях современной, инновационной экономики в статье широко освещается роль туристических услуг в народном хозяйстве Узбекистана и его роль на рынке труда. В условиях Узбекистана всесторонне проанализированы проблемы обеспечения занятости населения на основе бурного развития сферы туристических услуг, даны необходимые рекомендации о необходимости сосредоточить внимание на решении проблем нехватки кадров и сезонность в их устранении.

Ключевые слова: Туристические услуги, занятость населения, дефицит кадров, сезонность, “MICE туризм”

Abstract. In the conditions of a modern, innovative economy, the article widely highlights the role of tourism services in the national economy of Uzbekistan and its role in the labor market. In the conditions of Uzbekistan, the problems of ensuring employment of the population on the basis of the rapid development of the tourism services sector are comprehensively analyzed, the necessary recommendations are given on the need to focus on solving the problems of shortage of personnel and seasonality in their elimination.

Keywords: Tourist services, employment, shortage of personnel, seasonality, "MICE tourism"

Введение. На современном этапе развития общества развитие национальной экономики и повышение ее конкурентоспособности на внешнем рынке, привлечение в экономику инновационных технологий, полное удовлетворение потребности населения в качественных

товарах и услугах на основе эффективного использования ограниченных ресурсов являются актуальными. приобретают значение. Реализация этих важных задач в плане повышения уровня и качества жизни населения зависит от ряда факторов, что требует мобилизации больших усилий и ресурсов, их целевого и экономного использования. Однако среди всех факторов особое место занимают отношение людей к труду, их самоотверженность, активность в общественном производстве. Только тогда, когда деятельность, цели и стремления занятых в экономике находятся в соответствии с интересами общества, каждый трудоспособный человек может решать любые сложные задачи, поставленные перед обществом, только тогда, когда он активно, эффективно и добросовестно участвует в общественной жизни. производство.

Обзор литературы (анализ) по теме исследования: Многими экономистами проведен ряд научно-практических работ по составляющим опережающего развития сферы туристических услуг, его роли в социально-экономическом развитии страны, роли в развитии трудовых отношений. А. Смит, Дж.Б. Сей, А. Маршалл, Дж.М. Среди них Кейнс и другие.

Среди экономистов стран СНГ по этому поводу проведено много научных исследований. В частности, А. Косолапов, А. Гранберг, Э. Джандюгазова, А. Дружинин, А. Колесников, В. Ильин, И. Исаев, З. Зайнашева и другие большое внимание уделяли теоретическим и практическим аспектам развития туристических услуг.

Среди ученых, проводивших научные исследования природы туризма в Узбекистане, его роли в социально-экономическом развитии и вопросов его развития, С.С. Гуломов, Н.Т. Тухлиев, Ю.А. Абдуллаев, М.М. Мухаммедов, М.К. Пардаев, Г'.Х. Гудратов, И.С. Тухлиев, К.Дж. Мирзаевых можно показать. В своих научных исследованиях они изучали теоретические и методологические проблемы развития туристической сферы.

Методология исследования. Говоря о рынке труда в сфере туристических услуг, необходимо признать его специфические особенности. То есть рынок труда в туризме представляет собой социально-экономическую форму использования трудовых ресурсов, при которой рабочая сила выступает как товар и продается и покупается в соответствии с законами рынка [1]. Однако это не означает, что в сфере туристических услуг сформировался специфический современный и цивилизованный рынок труда. Иногда баланс спроса и предложения на рабочую силу нарушается и не соответствует законам рынка. Например, в Узбекистане большинству субъектов, оказывающих туристические услуги, требуются туроператоры, турагенты и гиды, официанты, повара, менеджеры, специальные водители и другие подобные квалифицированные кадры в сфере туризма в зависимости от туристического сезона. Причина в том, что характер сезонности в отрасли обуславливает неравномерное распределение рабочего времени и большую часть трудовых ресурсов, которые используются не полностью.

Обычно сезонность и условия неполного рабочего времени вызывают серьезные проблемы в работе компании, в плане найма и удержания квалифицированных работников. В частности, согласно теории рынка труда, сезонность означает не урезание заработной платы несезонным работникам, а их увольнение.

На наш взгляд, менеджменту несколько сложно вызвать интерес к труду у трудовых ресурсов в сфере туристических услуг, поскольку сезонность занятости в сфере ослабляет шансы работника на продвижение по службе и создание личной карьеры. Это, в свою очередь, делает в некоторых случаях неразрешимой проблемой мотивацию работников. Если решения этой проблемы не будут найдены вовремя, руководство туристической компании будет вынуждено постоянно нанимать новых сотрудников. С одной стороны, это увеличит затраты на профессиональную подготовку для туристических компаний, а с другой – усилит дефицит кадров в данной сфере. Поэтому для увеличения количества занятых в стране за счет стремительного развития туристических услуг и смежных отраслей и повышения их активности, в первую очередь, решение вопроса сезонности в сфере становится весьма актуальным вопросом. Потому что решение проблемы сезонности в отрасли создает основу для сокращения дефицита кадров и, как следствие, повышения уровня занятости.

Анализ и результаты. Многие экономисты проводили исследования по решению проблемы сезонности в сфере туристических услуг. русские ученые И. Т. Балабанов, А. И. Балабанов [2], А. Ю. Александровас [3] определил сезонные колебания в сфере туризма как повышение или понижение уровня экономической активности и масштабов экономической деятельности в связи со сменой времен года. Также, по их словам, эти сезонные колебания влияют не только на уровень занятости в отрасли, но и на экологические, социально-экономические, политические, демографические, психологические и материально-технические аспекты.

На сегодняшний день учеными рекомендован ряд действенных способов обеспечения преемственности сезонности в сфере туристских услуг, наиболее эффективным из которых является популяризация новых видов туризма, не теряющих своей привлекательности в межсезонье. Одной из таких форм является деловой туризм. Причина в том, что в последние годы социально-экономические, культурно-образовательные, деловые и деловые связи между регионами и странами с каждым годом становятся все теснее и развиваются. Развитие таких социально-экономических отношений, в свою очередь, стимулирует деловые отношения между странами. Также трудно представить развитие национальной экономики страны и интеграцию в мировой рынок без развития тесных деловых связей с другими странами. Деловые контакты, обмен технологиями и информацией, поиск новых рынков, поиск партнеров для инвестиций и совместных проектов, обучение сотрудников и внедрение корпоративной культуры – все это деловой туризм[4]. Поэтому любые социально-экономические, культурные, образовательные, деловые и деловые отношения между странами напрямую связаны с деловым туризмом.

Однако сегодня во многих экономических источниках понятие «деловой туризм» также используется вместе с понятием «MICE-туризм». Среди ученых существуют разные подходы к различию и связи этих двух понятий. Например, Н.А. Сорокина говорит, что в деловом туризме существует несколько сегментов, и название самого крупного сегмента представлено английской аббревиатурой «MICE» [5], а Р. Дэвидсон говорит, что «"MICE-туризм" — это комплексный и включает в себя различные услуги, определяя ее как «инновационную разработку и организацию конференций, съездов и других деловых мероприятий, оказывающих туристические услуги» и делает вывод о том, что термины «деловой туризм» и «MICE-туризм» являются родственными, но не тождественными понятиями[6].

Также одна группа зарубежных исследователей интерпретировала «MICE-туризм» как более современный и изощренный вариант «делового туризма», а другая группа исследователей считает «деловой туризм» состоящим из 2-х сегментов: типичная (классическая) деловая поездка и «деловой туризм». MICE-туризм» [7].

Таким образом, «деловой туризм» в широком смысле — это поездка в служебных и профессиональных целях, не предполагающая заработка по месту временного проживания и позволяющая совмещать работу с отдыхом, «MICE-туризм» можно назвать видом деятельности, который охватывает 4 основных направления деятельности в этой сфере. То есть они:

- Встречи – переговоры, презентации и встречи во время командировок;
- Incentives – поощрительные, мотивационные, командные поездки для сотрудников компании;
- Conferences – конференции, конгрессы, форумы и семинары
- Выставки – выставки, пресс-туры, фестивали и концерты;

Поэтому «MICE туризм» является одним из важнейших направлений делового туризма, под которым понимается организация, проведение и сопровождение корпоративных мероприятий.

MICE-туризм возник в конце XX века в результате ускорения интеграционных процессов в мировой экономике, развития взаимных экономических отношений между странами, увеличения объема местных и международных торговых соглашений. Например, согласно официальной статистике, доля мирового туризма в мировом ВВП в 2019 году

составила 10,3% (9630,0 млрд долларов США), а в 2020 году из-за пандемии COVID-19 этот показатель увеличился до 5,3% (4775,0 млрд долларов США). долларов США) упали, но в 2021 году наблюдались темпы роста, то есть этот показатель составил 6,1 процента (5812,0 млрд долларов США). Доля МІСЕ-туризма в мировой индустрии туризма в 2019 году составляет 1302,0 млрд. долларов США (21,0%), в 2021 году этот показатель составил 658,5 млрд долларов США [8]. По мнению экспертов, рыночная стоимость МІСЕ-туризма будет расти в среднем на 6,1 процента ежегодно в течение 2021-2026 годов и достигнет 1780,0 млрд долларов в 2026 году. достигает долларов США [9].

Калим сўзлар: хизмат кўрсатиши соҳаси, хусусий сектор, давлат-хусусий шериклиги, лойиҳа, инвестицион лойиҳа, интеграл иқтисодий самара, давлат рисклари, инвестицион воситалар, бюджет самарадорлиги

Аннотация. В данной статье развитие государственно-частного партнерства в сфере услуг на основе повышения инвестиционной активности, основные задачи государственных структур и частного сектора в рамках государственно-частного партнерства в сфере услуг, основные критерии и принципы выбора инвестиционных проектов, механизм повышения инвестиционной активности в развитии государственно-частного партнерства, типовой проект государственно-частного партнерства и этапы его подготовки, направления совершенствования механизма активизации инвестиционных средств исследовано развитие государственно-частного партнерства в сфере услуг.

Ключевые слова: сфера услуг, частный сектор, государственно-частное партнерство, проект, инвестиционный проект, комплексная экономическая эффективность, государственные риски, инвестиционные инструменты, бюджетная эффективность.

Abstract. In this article, the development of public-private partnership in the service sector based on increased investment activity, the main tasks of government agencies and the private sector in the framework of public-private partnership in the service sector, the main criteria and principles for choosing investment projects, the mechanism for increasing investment activity in development of public-private partnership, a typical project of public-private partnership and stages of its preparation, directions for improving the mechanism for activating investment funds, the development of public-private partnership in the service sector has been studied.

Key words: service sector, private sector, public-private partnership, project, investment project, integrated economic efficiency, government risks, investment instruments, budget efficiency.

Кириш. Иқтисодийнинг трансформациялашуви шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим вазифаларидан бири – келгусида иқтисодий ўсишни таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш учун молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Бу эса, мамлакатимиз иқтисодийтида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда соҳада яратилаётган ялпи маҳсулот ҳажмини ошириш стратегик мақсадлардан бири ҳисобланади.

Республикамызда иқтисодий соҳалари ва тармоқларини модернизациялашнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ҳамда давлат бошракуви самарадорлигини оширишга кўмаклашиш бўйича давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш учун инвестицион фаолликни ошириш давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг устувор бўлган истиқболли шакли ҳисобланади. Давлат-хусусий шерикчилиги механизмининг жорий этилиши ва амалга оширилиши кўп жиҳатдан иқтисодийта мавжуд бўлган шарт-шароитлар билан боғлиқ ва бу тизимлаштириш ҳамда мувофиқлаштиришни ҳисобга олган ҳолда маҳсус тадқиқотлар ўтказишни зарурат этади.

Қорақалпағистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши инвестициялар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини шакллантириш ҳамда инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштиришни назарда тутати. Соҳада инвестицион сиёсатни амалга ошириш ишлаб чиқариш секторидаги корхоналарга ажратилган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши керак. Шунингдек, асосий чоралар инвестицион механизмларнинг институционал асосларини ривожлантириш, бюджет ресурслари ҳамда жалб қилинган молиявий маблағлардан юқори даражада самарали фойдаланиш бўйича замонавий молиялаштириш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш керак.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Илмий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва бизнес ўртасида шерикчилик муносабатлари ривожланиш хусусиятлари, жаҳонда

давлат-хусусий шериклиги механизмини самарали жорий этиш моделлари, давлат-хусусий шерикликнинг шартнома шакллари, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланиш соҳаси ва йўналишлари жаҳон хўжалигида давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабатларининг кўлами ва шакллари кенгайишига таъсир этувчи омиллар илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Хорижлик иқтисодчи олим Дж.К.Гелбрейт [3, 200-250 б.] ўз асарида давлат ва бизнес ўртасида шериклик муносабатлари, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимининг шаклланиши, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, мақсад ва вазифалари, таркиби ва моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, инвестицион маблағларнинг шаклланиши, давлат-хусусий шериклигининг концептуал асослари каби йўналишларни тадқиқ қилган.

Ж.Пьер, Ж.Г.Петерс [13, 89-108 б.] асарида хусусий инвестицияларни рағбатлантириш орқали уй хўжаликлари даромадларининг энг тез ўсишига эришиш йўналишлари, рақобат муҳитининг шаклланиши учун давлатнинг иқтисодий функцияларидан фойдаланишнинг шарт-шароитлари, ижтимоий аҳамиятга эга стратегик лойиҳаларни бошқариш ва молиялаштириш бўйича хусусий секторнинг иштирокини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ёритиб берилган.

Россиялик олимлар В.Г.Варнавский, А.В.Клименко, В.А.Королев [1, 45-85 б.] лар асарида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимининг шаклланиши, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, мақсад ва вазифалари, таркиби ва моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, давлат ва тадбиркорлик ўртасида ҳамкорлик шакллари амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб қилиш манбалари, давлат ва жамоатчилик мулки объектлари билан боғлиқ йўналишлари ўрганилган.

В.А.Кабашкиннинг [4, 15-18 б.] диссертация авторефератида «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий мазмуни, унинг мақсад ва вазифалари, давлат-хусусий шериклиги моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш йўллари, унинг афзалликлари тадқиқ қилинган.

Е.Д.Фролова [8, 31-32 б.] мақоласида ижтимоий аҳамиятга эга стратегик лойиҳаларни бошқариш ва молиялаштириш бўйича хусусий секторнинг иштирокини таъминлаш, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш йўллари, унинг афзалликлари ёритиб берилган.

Иқтисодчи олимлар С.Э.Элмирзаев, Н.Ш.Шавкатов [10] ларнинг илмий мақоласида давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истикболлари, давлат-хусусий шерикликнинг асосий шакллари, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати тизимида давлат-хусусий шерикликнинг ўрни ва омиллари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилиги ривожланишига методологик ёндашувнинг илмий асослари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини реализация қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг асосий йўналишлари, инвестиция лойиҳаси самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари, инвестицион лойиҳани реализация қилишдан олинган интеграл иқтисодий самара, давлат-хусусий шериклигини амалга оширишда бюджет самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик, тизимли ва илмий ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) – бу давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга қаратилган институтчионал ва

ташкилий-иқтисодий ҳамкорлик бўлиб, бунда давлат сифатли хизматларга эга бўлиш, хусусий мулкдор эса шартномавий муносабатларни амалга ошириш ва ривожлантириш асосида фойда олишни кўзлайди.

ДХШ давлат ва хусусий мулкдор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритади. Чунки давлат ва хусусий сектор манфаатларининг муштараклигини таъминланиши ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқларига зарурий ресурсларнинг ажратилиши учун зарурдир.

Шунинг учун хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШ доирасидаги давлат тузулмаларининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

– амалий тажриба асосида ижтимоий аҳамиятга эга стратегик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– хизматлар соҳасида давлат-хусусий шерикчиликнинг самарали фаолиятини таъминловчи қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантириш, қабул қилиш ва амалиётга жорий этиш;

– хизматлар соҳаси ташкилотларини ташкил этиш ва молиялаштириш;

– манфаатдор бўлган давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларнинг ДХШни амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш ва бошқалар.

Қорақалпоғистон Республикасида ДХШни муваффақиятли ривожланишида қуйидаги жиддий тўсиқларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг аниқ концепцияси мавжуд эмас;

– давлат-хусусий шерикчиликни муваффақиятли ривожлантириш юзасидан тадбирларни реализация қилишнинг аниқ дастурларини йўқлиги;

– коррупция ва турли шаклдаги суиистеъмолчиликларнинг мавжудлиги.

Биз, хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришда ДХШнинг инвестицион воситаларини ривожлантиришни маҳаллий ҳокимият органлари кўринишидаги давлат, бизнес билан шуғулланувчи хусусий ташкилотлар ҳамда нотижорат ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуини ўзида ифодаловчи ягона иқтисодий тизимнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқамиз.

Бошқа томондан, ДХШ механизмини амал қилиши шароитида хусусий шериклар учун рағбатлантиришнинг оқилона ва самарали тизими яратилади. Тажриба шуни кўрсатадики, давлат-хусусий шерикчиликнинг қўлланиши кўпинча инфратузилмага оид лойиҳалар соҳасига тўғри келади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ДХШнинг барча моделларига тегишли бўлган қуйидаги ўзига хос хусусиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. ДХШ механизми хусусий бизнесга таклиф этиладиган кўплаб хизмат шакллари тўпламидир (ишлаб чиқиш, молиялаштириш, қуриш ва бошқариш ягона шарномада). Масалан, анъанавий давлат харидлари моделидан фарқли равишда давлат нафақат муайян тўлов ҳисобига объектни, масалан логистик марказни қуришга буюртма беради, балки лийҳасини ишлаб чиқиш, қуриш, бошқариш ва, ҳатто, бутун лойиҳани ёки унинг алоҳида қисмини молиялаштиришга шартнома таклиф қилади.

2. Давлат харидларининг анъанавий шаклларида фарқли ўлароқ ДХШда риск кўпроқ хусусий сектор зиммасига юклатилади. Масалан, молиялаштириш хусусий шерик-иштирокчи зиммасига юклатиладиган схема тез-тез учраб турибди. Хусусан, давлат органи хизматларнинг техник параметрлари ва стандартларини белгилайди, хусусий шерик эса белгиланган стандартларга мос равишда хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади.

3. ДХШ узок муддатли даврга шакллантирилади ва 25-30 йил давомида амал қилади.

Давлат хизматларининг анъанавий моделида ҳукумат ресурслар ва лойиҳани амалга ошириш жараёни устидан тўлиқ назоратга эга бўлса, ДХШ моделида давлат якуни маҳсулотни белгилайди, бажарилиш устидан назорат хусусий шерикда қолади [9].

Бирок, ДХШни турли мезонлар бўйича танлаш ҳам муҳим ҳисобланади. ДХШ шаклини танлаш мезонлари 1-жадвалда келтирилган.

Давлат бошқаруви соҳасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ДШХдаги оппортунизм билан боғлиқ рисклар, ДХШ доирасидаги оппортунизмнинг табиати бошқача бўлсада, фақат хусусий фирма ва корхоналар қатнашувчи соф тижорат шерикчиликларидаги каби тенг кучли танқидий бўлиши мумкин.

1-жадвал

ДХШ лойиҳаларини танлашнинг асосий мезонлари (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

ДХШ шакли	Сиёсий мотивация	Харажатларни қоплаш	Меъёрий-ҳуқуқий асослар	Ахборот базаси	Давлат органининг бошқариш ва лойиҳани таҳлил қилиш қобилияти
Хизмат кўрсатиш бўйича шартнома	Паст	Паст	Заиф	Заиф	Ўртача
Бошқариш бўйича шартнома	Ўртача	Ўртача	Ўртача	Заиф	Ўртача
Лизинг	Ўртача	Юқори	Кучли	Кучли	Юқори
Концессия	Юқори	Юқори	Кучли	Кучли	Юқори
Қуриш – Бошқариш – Узатиш ва бошқа шакллар	Юқори	Юқори	Кучли	Кучли	Юқори

ДХШ инфратузилма объектларини яратиш билан боғлиқ лойиҳаларда одатда юқори мураккаблик даражаси ва активларнинг ўзига хослиги билан тавсифланади, чунки улар қисқа вақт оралиғи ва қатъий чегараланган бюджет билан ноёб объектларни қуриш билан боғлиқдир.

Бошқарув тузулмаси танловини таҳлил қилишдаги муҳим жиҳат уларни бир-бирининг ўрнини тўлдириши ҳисобланади. Бошқарув тузулмаси шериклар ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги механизмлар тўпламини ўзида ифодалаганлиги сабабли шериклик рискнинг мақбул даражасига эришиш ва харажатларни бошқариш учун маълум даражада ушбу механизмларнинг турли комбинацияларидан фойдаланиши мумкин. Энг аввало қуйидагилар ажратиб кўрсатилади [1]:

1. Акционерлик капиталидаги иштирокчи.
2. Шартномавий келишувлар.
3. Шерикчилик доираси.
4. Бошқарувнинг ишончли механизми.

Бошқарув механизмлари танлови ва ташкилий муаммолар ечимларидан қатъий назар ДХШ тузулмаси ва ташкилоти қуйидаги умумий тамойилларни ҳисобга олиши зарур:

а) ДХШ ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган. ДХШ, одатда, аҳолининг келгусида фойдаланиш учун ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ва бошқариш ёки хизмат кўрсатиш контекстида шакллантирилади. Масалан, аҳоли учун коммунал ва транспорт хизматлари, шунингдек, йўллар, аэропортлар, ИЭСлари, касалхоналар, қамоқхоналар, сув тозалаш иншоатлари каби инфратузилма объектлари. Ўзининг ижтимоий йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда давлат хизматининг муайян мажбуриятлари ва тамойиллари ДХШ доирасида лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун амал қилиниши ва бажарилиши керак.

Унверсаллик, узлуксизлик, тенг ҳуқуқчилик, жараёнда ва натижаларни баҳолашда адолатчилик, юқори сифатли хизмат кўрсатиш, хусусий агентнинг риск даражасига мос келувчи фойданинг мавжудлиги ҳамда фаолиятнинг очиқлиги каби тамойиллар хусусий секторга ўтказилаётганда асосий ҳисобланади.

б) ДХШ кўпинча узоқ муддатли келишувни ўзи ичига олади. Кўпинча лойиҳа реализациясининг турли босқичларидан (лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация) ўтувчи узоқ муддатли муносабатларни назарда тутди. Агар қурилиш ва молиялаштириш шартноманинг катта қисмини ташкил этса, лойиҳалар объектнинг бутун ҳаёти даврига уларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш истиқболи билан ишлаб чиқилиши, шунингдек, рискларни хусусий секторга самарали ўтказишни назарда тутиши

керак. Масалан, узоқ муддатга мўлжалланган тўғон учун ДХШ амал қилиш муддати мос келувчи шартномага эга бўлиши лозим.

в) ДХШ келишуви одатда лойиҳани тўлиқ ёки қисман молиялаштиришни ўзи ичига олади. Аксарият ҳолларда ДХШ келишуви лойиҳани хусусий шерик томонидан қисман ёки тўлиқ молиялаштириш шартини ўзида ифода этади.

Ностандарт лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, ушбу молиялаштириш билан боғлиқ механизмлар ўта мураккаб ва уларни стандартлаштириш қийин ҳисобланади. ДХШ доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳам ностандарт лойиҳалар қаторига киради.

Назарий жиҳатдан ДХШни хусусий молиялаштиришсиз ҳам шакллантириш мумкин бўлсада, хусусий шерикнинг лойиҳада ўз капитали билан қатнашиши ишнинг у томонидан сифатли бажарилишига туртки бўлади. Шу сабабли ДХШнинг хусусий сектордан капитални жалб қилиш орқали ташкил этилиши амалда ўзини оқлайди.

г) ДХШ ўлчовли натижаларга эришишга қаратилади. Етказилган бирлик учун тўлов амалга ошириладиган анъанавий давлат харидларидан фарқли ўлароқ ДХШ натижалар ва эришилган унумдорликка қараб рағбатлантирилади. Натижага қаратилган бундай ёндашув хусусий шерик учун рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратишга олиб келади, натижада хусусий шерик янада яхшироқ молиявий натижа олиш ва юқори умумдорликка эришиш имконини берувчи самарали ва инновацион усуллардан фойдаланади. Ушбу унумдорлик ва даромадлар эрта-кечми давлат органи кўзлаган ижобий натижага (одатда, аҳоли учун паст нархлар ҳамда хизматлар сифатининг ортиши шаклида) олиб келади.

д) Хусусий шерик рискнинг катта қисмини ўз зиммасига олади. Шартноманинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган турли хил рисклар уларни энг яхши бошқара оладиган томон, яъни шерикликдаги рискларни юмшата оладиган ҳамкор томонидан ўз зиммасига олиниши керак. Шунингдек, рискнинг томонлар ўртасида тақсимланиши келишув асосида амалга оширилади. Шериклик муносабатлари амалга оширилишида мулкый муносабатлар сезиларли даражада ўзгаради, молиялаштиришнинг янги моделлари юзага келади, бошқарувнинг янада самаралироқ усуллари пайдо бўлади. Шундай қилиб, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни узоқ муддатлик шериклик сифатида тавсифлаш мумкин. Бундай шериклик ўзининг иқтисодий табиати билан давлат ҳокимияти ва хусусий сектор ўртасидаги хўжалик алоқаларининг анъанавий механизмлари ривож ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат-хусусий шерикликнинг инвестицион воситалари ривожланиши иқтисодиётни стратегик мақсадларга мувофиқ диверсификациялаш ва пировардида аҳоли турмуш сифатини кўтариш имконини беради.

ДХШни ривожлантиришнинг инвестицион фаоллигини ошириш механизми моҳияти ва мазмунини аниқлаш мақсадида уларнинг қуйидаги шаклланиш йўналишларини ажратиш мумкин:

1) иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини инновацион ривожланишини таъминлаш моделига ўтиш;

2) барча вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг мавжуд усулларидан оқилона фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш;

3) иқтисодиёт ва ҳудудий инфратузилма ривожига инвестициялар ҳажмини ошириш асосида корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш;

4) асосий тармоқ корхоналари ва уларнинг инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантириш.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, биз, хизматлар соҳасида ДХШни ривожлантиришнинг инвестицион фаоллигини ошириш механизмининг алгоритминини таклиф қилдик.

Белгиланган шартлар иқтисодиёт ва бутун хизматлар соҳасининг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш учун асосий шарт-шароитлар бўлиб ҳисобланади.

ДХШ фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уни реализация қилишнинг самарали молиявий механизми қуйидаги ташкилий-иқтисодий муаммоларини урта асосий гуруҳи мавжуд.

1. Давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги соҳасида:

- ДХШнинг тегишли ҳуқуқий регуляторини йўқлиги;
- ДХШ асосида объектларни яратиш бўйича давлат сектори кутган натижалар ва хусусий сектор ташаббуслари ўртасидаги мувофиқликнинг мавжуд эмаслиги;
- республиканинг вилоят, шаҳар ва туманларида маҳаллий давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмаларининг ҳамкорлигидаги ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий муаммолар;
- мувофиқликнинг йўқлиги, рақобат муҳитининг етарлича шаклланмаганлиги, шаффоқликнинг йўқлиги;

2. ДХШ лойиҳа ва дастурларини молиялаштириш соҳасида:

– давлат ва хусусий жамғармалар, инвестиция жамғармалари ва бошқалар ҳисобидан ДХШни реализация қилиш жараёнида инвестициялар ажратишнинг турли шароитларидан фойдаланиш имкониятлари ҳақида етарлича кўниумаларнинг мавжуд эмаслиги;

– давлат секторининг инвестициялар қайтими бўйича жуда юқори натижаларни кутиши;

– узоқ муддатли инвестицияларга (инвестицион фондларга) бюджет маблағларини жалб қилишда давлат секторига қатъийтнинг етишмаслиги;

– молиявий институтлар (банклар ва бошқалари) томонидан инвестицияларни молиялаштиришнинг ностандарт имкониятлари тўғрисидаги билимларнинг етишмаслиги;

3. ДХШ лойиҳа ва дастурларини амалга ошириш соҳасида:

–инвестицияларни реализация қилишда давлат секторини паст даражада жалб қилинганлиги;

– давлат ва бизнес ўртасида ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқилмаганлиги;

–ДХШ лойиҳаларини реализация қилиш имконини берувчи бюджет маблағларини биргаликда ўзлаштириш бўйича ваколатли давлат органлари режаларининг мавжуд эмаслиги;

– инвесторлар учун таклифлар бериш бўйича ахборот таъминотининг заифлиги;

–инвестицион лойиҳаларни режалаштириш жараёнида давлат секторини раҳбарлик ролини заифлиги;

–инвестициялардан фойдаланиш ташаббуси, объект ва тартибини танлашнинг тайёргарлик босқичида маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги.

ДХШ ўртасида молиявий маблағларни бошқариш жараёнида юзага келувчи муаммоларни ҳал этиш методологияси корхоналар даражасида хўжалик муносабатларининг самарали иштирокчиси сифатида давлатнинг ўрнига янгича қарашни юзага келтиради.

Ҳозирги вақтда иқтисод ва ҳуқуқ фанида лойиҳани амалга ошириш бўйича бюджет ва хусусий капиталнинг молиявий потокларин бошқаришнинг муҳим ташкилий-иқтисодий механизмини назарда тутувчи ДХШнинг қуйидаги вариантлари тадқиқ қилинмоқда:

–инвестицион мажбуриятлар асосида келгусида бизнес фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида зарурий ер участкаси ёки ер участкаси бўлган корхона ҳамда мулк мажмуасини хусусийлаштириш;

– давлат ва хусусий секторининг қўшма иштироқи асосида устав капитали ва бошқарув фаолиятида янги корхонанинг мувофиқ ер участкаси ёки мавжуд ташкилотларда фаолиятни амалга ошириш;

– ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) корхонаси ёки ер участкасини концессия қилиш;

–инфратузилма объекти ва тегишли ер участкасини ишончли бошқарувга ўтказиш;

–кейинчалик мулкни ҳуқуқий жиҳатдан инвестицион мажбуриятлар асосида келгусида бизнес фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида зарурий ер участкаси ёки ер участкаси бўлган корхонани ижарага бериш;

– давлат корхоналари ва ташклотларини хизмат кўрсатиши доирасида давлат шартномалари бўйича товарларни етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш.

Инвестицион лойиҳаларни реализация қилиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур: инвестицион лойиҳани амалга оширишнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш; хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ва ташкилотларида инвестицион мавжуд рискларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш; инвестицион лойиҳаларни реализация қилиш даврида унинг манбаларини аниқлаш; маҳаллий ижро ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан инвестицион лойиҳаларни асослаш ва уларни экспертизадан ўтказиш; мамлакатда макроиктисодий ривожланиш бўйича инвестицион сиёсатнинг мақсад ва йўналишларини аниқлаш; мамлакатда турли даражаларда иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш; инвестицион дастурлар ва ДХШ лойиҳаларини реализация қилиш; инвестицион дастурлар ва ДХШ лойиҳаларини молиялаштириш.

Хулоса ва таклифлар:

1. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг асосий мақсади иқтисодий ўсишни таъминлаш ва замонавий сервис тизимини шакллантириш муаммоларини ҳал қилиш учун молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Шунга кўра, соҳада инвестицион лойиҳаларни жорий қилиш асосида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурларини амалга ошириш жараёнида муносабатларни шакллантириш давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатишга асосланган манфаатли ҳамкорликни реализация қилишнинг муҳим шарт-шароити ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, ушбу муносабатлар масъулиятли ва ўзига хос тавсифга эгадир.

2. ДХШ соҳасида инвестицион лойиҳаларни реализация қилиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур: инвестицион лойиҳани амалга оширишнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш; хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ва ташкилотларида инвестицион мавжуд рискларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш; инвестицион лойиҳаларни реализация қилиш даврида унинг манбаларини аниқлаш; маҳаллий ижро ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан инвестицион лойиҳаларни асослаш ва уларни экспертизадан ўтказиш; мамлакатда макроиктисодий ривожланиш бўйича инвестицион сиёсатнинг мақсад ва йўналишларини аниқлаш; мамлакатда турли даражаларда иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш; инвестицион дастурлар ва ДХШ лойиҳаларини реализация қилиш; инвестицион дастурлар ва ДХШ лойиҳаларини молиялаштириш.

3. Давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш муайян даражада умумий ёндашувларга эга бўлса-да, уларни реализация қилишнинг муҳим шарт-шароитлари ва омилларини ҳисобга олган ҳолда мазкур жараён алоҳида тартибда амалга оширилиши зарур. Инвестицион лойиҳаларнинг пировард самарадорлиги давлат, тадбиркорлик ва жамият ривожланишидаги тизимли муаммоларни ечишга йўналтирилган давлат ва ишбилармон доираларнинг умумий самарасини ҳисобга олган ҳолда баҳоланиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие. – М.: ГУ-ВШЭ, 2010.
2. Государство и бизнес: институциональные аспекты. – М.: ИМЭМО РАН, 2006. - С. 40.
3. Гэлбрейт, Дж.К. Экономические теории и цели общества = Economics and the Public Purpose (1973) / Под общ. ред. и с предисл. Н. Н. Иноземцева, А. Г. Милейковского. – М.: [Прогресс](#), 1976. – 408 с.
4. Кабашкин В.А. Формирование и развитие партнерских отношений государства и предпринимательских структур в Российской Федерации (управленческий аспект): автореф.. дис. докт. экон. наук:08.00.05/ В.А. Кабашкин.- М., 2007. - С. 23
5. Романова О.А. Теория и практика развития частно-государственного партнерства/ О.А.Романова // Вестник Уральского государственного технического университета. - 2007. - № 3. - С. 41.
6. Стырин Е.М. Международный опыт использования ГЧП для реализации проектов электронного правительства. – М.: «Издательский дом ВШЭ», 2010.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4329270>

8. Фролова Е.Д. Основные тенденции развития взаимоотношений государства и бизнеса/ Е.Д. Фролова // Вестник УГТУ-УПИ. - 2003. - № 7. - С. 31.
9. Шарингер Л. Новая модель инвестиционного партнерства государства и частного сектора / Л. Шарингер // Мир перемен. - 2004. - № 2. - С. 22.
10. Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019.
11. Холмунинов Ш.Р., Арабов Н.У., Насимов Д.А. Экономические механизмы структурной трансформации сельского хозяйства на основе привлечения инвестиций // Экономика и социум. Журнал. 2019. №11(66). Стр. 715-721.
12. Arabov N.U., Bobobekov B.Q. Directions of development of regional information system in the labor market // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Vol. 85, Issue 05, 2020, - P. 5.
13. Peters J.G, Pierre J. Governance Politics and the State (Political Analysis). – N.Y., 2000.

УЎК 330

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

И.Б. Хамрақулов, таянч докторант, Фарғона политехника институти, Фарғона

Аннотация. Мақолада яшил иқтисодиётга ўтишининг зарурати ва аҳамияти, яшил иқтисодиётни тузилиши ва унинг муҳим хусусиятлари, мамлакатларни ривожлантиришда, иқтисодий ўсишни барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти ёритилган. Қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқариш углерод чиқиндиларини камайитириш, энэргия тежамкорлигини таъминлаш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтилган.

Калим сўзлар: яшил иқтисодиёт, углерод оксиди, энергия тежамкорлиги, энэргия зичлиги, экологик ўзгаришлар, иқлим ўзгариши, яшил молиялаш.

Аннотация. В статье рассматриваются необходимость и важность перехода к зеленой экономике, структура зеленой экономики и ее важные особенности, ее значение в развитии стран, обеспечении стабильности экономического роста. При производстве возобновляемых источников энергии были подробно рассмотрены вопросы сокращения выбросов углекислого газа, обеспечения экологической экономики.

Ключевые слова: зеленая экономика, монооксид углерода, энергосбережение, плотность энергии, изменение окружающей среды, изменение климата, зеленые финансы.

Abstract. The article covers the need and importance of the transition to a green economy, the structure of the green economy and its important peculiarities, its importance in the development of countries, ensuring the stability of economic growth. The production of renewable energy sources has been addressed in detail to the issues of reducing carbon emissions, ensuring enegrian savings.

Keywords: green economy, carbon monoxide, energy conservation, enegria density, environmental change, climate change, green finance.

Кириш. Жаҳон амалиётида ҳудудларни барқарор ривожлантириш, уларнинг иқтисодий ҳамда экологик тизимларини ўзаро самарали уйғунлигида ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатлар ривожланиши бевосита ҳудудлар барқарорлигига боғлиқ бўлиб, мазкур масаланинг ижобий жиҳатлари инновацион иқтисодиётни кенгайтириш асосида ресурслардан оқилона ҳамда самарали фойдаланишни ўз ичига қамраб олмоқда. Жумладан, иқтисодиётда ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри ташкил қилиш, соҳа давомийлиги ва ўсишини таъминлаш ресурслар мавжудлигига боғлиқ. Бу эса, ҳудудларнинг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий ва экологик тизимларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган бошқарув қарорларининг самарали амал қилиши билан боғлиқдир.

Асосий қисм. Қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқариш углерод чиқиндиларини камайитириш CO₂, яшил технологияли иссиқхоналарни кўпайтириш, яшил технологиялар асосида сувни қайта ишлаб чиқиш ва етказиб бериш, “яшил” транспорт воситалари, автомобилларни электрлаштириш, “яшил” уй хўжаликлари, шаҳарларда тоза экологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигида экологик тоза, органик озик-овқатларни ишлаб чиқариш бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

“Яшил” иқтисодиётни шакллантириш ва унинг барқарор ривожланишига ўтиш глобал даражада ҳам, Ўзбекистон учун ҳам устувор вазифалардандир. Барқарор ривожланиш концепцияси инсоният келажаги учун муҳим манба бўлиб, у БМТнинг қарор ва ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Барқарор ривожланишнинг иқтисодий-экологик асоси, бу “яшил” иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Ҳозирги беқарор тенденцияларни бартараф этиш учун 2015 йилда БМТнинг 2030 йилгача бўлган давр учун 17 та “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларининг ўзига хос мезонлари аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрь, ПҚ-436-сон “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори билан “Ўзбекистон яшил иқтисодиётга ўтиш мақсадлари белгиланди. Мазкур Қарорга кўра 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида «яшил» ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш борасида аниқ мақсадлар белгиланган бўлиб, “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш” дастури қабул қилинди. Шунингдек, иссиқхона газларини ЯИМга нисбатан аввалги йиллардаги даражага нисбатан 35 фоизга қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мақсад этиб белгиланди. 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш бўйича 2030 йилга қадар Ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия ҳажмини *30 фоизга камайтириш (2021 йилга нисбатан)*, Саноатда электр энергияси истеъмоли, умумий истеъмолдаги улушини 20 фоизга камайтириш, Қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушини 30,5 фоизга кенгайтириш (*гидроэнергетика билан бирга*), «Яшил макон» лойиҳаси доирасида шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоизга кенгайтириш (*аҳоли пунктининг умумий майдонига нисбатан*) *кўрсаткичлари белгиланди.*

Кейинги ўн йилликда “Яшил иқтисодиёт” халқ турмуш тарзини яхшилашда, реал даромадларини оширишда сезиларли таъсир кўрсатди. Аммо “Яшил иқтисодиёт” тўла шаклланиши ва ривожлангани йўқ, унинг таъсир даражаси ҳозирча чекланган, ресурсларнинг танқислиги шароитида тўхтовсиз ўсиб, кенгайиб бораётган халқ эҳтиёжларини тўла қондира олмаяпти, шу боис жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, барқарор ривожланиш асосига айланиб улгурмади.

Яшил иқтисодиётнинг зарурати, унинг хусусиятлари, саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш, энергия тежмкорлигини таъминлаш масалалари Ўзбекистон иқтисодиётини ислох қилиш жараёнининг бир қисми бўлиб, атроф-муҳитни ҳимоялаш, барқарор ривожланишни таъминлашда мамалакат иқтисодиётида алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда “яшил тараққиёт” борасидаги мақсадларга эришиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Яшил иқтисодиёт деганда, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарур бўлган ресурсларни, атроф-муҳит ва экологияни бир бутун ҳолда сақлаб қолиб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган иқтисодий фаолиятнинг янги йўналиши тушунилади.

Яшил иқтисодиёт тушунчаси ХХ-аср охирида пайдо бўлиб, иқтисодиётда инсон иқтисодий фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш зарурлигини таъкидлайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам иқтисодий ўсишга эмас, балки барқарор ривожланишга эътибор қаратадиган тенденция. муҳит. Ушбу тенденция тарафдорлари иқтисодиёт ўзи мавжуд бўлган ва унинг бир қисми бўлган табиий муҳитнинг боғлиқ таркибий қисми деб ҳисоблашади.

Жумладан М.А. Гурьева ўзининг тадқиқотларида “Яшил” иқтисодий ривожлантиришда бир қатор муаммоларни келтириб, уларнинг ечимлари сифатида атроф – муҳитга салбий таъсир кўрсатганлик учун жарималарни жорий этиш; захарли моддаларни чиқаришни камайтириш; атроф-муҳитга етказилган зарарни тиклаш амалиётини жорий этиш зарурлигини айтиб ўтган. Мазкур чора – тадбирларни амалга ошириш аҳоли фаровонлиги ва яшаш сифатини оширишга олиб келади. Яшил иқтисодий инсонларни соф экологик хизматлар ва маҳсулотлардан фойдаланишига ёрдам беради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни молиявий маблағларсиз амалга ошириш мумкин эмаслиги туфайли алоҳида “Яшил” молиялаштириш тизимини яратиш зарурати пайдо бўлди. Шу сабабли Буневич, К. Г. ва Горбачева Т. А. ўзларининг тадқиқотларида “Яшил молия”, Яшил инвестициялаш” тушунчаларини илгари сурдилар. Янги “Яшил” молиявий воситалар нафақат улардан фойдаланишдан иқтисодий фойда олиш, балки атроф-муҳит ва иқлим муаммоларини ҳал қилиш ва уни муҳофаза қилиш учун мўлжалланган, деган фикрни келтиришган.

Zhang D. ва бошқаларнинг тадқиқотларида яшил иқтисодий самарадорлик, Дурбин модели, яшил иқтисодий тоза энергиянинг роли, яшил иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

А. Мидилли, И.Динсер, М. Айлар ўз тадқиқотида барқарор ривожланиш учун яшил энергия стратегияларини таклиф этишган. Барқарор энергия стратегиялари яшил энергия (масалан, шамол, қуёш, сув тошқини, биомасса) кўп ишлаб чиқариладиган мамлакатлар иқтисодий муҳим ҳисса қўшиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли, яшил энергия таоминоти ва ривожланишига инвестициялар ҳукумат ва бошқа органлар томонидан экологик хавфсизроқ ва барқарор келажак учун ёқилларни яшил энергия билан алмаштириш учун раъбатлантирилиши керак эканлиги асослаб берилган.

Германияда яшил энергия бозорини ривожлантириш: самарали давлат сиёсати ва ривожланаётган мижозлар талабини ўрганиш бўйича Р. Вүстенхаген, ва М. Билҳарз тадқиқот олиб борганлар. Уларнинг тадқиқотларида қайта тикланадиган энергия бозорини шакллантиришда энергия сиёсати ва яшил энергия маркетингининг нисбий аҳамиятини ўрганилган. Мижозлар талабига асосланган яшил энергия маркетинги ўсиб бормоқда, аммо ҳозиргача чекланган ўлчов таъсирига эга. Тадқиқотда яшил энергия маркетингининг потенциал номоддий фойдалари ва келажакда бозорни ривожлантириш сценарийларини муҳокама қилинган.

Ҳозирги вақтда Хитой ҳар томонлама яшил ривожланиш режимига ўтмоқда ва яшил энергия самарадорлигини ошириш ушбу трансформациянинг асосий таркибий қисмидир. М. Менг, Д. Қулар ўз тадқиқотларида Хитойдаги вилоятларнинг яшил энергия самарадорлигини Супер-СБМ ва ГМЛ таҳлили орқали тушунтиришган. 2011–2018 йиллардаги якуний маълумотларидан фойдаланган ҳолда, ушбу тадқиқот Хитойнинг 29 вилоятларнинг яшил энергия самарадорлигини ҳисоблаш учун Супер-СБМ (Сласк-Басед Модел) ва самарадорлик ўзгаришини тушунтириш учун ГМЛ (Глобал Малмуист-Луенбергер) индекс усулини қўллайдилар.

Хулоса. Фикримизча, юқорида келтирилган таърифлар ҳар бир тушунча моҳиятини англашга ёрдам бергани ҳолда, ўз навбатида маълум аниқлик киритишни талаб этади. Яшил иқтисодий бу иқтисодий тизим бўлиб, унинг асосий мақсади сайёрамизнинг экологияси ва уни сақлаб қолиш билан бирга иқтисодийнинг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодийга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарори.

2. Махкамова М.А. Инновационная энергетика Узбекистана. “Энергетика глазами молодежи” IV Международная научнотехническая конференция. 14-18 октября 2013г.

3. Аллаев К.Р. Энергетика мира и Узбекистана. -Т. Молия, 2007, 388 с.

ПРИНЦИПЫ ОРГАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ТУРИЗМА И ОСОБЕННОСТИ ИХ ПРИМЕНЕНИЯ

Д.Ходжаева, старший преподаватель, Бухарский государственный университет, Бухара

Аннотация. Ушбу мақолада аграр туризмни ривожлантириши бўйича жахон тажрибаси ўрганилган. Туризмнинг ушбу турини ривожлантиришининг афзалликлари баён этилган. Ривожлантириши тамойиллари ва иқтисодийтимиз учун хусусиятлари изоҳланган. Берилган хулосалар, уларнинг натижалари Ўзбекистон ҳудудларида пандемиядан кейинги шароитларда аграр туризмни ривожлантиришининг устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишида фойдали бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: қишлоқ туризми, инфратуризм, қишлоқ меҳмондўстлиги, туризм хизматлари, аҳоли даромадлари, туристик қишлоқ, экотуризм.

Аннотация. В данной статье изучен мировой опыт развития сельского туризма. Отражены преимущества развития данного вида туризма. Проведён анализ принципов развития данного вида туризма, и особенности для нашей экономики. Сделаны конструктивные выводы, результаты которых могут быть полезными при разработке мер по приоритетным направлениям развития сельского туризма в условиях пост пандемии в регионах Узбекистана.

Ключевые слова: сельский туризм, инфраструктура, сельское гостеприимство, туристические услуги, доходы населения, туристическая деревня, экотуризм.

Abstract. In this article, the world experience in the development of rural tourism is studied. The advantages of the development of this type of tourism are reflected. An analysis of the principles of development of this type of tourism, and features for our economy. Constructive conclusions are drawn, the results of which may be useful in developing measures in priority areas for the development of rural tourism in the context of a post-pandemic in the regions of Uzbekistan.

Keywords: rural tourism, agro tourism, infrastructure, rural hospitality, tourism services, incomes of the population, tourist village, economic growth, ecotourism.

Сельский туризм является одним из неотъемлемых и востребованных сегментов туристской индустрии [1]. Особенность его организации, интеграция различных видов деятельности обуславливает специфическую роль в достижении динамичного развития сельских территорий и туризма в целом. Традиции, культура, быт и образ жизни сельского населения являются основным, незаменимым туристическим потенциалом, который следует сохранить.

Одним из ключевых принципов сельского туризма является сельское гостеприимство. В отличие от гостиниц, в сельском туризме гости едут не в какое-то здание с определенным набором удобств, а к конкретному человеку. Атмосфера сельского гостевого дома всегда очень личностная, уютная: важно, чтобы гости чувствовали себя как в гостях у близких людей или у давних знакомых. Если объекту (принимающей стороне) удастся этого добиться, считайте, полдела сделано – гости вернутся к нему еще раз и будут рекомендовать его друзьям и знакомым. Рассказывая о своем путешествии, они будут показывать фотографии принимающей семьи, рассказывать о том, как они общались, чем живут. Они будут вспоминать, писать или звонить, подружатся в социальных сетях. Важны гостеприимство, открытость и искренность.

Следующий принцип – это традиционная и самобытная кухня села. Без вкусной и сытной еды в сельском туризме не обойтись. Атмосфера сельской местности, то есть пребывание на чистом воздухе, окружение, природные ландшафты способствуют этому. Сегодня туристы, побывавшие в разных странах и регионах, становятся все более требовательны к питанию – не в том смысле, что необходимы ресторанные блюда и стандарты, а в том, что пища должна быть натуральной (экологически чистой), приготовленной по возможности из выращенных на приусадебном участке продуктов. Гости с удовольствием попробуют семейное «фирменное»

блюдо, рецепт которого традиционен, овощи с огорода, молоко и молочные продукты, произведённые местным населением, фрукты, собранные с деревьев.

Личное подсобное хозяйство или производство продуктов питания на дому. Очень важная составляющая сельского быта [2]. Сельский туризм – это чаще всего дополнительный вид деятельности для семьи, не единственный (и часто не основной) источник дохода. Неважно, чем именно занимается принимающая семья: сельским хозяйством, производством молока (молочных продуктов) или другим производством какой-либо продукции – ее образ жизни, как правило, сильно отличается от образа жизни горожан, которые приезжают на отдых в деревню. Для них это сфера новая, неизвестная, а поэтому очень любопытная. Если гости проявляют интерес к тому, чем живет хозяин, нужно рассказать и показать им, что он умеет. Кто-то захочет поучаствовать, помочь – надо предоставить им такую возможность, разумеется, создавая все условия соответствующей безопасности технологического процесса. Для туриста именно сельский быт, с его восприятием может стать самым ярким впечатлением от поездки.

Небывалый внешний и внутренний облик объекта. «Классический» сельский туризм должен быть ориентирован на сохранение традиционной культуры. Там, где еще сохранились старинные сельские дома и постройки, свойственные определённому региону (деревянные, саманные, глиняные и пр.), крайне рекомендуется не разрушать их, а реставрировать с сохранением традиционных материалов, интерьеров, внешнего вида и использовать для работы с туристами. Нет необходимости «украшать» старый дом современными техническими новшествами облицовки (пластик, сайдинг, яркий профнастил). Если же старинные постройки не сохранились, необходимо создать подлинные дехканские дома, оформлять их внутри и снаружи в соответствии с традициями местного населения, народа, семьи.

Новые знания и навыки. Сегодня туристам зачастую недостаточно просто поесть, переночевать и сходить в баню. Люди путешествуют для того, чтобы увидеть и узнать что-то новое, показать детям, как живут в других регионах, в сельской местности, научиться чему-то новому. Территории конкурируют между собой, предлагая гостям необычный опыт и яркие впечатления. Необходимо создать интересную программу, которая может чему-то научить и заинтересовать городских гостей, это могут быть экскурсии, мастер-классы, поездки по сельским достопримечательностям. Наличие продуманной программы для гостей – это то, что отличает сельский туризм от простого отдыха в сельской местности.

Сельский туризм, в современном его понимании, можно рассматривать как возможность диверсификации сельскохозяйственной деятельности, которая обеспечит возможность для дальнейшего развития сельского хозяйства в целом. Поэтому изучение мирового опыта организации этой разновидности туризма становится актуальным, как с точки зрения определения возможных направлений развития, так и с точки зрения поиска новых, возможных только в Узбекистане, форм организации сельского туризма.

С экономической точки зрения, сельский туризм — это прежде всего способ решения социальных проблем села, такие как создание рабочих мест и за счёт этого повышение доходов сельского населения, сохранение сельского быта, традиций и культуры, поддержки фермеров, и только уже во вторую очередь — инструмент развития внутреннего туризма.

Необходимо отметить следующее, в Узбекистане за последние годы наблюдается отток населения из сельской местности в города. Статистический анализ свидетельствует о том что, если в 2008 году основная часть населения Республики Узбекистан - 65,2% проживала в сельской местности, то в 2022 году уменьшилось и составило – 49,2 % населения.

Данная тенденция является следствием урбанизации и отчасти относительно более лучших социальных и бытовых условий в городской местности.

В качестве факторов успеха для развития данной сферы необходимо назвать, прежде всего, политическую поддержку сельского туризма со стороны государства. Это объясняется тем, что сельский туризм изначально рассматривался в качестве социального амортизатора при реструктуризации аграрного сектора экономики, позволяя перевести избыток трудовых

ресурсов в альтернативный сектор производства услуг и создавать новые рабочие места в сельской местности.




Диаграмма № 1. Соотношение городского и сельского населения в Республике Узбекистан [3]

Другим важнейшим фактором успешного развития сельского туризма как сектора туристской индустрии стало то, что туристический продукт отвечал запросам нового потребителя со средним достатком, который составляет крупнейший сегмент платежеспособного спроса.

Кроме этого необходимо отметить, что микроэкономическая модель сельского туризма оказалась весьма эффективной. Производство туристического продукта, по сравнению с другими секторами туристической индустрии, выглядит достаточно мало затратным. Это означает, что сельский туризм может конкурировать по показателю «цена - качество» с другими туристическими продуктами.

В действительности сельский туризм является одним из основных экономических инструментов и перспективных направлений развития сельских территорий. Преимущества сельского туризма заключаются в следующих составляющих:

- сокращение уровня безработицы, стимулирование создания новых рабочих мест в сельской местности, что очень немаловажно в настоящее время для экономики Узбекистана. Поскольку одним из причин оттока населения из сельской местности является, отсутствие новых рабочих мест;

- рост доходов и повышение жизненного уровня сельских жителей при относительно небольших финансовых затратах. Необходимо отметить что одним из основных источников доходов населения сельской местности – это доходы от внешней миграции. Пандемия и сопутствующее с ней частичное закрытие границ, повлияло на уменьшение данного источника дохода.

- улучшение благоустройства села, развитие инженерной и социальной инфраструктуры. В реальности, почти в большинстве сельских местностях существуют проблемы с развитием инфраструктуры, благоустройства села. Очень часто финансирование данных программ осуществляется за счёт государственного финансирования (частное почти отсутствует). Если создать необходимые условия, то данный вид туризма способен решить проблемы благоустройства и развития инфраструктуры сельской местности.

- развитие малого предпринимательства на селе, а также экологической привлекательности сельской местности. Малое предпринимательство - это одно из составляющих рыночной экономики. Развитие его на селе приведёт к уменьшению социальных различий города и села. В условиях же пост пандемии, фактор экологической привлекательности становится очень актуальным.

- расширение ассортимента продукции приусадебного хозяйства (личного подсобного хозяйства). Это приведёт к росту доходов сельского населения, а фактор «экологически чистая продукция» будет всегда востребованной.

- реализация на месте продукции личного подсобного хозяйства, в частности, готовых продуктов питания (что особо ценимо для приезжих). Сельские гостевые дома с личным подсобным хозяйством всегда будут вызывать интерес у горожан.

▪ стимулирование охраны местных достопримечательностей, сохранение местных обычаев, фольклора, народных промыслов. К сожалению, реалии современного развития, урбанизация способствуют обесцениванию именно ценностей, обычаев, традиций местного населения. Народные промыслы, в экономическом аспекте, экономически невыгодны из-за использования ручного труда, отсутствия технологического фактора в процессе производства.

▪ повышение культурно-познавательного уровня сельского населения. Возрастает потребность в изучении иностранных языков, улучшение качества предоставляемых услуг и т.д.

▪ пополнение местных бюджетов посредством дополнительных поступлений. И эти поступления связаны с развитием данного вида туризма на региональном уровне.

Бу, банк бошқа кўрсаткичлардан фойдаланадиган талаб қилинадиган қийматларни таъминлашнинг асосий кўрсаткичидир, хусусан:

- банк эгаллаган (бошқарадиган) банк (кредит) хизматларининг бозор улуши;
- кредит хизматларининг айрим турлари бўйича рентабеллик кўрсаткичлари;
- кредит портфелининг тузилиши (айрим кредит турларининг умумий кредит портфелидаги улуши);
- ўрганилаётган банк хизматларининг мижоз томонидан истеъмол қилинган банк хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши (шу жумладан бошқа банкларнинг хизматлари);
- мижозлар ҳисобварағидаги ўртacha қолдиқларнинг кўпайиши / камайиши ва мижозлар ҳисоб рақамларининг кўпайиши / камайиши (банкнинг ресурс базасида ўсиш / пасайишни тасвирлайди).

Айнан юқоридаги принципларга риоя қилиш кредит сиёсати самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир. Бундан ташқари, кредит сиёсатининг максимал самарадорлиги (унинг мақбуллиги) банкдаги хатарларни бошқариш банк ривожланишининг ушбу босқичида тижорат банки учун рентабеллик ва ликвидликнинг мақбул нисбатини таъминлаш учун етарли бўлганда амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, банк нормал фойда ва зарур ликвидликни таъминлаш учун фақат оқилона таваккал қилиши керак. Самарали кредит сиёсати ўта хавфли бўлиши мумкин эмас, чунки бу банкнинг ишончлилигига зарар етказди.

Ўз навбатида, кредит сиёсатининг самарадорлиги кредит хизматларининг самарадорлигини белгилайди - агар кредит сиёсати самарали бўлса, демак кредит хизматлари самарали бўлади.

Банкдаги кредитлаш ишларини сон жиҳатдан тавсифловчи кредит хизматлари самарадорлигининг кўрсаткичлари бу кредит портфели рентабеллиги кўрсаткичлари ва кредит хизматлари, шунингдек уларнинг таваккалчилигини тавсифловчи кўрсаткичлар - хизмат учун фойдасиз портфел кўрсаткичлари. (портфелдаги умидсиз кредитларнинг улуши).

Кўриниб турибдики, банк хизматларининг рентабеллиги қанчалик юқори бўлса, самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Шу билан бирга, кредит сиёсатининг ишончлилиги принципага амал қилган ҳолда, бир вақтнинг ўзида банк учун хизматлар хавфини мақбул даражада ушлаб туриш зарур.

Таҳлилчилар томонидан кенг қўлланиладиган бошқа кўрсаткичлар: фоиз ставкаси нисбати; фоизсиз даромад/харажатлар даражасини тавсифловчи коэффициентлар. Умуман олганда, банк хизматлари рентабеллигини таҳлил қилишда фойдаланиладиган кўрсаткичларнинг асосий қисми ҳар хил турдаги коэффициентлардир.

Ушбу кўрсаткичларнинг барчаси нафақат вақтнинг маълум бир нуқтасида, балки динамикасида ҳам таҳлил қилинади.

Кредит хизматлари самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш сифатини ошириш учун муаллиф позициясидан келиб чиқиб, иккита муаммони ҳал қилиш керак:

1. хизматларнинг рентабеллигини баҳолаш учун ишлатиладиган кўплаб коэффитсиентларда қандай умумий белгилар ва хусусиятлар мавжудлигини аниқлаш.

2. 1-банд натижалари асосида кредит хизматлари рентабеллигини ҳар томонлама ва энг объектив баҳолашни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тизимини яратиш.

Келинг, аввал рақамни, сўнгра махражни таҳлил қилайлик.

Нумератор банк даромадлари, харажатлари ва фойдаларининг турли хил кўрсаткичларини ўз ичига олади, улар молиявий база томонидан тақдим этилган, шу каби даромадларни олишга имкон берадиган ёки тегишли харажатларни ҳисобга оладиган ажратувчи билан боғлиқдир.

Шунингдек, банкнинг ҳар хил турдаги даромадлари ва харажатлари, бундай даромад ва харажатларни олиш учун базанинг кўрсаткичлари - капитал, активлар, айланма маблағлар миқдори, банкнинг кредит портфелини ўзаро боғлаш мумкин.

Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган асосий кўрсаткичлар фонда матрицада белгиланади. Қолган кўрсаткичлар оралиқ бўлиб, асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун зарур ёки муҳим иқтисодий таркибга эга эмас.

Муҳим савол шундаки, нега баъзи кўрсаткичлар (коэффициентлар) "асосий" деб номланади, кўпинча ишлатилади, бошқа коэффициентлар эса унчалик аҳамиятли эмас?

Жавоб шундан иборатки, ҳар қандай коэффициент кўрсаткич, коэффициентнинг нумератори ва махражидаги функционал, статистик ёки бошқа сабабий боғлиқлик ёки боғлиқлик мавжуд бўлганда тушунарли бўлади.

Ана шунда маълум бир вақт учун ҳисобланган коэффициент ушбу қийматларнинг барқарор нисбатини кўрсатади, ундан банкнинг молиявий ҳолатини, унинг фаолияти ва хизматларининг самарадорлигини келажакда, ҳатто мутлақ қийматлар мавжуд бўлганда ҳам баҳолаш мумкин. Нумератор ва/ёки махражнинг ўзгариши.

Кўрсаткичларнинг моҳияти ҳақида баъзи шарҳлар.

Банк амалиётида фоизсиз харажатларнинг фоизсиз даромаддан ошиб кетиши "юк" деб номланади ва қоида тариқасида, миждозларга хизмат кўрсатишдан олинган фоизли даромад билан қопланади. Ишнинг бу ҳолати нормал деб ҳисобланади ва банк асосий фойда манбаи сифатида кредит операциялари ва хизматларига аниқ йўналтирилганлигини кўрсатади, асосий хизматлар эса ёрдамчи бўлиб, банк ўзининг асосий функциясини бажаришига имкон беради.

Мантиқий савол шундаки, қасрнинг нумератори кўрсаткичларини ва унинг махражининг кўрсаткичлари билан қандай боғлиқлик мавжуд? Дарҳақиқат, ҳисоблаш базаси (деноминатор) сифатида, масалан, банк капитали ҳам, унинг активлари ёки айланма активлари ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Активларнинг (ишчи воситаларнинг) маълум миқдорга кўпайиши билан коэффициент нумераторининг тегишли кўрсаткичи коэффициент қийматига мутаносиб равишда кўпаяди деб тахмин қилиш мумкин. Масалан, барча активлар учун ROA 3% ни ташкил қилади. Банк активлари йил давомида 100 миллион АҚШ долларига ошди. Шунда сиз банк фойдасининг $100 \text{ миллион} \times 3\% = 3 \text{ миллион АҚШ долларига}$ ча кўпайишини кутишингиз мумкин.

1999 йилдан бери етакчи хорижий банклар амалиётида, масалан: BNP Paribas, Societe Generale (Франция), The Bank of New York, First Union Wachovia (АҚШ) банкларида банк фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун гудвил қийматини ҳисоблаш ёъли билан кўрсатишда - банкнинг банк хизматларини этказиб берувчиси сифатида ишбилармонлик обрўсининг бозордаги қиймати, бу банкнинг устав капиталининг бозор қийматининг унинг соф активлари қийматидан ошиб кетиши ёндашувдан фойдаланилмоқда.

Ушбу банклар амалда ҳанузгача етарли назарий асослаш ва ўрганишни топмаган қуйидаги усулни қўллайдилар, яъни: вақт ўтиши билан ўзгариб турувчи гудвил қийматининг

куйидаги омилларга статистик боғлиқлиги - банкнинг даврдаги ялпи даромадининг ҳажми, солиқ олдида соф фойда миқдори, 1 акция, ROE ва ROA учун ҳисоблашда дивиденд миқдори. Кўрсатилган боғлиқликлар жуфтликда ўрганилади.

1999 йилда [1] олинган Франциянинг BNP Paribas (ўша пайтдаги Paribas) банкининг тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банкнинг даврдаги ялпи даромади, солиқдан олдинги соф фойда миқдори ва ҳар бир акция учун дивиденд миқдори, ROE ва ROA қийматлари ва гудвил қийматининг ўзгариши тўғридан-тўғри 0,5 дан 0,92 гача бўлган уланиш коэффициенти билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, ушбу кўрсаткичларнинг ўсиши билан гудвил қийматининг деярли мутаносиб ўсиши кузатилмоқда. Агар банк асосий даромадларини хизматларни сотишдан олади деб ҳисобласак, демак гудвил кўрсаткичи аслида банк хизматлари самарадорлигининг яна бир кўрсаткичидир.

Кредит хизматлари самарадорлигини баҳолаш учун йиғма кўрсаткичга эҳтиёж аниқ. Бундай кўрсаткич баъзи банкларнинг кредит хизматлари самарадорлигини бошқалар билан таққослаш, банк назоратини амалга оширишда, банк депозитларини суғурта қилиш тизимига банкларни танлашда, маҳаллий ва хорижий инвесторлар ва рейтинг агентликлари томонидан банк сектори рейтингларини тузишда ва ҳар томонлама баҳолаш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин.

Макроиқтисодиёт нуқтаи назаридан банк секторининг кредит хизматлари самарадорлиги аҳолининг кредит хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш даражаси сифатида аниқланиши мумкин, яъни: ушбу турдаги кредитлар ҳажмини иқтисодиёт томонидан ушбу турдаги кредитларга бўлган эҳтиёж миқдорига бўлишнинг миқдори сифатида. Ушбу кўрсаткич 100 фоизга қанчалик яқин бўлса, банклар иқтисодиётга ўз хизматларини кўрсатишда шунчалик самарали бўлишади.

Хулоса ва тақлифлар. Банклараро соғлом рақобатнинг кучайиши шароитида тижорат банклари барқарор ривожланишида улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тижорат банклари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва банклараро рақобат кураши янги талаблари асосида уни такомиллаштириш масалалари тадқиқига янгича ёндошув куйидагиларга имкон беради:

Тадқиқот натижаларига кўра, банк фаолиятида юзага келувчи рискларнинг ҳеч бири ўз қобилигига ўралган ҳолда алоҳида юзага келиши мумкин эмас. Кредит самарадорлигининг кескин пасайиб бориши, кредит рискларини вужудга келтириши, бу риск эса, ўз навбатида, даромад ололмаслик, тўлов қобилиятини йўқотиб қўйиш (банкротлик) каби банк фаолияти учун хавфлилик даражаси юқори бўлган рискларни келтириб чиқариши мумкин.

Инвентаризация натижасига қараб, фоиз тўловларини ўз вақтида бажара олмаётган миждозлар гуруҳи кредит ва даромад ололмай қолиш rischi сифатида баҳоланиб, рискдан муҳофазаланиш тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим. Фикримизча, бундай тадбирлар сифатида ҳудудий банкларда фаолият юритиши давр талаби бўлган рисклардан муҳофазаланиш, бошқариш тизимини ташкил этиш зарур. Бу бошқарув тизими рискларнинг келиб чиқиш мезонларига қараб белгиланади, яъни биринчи блок – кредит рискларини бошқариш тизими, нобаланс ликвидлилик натижасидаги рискларни бошқариш тизими, операцион, фоиз, даромадлиликни йўқотиш, шунингдек (комплекс) ялпи бошқарув тизим блокларига, иккинчи блок тизимига эса тизим ости бошқарув блокига бўлинади, яъни хусусий рисклар ва ялпи рисклар билан ишлаш бошқарув блокларига ажратиш мумкин. Мазкур тадбирларни амалга ошириш, фикримизча, банк фаолиятига салбий таъсир этувчи барча рисклардан ва энг асосийси, кредит рискларидан муҳофазаланиш имкониятини беради, деб ўйлаймиз;

- амалдаги қонунчиликда гарчи мажбурият ижроси таъминотлари иккиламчи манбаларга доир мукамал қонун ва қоидалар белгиланган бўлса-да, амалиётда кредитор талабини таъминотга қаратиш жараёнида юзага келаётган муаммолар ечимини топиш учун банк ходимларининг таъминот предметлари билан иш юритиш малакаларини ошириш мақсадида: таъминот

предметларининг турлари, уларни амалиётга татбиқ этишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва техник жиҳатлари мужассам бўлган услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши ҳамда мазкур қўлланмалар асосида банк ходимлари учун малака ошириш курслари ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир; мажбурият ижроси таъминотнинг иккиламчи манбаи бўлган “кафиллик” билан таъминланганда мажбурият бажарилмаслигини ёки лозим даражада бажарилмаслигини вужудга келтирувчи салбий ҳолатлар келиб чикмоқда;

- оғир экологик муҳит таъсирида бўлган хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари ривожланишида кредитларнинг роли ва самарадорлигини ошириш йўлларида бири сифатида лизинг берувчилар томонидан устама фоизларни қолдиқ қийматга нисбатан ҳисоблаб бориш тартиби ўрнига, лизинг берувчининг фоизли даромад ставкасини бир йўла лизинг қиймати таркибига (савдо устамаси шаклида ёхуд лизинг объектини ишлаб чиқарувчининг нормал фойдасидан улуш олиш ҳисобига) киритиш ва лизинг тўлови асосида бир меъёрда ундириб бориш тартибини жорий этиш.

Хулоса қилиб айтсак, тижорат банкларида кредит самарадорлигини ошириш стратегияларининг сифати уларни амалга оширишда фаол иштирок этадиган банк тизими ходимларининг малакаси ва касбий лаёқатига ҳар томонлама боғлиқ. Шунинчун мамнуният билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда кўплаб дунё мамлакатлари, ҳатто ривожланган мамлакатлардаги ҳам фарқли равишда тижорат банкларининг кредит самарадорлигини оширишни давлат орқали қўллаб-қувватлаш тизими ривожланган бўлиб, бу келажакда мамлакатиз иқтисодиётида рақобатбардош ва ҳар томонлама жаҳон банк хизматлари бозори талабларига мос келувчи тижорат банклари тизимини ривожлантиришга муҳим туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Банковское дело: учебник, под редакцией О.И. Лаврушина. – 12-е издание, стереотипное. – Москва: КНОРУС, 2016. – 800 с. – ISBN 978-5-406-04591-6
2. Большой экономический словарь: 19000 терминов под редакцией А.Н. Азрилияна. – 2-е издание, переработанное и дополненное. – Москва: Институт новой экономики, 1997. – 856 с. – ISBN 5-89378-001-9.
3. Заболоцкая, В.В. Система кредитования субъектов малого предпринимательства / В.В. Заболоцкая // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 5: Экономика. – 2011. – № 3. – С. 16-24. – ISSN 2410-3683.
4. Крылова Л.В. Экономические и социальные функции банков / Л.В. Крылова // Труд и социальные отношения. - 2015. - №6. - С. 34-46.
5. Конягина М.Н. Банки с государственным участием в банковской системе Российской Федерации / М.Н. Конягина // Автореферат... д-ра экон. наук: 08.00.10 - «Финансы, денежное обращение и кредит». - СПб.: СПбГЭУ, 2013. - 43 с.
6. Киреева, И.В. Особенности финансовой аналитики в управлении банком с государственным участием / И.В. Киреева // Диссертация... кандидата экон. наук: 08.00.10 - «Финансы, денежное обращение и кредит». – Москва: Институт экономики РАН, 2011. - 191 с.
7. Лаврушин О.И. Роль кредита в экономическом развитии / О.И. Лаврушин // Банковское дело. - 2011. - № 2. - С. 32-38.
8. Пашенко, Е.В. Современный механизм банковского кредитования малого предпринимательства: специальность 08.00.10 «Финансы, денежное обращение и кредит»: диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук / Пашенко Елена Витальевна. Государственный университет управления. – Москва, 2015. – 191 с. – Библиогр.: с. 159-171.
9. Соколов Б.И., Соколова, С.В., Валеров, А.В. Игры банковских договоренностей / Б.И. Соколов, С.В. Соколова А.В. Валеров // Проблемы современной экономики. - 2018. - № 1 (65). - С. 87-92.
10. Тихомирова, Е.В. Сущностные характеристики кредита и кредитных отношений / Тихомирова Е.В. // Деньги и кредит. - 2015. - № 3. - С. 54-58.
11. Трошин, А.Н. Финансы и кредит : учебник / А.Н. Трошин, Т.Ю. Мазурина, В.И. Фомкина. – 2-е издание, дополненное. – Москва: ИНФРА-М, 2013. – 331 с. – ISBN: 978-5-16-006621-9.
12. О.В. Курныкина, Н.Э. Соколинская. Бухгалтерский учет в коммерческих банках: учебник / — Москва: КНОРУС. — 368 с.
13. Абалкин Л.И., Панова Г.С. Учебник: Банки и банковский бизнес в глобальной экономике. Москва: МГИМО-Университет, 2018. ISBN: 978-5-9228-2202-2.
14. Ш.З.Абдуллаева. Дарслик: Пул, кредит ва банклар. Тошкент-Молия. 2000.

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

*Г.И.Шарофиддинова, таянч докторант, Наманган муҳандислик–қурилиш институти,
Наманган*

Аннотация. Мақолада аёллар тадбиркорлигининг ривожланиши ва иқтисодиётдаги ўрни тўғрисида мулоҳазалар юритилган. Тараққиёт стратегиясида келтирилган мақсадлар таҳлил этилган. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш стратегиясига доир ишланмалар яратилган.

Калим сўзлар: аёллар тадбиркорлиги, гендер тенглик, аёл раҳбар, кичик корхоналар, микрофирмалар.

Аннотация. В статье рассматривается развитие женского предпринимательства и его роль в экономике. Анализируются цели, перечисленные в стратегии развития. Создана разработка стратегии развития женского предпринимательства.

Ключевые слова: женское предпринимательство, гендерное равенство, женщина-лидер, малые предприятия, микропредприятия.

Abstract. The article discusses the development of women's entrepreneurship and its role in the economy. The goals listed in the development strategy are analyzed. A development strategy for the development of women's entrepreneurship has been created.

Key words: women's entrepreneurship, gender equality, female leader, small businesses, micro-enterprises.

Маълумки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сонли фармонга кўра маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Тараққиёт стратегияси янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, мамлакатда турли соҳа корхоналарини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу чора-тадбирлар мамлакатда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва бандлик муаммосини бартараф этиш, қолаверса, аҳоли фаровонлигини ва сифатини оширишга жиддий хизмат қилади.

Ушбу фармонда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишни кучайтириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини шакллантиришга шарт-шароитлар яратиш зарурлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Фармоннинг 29-мақсадида келтирилишича, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш зарур.

Шунинг учун 2022 йилга келиб, давлатимиз сиёсатида аёлларга бўлган эътибор ва уларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари кучайтирилди. Хусусан, Тараққиёт стратегиясида 4-чи устувор вазифа адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш деб белгиланар экан, ундаги 69-мақсад мазмуни қуйидагилардан иборат бўлди [1]:

-жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

-гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш;

-хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш;

-худудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш;

-турар жойга мухтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш;

-оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш;

-«Аёллар дафтари» билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида баргараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

Ҳукуматнинг ушбу чора-тадбирларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қолаверса, кичик бизнес ва тадбиркорлик секторида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш алоҳида стратегик мавқега эга.

Аёллар тадбиркорлиги умуман тадбиркорликка қараганда анча яққол тарихий хусусиятга эга. Постиндустриал жамиятнинг бир қатор муҳим хусусиятлари аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратади. Бу хусусиятлар орасида:


– хизмат кўрсатиш соҳаларида (фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, молиявий хизматлар, аудит, реклама, бошқарув консалтинги ва бошқалар) аёлларнинг етакчилиги кучайиб бормоқда;

- меритократия (одамларни билим ва савиясига қараб лавозимларга қўйиш) жамиятнинг асосий меъёрий тамойилига айланмоқда, бу анъанавий эркакларнинг ўзига хос устунликларини қоплаш (ўрнини босиш) имконини беради;

- ташкилотнинг ичида ва ундан ташқарида ўзаро муносабатлар мижозларга хизмат кўрсатиш моделига мувофиқ ривожланади, бу модель аёлларга хос устунликларнинг рўёбга чиқиши учун оптимал шароитларни таъминлайди;

- менежмент социотехник, маркетингга хос характерга эга бўлади, ходимлар томон, шу жумладан уларнинг аёллар қисми томон юз буради.

Шундай экан, «давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислохотларимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаверади» [2]. Шунинг учун миллий иқтисодиётни ривожлантиришда аёлларнинг ўрнини белгилаш тобора муҳим вазифалардан ҳисобланади.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида аёл раҳбарлар бошқарувида кичик корхона ва микрофирмалар сони
(Расм муаллиф томонидан ҳисоблаб тузилган)

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аёл раҳбарлар бошқарувида кичик корхона ва микрофирмалар сони 36295 тани ташкил этган. Аёл раҳбарлар бошқарувида кичик корхона ва микрофирмалар сони 2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 6531 тага ошган. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига келиб эса 36472 та кичик корхона ва микрофирмалар аёл раҳбарлигида бошқарилаётганлиги маълум бўлди.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатида Ўзбекистон Республикасида тадбиркор аёл раҳбарларнинг иқтисодий соҳалар бўйича фаолияти қуйидагича [3]:

- савдо соҳасида – 14147 та
- хизматлар соҳасида – 10057 та
- саноатда – 5543 та

Худди шу даврда аёл раҳбарлар бошқарувидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг маҳсулот сотишдан тушган соф даромади 22,6 трлн. сўмни ташкил этган. Аёл раҳбарлар бошқарувидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг соф даромади 2021 йилнинг мос даври билан солиштирилганда қарийб 7 трлн. сўмга ошган.

Республика бўйича 2020 йилга тегишли статистик маълумотларга кўра меҳнат органлари томонидан 513 минг хотин-қизларга бандлик ва меҳнат соҳасидаги хизматлар кўрсатилиб, 125,4 минг нафари доимий ишларга жойлаштирилди. Ишсиз ва “Темир дафтар”га киритилган кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлардан 260,3 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди ва уларнинг иш ҳақи учун вазирлик ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 270,5 млрд. сўм маблағлар молиялаштириб берилди, 30,8 минг ишсиз хотин-қизларга ишсизлик даврида 15,3 млрд. сўм ишсизлик нафақаси тайинланди [4].

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг 231 нафарига ходимларини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш харажатларни қоплаш учун 5,3 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилиб, натижада 2,2 минг хотин-қизларни бандлиги таъминланди. Шахсий томорқаларда енгил типдаги иссиқхона қурилиши, экин экишга уруғлар ва кўчатлар ҳамда, суғориш воситаларини харид қилган 12,7 минг хотин-қизларга 32,4 млрд. сўм субсидия маблағлари молиялаштириб берилди [5].

Фикримизча, мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Мамлакатда яшовчи аҳолини, айниқса аёлларни ва ёшларни ишга жойлаштириш, уларни ҳаётларини йўлга қўйишдан иборат муаммоларни ҳал этиш асло назардан четда қолмаслиги зарур. Шунинг учун мамлакатда аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари кенгаймоқда. Аммо аёллардаги ишсизлик асосан малакасиз аёлларга тўғри келгани ҳолда, уларнинг аксарияти умумий ўрта маълумот олиш билан чекланганлар. Бу эса аёлларни турли касб эгалари бўлиб мутахассис сифатида ишлашларига олиб келмаяпти.

Хусусан, Республика вилоятларидаги энг оғир муаммоларидан бири аёлларда малака ва маълумот даражасининг пастлигидир. Аксарият ҳудудларда истиқомат қилувчи аёллар умумий ўрта маълумот олгандан сўнг ўқиш ва билим олишни тўхтатиб қўядилар. Натижада уй-рўзғор ва қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўлиб қоладилар. Масалан, вилоятлардаги, хусусан Наманган, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқ жойларида аксарият аёллар уй-рўзғор ишларидан ташқари томорқа ерларида ишлашга кўникиб қолишган. Қолаверса, яна уларнинг шуғулланадиган ишлари оддий фаррошлик, маҳсулот ташувчи ёки назоратчи каби ишлардан иборат. Оладиган маошлари эса деярли ўзларини ҳам қониқтирмайди.

Эътироф этиш керакки, янги иш жойларини яратишдаги бугунги энг муҳим ҳал қилувчи масала кичик корхоналарни кўпайтириш, уларга кенг имконият ва имтиёзлар яратишда кенг йўллар очиб беришдан иборатдир. Хусусан, коронавирус пандемияси меҳнат бозорига, меҳнат муносабатлари ва аҳоли бандлигига кўмаклашишда ҳамда ташқи чегаралар ёпилиши муносабати билан ишсизларни айниқса, аёлларни бандлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмас зарурий чоралар кўрилишини тақозо этди.

Мамлакатда аёллар бандлигини ошириш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- аёллар саводхонлигини ошириш, малака даражасини яхшилаш мақсадида турли курсларни (бепул) ва миллий-ўқув марказларини ташкил этиш;
- касаначилик фаолияти турларини ривожлантириш йўллари билан янги иш жойларини барпо этиш чораларини кўриш;

- аҳолиси зич бўлган худудларга (айниқса шаҳар жойларида) меҳнат сиғими катта бўлган ишлаб-чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини жойлаштириш, уларни ташкил этишни фаоллаштириш;

- меҳнат билан банд бўлмаган аёллардан ишчи кучи сифати фойдаланиш мақсадида касбга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш бўйича изланишлар олиб бориш;

- қишлоқ жойларига кичик бизнесни олиб кириш ва яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юргизиш учун мулкка эгалик хиссини кучайтириш мақсадидаги саводхонликни ошириш.

Шунингдек, аёллар бандлиги даражасини ошириш учун оилавий бизнес ва хунармандчилик каби анъанавий тадбиркорлик шакллари фаоллаштирувчи шарт-шароитлар яратилса, уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини истеъмолчиларга бозор шароитида, олди-сотди қилиш учун кенг йўл очиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармони. «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида». ПФ-60-сон. 28 январь 2022 йил.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон Стратегияси. –Т.: «O'zbekiston» нашриёти, 2021. – 464 б.
3. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. –Т.: «Lesson press» нашриёти. 2021. – 236 б.

УЎК 338.43:63.631/635

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

**З.С.Шохўжаева, проф., и.ф.н., Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази, Тошкент**

Аннотация. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида сув ресурсларига бўлган талаб ошиб бормоқда, бироқ сувнинг кескин камайиши ҳамда сугориш тармоқларида сувнинг самарасиз йўқолиб кетиши сувга бўлган таклифнинг ошишига олиб келмоқда. Ушбу мақолада сувдан фойдаланишда олиб борилаётган ислохотлар ўрганилган ва сув истеъмоли бўйича нарх белгилаш механизми ҳамда сув билан таъминланганлик даражасини аниқловчи кўрсаткичлар таклиф этилган.

Калит сўзлар: сув муаммоси, сув ресурслари, сув хўжалиги, сув ўлчаш воситалари, сув танқислиги, 1 м³ сувнинг таннарихи, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, сувнинг самарадорлиги, сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси.

Аннотация. На сегодняшний день растущий спрос на водные ресурсы в сельскохозяйственном секторе, резкое уменьшение воды и неэффективные потери воды в ирригационном секторе приводят к увеличению водообеспеченности. В данной статье рассматриваются проводимые реформы в водопользовании и предлагается механизм ценообразования на водопотребление и показатели для определения уровня водообеспеченности.

Ключевые слова: водная проблема, водные ресурсы, водное хозяйство, водоизмерительные приборы, дефицит воды, стоимость 1 м³ воды, мелиорация орошаемых земель, водосбережение, уровень обеспеченности водными ресурсами

Abstract. Today, the growing demand for water resources in the agricultural sector, a sharp decrease in water and inefficient water losses in the irrigation sector lead to an increase in water availability. This article discusses ongoing reforms in water use and proposes a pricing mechanism for water consumption and indicators to determine the level of water availability.

Key words: water problem, water resources, water management, water meters, water shortage, cost of 1 m³ of water, reclamation of irrigated lands, water saving, level of water resources availability.

Кириш. Сув муаммоси бу – инсоният тарихида иқтисодий ўсиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишидаги муҳим муаммолардан биридир. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви шароитида аҳолини қишлоқ хўжалиги

озик-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш учун сув ресурсларидан самарали ва максимал даражада фойдаланиш талаб этилади [1]. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида маҳсулотларнинг 95 фоизи суғориладиган майдонларга тўғри келади, йил давомида қишлоқ хўжалигининг суғориш сувига бўлган талаби 55-56 млрд. м³ ни ташкил қилади. Бу эса Марказий Осиё давлатлари эҳтиёжининг деярли ярмига тенгдир. Агар сув ресурсларининг 20 фоизи мамлакатимизда ҳосил бўлишини ҳисобга олсак, сувнинг қишлоқ хўжалиги тармоғи учун қанчалик қадрли эканлигини изоҳлайди.

Методлар. Мавзуни ёритишда монографик тадқиқот, статистик таҳлил ва мантикий фикрлаш усуллари билан фойдаланилган бўлиб, хўжаликларнинг сув билан таъминланганлик даражасини ифода этувчи услубиёт ҳам таклиф этилган.

Натижалар. Сув – ер юзасида ҳаёт мавжудлигининг асосий шартларидан биридир. Ҳисоб-китобларга қараганда, келажакда сайёрамиз аҳолисининг ўсишига тескари равишда табиий бойликлар – нефть, тошқўмир, торф, сув, унумдор тупроқ секин-аста камаё боради. Шунингдек, бугунги кунда деҳқончилик тармоғида сув ресурсларига бўлган талабнинг ошиши, сувнинг эса кескин камайиши ҳамда суғориш тармоқларида сувнинг самарасиз йўқолиб кетиши сувга бўлган таклифнинг ошиб кетишига олиб келмоқда [1].

Иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ўсиши ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланиши, уларнинг сувга бўлган талабини йил сайин ошишига олиб келади. Бироқ, сув ресурсларининг танқислиги йилдан-йилга кучайиши бу қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланишга, сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантиришга бўлган муносабатни ўзгартиришга ва бу бўйича олиб борилаётган устувор ислохотлар асосий замин бўлиб хизмат қилади.

Демак, сув ресурслари нафақат барча чучук ва ўртача минераллашган сувлардан иборат бўлмай, фикримизча, *сув ресурслари бу* – иқтисодий босқичларда ўзгариб турадиган барча чучук ва ўртача минераллашган ер ости ва ер усти сувларидан иборат бўлиб, иқтисодиётнинг барча тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлатилаётган ва ишлатилиши мумкин бўлган сув манбаларининг йиғиндисидан иборатдир [2].

Сув танқислиги шароитида суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш масалалари билан шуғулланган С.Джалалов ўз илмий ишларида қишлоқ хўжалигини тармоқ сифатида жойлаштиришда айнан суғориладиган деҳқончилик учун хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди. Жумладан, тупроқ унумдорлиги унинг механик таркибига, деҳқончиликда сувнинг бошқа ресурслар билан алмаштириб бўлмаслигига, экинларни парваришlashда технологик жараёнларнинг календар даврлари, кетма-кетлигига, ҳосилдорликнинг сув ресурслари сифати ва бошқа кўплаб табиий омилларга боғлиқлигига эътиборини қаратади [3].

Маълумки, суғориш манбаларидан сув олиш, сув ресурсларини истеъмолчиларга етказиб бериш ва сув хўжалиги инфратузилмасини сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети ҳисобидан таъминланмоқда. Бугунги кунда сув ресурсларига баҳо белгилаш ва ундан истеъмолчиларнинг пуллик фойдаланиши давр тақозосига айланиб бормоқда. *Бизнингча*, ирригация тизимлари томонидан истеъмолчиларга етказиб берилаётган сув ресурсларига нарх белгилаш механизмининг жорий қилиш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир, (Расм.1). Бунда қуйидаги тадбирларни эътиборга олиш ва амалиётга жорий қилиш сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишнинг «Smart Water» «Ақли сув» рақамли технологияларни қўллаш *бизнингча* ушбу тизимда қуйидагилар, яъни: 1) ҳар бир ҳудуд кесимида сувнинг таркиби, яъни шўрланганлик даражаси тезкорлик билан аниқланишига; 2) сувнинг сифати яхшиланиши ва бу атроф муҳитнинг экологик мувозанатини сақланишига; 3) етказиб берилган 1 м³ сувнинг таннархи бўйича аниқ ҳисоблар юритилишига; 4) креатив таклифлар ишлаб чиқилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш

тўғрисида”ги Фармони [4] айнан иктисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бизнинг фикримизча сув ресурсларини “онлайн” инсон аралашувисиз, шаффоф бошқариш ва сув истеъмолчилари бўлган фермер, деҳқон ва кластер корхоналарининг сув олиш нуқталарига “Ақли сув ҳисоблагич” қурилмаларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.



Расм 1. Сувдан фойдаланиш ва сув ресурсларига нарх белгилаш механизми
(Муаллиф томонидан таклиф этилган)

Сув хўжалигининг мелиоратив тармоғи учун мониторинг ва ахборот алмашиш тизимини яратиш мақсадида, ер ости сувларини жойлашуви, шўрланиш даражаси, тупроқ шўрланиши ва суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини онлайн режимда аниқлаб бориш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб борилмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятида суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини онлайн режимда аниқлаб бориш мақсадида мелиоратив кузатув кудукларига 2021 йилда 256 дона “Дайвер” курулмаларини ўрнатиш белгиланди ва амалда ўз натижасига эришилди.

Қишлоқ хўжалигида суғориш тизимларининг мунтазам жорий ва капитал таъмирланиб туриши ўз вақтида олиб борилса, сув ресурслари исрофгарчилигининг олди олинади. Бу эса суғориладиган сувлардан фойдаланиш коэффицентини оширишга, қолаверса, сувнинг самарадорлигини оширишга олиб келади. Демак суғориш сувидан самарали фойдаланиш учун суғориш усулларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Демак, *бизнингча*, сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси деганда, ҳақиқатда сарфланган сув миқдорини меъёр асосида берилиши керак бўлган сув миқдорига нисбати орқали аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда меъёр - ўсимликларнинг илмий асосланган суғориш меъёрларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$CPTD = \frac{XCCM}{MBCM} * 100\% \quad (1)$$

Бу ерда: *CPTD* - сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси, фоизда;
XCCM- ҳақиқатда сарфланган сув миқдори, м³;
MBCM- меъёр асосида берилиши керак бўлган сув миқдори, м³.

Ўсимликларнинг меъёрларини белгилашда экин тури, ҳудуднинг жойлашган ўрни, сизоб сувларининг чуқурлиги каби омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, С.Шаҳобовнинг олиб борган илмий тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатадики, ғўзани озиклантиришлар оптимал меъёр ва муддатларда сифатли қилиб амалга оширилгандан сўнг, уни ўз вақтида сувга бўлган эҳтиёжини қондириш ниҳоятда муҳимдир. Бунда суғориш меъёрлари, муддатлари, суғоришнинг бошланиши ва тамом бўлиши ҳар бир минтақанинг иқлим шароитларига, ер ости сувларининг чуқурлигига боғлиқлигини қуйидаги 1-жадвалда келтирилган маълумотлар орқали илмий асослайди [3].

1-жадвал

Қашқадарё вилоятининг иқлим минтақалари бўйича сизоб сувларининг чуқурлигига кўра ғўзани суғориш меъёрлари

Сизобнинг чуқурлиги, м	Бир галги суғориш меъёри, м ³ /га	Мавсумий суғориш меъёри (нетто), м ³ /га	Суғориш муддатлари	
			Бошланиши	Тамом бўлиши
Тоғолди минтақаси				
3 метрдан чуқур	800-1200	6000-6500	1-11.V	5-10.IX
2-3	800-1100	5000-5500	11-16.V	31.VIII -5.IX
1-2	700-1000	3000-3500	16-21.V	20-25.VIII
Чўл минтақаси				
3 метрдан чуқур	800-1300	7500-8000	16-21.V	15-20.IX
2-3	800-1200	6000-6500	21.V-1.VI	5-10.IX
1-2	800-1100	4000-4500	6-11.VI	25-31.VIII

Илмий асосланган илғор технология бўйича парвариш қилинган ғўза эрта ўсиб ривожланади, эрта ҳосилга эрта киради, кўсақлар меъёрида етилади ва барвақт очилади. Август ойининг охирига келиб кўсақлар очила бошлайди, сентябрнинг ўрталарига етганда эса бу жараён ёппасига тус олади.

Бугунги кунда сув истеъмолчилари бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига сув ўлчаш воситаларининг йўқлиги ёки етишмаслиги фойдаланилган сувнинг миқдорини ўлчаш имконини бермайди. Шу нуқтаи назардан *бизнинг фикримизча* хўжаликларга сув ўлчаш воситаларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида ўрнатилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса. Хулоса қиладиган бўлсак, олиб борилган тадқиқотлар натижасида, биз томонимиздан сувдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган

таклифлар ва таърифлар ишлаб чиқилди. Маълумки, бугунги глобал иқлим ўзгариши шароитида сувнинг йўқолишини бартараф этишга йўналтирилган ташкилий, иқтисодий ва маъмурий чора-тадбирларини қўллаш, бозор механизми ва тамойилларини кенгрок жорий этиш давр талабига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги сув танқислиги шароитида сувни тежовчи технологияларни жорий этиш, сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишга йўналтирилган стратегик мақсадларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. З.С.Шохўжаева, Ҳ.Миржамилова. Сув муаммоси бу – инсоният тараққиётининг муаммосидир. “Бухоро вилоятини инноватсион ривожлантириш: муаммо ва ечимлар”. Республика илмий - амалий анжумани материаллари тўплами. Бухоро, 2020 й. 1077-1082 бет.
2. Z.S. Shohujaeva. Economic efficiency of water resources use in the agricultural sector. Monograph. T.: "Economy and Finance" Publishing House, 2012.
3. Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. 9-20 с. Т.: “Chinor ENK”, 2000, С. 199
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 10.06.2019.
5. С. Шахобов, Ҳ. Исмоилова. Қарши даштида ғўзани суғориш режими. Монография, Т.: 2010 й.
6. З.С. Шохўжаева. Зарубежный опыт в сельском хозяйстве по использованию водных ресурсов. Ж.: Economics, 2020. Стр. 19-22.
7. З.С. Шохўжаева. Қашқадарё вилоятида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг долзарб масалалари. Irrigatsiya va Melioratsiya журналы, 2018. 82-88 бет.

УЎК: 331.5.024

ИШЧИ КУЧИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАРКИБИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

С.Қ.Қурбонов, ассистент, Самарқанд Давлат Университети, Самарқанд

Аннотация. *Меҳнат бозорининг вужудга келиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиши учун ўзаро рақобат қилишига тайёр эркин ва тенг ҳуқуқли шерикларнинг иқтисодий муносабатларда бўлишларини тақозо этади. Бозорда ёлланма ходим ва иш берувчи шахсий эркинлик ва иқтисодий зарурият нуқтаи назаридан ўзаро боғланган ҳамда бир-бирларига қарам бўлсалар ҳам бир-бирларига қарши турадилар.*

Калит сўзлар: *ишчи кучи рақобатбардошлиги, ишчи кучи нархининг ўзгариши, ёлланма ходим, иқтисодий механизмлар, ижтимоий механизмлар, ишчи кучи сифати.*

Аннотация. *Создание рынка труда требует наличия свободных и равноправных партнеров в экономических отношениях, готовых конкурировать друг с другом ради достижения баланса между спросом и предложением на рабочую силу. На рынке наемный работник и работодатель взаимосвязаны и взаимозависимы с точки зрения личной свободы и экономической необходимости, но они противостоят друг другу.*

Ключевые слова: *конкурентоспособность рабочей силы, изменение цен на рабочую силу, наемный рабочий, экономические механизмы, социальные механизмы, качество труда.*

Abstract. *The creation of a labor market requires the existence of free and equal partners in economic relations who are ready to compete with each other in order to achieve a balance between supply and demand for labor. In the market, the wage earner and the employer are interrelated and interdependent in terms of personal freedom and economic necessity, but they oppose each other.*

Key words: *labor force competitiveness, labor price changes, wage worker, economic mechanisms, social mechanisms, labor quality.*

Кириш. Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш, мамлакат аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида кўп томонлама тадқиқотни талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Уни тадқиқ этишда ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмларини, унинг ўзига хос хусусиятлари ва тамойилларини ҳисобга олиш, уларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини шаклланиши аҳолини иш билан бандлигини ҳозирги замон анъаналарига ўзаро таъсир этувчи бир-бирига боғлиқ умумий ҳамда ўзига хос шарт-шароитлар ва омиллар таъсири остида юз бермоқда.

Ишчи кучи рақобатбардошлиги меҳнат бозорининг ажралмас қисми сифатида ишчи кучи талаб ва таклифи асосида вужудга келади. Ишчи кучи «меҳнатга қобилият»нинг товарга айланиши меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг асосий шarti ҳисобланади.

Меҳнат бозорининг вужудга келиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш учун ўзаро рақобат қилишга тайёр эркин ва тенг ҳуқуқли шерикларнинг иқтисодий муносабатларда бўлишларини тақозо этади. Бозорда ёлланма ходим ва иш берувчи шахсий эркинлик ва иқтисодий зарурият нуктаи назаридан ўзаро боғланган ҳамда бир-бирларига қарам бўлсалар ҳам бир-бирларига қарши турадилар.

Ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш меҳнат бозорининг шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий шартлардан бири ҳисобланади. Аммо бундай мувозанат мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби – таклиф қилинган меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг унга талаб миқдорига нисбатан тез ўсишидир.

Мавзунинг долзарблиги ва ҳозирги ҳолати. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар ҳақиқий зиёлилар керак” [1], - айтиб ўтгандилар.

Иқтисодиётнинг барча секторларидаги таркибий ўзгаришлар ҳозирги шароитда меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи янги ҳаракатини белгиловчи энг муҳим иқтисодий шартлардан ҳисобланади. Булар саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш жойларини яратишни ва мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида сифат ўзгаришларини асослаб беради. Бундай шароитларда бир томондан, меҳнат бозорининг янги сегментлари агросаноат мажмуаси ва ижтимоий-ишлаб чиқариш инфратузилмасининг кўп жонли меҳнат талаб қиладиган тармоқлари ва ишлаб чиқариш бўғинларини қамраб олса, бошқа томондан, иқтисодиётнинг анъанавий секторларида бозор муносабатларини вужудга келтиради ва ривожлантиради.

Ишчи кучи нархининг ўзгариши ишчи кучи рақобатбардошлигини шаклланишининг муҳим ижтимоий-иқтисодий шarti ҳисобланади.

Меҳнат бозорида ёлланма ходимнинг ишга ёлланиш шарт-шароитлари аниқ бир иш жойларига бўлган талабини англатади. Ишчи кучи рақобатбардошлигини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва меҳнатга боғлиқ ҳолда иш жойларининг ривожланиш даражасига қараб аниқлаш мумкин.

Меҳнат бозорида рақобат механизмини йўлга қўйиш самарадорлигини ошириш, ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини тўхтовсиз ошириб бориш – ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмларининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизми – меъёрий актлар билан расмийлаштирилган ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий қонун-қоидаларнинг ташкил этилиши ва бир меъёрда ишлаши учун ижтимоий-иқтисодий усуллар, инструментлар, дастаклар, шакллар ва услубларнинг мажмуасидир.

Амалдаги турли хил меҳнат муносабатлари унинг элементларига киради. Ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмларининг тузилмаси мураккаб тузилишга эга. Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишда ижтимоий ва иқтисодий механизмлар асосий восита ҳисобланади (1-расм).

Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий механизмлари таркиби қуйидагилардан иборат:

– меҳнат бозорида паст рақобатбардошликка эга бўлган аҳоли гуруҳларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш;

- ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш;
- меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш;



1-расм. Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

- меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш бўйича квотали иш ўринларини шакллантириш;
- ёллашда бажариладиган ишларга қўйиладиган талабга ишчи кучи сифат таркиби мувофиқлигини таъминлаш;
- меҳнат бозорида турғин ва талаб мавжуд бўлган касбларга ўқитиш ва қайта ўқитиш;
- қишлоқ жойларидаги аҳоли учун ОТМга кириш учун алоҳида давлат гранти ва тўлов-шартнома асосидаги квота ўринларининг шакллантирилиши;
- рақобатлашишга қодир бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш бўйича корхоналарда квотали иш ўринларини шакллантириш;
- меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳоли қатламини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали иқтисодий механизмлари таркиби куйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ва ижтимоий инфратузилма корхоналарида янги иш ўринлари яратган корхоналарга солиқ ва кредит бўйича имтиёзлар бериш;
- жойларда оилавий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-

кувватлаш;

- кичик бизнес субъектларига имтиёзли кредитлаш бўйича шарт-шароитлар яратиш;
- қишлоқ хўжалигида интенси вивожланишни таъминлашга йўналтирилган янги иш ўринларини яратиш ва эскила-рини модернизация қилиш механизмини ишлаб чиқиш;
- якка тартибдаги меҳнат фаолиятини рағбатлантириш;
- ОТМда тўлов-шартнома асосида таълим олаётган қишлоқ аҳолиси учун имтиёзли кредитлаш бўйича рағбатлантириш


Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари элементларининг ўзаро муносабатларини ўрганиш нафақат мантиқий-функционал, балки, энг муҳими, мазкур механизмларнинг асосий хусусиятларини тўлиқ очишни таъминлашди.

Ишчи кучи рақобатбардошликнинг оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмларини шаклланиши ва фойдаланишини ифодаланиши учта гуруҳда берилган (2-расм).

Биринчи гуруҳ ишчи кучи рақобатбардошлигини шакллантириш учун ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ишчи кучи қийматини, малака ва касбий тайёргарлигини, маълумот даражасини, ишчи кучини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, жисмоний соғлом ва манавий етук, ҳаётий тажриба ва кўникмаларга сарфланган харажатларни ўз ичига олади.

Иккинчи гуруҳ ишчи кучининг (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандлар) қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтганлигига қараб фойдаланиш даражасини акс эттиради.

Учинчи гуруҳ иқтисодиётни янгилаш шароитида янги иш ўринларининг яратилишини кўпайиши ва эскиларини модернизация қилишга ҳамда ишчи кучини ўз мутахассислиги ва касби бўйича юқори малакали кадрлар этиб тайёрлашдан иборат.



2-расм. Ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмларини шаклланиши (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)


Шунингдек, мазкур иқтисодий гуруҳлар бўйича натижаларга кўра ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари шакллантириш ва фойдаланиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали ишчи кучи таклифининг сифати ўсиши, иш билан бандликнинг ортиши, меҳнат самарадорлигини

ортиши, ЯИМ ўсиши ҳамда аҳолини турмуш даражаси ва фаровонлигини яхшиланишига олиб келади. Шу билан бирга, ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмларига ички ва ташқи меҳнат бозорлари ҳам таъсир кўрсатади.

Бизнинг нуқтаи назаримизда, ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмларига таъсир кўрсатувчи иккита муҳим омил мавжуд. Бу ички ва ташқи меҳнат бозорларга интилишга қаратилган ҳаракатлардир. Бу ҳаракатларга қуйидаги ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади:

– ишчи кучи сифати – бу ходимнинг малака даражаси ва шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб баҳоланади.

касбий (мутахассислиги) бўйича ишчи кучининг рақобатбардошлиги қуйидаги омиллар билан изоҳланади. Бу ходимнинг меҳнат қилишдаги анъанавий, тақчил, камёб, нуфузли, тармоқланувчи, эркин, таваккалчилик ва тезкор касбги интилиш қобилятидан келиб чиқади (3-расм).



3-расм. Ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмларига таъсир кўрсатувчи омиллар (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишга қаратилган илмий қарашларда меҳнат бозоридаги ишчи кучи рақобати энг яхши натижаларга эришиш учун кураш сифатида баён этилган. Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилар билан ифодаланади:

– бозор омиллари меҳнат бозорида ишчи кучининг жалб этилишининг умумий шартларига таъсир кўрсатиш имконияти чекланганда ҳамда иш берувчига керакли ишчи кучини етказиб беришдаги кураш;

– меҳнат бозорининг субъектлари ўртасида уларнинг ҳар бири бошқасидан юқорироқ натижага эришиш мақсадида ўзаро кураши;

ишчи кучининг самаралироқ фаолият кўрсатиши учун энг муҳим механизмдир.

Бу эса меҳнат бозорида эркин ва соғлом рақобат бўлишини тақозо этади. Ана шундай эркин ва соғлом меҳнат бозорида ёлланма ходимлар ўзлари учун манфаатли бўлган иш жойларини эгаллаш учун рақобатлаша оладилар [2].

Шунингдек, рақобат – бозор механизмнинг талаб ва таклифини мувозанатга келтирувчи элементи. Шу билан бирга, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатга келтиришда ҳам рақобат муҳим аҳамият касб этади. Бу ёндашувга

кўра:

- ишчи кучининг бозор нарҳини аниқлаш;
- турли соҳалар ўртасида ишчи кучини тақсимлаш;
- у ёки бу ишчилар гуруҳини ёллашда қайси ишчи кучи хусусиятлари афзаллигини аниқлаш.

Юқорида кўрсатилган бу ёндашувлар натижасида ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг хусусиятлари тўлиқ очиб берилди.

Ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари қуйидаги тамойиллардан иборат (1-жадвал):

1-жадвал

Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг тамойиллари

Тамойил номи	Тамойилнинг мазмуни
Рақобат муҳитининг мавжудлиги	Меҳнат бозори хулқ-атвори бозор иқтисодиёти қонунларининг объектив таъсири ва давлат томонидан тартибга келтирувчи чекловларнинг мажбурий шакли билан шартланган, иш берувчиларнинг иқтисодий шарт-шароитлар ва ишчи кучи меҳнат фаолиятининг натижалари юзасидан ўзаро рақобат муносабатлари тизими.
Мослашувчанлик	Меҳнат бозори субъектлари, хусусан ишчи кучининг мақсад ва жавобгарлигини ошириш, иқтисодий ўзгариш жараёнида мослашувга бўлган талабларни ошириш ва ҳаракатчанлиги, ташқи муҳит ўзгарувчанлигига тезда мослашиш қобилияти.
Ишчи кучи таклифининг эркинлиги	Меҳнат бозори субъектларининг бозорга кириб келиши ва уни тарк этишида тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги.
Меҳнатга муносиб ишчи кучи баҳоси	Эркин рақобатга асосланган меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи амал қиладиган, адолатли иш ҳақи тўланадиган, шахснинг ўзини ўзи ривожлантиришини кафолатлайдиган, амалда камайиш томонга ўзгармаслиги амалда қатъий белгилаб қўйилган, унинг ёрдамида мувозанат ўрнатиладиган ҳамда рақобат муҳитида меҳнат хизмати баҳоси, меҳнатга пул шаклида тўланадиган ҳақ.
Ишчи кучи сифатини ошириш	Ишчи кучини қизиқиш, касбий-малака, билим, ақлий ҳамда саломатлигини ҳисобга олиш асосида шахснинг меҳнатга лаёқатини шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан шахс ва жамият, ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабатларни ҳамда ушбу муносабат-ларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида намоён этиш даражаси.
Инсон капитални ривожлантириш	Ишчи кучини таълим олиш (мактаб, коллеж, техникум, лицей, институт, университет, касбий тайёргалик ва малака ошириш курслари) ҳамда меҳнат фаолияти жараёнида эгаллайдиган билимлар ва меҳнат кўникмалари.

Манба: муалиф томонидан ишлаб чиқилган

– ишчи кучининг эркин таклифи. Бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлиш ва бўлмасликни ихтирий танлашини, меҳнат қонунлари томонидан таъқиқланмайдиган ва ҳар бир ходимнинг шахсий ва жамоа манфаатларини ҳисобга олувчи касб ва фаолият турини эркин танлаш учун шароитлар мавжудлигини англатади;

– иш берувчиларнинг ишчи кучига мустақил талаби. Бунда ходимни ишга эркин ёллашлари ва ишдан бўшатишлари мумкин. Бу ҳолатди иш берувчилар бандлик, меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлашни кафолатлаш билан фуқороларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари учун имкониятлар яратади;

– ёлланма ходимларнинг иш берувчилардан ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилинганлиги;

– иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадлар қонунларда белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги ҳамда эркин ҳолда белгилаш;

– бозор субъектлари орасида иқтисодий ҳукмронликни тўплаш оқибатида иқтисодий эркинликни чегаралаш;

– хўжалик юритиш тамойилларининг тенглиги;

– бозор субъектлари фаолияти ташкилий шакллариининг турли хиллиги;

– бозор шароитларининг мавжудлиги.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда ишчи кучи таклифи на касб, на малака тузилиши бўйича иқтисодиёт тармоқларидаги жонли меҳнатга талабнинг ўсиш суръатига жавоб бермайди. Шу

боис ишчи кучи таклифининг сифат кўрсаткичларини ўзгартириш ҳамда уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш лозим. Бунинг учун эса, бандликнинг давлат хизмати тизимидаги ва бошқа ўқув юртларидаги ходимларнинг малакаларини оширишни ташкил этиш, корхоналарнинг ўзидаги махсус курсларда касб-корга ўргатишни яхшилаш ва уларга солиқ тўловида имтиёзлар бериш маҳаллий кадрлар рақобатбардошлигини оширишнинг мақсадли махсус дастурини ишлаб чиқиш керак.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилсак, янги даврга келиб меҳнат бозорида ҳам туб ўзгаришлар ясади ва унда ёлланма ходимнинг мутлақо янгича ролини белгилаб беради. Агар меҳнат бозорида ёлланма ходимнинг рақобатбардошлигини анъанавий таълим тизимида касб ва малака даражаси талаб қилган билимлари ва кўникмалари белгилаган бўлса, ҳозирги замон иқтисодиёти учун бу етарли эмас. Яъни инновацион ишлаб чиқариш ёлланма ходимдан муттасил равишда ўз билими ва малакасини ошириб бориш билан бирга, ижодий салоҳиятни, пайдо бўладиган муаммоларга тубдан янгича ёндашишга қодирликни талаб қилади.

Барча ҳудудлар меҳнат бозорларидаги муносабатларни тартибга солишда ишга ёллашда эркин ва ўзаро манфаатли рақобат услубидан фойдаланиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Меҳнат бозорида ишчи кучларини ёллашда эркин ва самарали рақобат натижасида ишчи кучини ишга ёллаш бозоридаги унинг сифат кўрсаткичлари ва рақобатбардошлиги, маҳаллий ва хорижий бандлик хизматлари томонидан турли гуруҳлар ва касблар бўйича бўш иш жойлари, ишчи кучларининг нархлари ҳақидаги ҳаққоний ахборотнинг берилиши, иш берувчиларнинг ёлланма ишнинг муддатлари ва характери юзасидан талаблари ва шартлари, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилишнинг ижобий ҳамда салбий оқибатлари кабилар ҳисобга олинади.

Меҳнат бозоридаги эркин рақобатда ишчи кучларигина эмас, балки шахсий ёки жамоавий меҳнат шартномаси асосида фойдали нархда ўзининг «меҳнат қобилияти»ни сотишга муҳтож кадрлар ҳам қатнашиши мумкин. Бу ерда ишчи кучи билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатларнинг сифат кўрсаткичлари юзасидан эркин рақобат вужудга келади.

Юқорида кўрсатилган ёндашувлар ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий механизмини таркиби, тамойиллар, хусусиятлари шаклланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 7 ноябрь, №238 (8018).
2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Т.: “Фан” нашриёти. 2019,- 76 б.

АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ

УЎК 72.03

**ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДАГИ БИНОЛАРИДА МИЛЛИЙ БЕЗАКЛАРНИНГ
ТУРЛАРИ, АҲАМИЯТИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ***М.Х.Шамахмудова, ўқитувчи, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент**З.С.Қўчқорова, талаба, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент**А.Э.Рихсибоев, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент*

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тарихий обидаларида ва турар жойларида қўлланилган рамзий нақшлар, миллий нақшлар, уларнинг турлари, келиб чиқиши, ишлатилиш жойлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Рамзий нақшлар, гулли гирих, геометрик нақш, панжаралар.

Аннотация. В статье представлена информация об официальных символах, национальных узорах, их видах, происхождении, месте использования, используемых в исторических памятниках и жилой домах в Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Символические узоры, цветочный геометрический узор, геометрические узоры, решетки

Abstract. The article provides information about official symbols, national patterns, their types, origin, place of use used in historical monuments and residential buildings in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: Symbolic patterns, floral geometric pattern, geometric patterns, lattices

Кириш. Ўрта Осиё ерлари қадимдан яшаш учун қулай ҳисобланган ва у юксак маданиятга эга бўлган. Мана шу икки нарса уз навбатида бошқа юрт халқларининг диққатини тортиб келган.

Биноларни қурилиш санъати XVI-XIX асрларга келиб юксакликка кўтарилди. Бир неча юз йиллик маданий тараққиёт асосида маҳаллий иқлим шарт-шароитлари ва халқнинг турмуш тарзи ҳамда урф-одатлари ҳисобга олиниб Ўрта Осиёнинг тоғ олди туманлари, пасттекисликдаги аҳоли турар жойлари, шимолий ва жанубий ҳудудларни эгаллаганликлари ҳам бунда ўз ифодасини топди. [4]

XIV-XV асрлар Темурийлар даврида Мовароуннаҳр меъморчилиги юксак поғонага кўтарилган. Темурийлар даврида фан ва маданиятнинг тараққий топиши меъморчиликда ҳам ўз ифодасини топган. Бинобарин, ўша давр иморатларининг пишиқ композициявий ечими, кошинкорлиги ва умуман нақшу нигорлари, меъморий безаклари ҳамда шакл тузилишида яхлит ҳандасавий боғланиш туфайли эришилган уйғунлик бунга мисол бўлади.

Асосий қисм. Меъморчилик тарихида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива ва Фарғона бинолари хиллари мавжуд. Буларнинг ҳар бири маҳаллий халқ меъморчилик мактаблари махсулидир.

М.С. Булатов ўзининг “Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв.” асарида бинолардаги геометрик безаклар ҳақида жуда катта маълумотлар берган ва унда Фаробийнинг сўзларини эслатиб ўтган.

“Кўплаб моҳир геометрик усуллар мавжуд бўлиб, улар орасида “Риёса ал-бино”-биноларни бошқариш, меъморий иншоотларни лойиҳалаш санъати мавжуд.”-Фаробий. [2] 265 бет

Биноларнинг ташқи кўриниши фазовийлик, гўзаллик, масштаб ва ҳар бир бурчак ва деталнинг меҳрли ва эҳтиёткорлик билан тартибга солиниши натижасида юзага келадиган ўзига хос яқинлик билан ажралиб туради.

Темурийлар даври майолика ва мозаика безакларида ўсимликсимон нақшлар устунлик қилади. Бундай безакларда новдалар, барглар ва гуллар тасвирлари эгилувчан чизиқларда маълум бир услубга келтирилган.

Пештоқ қаносларни безатишда баъзида ҳайвон тасвирлари ҳам туширилган. Амир Темурнинг Шаҳрисабздаги саройи асосий айвонида ва Самарқанддаги Шердор мадрасаси бу каби тасвирларни учратишимиз мумкин. Уларда шер устида қуёш ва кийик тасвирлари туширилган. [6] 87 бет.

Буларни мисолида Самарқанддаги Шердор мадрасаси ва Бухородаги Нодир Диван-беги мадрасасини кўришимиз мумкин.




1-расм. Нодир Диван-беги мадрасаси. Бухоро (чапда). Шердор мадрасасидан лавха. Самарқанд (ўнгда)

Биноларни безашда халқ бадий маҳоратининг барча турлари иштирок этади - ганч ва ёғочга ўймакорлик, шифт ва деворларни бўяш; бадий ҳунармандчилик асарлари ҳам худди шу мақсадга хизмат қилади: мисга қувиш ва ўйиб ишланган - товоқлар, кўзалар ва бошқалар. кулолчилик - сирланган идишлар, ёғоч ўймакорлиги - сандиқ ва қутилар. Бу идишларнинг барчаси махсус бўшлиқларга жойлаштирилган. Бундан ташқари, деворлар турли хил кашталар билан безатилган. [3]

Рамзий накшлар эса кабутар, ўрок ва болға, шер, балиқ, давлат герби ва бошқаларни стиллаштириб тасвирланган накш элементларидан ташкил топади. Усталар табиатдаги гул, барг новда, гунча, кабутар, товус ва бошқаларнинг тузилишини, усиш конун-қоидалари, кўринишини синчиклаб ўрганиб, улардан турли накш композициялар ишлаш учун хар хил элементларни стиллаштириб олганлар.

“Даҳмаи Шоҳон” - ҳукмдорлар мақбараси - Қўқон ҳукмдорлари Норбўтабий ва унинг авлодлари дафн этилган мажмуадир.

Бош тарздаги пештоқ кошин қошлаб, сирли ғишт билан безатилган. Безаклари ўзига хос бўлиб, кўриниши беқасам гулга ўхшаб кетади [5].




2-расм. “Даҳмаи Шоҳон” мақбараси. Қўқон.

Накшлар қайси бино ёки буюмни беамасин, ўзига хос услуб ва технология талаб қилади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз накш турларини пухта ўрганганликлари учун ҳаётдаги шодликни ҳам, ғам кулфатни ҳам жонли чизиклар, ранг-баранг накшлар орқали бера олганлар. Албатта накшлардаги мазмун ва маънони ўқий олганлар.

“Накш”- арабча тасвир, гул деган маънони билдириб, элементлари маълум тартибда такрорланадиган ўсимликсимон, геометрик шакллар, хайвон, қуш ва бошқаларнинг схематик тасвиридан ташкил топган безак.

Накшлар мазмунига кўра - ўсимликсимон, геометрик, гулли гирих, рамзий ва бошқа турларга бўлинади. Ўсимликсимон накш табиатдаги барг, банд, дарахт, бута, ғунча ва бошқа нарсаларни наккош томонидан услуб қилиб олинган шаклини маълум қонуниятлар асосида такрорланишидан ҳосил қилинган.



3-расм. Бухоро “Абдулазизхон” мадрасасидан лавҳа. Лавҳани пастки қисмида Хумо қуши тасвирланган. Лавҳани Тошкент Архитектура қурилиш институти, Архитектура факультети 9-19 Аў ўқув гуруҳи талабалари: Ш. Абдухалилова, Ш. Усмонова, Н. Нуриддинов, Х. Абдусатторова, Н. Баходирова ва Мухторовалар, “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси Турдиев Абдураззоқ раҳбарлигида бажаришган. Лавҳа 6 та планшетдан иборат.

Геометрик накш турларидан бири гирих бўлиб чигал, тугун деган маънони англатади.



4-расм. Ҳандасий накш

Устоз П.Ш.Зоҳидов ўзининг “Меъмор олами” китобида “Форобий келтирган мисоллар фақат бино қурилишига эмас, балки бадий безак – геометрик накшлар яшаш усуллари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Айниқса гирих деб аталган мураккаб геометрик накшларнинг яшаш

қонуниятларини билмай туриб, амалиётга тадбиқ этиш қийин, уларни ижод этиш эса, назариясиз, деярлик мумкин эмас” деб таъкидлаган. [6]


Ҳандасий нақш мураккаб нақш тури. У геометрик нақш турларидан бири булиб, тўртбурчак, учбурчак, айлана ва ёйлар ҳамда купбурчаклардан ташкил топади.

Ритм - нақш элементини маълум масофада бир текисда тақрорланиб келиши бўлиб, нақшдаги ҳаракатнинг узлуксиз ва гўзал кўринишини таъминлайди.


Гулли гирих, ўсимлик ва геометрик нақш элементларидан ташкил топган. Унинг элементига юқорида санаб ўтилган геометрик ва ўсимликсимон нақшлар киради.

Нақшларнинг ислимий ва гулли грих турларидан Ўзбекистон ҳудудида турар жой бинолари интерьерда жуда кенг фойдаланишган.

Ўзига тўқ оилалар ҳамда, энг камтарона уйлар ҳам меъморчилик анъаналарига амал қилган. Турар жойларда айниқса меҳмонхона ва айвонларда нақш тасвирларини деворга ишлашган. Бунда нақшларни ганчдан, деворни ўзига бўйқларда ёки палакларда кўриш мумкин. [4]



5-расм. Турар жой биноларида ўсимликсимон нақшнинг қўлланиши [3]



6-расм. Самарқанд. Афросиёб. Ислимий нақши [2]



7-расм. Нақшларни чизишда ишлатиладиган ўсимликлар намуналари

Барг - ўсимликсимон нақш элементи бўлиб, наққошлар томонидан табиатдаги ўсимлик баргини стиллаштириб олинган тасвири. [3]

Ўсимликсимон нақшларда тўлқинсимон ёки бурама новдалар, улардан ҳосил бўладиган поялар ва барглар, ўрама шакллар, гуллар ва ғунчалар турли хил кўринишларда тақрорланган тарзда намоён бўлади. Бу безаклар ўзларига ажратилган ҳудудларни шунчалик мос равишда тўлдирадигани, бошқа турдаги безаклар билан бир бутун уйғунликни ташкил этади.

Турар жой ва биноларда эшик ва деразаларни ҳам нақшли панжаралар билан беаганлар. Бу панжаралар бинони шамоллатишда ишлатилган.




8-расм. Турар жой биносида панжарали эшик (чапда) ва Марказий хиёбон Курант биноси (ўнгда)Тошкент

Турар жой биносида панжаранинг ишлатилиниши. Бунда панжаралар безак, қуёшдан тўсиқ вазифасини ўтаган.

Панжаралар Ўрта Осиёда ўзига хос характерга эга бўлиб, кўпинча геометрик ва ўсимликсимон нақш тузилишга эга. Панжаралар икки хил технология бўйича тайёрланади: ўйма, қуйма.

Панжара – катаксимон тўқима шакл, тўсиқ, меъморий бўлак. Ғиштни ёғоч тахтачаларини ўзаро қалаб, ганч, металл ўйиб, қуйиб, тошни уйиб хандасий шакл тайёрланади. Биноларнинг эшик, дарча, туйнук, зинапояларида, айвонларда тўсиқ ва аини пайтда безак вазифасини ўтайди [5].



9-расм. 1 расм- ўйма панжара, 2-3-4 панжара турларидан намуналар

Ўйма панжара тузилиши жиҳатидан геометрик, ўсимликсимон ва бошқа турларга бўлинади. Панжаралар ясаилишининг осон ва мураккаблиги жиҳатидан оддий, мураккаб панжараларга бўлинади.

Айниқса, мураккаб панжаралар ишлашда Уста Ширин Муродов, кўпгина ноёб панжара асарлари яратди. Масалан, Уста Шириннинг Тошкентдаги Курант биносига ишлаган ажойиб панжараси бунга мисол бўлади. [3] 89 б.

Хулоса қилиб айтганда Геометрик безаклар - мусулмон олами Ўрта асрлар меъморий лойihalашнинг асоси - меъморий безакларга тарқалди. Ҳозирда бу безаклардан замонавий биноларни ташқи ва ички кўринишларини безашда кенг қўлланилаяпти.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. -Т.: 1995
2. Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. -М.: 1978.
3. Булатов. С. Ўзбек_халқ_амалий_безак_санъати. Тошкент. 1991
4. Воронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. 1951
5. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами.- Тошкент.: 1996.
6. Маматмусаев Т.Ш. Мирзо Улуғбек даври архитектураси. Монография. Тошкент – 2014
7. Интернет манбалари.

UDC 532.591

PROPAGATION OF WAVES IN THE LAYER OF DEFORMABLE MEDIA*M.R.Ishmatov, PhD, Navoi State Mining and Technology University, Navoi**N.Kulmurotov, PhD, Navoi State Mining and Technology University, Navoi*

Аннотация. В этой статье рассматривается распространение свободных волн в плоских телах. При расчете материалы слоев предполагаются упругими (или вязкоупругими). Будем рассматривать прохождения гармонических во времени волн вдоль слоистую среду. Решая эту задачу, получим зависимость между скоростью волны и ее длиной. Установлено, что при $L/\lambda=0.5$ первые моды фазовой скорости в зависимости от L/λ монотонно возрастает.

Ключевые слова: вязкоупругий слой, свободная волна, плоская тела, волна, фазовая скорость, трехслойная тела, математические методы

Аннотация. Ушбу мақолада текис жисмларда эркин тўлқинларнинг тарқалиши муҳокама қилинади. Ҳисоблашда қатламларнинг материаллари эластик (ёки қовушқоқ эластик) деб қабул қилинади. Гармоник тўлқинларнинг қатламли муҳит атрофида вақт бўйича тарқалиши кўриб чиқилапти. Ушбу масалани ечиш учун тўлқин тезлиги ва унинг узунлиги ўртасидаги боғлиқликни оламиз. Маълум бўлишича, $L/\lambda=0.5$ да фазавий тезликнинг биринчи режимлари L/λ га қараб монотон равишда ортади.

Калит сўзлар: қовушқоқ эластик қатлам, эркин (озод) тўлқин, текис жисм, тўлқин, фаза тезлиги, уч қатламли жисм, математик усуллар

Abstract. This article discusses the propagation of free waves in flat bodies. In the calculation, the materials of the layers are assumed to be elastic (or viscoelastic). We will consider the passage of waves harmonic in time along a layered medium. Solving this problem, we obtain the relationship between the wave speed and its length. It is established that at $L/\lambda=0.5$ the first modes of the phase velocity increase monotonically depending on L/λ .

Keywords: viscoelastic layer, free wave, plane body, wave, phase velocity, three-layer body, mathematical methods.

Introduction. The problems of wave propagation in continuous multilayer systems attract the attention of numerous researchers in our country and abroad [1, 2]. This is due to the fact that in many areas of science and technology, more and more often one has to deal with the need to calculate the stress and strain fields that occur in layered bodies with different rheological properties under the influence of various types of dynamic loads. Dynamic problems of dissipative (viscoelastic) dynamic systems are solved by methods of mathematical physics. The complexity of their solution is due to many reasons, for example, the rheological properties of real media (anisotropy, viscosity, creep, plasticity, inhomogeneities, etc.), which leads to a wide variety of schematized models for describing real phenomena in one or another approximation and does not allow creating a unified mathematical model of the mechanical system [3,4]. Despite the large number of mathematical models of a mechanical system, mathematical methods for solving problems have been developed mainly for such systems as acoustic systems, the elastic movements of which are described by linear differential equations [5,6]. In [7,8], an attempt was made to determine and optimize the dissipative characteristics, as well as the stress-strain state of mechanical systems.

In this section, we consider the problem of propagation of stress waves in a three-layer strip (Fig. 1). This problem relates to the problems of propagation of stress waves in a layered medium; it is often found in scientific [9,10,11,12] publications on these issues due to their great importance in geophysics and construction. However, only those problems that lead to a real solution are developed in detail up to numerical results. Complex solutions, which are rather difficult to obtain, have so far been neglected as of little importance.

2. Statement of the problem and methods of solution. Consider a deformable (elastic or viscoelastic) three-layer strip of thickness h , with free surfaces, and let a harmonic wave propagate in it with phase velocity C (Fig. 1).




Fig.1. Calculation scheme

Below we will consider a plane problem, where displacements do not depend on the Z coordinate. Mathematically, this problem is formulated as follows:

$$\begin{aligned}\rho_j \frac{\partial^2 u_j}{\partial t^2} &= \frac{\partial \sigma_{xx}^{(j)}}{\partial x} + \frac{\partial \sigma_{xy}^{(j)}}{\partial y}; \\ \rho_j \frac{\partial^2 \vartheta_j}{\partial t^2} &= \frac{\partial \sigma_{yy}^{(j)}}{\partial y} + \frac{\partial \sigma_{xy}^{(j)}}{\partial x},\end{aligned}\quad (1)$$

Where ρ_j is the material density; u_j and ϑ_j , respectively, displacements in the x and y directions; ($j=1,2,3$), j -layer number. Now consider the solution of differential equation (1) for one layer. Then instead of $\sigma_{xx}^{(j)}$, $\sigma_{yy}^{(j)}$, and $\sigma_{xy}^{(j)}$ we substitute the following expressions:

$$\begin{aligned}\sigma_{xx}^{(j)} &= \lambda_j \theta_j + 2\mu_j \frac{\partial u_j}{\partial x}; \\ \sigma_{xy}^{(j)} &= \mu_j \left(\frac{\partial u_j}{\partial y} + \frac{\partial \vartheta_j}{\partial x} \right), \\ \sigma_{yy}^{(j)} &= \lambda_j \theta_j + 2\mu_j \frac{\partial \vartheta_j}{\partial y}.\end{aligned}\quad (2)$$

where $\theta_j = \frac{\partial u_j}{\partial y} + \frac{\partial \vartheta_j}{\partial x}$ is the volume expansion. Substituting (2) into (1), the solution of equation (1) takes the form $u_j = U_j(y) e^{i(\omega t - \gamma x)}$; $\vartheta_j = V_j(y) e^{i(\omega t - \gamma x)}$, ω - circular frequency, $\omega = 2\pi n$, n - oscillation frequency; $\lambda = 2\pi/\gamma$ - wavelength. We substitute (2) into (1), then we obtain the following ordinary differential equations in the form:

$$\begin{aligned}L_j \frac{dV_j}{dy} - L_{2j} U_j - G_j \frac{d^2 U_j}{dy^2} &= 0; \\ L_j \frac{dU_j}{dy} - L_{3j} V_j - L_{4j} \frac{d^2 V_j}{dy^2} &= 0;\end{aligned}$$

where $L_{1j} = \left(\frac{E_j \nu_j}{1-\nu_j^2} + G_j \right) i\gamma$; $L_{2j} = \rho_j \omega^2 - \frac{E_j}{1-\nu_j^2} \gamma^2$; $L_{3j} = \rho_j \omega^2 - G_j \gamma^2$; $L_{4j} = \frac{E_j}{1-\nu_j^2}$.

After the introduction of the auxiliary function $\Phi_j(y)$ by the relations

$$U_j = L_{1j} \frac{d}{dy} \Phi_j; V_j = \left[L_{2j} + G_j \frac{d}{dy^2} \right] \Phi_j,$$

we get from (3) a fourth-order differential equation

$$\frac{d^4 \Phi_j}{dy^4} + L_{5j} \frac{d^2 \Phi_j}{dy^2} + L_{6j} \Phi_j = 0,\quad (4)$$

Where

$$L_{5j} = -2\gamma^2 + \frac{(3-\nu_j)\omega^2}{2c_{sj}^2}; \quad L_{6j} = \gamma^2 - \frac{(3-\nu_j)\omega^2 \gamma^2}{2c_{sj}^2} + \frac{\omega^4}{c_{pj}^2 c_{sj}^2};\quad (5)$$

In the case of a viscoelastic material, E_j is replaced by (4) complex values, then $C_{pj} = C_{pRj} + i C_{pIj}$; $C_{sj} = C_{sRj} + i C_{sIj}$; C_{pj} , C_{sj} - respectively, the propagation velocity of longitudinal and transverse waves;

C_{pRj} - longitudinal wave propagation velocities; C_{pIj} - speed of propagation of transverse waves; C_{pIj} - damping rates of longitudinal waves, C_{sIj} - damping rates of transverse waves.

The solution of equations (4) is expressed in terms of exponential functions

$$\Phi_j(y) = A_j e^{+\alpha_j y} + B_j e^{-\alpha_j y} + C_j e^{S_j y} + D_j e^{-S_j y}, \quad (5)$$

Where $\alpha_j^2 = \gamma^2(1 - \frac{c^2}{c_{pj}^2})$; $S_j^2 = \gamma^2(1 - \frac{c^2}{c_{sj}^2})$, где A_j, B_j, C_j, D_j - arbitrary constants, which are

determined from the boundary conditions. When $(E_j(\omega)=E_j, \eta_j(\omega)=0) \quad \frac{c^2}{c_{pj}^2} > 1$ and $\frac{c^2}{c_{skj}^2} > 1$, then solution (5) is expressed in terms of trigonometric functions. Equations (3) are used to express displacements.

The solution of the equation for the first and second layers is written as follows

$$\begin{aligned} u_j &= i\gamma[A_j q_j \exp(q_j y) - B_j q_j \exp(-q_j y) + C_j S_j \exp(S_j y) - D_j S_j \exp(-S_j y)]e^{i(\omega t - \gamma x)}, \\ \vartheta_j &= [-A_j q_j \exp(q_j y) - B_j q_j \exp(-q_j y) - \\ &\quad - C_j \gamma^2 \exp(S_j y) - D_j \gamma^2 \cos(-S_j y)]e^{i(\omega t - \gamma x)}. \end{aligned} \quad (6)$$

Solution (6) for a half-space is written as:

$$u_2 = i\gamma(A_3 q_3 \sin(q_3 y) - B_3 \cdot q_3 \cos(q_3 y) + C_3 \cdot S_3 e^{S_3 y} - D_3 \cdot S_3 e^{-S_3 y})e^{i(\omega t - \gamma x)};$$

$$\begin{aligned} v_2 &= [A_3 q_3^2 e^{q_3 y} - B_3 \cdot q_3^{-q_3 y} - \\ &\quad - C_3 \gamma^2 e^{S_3 y} - D_3 \gamma e^{-S_3 y}]e^{i(\omega t - \gamma x)}, \end{aligned} \quad (7)$$

Where $q_j = \gamma \sqrt{1 - \frac{c^2}{c_{pj}^2}}$; $s_j = \gamma \sqrt{1 - \frac{c^2}{c_{sj}^2}}$; $c_{pj}^2 = (\lambda_j + 2\mu_j)/\rho_j$ $c_{sj}^2 = \mu_j/\rho_j$; $i = 1, 2, 3$

ω - Circular frequency; A_j, B_j, C_j, D_j - are arbitrary constants, which are determined from the boundary conditions. Solutions (7) must satisfy the condition of exponential damping along the y coordinate (at $y \rightarrow \infty$). Then solution (7) for $y \geq L/2$ and $y \leq -L/2$ takes the form:

$$u_3 = (-B_3 i_3 \gamma_3 q_3 e^{-q_3 y} - D_3 \cdot i\gamma S_3 e^{-q_3 y})e^{i(\omega t - \gamma x)}$$

$$\vartheta_3 = (B_3 i\gamma q_3^2 e^{-q_3 y} - D_3 i\gamma^2 e^{-q_3 y})e^{i(\omega t - \gamma x)}. \quad (8)$$

In the symmetrical motion of the layer, the solution at $-L/2 \leq y \leq L/2$ is written as

$$\begin{aligned} u_1 &= (A_1 \cdot i \cdot \gamma_1 \cdot q_1 \cos x(q_2 y) + C_2 \cdot i \cdot \gamma \cdot S_2 \cos x(S_2 y))e^{i(\omega t - \gamma x)}, \\ \vartheta_2 &= (-A_1 \cdot q_2^2 \cdot \sin x(q_2 y) - C_2 \cdot \gamma^2 \sin x(S_2 y))e^{i(\omega t - \gamma x)}, \end{aligned} \quad (9)$$

On the contact $y = \pm L/2$, the conditions of equality of displacements and stresses are satisfied

$$\begin{aligned} (u_1^{(1)})_{y=L/2} &= (u_1^{(2)})_{y=L/2}; \\ (u_1^{(2)})_{y=L/2} &= (u_1^{(3)})_{y=-L/2}; \\ (\vartheta_1^{(1)})_{y=L/2} &= (\vartheta_1^{(2)})_{y=L/2}; \\ (v_1^{(2)})_{y=-L/2} &= (v_1^{(3)})_{y=-L/2}; \\ (\sigma_{yy}^{(1)})_{y=L/2} &= (\sigma_{yy}^{(1)})_{y=L/2}; \\ (\sigma_{yy}^{(2)})_{y=-L/2} &= (\sigma_{yy}^{(3)})_{y=-L/2}; \\ (\sigma_{xy}^{(1)})_{y=L/2} &= (\sigma_{xy}^{(1)})_{y=L/2}; \\ (\sigma_{xy}^{(2)})_{y=-L/2} &= (\sigma_{xy}^{(3)})_{y=-L/2}. \end{aligned} \quad (10)$$

On the free surface $y = l + L/2$, the stress-free condition is set

$$\sigma_{yy}^{(1)} = \sigma_{xy}^{(1)} = 0. \quad (11)$$

To determine arbitrary constants A_j, B_j, C_j, D_j ($j=1,2,3$) using the boundary forces of a rigid contact (10) and (11), as a result, we obtain 12 algebraic equations with 12 unknowns in the form

$$[C]\{q\} = \{0\},$$

where $[C]$ is a square matrix (12x12), the elements of which are expressed in terms of trigonometric and exponential functions. A necessary and sufficient condition for the existence of a solution to this system is the equality of its determinant to zero.




Fig.2 Curve of change of phase velocity of bending waves of stress C and wavelength λ depending on frequency. 1-theoretical results; 2-experimental results. 3. As test problems, we present the elements of the dispersion equation for two-layer bodies with free surface

Consider the following two cases: let $c < c_2$, then q_j and S_j are real numbers. Then the frequency equation takes the following form:

$$|\Delta(a_{ij})| = 0, \quad i = 1, 2, \dots, 8; \quad j = 1, 2, \dots, 8; \quad (12)$$

Where $a_{11} = q_2 \cos(q_2 L / 2)$,

$$\begin{aligned} a_{12} &= s_1 \cos(s_1 L / 2), \\ a_{13} &= q_1 e^{-q_2 L / 2}, \\ a_{14} &= s_2 e^{-s_2 L / 2}, \\ a_{21} &= -q_2^2 \sin(q_2 L / 2), \\ a_{22} &= -\gamma^2 \cos(s_1 L / 2), \\ a_{41} &= 2 \cdot q_1^2 \sin(q_1 L / 2) \\ a_{42} &= (s_1^2 + \gamma^2) \sin(s_1 L / 2); \\ a_{43} &= -\rho_1 \cdot E_{22}^2 \cdot (s_2^2 + \gamma^2) e^{-s_2 L / 2}, \\ a_{44} &= -\rho_1 \cdot E_{22}^2 \cdot (s_2^2 + \gamma^2) e^{-s_2 L / 2}, \\ \rho_0 &= \rho_2 / \rho_1, \\ E_{11} &= C_{p2} / C_{p1}, \\ E_{22} &= C_{s2} / C_{s1}. \end{aligned}$$

The main goal of the work is to study the change in the phase velocity C_{RJ} depending on the wavelength, geometric and physical-mechanical parameters of the system. In the case under consideration, (if $E_1 = E_2$; $\nu_1 = \nu_2$; $\rho_1 = \rho_2$, then the layers and the medium work as one) $\gamma = \gamma_R$, where $\gamma_R = 2 \cdot \pi / \lambda$ is the real part of the wave number; λ - wavelength; $C = \omega / \gamma_R$. The frequency equation (12) is solved by the Muller method. Note that the proposed algorithm for calculating the roots of equation (1) gives satisfactory results for small and large wave numbers. Numerical results were obtained with the following parameters of the layer and its environment: $C_{p1} = 2300$ m/s, $C_{s1} = 1300$ m/s, $\nu_1 = 0,35$, $\rho_1 = 0,12$ kg/m³; $C_{p2} = 5400$ m/s, $C_{s2} = 3100$ m/s, $\nu_2 = 0,3$, $\rho_2 = 0,28$ kg/m³.

Conclusions. It is found that the phase velocity for short waves is a no monotonic function of the wavelength. For $L/\lambda > 0,5$, the phase velocities decrease monotonically and approach the asymptote. It follows from the numerical results that the propagation of stress waves in a three-layer body is carried out at higher frequencies, as in a free layer. It was established that at $L/\lambda = 0,5$ the first phase velocity modes depending on L/λ changed monotonically increasing. In the second case, the phase velocities of different modes were accompanied by strong damping.

REFERENCES:

1. Aki K., Richard P. Kolichestvennaya seysmologiya. - Moskva: Mir, 1983, tom 1. -519s.
2. Aynola L.A., Nigus U.K. Volnoviye protsessi deformatsii uprugix pliti obolochek. // -Izv. ANR, 1965, 14, №1, s.3-63.
3. Babich V.M, Molotov I.A. Matematicheskiye metodi v teorii uprugix voln// - Mexanika deformiruyushego tverdogo tela, VINITI, 1977, 10, s. 5-62.
4. Brepta R. Rasprostraneniye prodolnykh voln v tonkix poayasax s reologicheskimi svoystvami // -Krakov, Stroy i chas., XXII,5,1971.433-447 c.
5. Brexovskiy L.M., Goncharov V.V. Vvedeniye v mexaniku sploshnix sred. - M.: Nauka, 1982.-335 s.
6. Viktorov I.A. Fizicheskiye osnovi primeneniya ultrazvukovix voln Releya v Lemba v texnike. - M.: Nauka, 1966, -168s.
7. Godunov S.K. O chislennix reshenii krayevix zadach dlya sistem lineynix obiknovennykh differentsialnykh uravneniy// - Uspexi matematicheskix nauk, 1061, T.16, vip. 3, 171-174s.
8. Grinchenko V.T., Maleshko V.V. Garmonicheskiye kolebaniya i volni uprugix telax, - K.: Nauka dumki, 1981, -283s.
9. Deyvis R.M. Volni napryajeniy v tverdex telax. -M.: iz-vo inostr. Liter., 1961, -104s.
10. Kayumov S.S., Safarov I. I. Rasprostraneniye i difraktsiya voln v dissipativno - neodnorodnykh silindricheskix deformiruyemix mexanicheskix sistemax.-Toshkent; Fan, 2004,-215s
11. Safarov I.I., Kulmurotov N.R., Teshayev M.K., Kuldashov N.U. Interaction of No stationary Waves on Cylindrical Body. Applied Mathematics, 2019, 10, Pp 435-447. <http://www.scirp.org/journal/am>
12. Safarov I.I., Kulmurotov N.R., Kuldashov N.U. Diffraction of Surface Harmonic Viscoelastic Waves on a Multilayer Cylinder with a Liquid. Applied Mathematics, 2019, 10, Pp 468-484. <http://www.scirp.org/journal/am>

UO'T 631.312.8

DISKLI PLUG TAYANCH DISKIGA BERILADIGAN TIK YUKLANISHNI ANIQLASH*Sh.U. Ishmuradov, PhD, dots., Toshkent davlat texnika universiteti, Toshkent**M.A.Xudoyberdiyev, assistent, Toshkent davlat texnika universiteti, Toshkent*

Annotatsiya. Maqolada diskli plug tayanch diskiga beriladigan tik yuklanishni aniqlash bo'yicha olib borilgan tadqiqotlarning natijalari keltirilgan.

Kalit so'zlari: tuproqqa ishlov berish, diskli plug, tayanch disk, prujina, o'tkirlanish burchagi, tik yuklanish, disk tig'i, tig' qalinligi, egat tubi, ish organi.

Аннотация. В статье приведены результаты проведенных исследований по определению вертикальной нагрузки на опорный диск дискового плуга.

Ключевые слова: обработка почвы, дисковый плуг, опорный диск, пружина, угол заточки, вертикальная нагрузка, дисковый отвал, толщина отвала, дно борозды, рабочий орган.

Abstract. Results of the called on studies are brought In article on determination of the vertical load on supporting disk of the disc plow.

Keywords: tillage, disc plow, support disc, spring, sharpening angle, vertical load, disc mouldboard, mouldboard thickness, furrow bottom, working body.

Keyingi yillarda qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishiga energiya-resurstejamkor texnologiyalar va texnika vositalari keng joriy etilayotgani munosabati bilan yerlarga asosiy ishlov berish(shudgorlash)da diskli, ya'ni ish organi sferik disk ko'rinishida bo'lgan pluglarni qo'llash muhim ahamiyat kasb etmoqda. Chunki ular ag'dargichli pluglarga nisbatan tortishga kam qarshilik ko'rsatadi, ish unumi yuqori, o'simlik qoldiqlari va begona o'tlarga tiqilmasdan ishlaydi. Shundan kelib chiqib, biz don, takroriy va boshqa qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirish uchun yerlarga asosiy ishlov berish(shudgorlash)da qo'llaniladigan diskli plug ishlab chiqdik va uning mintaqamiz tuproq-iqlim sharoitiga mos parametrlarini asoslash bo'yicha tadqiqotlar o'tkazdik[1,2].

Mazkur maqolada diskli plug tayanch diskiga beriladigan tik yuklanishni aniqlash bo'yicha o'tkazilgan tadqiqotlarning natijalari keltirilgan.

Tayanch disk(keyingi o'rinlarda disk) cheti o'tkirlangan yassi disk ko'rinishida ishlangan bo'lib(1-rasm), ish jarayonida u oxirgi korpus hosil qilgan egat tubiga tayangan holda plugni gorizonta tekislikda yonboshga og'masdan ishlashini, ya'ni to'g'ri chiziqli harakat qilishini ta'minlashi lozim.

O'tkazilgan tadqiqotlarimizni ko'rsatishicha, plug gorizont tekislikda to'g'ri chiziqli harakat qilishi uchun disk egat tubiga ma'lum bir chuqurlikka botib ishlashi kerak. Bu talab diskka bosim prujinasi tomonidan ta'sir etadigan tik yuklanish(kuch) hisobiga ta'minlanadi.

Diskning cheti o'tkirlanganligi sababli unga beriladigan umumiy yuklanishni quyidagicha ifodalash mumkin

$$Q_y = Q_m + Q_y \quad (1)$$


bunda Q_y - diskni belgilangan chuqurlikka botishini ta'minlash uchun talab qilinadigan umumiy tik yuklanish;

Q_m - disk tig'ini belgilangan chuqurlikka botishini ta'minlash uchun talab qilinadigan tik yuklanish;

Q_y - disk o'tkirlangan qismi(faskasi)ni belgilangan chuqurlikka botishini ta'minlash uchun talab qilinadigan tik yuklanish.

Diskka beriladigan umumiy tik yuklanishning mazkur tashkil etuvchilarini 2-rasmda keltirilgan sxemalardan foydalanib aniqlaymiz.

Q_m ni aniqlash uchun disk tig'ining (2-rasmdagi a sxema) tuproq bilan o'zaro ta'sirda bo'lgan qismidan elementar $ds = R\delta d\alpha_m$ (bunda R -diskning radiusi; δ – disk tig'ining qalinligi; $d\alpha_m$ – elementar burchak) yuzani ajratamiz. Bu yuzaga quyidagi elementar normal kuch ta'sir etadi.



1-rama; 2-osish qurilmasi; 3-ish organi; 4-tayanch diski; 5- bosim prujinasi

1-rasm. Diskli plugning sxemasi

$$dN_m = q_m ds = q_m \delta R d\alpha_m, \quad (2)$$

bunda q_m - tuproqning disk tig'iga ko'rsatadigan solishtirma bosimi.

Disk tig'iga ta'sir etuvchi elementar normal kuchlarning tik tashkil etuvchilari yig'indisi Q_m ni beradi, ya'ni

$$Q_m = \sum dN_m^m = \int_0^{\alpha_0} dN_m \cos \alpha_m = \int_0^{\alpha_0} q_m \delta R \cos \alpha_m d\alpha_m, \quad (3)$$

bunda dN_m^m -disk tig'iga ta'sir etuvchi elementar normal kuchning tik tashkil etuvchisi.


(3) ifodadagi q_m ni tuproqning hajmiy ezilish koeffitsienti q_0 va uning qaralayotgan nuqtadagi deformatsiyasi h orqali ifodalaymiz [3]

$$q_m = q_0 h. \quad (4)$$

Rasmdagi a sxemaga binoan

$$h = OM - OK = R(\cos \alpha_m - \cos \alpha_0), \quad (5)$$

bunda α_m va α_0 - markaziy burchaklar.



2-rasm. Diskni egat tubiga belgilangan chuqurlikka botishi uchun talab etiladigan tik yuklanishni aniqlashga doir sxemalar

(4) va (5) ifodalarni hisobga olgan holda (3) ifodani integrallab quyidagiga ega bo‘lamiz

$$Q_m = \frac{1}{2} q_0 \delta R^2 (\alpha_0 - \sin \alpha_0 \cos \alpha_0). \quad (6)$$

Bu ifodadagi $\sin \alpha_0, \cos \alpha_0$ va α_0 larni R va h_d (bunda h_d – diskni egat tubiga belgilangan botish chuqurligi) orqali ifodalab, quyidagi natijani olamiz

$$Q_m = \frac{1}{2} q_0 \delta R^2 \left[\arccos \frac{R - h_d}{R} - \frac{(R - h_d) \sqrt{(2R - h_d) h_d}}{R^2} \right]. \quad (7)$$

Diskning o‘tkirlangan qismini tuproqqa botirish uchun talab etiladigan tik yuklanish yuqorida keltirilgan tartibda rasmdagi b sxema bo‘yicha aniqlandi

$$Q_y = \frac{q_0}{2 \cos \gamma} (1 + f \operatorname{ctg} \gamma) \left(R - \frac{t - \delta}{4} \operatorname{ctg} \gamma \right) \times$$

$$\times \left[R^2 - \left(R - \frac{t - \delta}{2} \operatorname{ctg} \gamma \right)^2 \right] \left[\arccos \frac{R - h_d}{\left(R - \frac{t - \delta}{4} \operatorname{ctg} \gamma \right)} - \right.$$

$$\left. - \frac{(R - h_d) \sqrt{\left(R - \frac{t - \delta}{2} \operatorname{ctg} \gamma \right)^2 - (R - h_d)^2}}{\left(R - \frac{t - \delta}{2} \operatorname{ctg} \gamma \right)^2} \right], \quad (8)$$

bunda γ - disk tig‘i o‘tkirlanish burchagining yarmi;

f - tuproqning disk tig‘i o‘tkirlangan qismiga ishqalanish koeffitsienti;

t - diskning qalinligi.

Q_m va Q_o larni (7) va (8) ifodalar bo‘yicha qiymatlarini (1) ifodaga qo‘yib, quyidagi yakuniy

natijani olamiz

$$Q_y = \frac{1}{2} q_0 \left\{ \delta R^2 \left[\arccos \frac{R-h_0}{R} - \frac{(R+h_0)}{R^2} \times \right. \right. \\ \times \sqrt{(2R-h_0)h_0} \left. \right] + \frac{1+fctg\gamma}{\cos\gamma} \left(R - \frac{t-\delta}{4} ctg\gamma \right) \times \\ \times \left[R^2 - \left(R - \frac{t-\delta}{2} ctg\gamma \right)^2 \right] \left[\arccos \frac{R-h_0}{\left(R - \frac{t-\delta}{4} ctg\gamma \right)} - \right. \\ \left. - \frac{(R-h_0) \sqrt{\left(R - \frac{t-\delta}{4} ctg\gamma \right)^2 - (R-h_0)^2}}{\left(R - \frac{t-\delta}{4} ctg\gamma \right)^2} \right] \left. \right\}. \quad (9)$$

Bu ifodadan ko‘rinib turibdiki, diskka beriladigan tik yuklanish uning radiusi(diametri), egat tubiga botish chuqurligi, qalinligi, tig‘ining qalinligi, o‘tkirlanish va tikka nisbatan o‘rnatilish burchaklari hamda tuproqning ishqalanish va hajmiy ezilish koeffitsientlariga bog‘liq ekan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Тўхтақўзиев А., Ишмурадов Ш.У. Дискли плуг параметрларини унинг иш кўрсаткичларига таъсири //Фарғона Политехника институти илмий-техника журнали. -2010. -№1. -Б. 18-23.
2. Панов И.М., Ветохин В.И. Физические основы механики почв. – Киев: Феникс, 2008. –265с.
3. Маматов Ф.М. Қишлоқ хўжалик машиналари. -Тошкент: Фан, 2007. - 340 б.

УЎК 681.5:631.544.45: 631.589.2

ЯШИЛ ОЗУҚА ГИДРОПОНИКА ТЕХНОЛОГИЯСИ - АВТОМАТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

*П.И. Каландаров, т.ф.д, проф., Миллий тадқиқот университети “ТИҚХММИ”,
Тошкент*

*Д.А. Абдуллаева, тадқиқотчи, Миллий тадқиқот университети “ТИҚХММИ”,
Тошкент*

Аннотация. Мақолада лаборатория шароитида гидропоник яшил озуқаларни етиштириш технологиясини қўллаш орқали технологик жараёнларни автоматлаштириш ва яшил озуқа сифати ва ўсишини бошқариш масалалари муҳокама қилинади. Чорва, паррандалар учун экологик тоза юқори протеин миқдорига эга бўлган яшил озуқа еми билан боқилиш учун гидропоник усулида яшил озуқаларни тайёрлашга инновацион ёндашилганлиги, озуқа таъминотини ва ўсишини жадал ривожлантириш муаммоларини таҳлил қилинади, дозаловчи озиқлантирувчи аралашмаларни тайёрлаш қурилмалардан фойдаланилганлиги, автоматлаштирилган тизимни қўллаш, намликни ва ҳароратни ростлаш, замонавий ёритиш тизимларини яшил озуқа ўсишига таъсири масалалари таҳлил этилган, ҳамда автоматика элементларини танланиши ва уларнинг негизда функционал схема тузилмаси қурилганлиги келтирилган.

Калит сўзлар: яшил озуқа, гидропоника, гидропоника қурилмаси, эритма аралаштиргичи, дозалаш, автоматлаштириш, бошқариш.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы автоматизации технологических процессов и контроля качества, роста зеленых кормов путем применения технологии выращивания гидропонных зеленых кормов в лабораторных условиях. Проанализирован

инновационный подход к приготовлению зеленых кормов гидропонным методом для скормливания с экологически чистым высоким содержанием белка для скота, птицы, проанализированы проблемы быстрого развития кормообеспечения и роста, приготовление дозирующих питательных смесей осуществляется с использованием устройств, применение автоматизированной системы регулирующая влажность и температуру, а также подбор элементов автоматизации и построение структуры функциональной схемы на их основе.

Ключевые слова: зеленый корм, гидропоника, устройство для гидропоники, смеситель раствора, дозировка, автоматизация, управление.

Abstract. The article deals with the automation of technological processes and quality control, the growth of green feeds by applying the technology of growing hydroponic green feeds in laboratory conditions. An innovative approach to the preparation of green feed by the hydroponic method for feeding with an environmentally friendly high protein content for livestock and poultry is analyzed, the problems of rapid development of feed supply and growth are analyzed, the preparation of dosing nutrient mixtures is carried out using devices, the use of an automated system regulating humidity and temperature, as well as the selection of automation elements and the construction of a functional scheme structure based on them.

Key words: green feed, hydroponics, device for hydroponics, solution mixer, dosage, automation, control.

Кириш. Агрономия ва қишлоқ хўжалиги технологиясининг замонавий ривожланиши ўсимлик экинларини етиштириш учун янги технологиялардан фойдаланишни талаб қилади, буларнинг ичида асосийси гидропоникадир. Гидропоника технологияси жадал ривожланиб бормоқда. Кўплаб хорижий давлатларда бу технология тус олиб бормоқда. АҚШ Миллий органик стандартлар Кенгаши органик дунёдаги энг долзарб масалалардан бири сифатида гидропоника технологиясини тан олди. Бундай технологиялар тупроқда ўсимликларни анъанавий етиштириш учун қийин иқлим шароити бўлган ҳудудларда сув ресурсларини ортиқча истеъмол қилишдан озик-овқат танқислигигача бўлган кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беришига энди истеъмолчилар ҳам буни тан олишмоқда.

Гидропоника тизими ўсимликлар фотосинтез деб аталадиган жараён орқали ўсади, унда улар карбонат ангидрид ва сувни глюкоза (шакар тури) ва кислородга айлантириш учун қуёш нури ва хлорофилл кимёвий моддасидан фойдаланадилар. Бу жараёнда тупроқ ҳеч қандай зарурияти йўқ, чунки ўсимликларни тупроқсиз ҳам ўстириш мумкин. Анъанавий қишлоқ хўжалигида ўсимлик экинлари керакли сувни ва керакли озик моддаларни кўпроқ тупроқдан оладилар. Аммо агар улар бу элементларни бошқа жойдан олишлари мумкин бўлганда эди, масалан, уларнинг илдизлари озуқавий моддаларга бой эритмада бўлса, унда тупроқнинг ўсимликлар учун ҳаётий фаолияти ва ўсишида ҳеч қандай рол ўйнамас эди. Шунинг учун ўсимликларни етиштириш учун сунъий равишда яратилган муҳит уларга умуман тупроқсиз ишлашга имкон беради, бу эса гидропониканинг асосий тамойилидир.


Назарий жиҳатдан, "гидропоника" сўзи ўсимликларни сувда ўстиришни англатади (иккита юнонча сўздан "сув" ва "иш" деган маънони англатади), аммо кўпчилик бу сўзни тупроқдан фойдаланмасдан ўсимликларни етиштириш деган маънони тушунадилар. Назарий жиҳатдан ҳар қандай ўсимликни гидропоника усулида ўстирилиши мумкин, аммо турли экинлар учун етиштириш самарадорлиги ҳар хил бўлади.

Тадқиқотларимизнинг асосий мақсади гидропоника усулида яшил озуқа етиштириш тизимини автоматлаштиришдан иборатдир.

Илк бор тадқиқотлар, 2018-2020 йиллар давомида Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги Қўриқтом қишлоғида ташкил этилган "Энергия тежаш технологиялари Инжиниринг" МЧЖ хорижий корхонасини таркибида ўтказилган эди [1]. Бу ерда гидропоник усулда яшил озуқа етиштириш мўлжал қилинган тажриба майдонида норма-режага биноан кунига чорва моллари учун 30 тонна, паррандалар учун 10 тонна ва балиқлар учун 5 тонна маҳсулотга режалаштирилган эди. Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилди. Кейинчалик 2020 йилдан бошлаб тадқиқотлар "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини

механизациялаш институти” Миллий тадқиқот университети “Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш кафедра”си лабораториясида давом эттирилди [2].

Материал ва усуллар. Гидропоника усулида яшил озуқа етиштириш тизими автоматлаштиришни жорий этишда асосий автоматика элементларидан бири бу автоматик дозалаш, яъни гидропоника технологиясини такомиллаштириш йўлидаги муҳим жиҳатдир. Биз автоматик дозалашнинг асосий вазифаси бутун яшил озуқани ўсиш жараёни давомида сув таъминоти сиғимли аралаштириш идишида эритманинг электр ўтказувчанлигини (ЭЎ) ҳамда (рН) кислоталик миқдорини керакли даражасини ушлаб туришдан иборат [3]. Озиқлантирувчи ечимларни тайёрлаш учун аралаштириш қурилмасининг умумий кўриниши 1-расмда келтирилган.



1-расм. Озиқлантирувчи ечимларни тайёрлаш учун аралаштириш қурилмаси

Саноат миқёсида қайта ишлаш тизимидан фойдаланганда иссиқхона ичидаги сирт майдонининг катта қисми ўсимлик экинлари билан қопланади. Ўсимликлар атроф-муҳит шароитларига қараб доимий равишда айланма эритмадан озуқа моддалари ва сувни истеъмол қиладилар. Очiq қуёшли ёки шамолли кунларда ўсимликлар транспирация интенсивлигининг ошиши туфайли кўпроқ сув истеъмол қилади.

Назорат қилинадиган усул ва параметрлардан бири бу рН ва ЭЎ. Ўсимликлар тизимдан истеъмол қиладиган сув одатда автоматик равишда сақланаётган идишда алмаштирилади. Кирувчи тоза сув, қоида тариқасида, юқори рН даражасига эга бўлиб қолиши мумкин (тахминан 7). Шу сабабли, умумий рН даражасининг ошиши, шунингдек аралаштириш идишидаги озуқа эритмасининг суюлтирилиш керак бўлади.

Агар маълум вақт давомида рН даражаси 6,2 ёки ундан юқори бўлса, унда темир ва марганец каби элементлар эритмадан камайиб қоладилар, юе эса ўсимликларни ривожланиши учун етарли бўлмайди. Бу ўсимликларда темир ва марганец етишмаслигига олиб келади, уларнинг ўсишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин [4].

According to Table 1, if we look at the dynamics of helminths in children in the Surkhandarya region in 2018-2019, we can see a trend of increasing helminths in children. The helminth disease incidence in children increased slightly compared to 2018, including 6.8% by 300 children in 2018 and 7.3% by 2019.

The following helminths are the main causes of helminthiasis in children:

Askarid - when playing in the mud, leaving the street, do not wash your hands thoroughly with soap before eating and after going to the toilet, do not make sure to litter a person (often do not wash the toilet seats), use a few children without disinfected toys, do not wash fruits and vegetables completely (without cleaning or in raw form) when eating nails are not removed often, personal hygiene rules are not observed;

Striped worms - from well cooked or raw meat (worm eggs to pork, beef and fish);

Oysters may spread through toilet seats or when hygiene is not practiced, and when a person with oysters breathes, ostrich eggs are thrown into the air while breathing.

According to our study, enterobiasis in children under 14 years old in Surkhandarya region in 2018-2019 is 11.7% in Denau district, 10.9% in Jarkurgan district, 9.5% in Shurchi district, 9.1% in Boysun district, 8.9% in Sherabad district, 8.6% in Altynsay district, 8.1% in Termez district and 33.2% in other districts (Figure 1).




Figure 1: The prevalence rate of enterobiasis in children under 14 years of age.

The prevalence of ascariidosis by sex was 50.7% among boys in 2018, 49.3% among girls, 51% among boys in 2019, 49% among girls, 50.8% among boys in 2020 and 49.2% among girls. (Table 2).

Table-2
Gender prevalence of ascariidosis in children under 14 years of age in Surkhandarya region in 2018-2020. (As of 1 May 2020)

At the intersection of cities and districts	2018 (%)		2019 (%)		2020 (%)	
	boys	girls	boys	girls	boys	girls
Termez city	61,5	38,5	59,4	40,6	51,9	48,1
Altynsay	51,2	48,8	51,7	48,3	50,6	49,4
Angor	55,2	44,8	57,4	42,6	56,5	43,5
Muzrabot	41,8	58,2	41,3	58,7	44,7	55,3
Sherobod	50,4	49,6	50,8	49,2	49,7	50,3
Boysun	50,8	49,2	51,1	48,9	51,7	48,3
Kumkurgan	50,2	49,8	50,4	49,6	50,8	49,2
Jarkurgan	49,2	50,8	50,7	49,3	50,9	49,1
Shurchi	50,3	49,7	50,5	49,5	51,2	48,8
Kizirik	49,2	50,8	50,1	49,9	49,1	50,9
Termez district	46,4	53,6	47,2	52,8	47,8	52,2
Sariosiyo	52,9	47,1	53,6	46,4	54,3	45,7
Denau	50,4	49,6	50,1	49,9	51,4	48,6
Uzun	50,7	49,3	50,1	49,9	51,3	48,7
By region:	50,7	49,3	51	49	50,8	49,2

This table shows that the prevalence of ascariidosis by sex is slightly higher in boys than in girls.

Conclusion. According to our study, the incidence of enterobiasis in children in Surkhandarya region is 44% and that of ascariidosis is 23%, which is the main cause of helminthiasis. Among all infected helminthoses, 78.9% of cases of enterobiasis in children, 71% of cases of ascariidosis, 69.7% of ostrich, 58.5% of hymenolepidosis and 55% of hyardiasis in children.

Studies have shown that the most important requirement in the fight against helminthiasis is the prevention and choice of the right and effective medicines. In order to understand which drugs to use, it is necessary to undergo a thorough examination, determine the stage of the disease and only then begin treatment. During the prophylaxis, it is necessary to monitor the sanitary condition of living, working and training areas. Fish and meat should be well roasted, as they may contain helminths. Immunity measures should be taken. Effective treatment is not possible without proper understanding of adaptation mechanisms.

REFERENCES:

1. Jalilov J. J. [Improving the prevention, care and social assistance of children with disabilities](#) // Monograph. Tashkent-2020.
2. Jalilov J. J. Indicators and causes of helminthiasis in children of surkhandarya region // Xorazim Ma'mun akademiyasi axborotnomasi, dekabr 2020y. 6-8 b.
3. Jalilov J. J. Raxmatova M.U. Indications and Causes of Helminthosis in Children (On Materials of Surkhandarya Region) // The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research., USA. 2020. P. 76-81.
4. Medical parasitology; Medicine - Moscow, 2012 y. - 304 p.
5. Myandina I.G., Tarasenko V.E. Medical parasitology. Practical Medicine – 2013y. - 280 p.
6. Sanitary epidemiological Surkhandarya region peace center report for 2017-2020.

UO'K 611.91+616-053.5

7-12 YOSHDAGI BOLALARDA YUZNING O'RTA KENGLIGI KRANIOMETRIK KO'RSATKICHLARI

G.J.Ulug'bekova, t.f.n., Andijon davlat tibbiyot instituti, Andijon
I.A.Jalolov, katta o'qituvchi, Andijon davlat tibbiyot instituti, Andijon
Sh.A.Adhamov, talaba, Andijon davlat tibbiyot instituti, Andijon

Annotatsiya. Ushbu ilmiy maqolada 7 yoshdan 12 yoshgacha bo'lgan bolalarda yuzning o'рта kengligi o'sish ko'rsatkichlari (Andijon viloyatining Izboskan tumanida yashovchi bolalar misolida), ushbu kraniometrik ko'rsatkichning tavsifi, o'lchash sohalari, uslubi va ko'rsatib o'tilgan yoshdagi bolalarda o'sish dinamikasi, intensiv o'sish davrlari haqida bayon qilingan.

Kalit so'zlar: antropometrik ko'rsatkichlar, jismoniy rivojlanish, kraniometriya, yuzning o'rta kengligi, kraniometrik o'lchashlar, intensiv o'sish.

Аннотация. В данной научной статье даны показатели роста средней ширины лица у детей от 7 до 12 лет (на примере детей, проживающих в Избосканском районе Андийжанской области), описание этого краниометрического показателя, площади измерения, методы и описаны динамика роста и периоды интенсивного роста у детей указанного возраста.

Ключевые слова: антропометрические показатели, физическое развитие, краниометрия, средняя ширина лица, краниометрические измерения, интенсивный рост.

Abstract. In this scientific article, the growth indicators of the average width of the face in children aged 7 to 12 years (in the case of children living in the Izboskan district of the Andijan region), the description of this craniometric indicator, measurement areas, method and the dynamics of growth and periods of intensive growth in children of the specified age are described.

Key words: anthropometric indicators, physical development, craniometry, average width of the face, craniometric measurements, intensive growth.

Kirish. Antropometrik ko'rsatkichlarni tahlil qilish orqali bolalar va o'smirlarning jismoniy o'sish va rivojlanish jarayonlarini qay yo'sinda kechayotganligini bilish mumkin. Ayni shu maqsadda 7 yoshdan 12 yoshgacha bo'lgan bolalarda yuz sohasini tavsiflovchi asosiy kraniometrik ko'rsatkichlardan biri bo'lgan yuzning o'rta kengligi o'sish dinamikasini aniqlash, kuzatish maqsadida Andijon viloyatining Izboskan tumanida yashovchi bolalarda antropometrik tadqiqot olib borildi. Tadqiqot davomida 7-12 yoshdagi 165 nafar bolalarda kraniometrik o'lchashlar amalga oshirildi.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Antropometrik tekshirishlarning katta qismi tananing bosh va yuz qismlarida o'tkaziladi. Buning asosiy sababi shundaki, erta bolalik davridayoq ma'lumot to'plash mumkin. Bundan tashqari boshning o'sishi tananing boshqa qismlariga nisbatan erta tugallanadi [3].

Shaxsni identifikatsiya qilishning muhim yo'nalishlaridan biriodam tanasining morfologik xususiyatlarini o'rganishdir [4].

Yuzning o'rta kengligi – bu kallaning ikkala tomonidagi zigomolyar (zm) nuqtalari orasidagi masofadir. Ushbu ko'rsatkichni o'lchashda shtangensirkuldan foydalanildi. Ko'rsatkichlarni o'lchash jarayoni bolalar tik turgan holatida amalga oshirildi.

Tahlil va natijalar. Olib borilgan antropometrik tadqiqot natijalarining ko'rsatishicha, yuzning o'rta kengligi 7 yoshdagi o'g'il bolalarda 9.52 ± 0.22 smga teng bo'lsa, 10 yoshga kelib ushbu ko'rsatkich 9.96 ± 0.08 smga yetadi. Ushbu ko'rsatkich 10-12 yoshlar orasida nisbatan intensiv o'sadi ya'ni 10 yoshda 9.96 ± 0.08 smdan 12 yoshda 10.90 ± 0.22 smga tenglashadi. Yuzning o'rta kengligi o'lchami 7 yoshli qiz bolalarda 9.80 ± 0.12 sm bo'lsa, 10 yoshda 10.10 ± 0.10 smga va 12 yoshda esa 10.50 ± 0.12 smga kattalashishi olingan natijalarda aks etmoqda.

1-jadval.

7-12 yoshdagi bolalarda yuzning o'rta kengligi ko'rsatkichlarining o'sish dinamikasi ($X \pm m$, sm da), (Izboskan tumanida yashovchi bolalar misolida)

Yoshi	7	8	9	10	11	12
O'g'il	9.52 ± 0.22	9.66 ± 0.20	9.92 ± 0.18	9.96 ± 0.08	10.02 ± 0.34	10.90 ± 0.22
Qiz	9.80 ± 0.12	9.86 ± 0.22	9.96 ± 0.08	10.10 ± 0.10	10.32 ± 0.20	10.50 ± 0.12

Xulosa. Tadqiqot natijalaridan ko'rish mumkinki, yuzning o'rta kengligi ko'rsatkichlari 7 yoshdan 12 yoshgacha bo'lgan davrda o'g'il bolalarda 9.52 ± 0.22 smdan 10.90 ± 0.22 smga ortishi ma'lum bo'lsa, qiz bolalarda esa mos ravishda 9.80 ± 0.12 smdan 10.50 ± 0.12 smga ortadi. 7-12 yoshdagi har ikkala jins vakillarida ham yuzning o'rta kengligini eng intensiv o'sishi 10-12 yoshlar oralig'ida kuzatiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Синельников Р.Д., Синельников Я.Р. Атлас анатомии человека 1 том. - М.: Медицина, 1996. - 343 с.
2. Автандилов Г. Г. Медицинская морфометрия: руководство /Г.Г. Автандилов. М.: Медицина, 1992.-380 с.
3. Харитонов В.М., Ожигова А.П., Година Е. З. Антропология. //Учебник для вузов. - Владос, 2004. - 272 с.
4. Мальцева Н.Л. Вариантная анатомия подъязычной кости и возможности ее применения в идентификации личности: Автореф. дис. . . канд. мед. наук. - Санкт-Петербург, 2006.

5. Shokirov X.U. Andijon viloyati Andijon shahri sharoitida yashovchi kichik maktab yoshidagi bolalarning kraniometrik ko'rsatkichlari/Magistrlik dissertatsiyasi. Andijon-2017.

6. Атахонов А.А., Хатамов А.И., Улугбекова Г.Ж. Андижон вилояти Асака тумани шароитида яшовчи мактаб ёшидаги болаларда бошнинг юз қисмини краниоетрик кўрсаткичлари. О'zbekiston terapiya axborotnomasi.- 2015. № 3, 84-86 б.

7. Атаханов А.А. Андижон вилояти Асака тумани шароитида яшовчи ўрта мактаб ёшидаги болаларнинг краниоетрик кўрсаткичлари. /Диссертация. Андижан-2015.

8. Раимжанов Р.Р. Андижон вилояти Андижон тумани шароитида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болаларнинг краниоетрик кўрсаткичлари. /Диссертация. Андижан, 2014.

УЎК 616

БОЛАЛАРДАГИ АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА ТАШҲИСИ ВА КЕЧИШИ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ

Н.А.Нуралиев, т.ф.д., проф., Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро
Д.Н.Ачилова, PhD, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро

Аннотация. Аллергик касалликлар шаклланиши ва ривожланиши бевосита иммун тизими фаолияти билан боғлиқлиги исботланган. Ушбу тизимнинг тугта ўрни кўрсатиб берилган бўлса ҳамки, иммун тизим турли бўғинларининг ушбу патология ривожлангандаги ўзгаришлари охиригача ўрганилмаган. Ушбу мақолада иммунологик фаол омиллар ва цитокинлар орқали болаларда аллергия касалликларни фаол кечишини эрта таъхислаш бўйича тадқиқотни баён этади.

Калит сўзлар: Аллергик касаллик, гуморал иммунитет, цитокин, иммуноглобулин, иммун тизим.

Аннотация. Доказано, что формирование и развитие аллергических заболеваний напрямую связано с активностью иммунной системы. Хотя показана важная роль этой системы, изменения различных звеньев иммунной системы при развитии этой патологии до конца не изучены. В данной статье описано исследование по ранней диагностике активного течения аллергических заболеваний у детей с помощью иммунологически активных факторов и цитокинов.

Ключевые слова: Аллергическая болезнь, гуморальный иммунитет, цитокин, иммуноглобулин, иммунная система.

Abstract. It has been proven that the formation and development of allergic diseases is directly related to the activity of the immune system. Although the important role of this system has been shown, the changes of different joints of the immune system during the development of this pathology have not been studied to the end. This article describes a study on the early diagnosis of the active course of allergic diseases in children by means of immunologically active factors and cytokines.

Key words: Allergic disease, humoral immunity, cytokine, immunoglobulin, immune system.

XXI асрнинг боши аллергия касалликларнинг (АК) ўсиши билан ажралиб турди. Аллергия касалликларининг кенг тарқалиши (аҳолининг 20% дан ортиғи) аллергия муаммосини глобал тиббий ва ижтимоий муаммога айлантирди. Аллергия «цивилизация касаллиги» деб номланади Дунёда аллергия касалликлар шаклланиши ва тарқалишига ташқи муҳит омилларининг таъсири, янгидан-янги алергенларнинг пайдо бўлиши, микроэкологиянинг (ичаклар, тери, шиллиқ қаватлар флорасининг) бузилиши, стресс сабаб бўлмоқда. Энг кўп тарқалган этиологик муҳим алергенлар ичида

ўсимликлар чанги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг 700 дан ортиқ тури аниқланган [1,3]. Аллергик касалликлар гетерогенлиги, ирсий омилларнинг ҳамда ташқи муҳит омилларининг ўзаро таъсири оқибатида алергенлар спектри кенгайиб бормоқда. Аллергия - юнонча "аллос" бегона ва "эрго" - таъсир сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у организмнинг бегона, ёт моддаларга ўзгача таъсир қилиш қобилятини англатади [2,4,7].

Аллергик ринит дунё бўйича кенг тарқалган бўлиб, ҳозирги ушбу касалликдан аҳолининг 30% - 50% азият чекмоқда. Ушбу патологиянинг ривожланишида тиббий-биологик ва санитар-гигиеник омилларнинг таъсири билан бир қаторда атроф муҳит омилларининг таъсири ҳам муҳим ўрин тутаяди. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши аллергия ринитнинг


келиб ривожланишига ва қайталанишига сабаб бўлиши олимларнинг тадқиқот ишлари натижалари бўйича тасдиқланмоқда [3,5].

ЖССТнинг маълумотларига кўра аллергия касалликлар ер юзи аҳолисининг 30 фоизини ташкил қилиши ва турли мамлакатларда касалланиш даражаси бир-биридан анча фарқ қилиши аниқланган. Аллергия касалликлар ўсма касаллигига нисбатан 30 марта, ревматизмга нисбатан 2000 марта кўп

тарқалган [2,4]. Нафас йўллариининг аллергия касалликлари тарқалишига иқлимнинг ўзига хос хусусияти ва географик шароитлар таъсир кўрсатади. Қишлоқ ва шаҳар аҳолиси орасида касаллик тарқалиш кўрсаткичи бир хил эмас. [4,5]. Республика ва вилоят даволаш муассасаларига мурожаат қилган беморлар орасида шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисига нисбатан 10 марта кўп. Бу ерда экология ҳам катта аҳамият касб этади. Бир республиканинг турли қисмларида аллергия касалликлар тарқалиши бир текис эмас. Қозғистоннинг жанубий минтақаларида поллиноз 10-15 фоиз аҳолида кузатилган бўлса, шимолида эса аҳолининг фақат I фоизда қайд этилган. Аллергия касалликларда олдини олиш чора - тадбирларининг аҳамияти катта эканлигини ҳисобга олиб, бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти махсус соғломлаштириш-тикланиш комплексини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратди.

Тадқиқот мақсади. Болалардаги аллергия касалликларни эрта ташҳиси ва кечиши истиқболлини оптимал ечимларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишининг материал ва методи. Бухоро вилоятининг Вобкент, Жондор ва Бухоро туманлари вилоят туманлар кесимида аҳоли сонининг зичлиги ҳамда мазкур туманларда аҳоли сонининг кўпшиги туфайли ушбу туманларда тадқиқот усуллари олиб борилди. Ушбу туманлар ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли болаларининг 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган аллергия фонидagi бемор болалар текширилди. Тадқиқот давомида биз қўйилган вазифаларга мувофиқ 905 нафар бола назоратимизда бўлиб булар аллергия касалликларнинг турли кўринишларини ўз ичига олди, болаларнинг ёш кўрсаткичлар 1-расмда кўрсатилган (1-жадвал).



1-расм. Тадқиқот давомидаги болаларнинг текширилган ёш даражалари

1-жадвал

Тадқиқот давомидаги болаларнинг текширилган ёш даражалари

Болаларнинг ёши	Тадқиқот усуллари			
	Тадқиқот		Назорат	
	Бемор сони	%	Бола сони	%
3 ёш	91	10,4	6	12
4 ёш	140	15,4	4	8
5 ёш	110	12,1	7	14
6 ёш	64	7,07	5	10
7 ёш	69	7,6	6	12
8 ёш	72	7,9	2	4
9 ёш	69	9,2	4	8
10 ёш	64	10,1	6	12
11 ёш	87	9,6	7	14
12 ёш	96	10,6	3	6
Жами	905	100	50	100

Бемор болалар гуруҳини танлаш учун биз тадқиқот даврида бемор болаларни киритиш ва истисно қилиш учун қуйидаги мезонлардан фойдаландик.

Аллергик касалликлар ташхиси клиник хусусиятлари асосида тадқиқот амалга оширилди. Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун биз махсус тадқиқот усуллари мажмуасидан фойдаландик (2 -жадвал).

2-жадвал

Тадқиқот давомида қўлланиладиган текшириш усуллари

Текшириш усуллари	Тадқиқот	Назорат
Клиник қон текшируви	60	25
Биокимёвий қон текшируви	60	25
Имунологик текширув	60	25

Тадқиқот натижалари. Аллергик касалликлар ташхисланган 3-12 ёшли болалар гуморал иммунитет ва цитокин статусига баҳо берилиб, ушбу касалликлар клиник-имунологик жиҳатлари, ушбу кўрсаткичлар ўзгаришларининг маълум қонуниятлари аниқланди. Шулар асосида касалликнинг эрта ташхиси, унинг яқуни истикболи бўйича қўшимча диагностик ва прогностик мезонлар яратилди, соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия этилди.

Кейинги босқичда ушбу имунологик параметрларнинг касалликни даволаш динамикасидаги ўзгаришларини ўрганиш ва баҳолаш ўтказилди. Даволаш комплекси диссертациянинг II бобида батавсил келтирилгани боис биз унга тўхталишни лозим топмадик.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, давогача 3-7 ёшли ва 8-12 ёшли болалар қон зардобидаги асосий иммуноглобулинлар концентрациялари назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан турлича ўзгариб, миқдорий дисбаланс кузатилган эди. Бу ҳолат ҳар иккала ёш гуруҳида амалий жиҳатдан бир хилда кузатилиб, фақат IgE миқдорининг ўзгариш интенсивлиги 8-12 ёшли болаларда таққосланаётган ёш гуруҳига нисбатан ишонарли даражадаги ($P<0,05$) юқорилиги билан тавсифланади (3 -жадвал).

Ҳар иккала ёш гуруҳларида ҳам даволаш тадбирлари имунологик кўрсаткичларга ижобий таъсир этганлиги аниқланди. Давогача бўлган кўрсаткичларнинг даводан кейинги маълумотларга нисбатан ўзгаришлари барча ҳолатларда ҳам ижобий бўлди. Бу эса даволаш комплексига киритилган препаратларнинг адекват танланганлигини кўрсатади. Олинган рақамлар таҳлилига тўхталсак, IgA миқдори давогача назорат гуруҳи маълумотларидан ишонарли пасайган ҳолда ($P<0,05$), даводан кейин ишонарли равишда кўпайиш кузатилди ($P<0,05$).

3-жадвал

Аллергик касалликлар кузатилган турли ёшдаги болалар қон зардобидаги иммуноглобулинлар миқдорининг даволаш динамикасидаги ўзгаришлар тавсифи г/л

Кўрсаткичлар	Ёш гуруҳлари	Назорат гуруҳи, n=25	Олинган натижалар	
			Давогача, n=30	Даводан кейин, n=30
IgA, г/л	3-7	1,22±0,07	0,69±0,01	0,83±0,01*^↑
	8-12		0,79±0,09	1,56±0,13*^↑
IgM, г/л	3-7	1,02±0,07	1,79±0,07	1,18±0,06*^↓
	8-12		1,72±0,07	1,20±0,05*^↓
IgG, г/л	3-7	8,01±0,21	6,40±0,16	8,31±0,12*^↑
	8-12		6,31±0,16	7,35±0,23*^↑
IgE, г/л	3-7	24,46±1,05	122,98±5,68	34,73±1,00*^↓
	8-12		150,74±5,83	34,41±2,99*^↓

Эслатма: *-асосий ва назорат гуруҳлари орасидаги ишонарли фарқлар белгиси; ^ - давогача ва даводан кейинги параметрлар орасидаги ишончли фарқ белгиси; ↑, ↓ - ўзгаришлар йўналишлари.

Ҳар иккала ёш бўйича IgAнинг даволашдан кейинги ўсиши давогача бўлган параметрларга нисбатан мос равишда 1,20 марта (0,83±0,01 г/л гача) 1,97 марта (1,56±0,13 г/л гача) кўпаяди. 3-7 ёшли болаларда даводан кейинги натижалар меъёр кўрсаткичларига етмаган бўлса, 8-12 ёшлиларда бу параметр меъёр доирасида бўлади. Бу ҳолат даво муолажалари 8-12 ёшли болаларда кўпроқ таъсир қилганини, уларда иммун тизими тўлиқ шаклланиши боис патологик ҳолатга адекват жавоб бериш кузатилгани билан боғлиқ.

IgM бўйича ҳар иккала ёш гуруҳида амалий жиҳатдан бир хилдаги натижа олинди, IgA параметрлари ўзгаришлар динамикасига нисбатан тескари натижалар олинди, яъни даводан кейин IgMнинг қон зардобидаги концентрацияси камайди ($P<0,05$) ва меъёр чегаралари доирасида бўлди. IgAнинг даводан кейинги параметрлари бўйича ёш гуруҳлари орасида тафовут ишонарли бўлган бўлса ($P<0,05$), IgM бўйича бундай фарқ кузатилмади.

Қон зардобидаги IgG концентрацияси даволаш муолажасидан кейин ишонарли даражада кўпайди ($P<0,05$), агар 3-7 ёшли болаларда бу иммуноглобулин меъёр чегараларига кўпайган бўлса ($8,31\pm 0,12$ г/л гача, $P<0,05$), 8-12 ёшли болаларда бу параметр меъёр чегараларига яқинлашди ($7,35\pm 0,23$ г/л гача, $P<0,05$). Ҳар иккала ёш гуруҳларида даволаш IgG концентрациясига ижобий таъсир қилиб, унинг миқдорини оширади. Даводан кейин ёш гуруҳлари орасида ушбу параметр бўйича фарқлар аниқланмади. Демак, ўтказилган даволаш натижалари бўйича ёшлараро тафовут аниқланмади.

Шундай қилиб, аллергия касалликлар кузатилган турли ёшдаги болалар қон зардобидаги иммуноглобулинлар концентрациялари даволаш тадбирларидан кейин миқдорий жиҳатдан ўзгариб, касаллик туфайли вужудга келган дисбаланс тикланди. Ҳар иккала ёш гуруҳларида иммуноглобулинлар миқдори ижобий томонга ўзгарди ($P<0,05$). Ёш гуруҳлари бўйича IgA мос равишда даволашдан кейин давогача бўлган кўрсаткичдан 1,20 ва 1,97 мартагача ($P<0,05-0,001$), IgG мос равишда 1,30 ва 1,16 мартагача ишонарли даражада ($P<0,05$) ошган бўлса, IgM миқдори ишонарли равишда камайди-мос равишда 1,52 ва 1,43 мартагача ($P<0,5$). Шуниси эътиборлики, ўртача кўрсаткичлардан ташқари, амалий жиҳатдан барча индивидуал кўрсаткичларда ҳам ўсиш кузатилади.

Хулоса. Аллергия касалликлар аниқланган 8-12 ёшли болалар қон зардобидаги цитокинлар концентрациясини ўрганиш шуни кўрсатдики, бемор болалар гуруҳида соғлом болаларга нисбатан цитокинлар миқдорий ўзгаришлари йўналишлари турлича бўлди, агар яллиғланишни кўлловчи ИЛ-4 ва ИЛ-8 миқдорлари мос равишда 3,49 ва 3,72 мартагача ишонарли даражада ошган бўлса ($P<0,001$), ИЛ-10 концентрацияси 2,32 мартагача ишонарли равишда кўпайди ($P<0,001$) ушбу натижа болалардаги аллергия касалликларни эрта ташҳиси ва кечиши истиқболли оптимал ечимларини хал қилишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ирсалиева Ф.Х., Современные аспекты оптимизации специфической иммунотерапии при респираторных аллергиях в Узбекистане // Автореферат докторской диссертации // 14.00.36-Аллергология и иммунология (медицинские науки), Ташкент-2016, с. 77.
2. Лиханов А.В. Клинико-эпидемиологический мониторинг как основа совершенствования медицинской помощи детям с аллергическими заболеваниями // Автореферат докторской диссертации 14.00.09-Педиатрия // Новосибирск-2006, с. 318.
3. Пенкина Н.И. Распространенность, факторы риска и течение атопического дерматита у детей, автореферат диссертации доктора медицинских наук на ВАК 14.00.09-Педиатрия, Москва-2006, с. 324.
4. Умаров Д.С. Распространенность и клинические особенности течения аллергических заболеваний у детей в Республике Таджикистан, лечение и профилактика // Автореф. д.м.н. ВАК 14.00.09- Педиатрия // Москва-2009, с. 258
5. Achilova D. N., Yomgurova O. R. Clinical-immunological and medico-social aspects of allergic diseases in children, development of criteria for early diagnosis and prognosis of the course of the disease (literature review) //British Medical Journal. – 2022. – Т. 2. – №. 2.
6. Achilova D. N., Yomgurova O. R. Manifestations of allergic diseases among the population in industrial production areas //Globalization. – 2022. – Т. 1. – С. 29.

УЎК 616.1 – 085.2 (07)

ЮРАК ҚОН-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН ПРЕПАРАТЛАР

Н.Э.Рашидов, б.ф.н., доц., Бухоро давлат университети, Бухоро
Г.И.Эшонкулова, магист, Бухоро давлат университети, Бухоро
Д.Б.Низомов, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада ҳозирги кунда сони ортиб бораётган юрак қон-томир касалликларини табиий усуллар-доривор ўсимликлардан тайёрланадиган препаратлар орқали даволашда ёрдам берадиган ўсимликлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлари: миёкард инфаркти, гипертония, инсулин, экстракт

Аннотация. В статье содержится информация о растениях, которые помогают в лечении сердечно-сосудистых заболеваний, число которых в настоящее время растёт, с помощью естественных методов - лекарственных растений.

Ключевые слова: инфаркт миокарда, артериальная гипертензия, инсулин, экстракт

Abstract. this article contains information about plants that help in the treatment of cardiovascular diseases, which are currently increasing in number, through natural methods-medicinal plants.

Keywords: myocardial infarction, hypertension, insulin, extract

Кирриш: Халқимиз соғлиғини сақлаш, касалликларнинг олдини олиш, авлодларимизни соғлом қилиб, тарбиялаб етиштириш масалаларига аҳамият берар эканмиз, ўз вақтида ва тез юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишда, касалликни даволаш ва олдини олишнинг асосий омилларидан бири бўлмиш яхши асоратсиз таъсир этувчи доривор ўсимликлар ва улардан тайёрланадиган доривор препаратлар ҳамда бошқа табиий шифобахш воситаларни аҳолига кўплаб етказиб бериш учун бор имкониятларни яъни шу соҳага йўналтирилган магстр ва талабаларимизни ўқитишга, керакли замонавий приборларни ишлата олишини йўлга солиш зарур. Доривор ўсимликлар инсониятга жуда қадим замонлардаёқ маълум бўлган. Ўсимликлардан нафақат озиқ-овқат, балким биологик фаол моддалар манбаи сифатида кенг фойдаланганлар. Узоқ вақтлар давомида бутун дунё халқларининг асосий доривор воситалари шифобахш ўсимликлар хомашёси асосида тайёрланиб келинган. Шифобахш ўсимликлар захарли эмас, ёки кам захарли, энг асосийси асорат қолдирмайди, улар таркибида биологик фаол моддалар кўп ва инсон организмига узоқ вақт даволовчи таъсирини ўтказиб туради. Маълумки, дунё миқёсида фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг тахминан 50% и доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланмоқда. Айниқса юрак-қон томир касалликларининг даволашда ва профилактикаси учун фойдаланиладиган доривор препаратларнинг 77%, доривор ўсимликлар хомашёси асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Юрак-қон томир касалликлари тобора ортиб бораётганлиги билан бутун дунё бўйлаб касалланиш ва ўлимнинг асосий сабаблари бўлиб қолмоқда. Доривор ўтлардан тайёрланган гиёҳлардан фойдаланиш бир нечта касалликларни, шу жумладан юрак-қон томир касалликларини даволашнинг муқобил усули бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда замонавий доривор тизимларда ўсимлик препаратларини қўллаш учун мисли кўрилмаган ҳаракат мавжуд. Шунга кўра, юрак-қон томир касалликларини даволашда ўтларни самарали ишлатиш учун доривор ўтлар бўйича жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган. Бундан ташқари, *Ginseng*, *Ginkgo biloba*, *Ganoderma lucidum*, and *Gynostemma pentaphyllum* каби тўртта кенг тарқалган ўсимликларнинг юрак-қон томир касалликларига қарши этнофармакологик терапевтик салоҳияти ва доривор хусусиятлари ҳақида маълумотлар тўпланди ва кўриб чиқилди. Хусусан, миёкард инфаркти, гипертония, периферик қон томир касалликлари, коронар юрак касалликлари, кардиёмиёпатиялар ва дислипидемия ушбу доривор ўсимликларини хусусиятлари таҳлил қилинди ва танқидий муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижалари: Табиий маҳсулотга асосланган дори-дармонларни кашф қилиш ва ишлаб чиқиш қиммат ва юқори даражада интеграциялашган фанлараро ёндашувларни талаб қиладиган мураккаб ишдир. Аслида, анъанавий ўсимлик ва ўсимликлардан олинган экстрактлар асосий оқимга айланмоқда, чунки илмий тадқиқотлардаги ютуқлар касалликларнинг олдини олиш ва даволашда уларнинг аҳамиятини кўрсатмоқда. Табиий маҳсулотлар миллионлаб йиллар давомида табиат томонидан биоактивлик учун танланган.



1-расм Ginseng ва ундан тайёрланган дори воситаси

Ginseng қисман маросимларда ишлатилиши туфайли (2000 йил олдин) қадимги ўстирилган ўсимлик ҳисобланади (1-расм). Аънанавий тиббиётда XX асрдан бошлаб Ginseng дан фойдаланиш бошланган. Ginseng яшаш жойларига Корея, Хитой, Япония ва Вьетнам каби Осиё мамлакатлари ва Шимолий Америка мамлакатлари, асосан Канада ва АҚШ киради. Корея қизил ginseng (КРГ; *Panax ginseng* С. А. Мей.), Хитой ginseng (*Panax нотогинсенг* Буркилл; ФХ Чен.), Америка ginseng (*Panax куинкуефолиум* Л.), ва Япония ginseng (*Panax жапонисас* С. А. Мей.) энг кўп ишлатиладиган турлардир(1-расм).

Одатда 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган ўсимликларнинг илдизлари қуёш остида "оқ ginseng" ҳавода қуритилади ёки 98-100 да буғ билан ишлов берилади. 2-3 соат давомида "қизил ginseng" ни ишлаб чиқариш учун қуёшда қуритилади. Буғлаш пайтида ginseng кимёвий таркибий қисмлари қизил гинсенгни оқ гинсенгга қараганда фармакологик жиҳатдан самаралироқ қиладиган ўзгаришларга учрайди. Ҳозирги вақтда ginseng суюқ шаклда тайёрланади ва ишлатилади: ёг экстракти ёки чой; ёки каттиқ шаклда: капсулалар ёки қуритилган илдизлар. Бирок, ginseng илдизи барг экстрактлари семиришга қарши, гипергликемик, гипертензив, insulin сезгирлиги ва гиперлипидемик таъсирга эга эканлиги қайта-қайта таъкидланган.



2-расм. *Ginkgo biloba*



Гинсенгдан 300 дан ортиқ биоактив моддалар ажратилган. Тритерпен сапонинлар бўлган гинсенозидлар Ginseng экстрактларидан ажратилган энг биоактив таркибий қисмлардир. Ҳозиргача ажратилган 40 та гинсенозиддан Рb1, Рr1, Рr3, Рe ва Рd энг кўп ўрганилган. Рr3, Рr5 ва РК1 қизил корейс Гинсенгига хосдир (1-расм). Ginseng ва унинг таркибий қисмлари бўйича тадқиқотлар ривожланиб борди, шунинг учун ҳозирда Ginseng тадқиқотига бағишланган журнал мавжуд: Ginseng тадқиқотлари журнали (<https://www.journals.elsevier.com/journal-of-ginseng-research>). Ginseng илдизи экстракти емас, балки тозаланган individual гинсенозидларни ўрганиш яқинда қизиқиш уйғотди (Ким, 2012). Ginseng ва унинг гинсенозид таркибий қисмлари вазорелаксация, оксидланишга қарши, яллиғланишга қарши ва саратонга қарши фаолиятга эга. ***Ginkgo biloba*** дарахт сифатида танилган энг қадимги уруғ ўсимликлар орасида. 270 million йил давомида кескин ўзгаришларсиз давом этганлиги сабабли у "тирик Фотоалбом" деб ҳисобланади. Унинг келиб чиқиш жойи Yangtze дарёси водийсида Шарқий Хитой эканлигига ишонишади. У ердан у Осиё, Европа, Шимолий Америка ва янги Зеландияда кенг тарқалди. Унинг барглари экстракти ҳақида эслатма Хитой Республикасининг тиббий луғатига киритилган(2-расм).

Ginkgo biloba энг кўп сотиладиган доривор ўсимликлардан биридир. Бу 5000 йилдан кўпроқ вақт олдин Хитойда ишлатиладиган доривор ўтлардан биридир, бу ерда унинг уруғлари ва барглари—янги ёки қуритилган-қадимги ўсимлик тиббиётида минг йиллар давомида ишлатилган. Унинг терапевтик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосан *Ginkgo biloba* барглари ва кўплаб фармацевтика компанияларидан, шу жумладан АҚШ ва Европада баргларнинг экстрактларини ишлаб чиқаради ва сотади. Барглари юрак қон-томир касалликларини даволаш учун Хитой халқи томонидан энг кўп ишлатиладиган чой шаклида ишлатилиши мумкин. Одатда, энг фаол таркибий қисмларни ўз ичига олган стандартлаштирилган экстракт барглardan тайёрланиши ва кейин таблетка сифатида, суюқлик шаклида олиниши ёки томир ичига юборилиши мумкин.

Гингко билобанинг асосий таркибий қисмлари флавоноидлар (ginkgo-флавоно гликозидлари), терпеноидлар (гинкголидлар ва билобалидлар), бифлавонолар ва бошқа моддалар қаторида органик кислоталардир (2-расм). Гинкголидлар Гингко билобага хос бўлиб, бошқа тирик турлар томонидан синтез қилинмайди. Гинкголидлар А, Б, С, Ж ёки М турларига бўлинади. Кўп босқичли жараён орқали *Ginkgo biloba* қуритилган барглари экстрактлари флавоноидлар ва терпеноидлар учун бойитилади ва зарарли моддалар йўқ

қилинади. Охирги босқичда сувоқ экстракт 1 қисмли хом дори (барглар) дан 50 қисмли экстракт бериш учун қуритилади. Стандартлаштирилган экстракт шакллари ишлаб чиқилган ва одатда 24-36% флавоноид гликозидлари ва 4-11% терпеноидларни ўз ичига олади. Мисол учун, стандартлаштирилган экстракт Ег6761 энг кўп ишлатиладиган *Ginkgo biloba* экстракти (ГБЕ) бўлиб, унинг таркибида 24% *ginkgo* флавоноид гликозидлари, 6% терпен лактонлари ва 5-10% органик кислоталар. Ушбу экстрактлар турли хил терапевтик мақсадларда, шу жумладан мия қон оқимини тартибга солиш учун ишлатилган нейронларни химоя қилиш, шунингдек, хотира ва концентрация муаммолари каби когнитив функцияларни такомиллаштириш мақсадида фойдаланиб келинади.

Хулоса: Республикамизда йил сайин доривор ўсимликлар махсулотига эҳтиёж ўсиб бориши натижасида уларнинг хомашёсини тайёрлаш миқдори ҳам кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида қатор доривор ўсимликларнинг захиралари кўп ўсадиган жойларида камайиб кетишига, натижада уларнинг хомашёсини тайёрланишини кескин чегараланиши ёки бутунлай тўхтатилишига олиб келмоқда. Доривор ўсимликлар захираларидан оқилона фойдаланишнинг ягона йули - уларни маданийлаштириш ва саноат плантацияларида етиштиришни йўлга қўйишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Cao, F., Cheng, H., Cheng, S., Li, L., Xu, F., Yu, W., et al. (2012). Expression of selected *Ginkgo biloba* heat shock protein genes after cold treatment could be induced by other abiotic stress. *Int. J. Mol. Sci.* 13 (5), 5768–5788. doi: 10.3390/ijms13055768
- 2.Caron, M. F., Hotsko, A. L., Robertson, S., Mandybur, L., Kluger, J., White, C. M. (2002). Electrocardiographic and hemodynamic effects of *Panax ginseng*. *Ann. Pharmacother.* 36 (5), 758–763. doi: 10.1345/aph.1A411
- 3.Celermajer, D. S. (1997). Endothelial dysfunction: does it matter? Is it reversible? *J. Am. Coll. Cardiol.* 30 (2), 325–333. doi: 10.1016/s0735-1097(97)00189-7
- 4.Chan, K., Chui, S., Wong, D., Ha, W., Chan, C., Wong, R. (2004). Protective effects of Danshensu from the aqueous extract of *Salvia miltiorrhiza* (Danshen) against homocysteine-induced endothelial dysfunction. *Life Sci.* 75 (26), 3157–3171. doi: 10.1016/j.lfs.2004.06.010
- 5.Chan, P. C., Xia, Q., Fu, P. P. (2007). *Ginkgo biloba* leave extract: biological, medicinal, and toxicological effects. *J. Environ. Sci. Health C Environ. Carcinog. Ecotoxicol. Rev.* 25 (3), 211–244. doi: 10.1080/10590500701569414

UO'K 517.55

**FUNKSIYANI ALGEBRAIK TO'PLAMLAR BO'YICHA GOLOMORF DAVOM
QILDIRISH**

J.U. Xujamov, dotsent, Urganch davlat universiteti, Urganch
X.R. Kadirova, magistrant, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada Xartogs qatorlarining yaqinlashish sohasi va u yordamida, polikrugda golomorf bo'lgan funktsiyani algebraik chiziqlar bo'yicha golomorf davom qilsa, uni barcha o'zgaruvchilar bo'yicha bir yo'la golomorf davom qilishi isbotlangan.

Kalit so'zlar: Polikrug, uzluksiz funktsiya, golomorf funktsiya, Xartogs qatori, tekis yaqinlashish, subgarmonik funktsiya.

Аннотация. В статье доказано об область сходимости ряда Хартогса и используя его, голоморфная функция в поликруговой области продолжается по алгебраических линии, то доказано, что эта функция голоморфна продолжается по группам переменных.

Ключевые слова: Поликруг, непрерывная функция, голоморфная функция, ряд Хартогса, равномерная сходимости, субгармоническая функция.

Abstract. In this paper, we proved the domain of convergence of the Hartogs series, and using it, the holomorphic function all over variable domains can be continued along the algebraic lines of one-sided holomorphic extensions on polycircles.

Keywords: Polycircle, continuous function, holomorphic function, Hartogs series, uniform convergence, subharmonic function.

Aytaylik, $f(z, w)$ funktsiya

$$D = U(0, \rho) \times U(0, r) = \{z, w \in \mathbb{C}_z \times \mathbb{C}_w, |z| < \rho, |w| < r, 0 < \rho, 0 < r\}$$

polikrugda aniqlangan bo'lsin. Agar $f(z, w)$ funktsiya $D = U(0, \rho) \times U(0, r)$ polikrugda

golomorf va har bir fiksirlangan $z \in U(0, \rho)$ da w bo'yicha $w \in \mathbb{C}_w, |w| < R, r < R$

doirada golomorf davom qilsa, u holda bu funktsiya

$$z, w \in \mathbb{C}_z \times \mathbb{C}_w, |z| < \rho, |w| < R$$

polikrugga barcha o'zgaruvchilar bo'yicha bir yo'la golomorf bo'ladi.

Bu tasdiq Xartogs lemmasi deb ataladi ([1] ga qarang) va turli xil umumlashmalarga ega. Ayniqsa, Xartogs teoremasini isbotlashda muhim o'rin egallaydi. Funktsiyani fiksirlangan yo'nalish bo'yicha golomorf davom qildirish masalalarida Xartogs lemmasi muhim ro'l o'ynaydi. $f(z, w)$ funktsiyani fiksirlangan yo'nalish bo'yicha golomorf davom qildirish masalasi M.V.Kazaryan [2], A.S.Sadullayev va E.M.Chirka [3], T.T.To'ychiyev va C.A.Imomqulov [4], J.U.Xujamov va C.A.Imomqulov [5] ishlarida o'rganilgan. Ularning ishlarida har bir fiksirlangan $z \in U(0, \rho)$ da $f(z, w)$ funktsiya w bo'yicha butun \mathbb{C}_w ga (cheklita (sanoqlita) polyar to'plamdan tashqariga) golomorf davom qilsa, bu funktsiyani golomorflik sohasi o'rganilgan.

Ushbu maqolada $f(z, w)$ funktsiya

$$G = \{z, w \in \mathbb{C}_z \times \mathbb{C}_w, |z| < r, |w| < R\}$$

sohada golomorf bo'lib, ixtiyoriy fiksirlangan $z_0, w_0 \in G$ uchun

$z, w \in \mathbb{C}_z \times \mathbb{C}_w, w^2 - z = w_0 - z_0$ silliq sirt bo'yicha golomorf davom qilsa, uni golomorf davom qilish sohasi o'rganilgan.

Agar $f(z, w)$ funksiya

$$G = \{z, w \in \mathbb{C}_z \times \mathbb{C}_w, |z| < r, |w| < R, 0 < r, 0 < R\}$$

sohada golomorf bo'lsa, u holda bu funksiya

$$f(z, w) = \sum_{k=0}^{+\infty} c_k z \cdot w^k \tag{1}$$

Xartogs qatoriga yoyiladi ([1] ga qarang). Bunda

$$c_k z = \frac{1}{2\pi i} \int_{\gamma_\rho} \frac{f(z, \xi)}{\xi^{k+1}} d\xi, \quad k = 0, 1, 2, \dots$$

va

$$\gamma_\rho = \{\xi \in \mathbb{C}, |\xi| = \rho, 0 < \rho < R\}.$$

Umuman olganda (1) Xartogs qatori $G = \{z, w \in \mathbb{C}_z \times \mathbb{C}_w, |z| < r, |w| < R_*\}$ soha ichidagi istalgan kompaktda tekis yaqinlashadi ([3] ga qarang). Bunda

$$R_* = \frac{1}{\lim_{k \rightarrow +\infty} \sqrt[k]{\|c_k z\|_E}}$$

va $E \subset \mathbb{C}$ polyar bo'lmagan kompakt to'plam.

(1) ko'rinishidagi Xartogs qatoridan biz quyidagi teoremani isbotlashda foydalanamiz.

Teorema. Aytaylik, $f(z, w)$ funksiya

$$G = \{z, w \in \mathbb{C}_z \times \mathbb{C}_w, |z| < r, |w| < R, 0 < r, 0 < R\}$$

polikrugda golomorf, \overline{G} da uzluksiz va har bir fiksirlangan

$$\lambda \in \left\{ \lambda \in \mathbb{C}, |\lambda| < d = \max_{\substack{|z| < r \\ |w| < R}} |z - w^2| \right\}$$

uchun $F_\lambda = \{z, w \in \mathbb{C}_z \times \mathbb{C}_w, z - w^2 = \lambda\}$ algebraik to'planning barcha nuqtalariga golomorf davom qilsin. U holda $f(z, w)$ funksiya

$$D = \{z, w \in \mathbb{C}_z \times \mathbb{C}_w, |z - w^2| < d\}$$

sohada golomorf davom qiladi.

$f(z, w)$ funksiya G sohada golomorf va F_λ bo'yicha golomorf davom qilgani uchun

$\varphi(\lambda, w) = f(w^2 + \lambda, w)$ funksiya fiksirlangan $\lambda \in \mathbb{C}, |w^2 + \lambda| < r$ larda w

bo'yicha butun \mathbb{C}_w tekislikda golomorf davom qiladi. Har bir fiksirlangan $w \in \mathbb{C}$, $|w| < R$ larda $\varphi_{\lambda, w}$ funksiya $\lambda \in \mathbb{C}$, $|w^2 + \lambda| < r$ sohada golomorf bo'ladi. Xartogs teoremasiga ko'ra $\varphi_{\lambda, w}$ funksiya $\lambda, w \in \mathbb{C}_z \times \mathbb{C}_w$, $|w| < R$, $|w^2 + \lambda| < r$ sohada golomorf bo'ladi. Endi $\varphi_{\lambda, w}$ funksiyani w bo'yicha Xartogs qatoriga yoyamiz

$$\varphi_{\lambda, w} = \sum_{k=0}^{+\infty} c_k \lambda w^k \quad (2)$$

Bunda

$$c_k \lambda = \frac{1}{2\pi i} \int_{\gamma_\rho} \frac{\varphi_{\lambda, \xi}}{\xi^{k+1}} d\xi, \quad k = 0, 1, 2, \dots$$

va

$$\gamma_\rho = \{ \xi \in \mathbb{C}, |\xi| = \rho, 0 < \rho < R \}.$$

Har bir fiksirlangan $\lambda \in \left\{ \lambda \in \mathbb{C}, |\lambda| < d = \max_{\substack{|z| < r \\ |w| < R}} |z - w^2| \right\}$ larda (1) qatorning

yaqinlashish radiusi $R = +\infty$ bo'lgani uchun Koshi - Adamar formulasiga asosan

$$\overline{\lim}_{k \rightarrow +\infty} \sqrt[k]{|c_k \lambda|} = 0$$

bo'ladi. Ushbu

$$u_k \lambda = \frac{1}{k} \ln |c_k \lambda| \quad k = 0, 1, 2, \dots$$

funksiya $\left\{ \lambda \in \mathbb{C}, |\lambda| < d = \max_{\substack{|z| < r \\ |w| < R}} |z - w^2| \right\}$ sohada subgarmonik va

$$\overline{\lim}_{k \rightarrow +\infty} u_k \lambda = -\infty.$$

(2) formuladagi Xartogs qatori har bir fiksirlangan $\lambda \in \mathbb{C}$, $|\lambda| < d$ larda \mathbb{C}_w tekislikda yaqinlashuvchi bo'lgani uchun ixtiyoriy $0 < \rho < +\infty$ va ixtiyoriy $\lambda \in \mathbb{C}$, $|\lambda| < d$ uchun $|c_k \lambda \cdot \rho^k| \rightarrow 0$ bo'ladi. Bunda shunday $k_0 \in \mathbb{N}$ son mavjudki, istalgan $k > k_0$ larda $|c_k \lambda \cdot \rho^k| \leq 1$ bo'ladi, ya'ni $\overline{\lim}_{k \rightarrow \infty} \frac{1}{k} \ln |c_k \lambda| \leq \ln \frac{1}{\rho}$ bo'ladi. $f_{z, \omega}$ funksiya \overline{G} da uzliksiz bo'lgani uchun shunday $M > 0$ soni mavjudki, ixtiyoriy $z, \omega \in \overline{G}$ uchun $|f_{z, \omega}| \leq M$ bo'ladi. U holda Koshi tengsizligida $|c_k \lambda| \leq \frac{M}{R_0^k}$ $0 < R_0 < R$ bo'ladi, ya'ni

$$u_k \lambda = \frac{1}{k} \ln |c_k \lambda| \leq \ln \frac{M^{\frac{1}{k}}}{R_0} \leq A.$$

Bu esa $u_k \lambda$ funksiya tekis chegaralanganligini bildiradi. U holda Xartogs teoremasiga ko'ra ixtiyoriy σ $0 < \sigma < \rho$ va ixtiyoriy $\lambda \in \mathbb{C}$, $|\lambda| < d$ uchun shunday $k_0 \in \mathbb{N}$ son mavjudki, istalgan $k > k_0$ larda $u_k \lambda \leq \ln \frac{1}{\sigma}$ bo'ladi. Bundan $|c_k \lambda \cdot \sigma^k| \leq 1$ bo'ladi, ya'ni (2) formuladagi Xartogs qatori

$$\lambda \in \mathbb{C}, |\lambda| < d \times w \in \mathbb{C}_w, |w| < \sigma$$

soha ichida tekis yaqinlashadi. ρ va σ lar ixtiyoriyligidan (2) qator $\lambda \in \mathbb{C}, |\lambda| < d \times \mathbb{C}_w$ sohada tekis yaqinlashishi kelib chiqadi.

Endi $\lambda = z - w^2$ almashtirish bilan orqaga qaytsak, $f(z, w)$ funksiya

$$D = \{z, w \in \mathbb{C}_z \times \mathbb{C}_w, |z - w^2| < d\}$$

sohada golomorf bo'lishini ko'ramiz. Shuni isbotlash talab qilingan edi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Шабат Б.В. Введение в комплексный анализ. Часть 2. Москва, «Наука», 1985.
2. Казарян М.В. О голоморфном продолжении функций со специальными особенностями в С. ДАН. Арм. ССР. 1983. т.76. с13-17.
3. Садуллаев А.С. И Чирка Е.М. О продолжении функций спольярными
4. Особенностями. Мат. Сб. 1987. т.132(174) №3. с. 383-390.
5. Туйчиев Т.Т. Имомкулов С.А. Голоморфное продолжение функций, имеющих особенности на параллельных многомерных сечениях. ДАН. РУз. 2004. №2
6. Imomkulov S.A. Khujamov J.U. On holomorphic continuation of functions along boundary sections. Mathematica Bohemica. (Czech Republic)-2005 V. 130(3) P. 309-322.
7. Чирка Е.М. Комплексные аналитические множества. Москва-1985.
8. С.Ленг. Алгебра. Москва. Мир, 1968.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№5/2 (101)
2023 й., май**

Ўзбекча матн муҳаррири:
Русча матн муҳаррири:
Инглизча матн муҳаррири:
Мусахҳиҳ:
Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод
Ҳасанов Шодлик
Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Ўрозбоев Абдулла
Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 05.05.2023
Босишга рухсат этилди: 10.05.2023.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 16,75 б.т. Буюртма: № 5-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18